«KAMOLOT» KUTUBXONASI

Кнут Гамсун

Эдварда



ЯНГИ АСР АВЛОДИ
ТОШКЕНТ
2015

УЎК: 821.113.5-3
КВК: 84(4Нор)
Г – 18
Гамсун, Кнут
Эдварда: роман / Кнут Гамсун. Таржимон: Муҳиддин Омон. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2015. – 280 б.

ISBN 978-9943-27-606-2

Таржима асарнинг муваффақияти нимада? Унинг муваффақияти асарни қайси тилга таржима қилинишидан қатъи назар, худди уни аслиятдаги каби ўқишинг, тушунишинг, ҳис қилишинг, изтироб чекишинг... ва ҳоказоларда.

Кнут Гамсуннинг «Эдварда» асари билан ўзбек китобхони илк бора танишмоқда. Айтиш жоизки, инсон қалбини тўлқинлантирадиган, барча шодликлару ғам-қайғулар жо бўлган бизнинг яширин маконимиз – кўнглимиз билан сирлашишга имкон берадиган бундай асарлар адабиётда бармоқ билан санарли.

«Эдварда» бизнинг қалбимизга шуниси билан яқин. Ушбу асарни айнан шоир-таржимон ўгиргани ҳам бежиз эмас. Асардаги ҳар бир қаҳрамон ҳолати, унинг шодлигию қайғуси, изтиробию аламларини, қалбидан кечаётган майда азобларигача бирга туйамиз. Худдики, у бизга бегона эмасдек. Баайни… биз уларнинг ўзига айланамиз...

Азиз китобхон! Сизни ўзбек тилида янги таржима асарни ўқиш имконияти пайдо бўлгани билан муборакбод этамиз.

УЎК: 821.113.5-3
КВК: 84(4Нор)

Таржимон:
Муҳиддин ОМОН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ISBN 978-9943-27-606-2
© «Эдварда» («Пан») К. Гамсун.
© Ўзбек тилига таржима, Муҳиддин Омон.
© «Янги аср авлоди», 2015 йил.

1

Сўнгги кунларда мен нуқул шимол ёзининг узоқ чўзиладиган кунлари ҳақида ўйлаганим-ўйлаган бўлиб қолди. Хаёлимдан ўша ёз кунларини кечирганим – ўрмон, унинг ортидаги менга муқим қўналға вазифасини ўтаган ўрмон қоровулхонаси чиқмаётир. Ва мен тобора узайиб бораётган кунларимни қисқартириш мақсадида, тўғрироғи, шунчаки кўнгилхушлик учун бирор нарса қоралашга ҳаракат қилдим. Вақт жуда имиллаб ўтаётир, мен эса уни жадалроқ ўтиши учун ҳеч нима қила олмайман; ҳолбуки, кўнглимни ҳеч бир ғам-ғусса ёки ташвиш безовта қилаётгани ҳам йўқ, шул важдан чин маънода ташвишлардан холи, бамайлихотир яшаётирман. Ҳаётимдаги ҳамма нарсадан розиман, тўғри, ёшим ўттизга бориб қолди, аммо бу ҳали анчагина узоқ яшадим, дегани эмас-да! Бир неча кун аввал мен почта орқали, олисдаги бир одамдан иккита қуш патини олдим, дарвоқе, у менга бу патларни ҳечам юбориши керак эмасди, аммо нима ҳам дердим, у шундай қилибди. Иккита ям-яшил қуш патларини гербли қоғозга ўраб, елимлаган ҳолда муҳрлаб менга юборибди. Бу қуш патларини томоша қилишнинг ўзи мароқли эди, улар шунақанги яшил тусдаки, шундай товланардики, асти сўраманг. Умуман олганда,

мени ҳеч нима безовта қилаётгани йўқ, тўғри, чап оёғимдаги ўқтин-ўқтин оғриқ бераётган санчиқни айтмасам, албатта; у ҳам аслида аллақачон битиб кетган эски жароҳатимнинг асорати.

Эсимда, бундан икки йилча аввал вақт, ҳозиргидек эмас, аксинча жуда тез ўтаётганди, ўшанда мен кўз очиб юмгунимча ёз мавсуми тугаб бўлувди. Булар роппа-роса икки йил аввал, яъни 1855 йилда содир бўлган. Мана, бугун мен, шунчаки ўзим учун, ўша кунларда бошимга тушган кўргиликлар, воқеа-ҳодисаларнинг бариси ҳақида ёзишга қарор қилдим, эҳтимол, буларнинг ҳаммасини шунчаки тушимда кўргандирман. Энди у нарсаларнинг кўп тафсилотлари хотирамдан кўтарилиб кетган, ахир мен у воқеалар ҳақида ҳеч ам эслагандим-да: аммо бир нарсани ҳеч унутмайман, ўшанда тунлар ниҳоятда ёруғ бўларди. У пайтлар менга жуда кўп нарсалар ғалати туйиларди: бир йил ўн икки ойдан иборатлигини ҳамма билади, албатта, бироқ ўшанда назаримда тунлар худди кундузга айланиб қолгандек эди, чунки қоқ тунда осмонга қарасангиз ҳам, иримига бўлсин, бирорта-бир юлдуз милт этиб кўринмасди. У ердаги одамлар ҳам мутлақо бошқача, умримда уларга ўхшайдиганларни учратмаганман; баъзида менга бир кун аввал она сути оғзидан кетмаган мурғак гўдак атиги бир кечадаёқ улғайиб, ақлли, хушсурат ҳилқатга айланиб қолгандек туйиларди. Йўқ, бунинг сиз ўйлаган сеҳру жодуга ҳеч бир алоқаси йўқ, ҳечам, шунчаки мен шу пайтгача бунақасини учратмагандим... О, Худо ҳақи, чиндан-да учратмагандим... ҳеч қаерда ва ҳеч қачон...

Шундоққина денгиз бўйидаги маҳобатли оқ уйда тақдир мени қисқа муддат бўлса-да бутун фикру зикримни, хаёлимни банд қилиб қўйган бир аёл билан рўбару қилди. Энди эса у ҳақда онда-сонда бир эслаб қолмасам, астойдил ўйлаб, бош қотириб ўтириш хаёлимга ҳам келмайди, тўғрироғи уни деярли унутиб ҳам юборганман; аксинча, мен энди кўпроқ мутлақо бошқа нарсаларни эслайман; айтайлик, денгиз қушларининг баланд овозда «қағиллаш»ларини, ўрмон бағридаги ов манзараларини, у ерда кечган тунларни, жазирама ёзнинг-ку, ҳар бир соати эсимда. Дарвоқе, бизни у билан бир тасодиф учраштирганди, агар ҳаётимда ана шу тасодиф бўлмаганда, балки, у ҳақда бир кун ҳам ўйлаб ўтирмасдим.

Қоровулхонада туриб мен кичик оролчаларда, сув сатҳига бўртиб чиққан қоятошлар юзасида содир бўлаётган ғала-ғовурни, улкан баҳрул уммоннинг мўъжазгина бир қисмини, олисдан бўй чўзиб турган мовий чўққиларни кўра олардим. Қоровулхонанинг ортида эса ўрмон, ўрмон бўлганда ҳам ҳад-ҳудудсиз, бепоён ўрмон ястаниб ётарди. Мен дарахт илдизларининг, япроқларининг ҳидларидан, ажабтовур мойга тўлган қарағай мумларининг мушкин бўйларидан шу қадар роҳатланар ва шодланардимки, асти сўраманг; фақат ўрмондагина ўзимни тинч, сокин ором бағрида, кучли ва соғлом ҳис этардим, ҳеч нарса мени безовта қилмас, бадимга тегмасди. Худонинг берган куни Эзоп билан тоққа чиқардим ва менга шундан ўзга ҳеч нарса керак ҳам эмасди гўё; тоққа чиқдимми – бас, гарчи ҳали чўққиларда қор мўл-кўл эса-да, баъзи жойлардаги эрувгар-

чилик сабаб атроф ола-чалпоқ тусда қорайиб кўринарди. Якка-ю ягона дўстим Эзоп эди. Бугун унинг ўрнини Кора эгаллади, у пайтлар Эзоп, яъни кейинчалик мен ўз қўлим билан отиб ташлаган кўппагим – Эзопгина чин дўст эди менга.

Кўпинча кечқурунлари бизга қўналға бўлмиш қоровулхонага яқинлашарканман, юрагим ажиб бир тарзда хаприқиб кетар, бутун вужудимни қувончли бир титроқ чулғарди, шундай пайтларда мен Эзоп билан қанчалар яйраб яшаётганлигимиз ҳақида гаплаша бошлардим. «Мана, ҳозир ўчоққа олов ёқамизда, сен билан маза қилиб қуш эти пиширib, тановул қиламиз, – дердим. – Хўш, бунга нима дейсан?» Кечки овқатни еб бўлганимиздан сўнг Эзоп ўчоқ ортидаги ўз ўрнига узала тушиб ётиб оларди. Мен эсам бамайлихотир трубкамни бурқситиб, сўрига ясланардим-да, ўрмоннинг сокин гувранишларига қулоқ тутардим. Шамол бизнинг кулбамиз томонга эсарди. Шу сабабли мен олис тоғлардаги ўрмон қарқурининг қағиллашларини бемалол ва аниқ-тиниқ эшита олардим. Баъзан эса бутун борлиқ бирданига сув қуйгандек тим-тирс, жимиб қоларди.

Мен кўпинча, уст-бошимни ечиб ҳам ўтирмасдан уйқуга кетардим, эрталаблари денгиз қушларининг безовта қичқириқларигина мени уйғота оларди. Шунда мен кулбачамнинг дераза сидан боқиб, дастлаб улкан оқ бинони, кейин Сирилунн[1] пристанидаги ўзим ҳар куни нон харид қиладиган дўкончани кўрардим. Шунда ҳам ётоқчамдаги сўридан дарҳол туриб кет-

[1] Сирилунн – Норвегиянинг шимолида жойлашган кичик порт шаҳар. *Таржимон изоҳи.*

мас, балки бирор муддат ўзимнинг шу тобда Норвегиянинг энг шимолидаги Нурланндек[1] масканида, бепоён бир ўрмоннинг энг чеккасидаги қоровулхонада эканлигимдан алоҳида сурур туйиб, ҳузурланиб ётаверардим.

Эзоп эса бундай пайтларда ўзининг узун ва озғин танасини чўзиб кериша бошларди, дам-бадам эснаб, думларини чаққонлик билан ликиллатарди, итнинг бу хатти-ҳаракатларидан бўйнидаги боғич шилдирар, оқибатда мен ҳам ўрнимдан сакраб туришга мажбур бўлардим. Қизиғи шундаки, мен ўшанда атиги уч-тўрт соатгина ухлаган бўлсам-да, тиниқиб дам олар, кайфиятим аъло, ўзимни худди туни билан тўйиб ухлагандек тетик, кўнгли тўқ ва хотиржам сезардим.

Жуда кўп тунларимиз айни шундай кечарди.

2

Баъзан шундай бўладики, тегрангда ёмғир шаррос қуяди, бўрон айқиради, лекин кутилмаганда, мана шундай рутубатли, қора булутли бир кунда сени ҳеч бир сабабсиз, аллақандай хушнудлик чулғайди. Оқибатда сен кўнглингда мойдай чайқалиб турган ушбу ҳузурли кайфиятни тўкиб юбормаслик учун жон ҳовучлаб юра бошлайсан. Баъзан эса саҳар мардондан ўрнингдан туриб оласан, турасан-у дафъатан кўз олдингда намоён бўлган кенгликларга тикилиб қоласан, кейин секингина кулиб, атроф-теваракка аланглайсан. Бундай пайтларда ни-

[1] Нурланн – Норвегиянинг шимолий ўрмонлари бағридаги кичик аҳоли турар жойларидан бири. *Таржимон изоҳи.*

малар ҳақда ўйлайди киши? Исталган нарса ҳақда, айтайлик: деразангнинг ойналари чиннидай тоза эканлиги, унда ялтираб жилвалана-ётган бир қатим нур, шундоққина деразадан кўриниб турган зилол дарё, ва ҳатто, мовий булутларнинг бағридаги олачалпоқ туйнуклари ҳақида ҳам ўйлашинг мумкин. Бундан ортиқ нима ҳам дейиш мумкин, аслида, бундай лаҳзаларда кишига ортиқча бирор нарсанинг ҳожати ҳам йўқ-да.

Гоҳида эса бунинг тамоман акси бўлади: ҳеч бир ғайриоддий ҳодиса, ажабтовур томоша ҳам сени дилингдаги сокин ўй-хаёлларингдан, маҳзун кайфиятингдан айира олмайди. Ҳатто шовқин-сурон, ўйин-кулгилар билан тўлиб-тошган рақс кечасида ўтириб ҳам сен бу ердагиларнинг шодлигига шерик бўлолмаслигинг, фақат ўз хаёлларинг гирдобида қолаверишинг мумкин. Сабаби, бизнинг барча шодликларимизнинг ҳам, қайғу, андуҳларимизнинг ҳам манбаи, керак бўлса – сарчашмаси фақат ўзимизда, ўз қалбимиздадир.

Мана, мен, ана шундай ғаройиб бир кунни ҳалиям эслаб юраман. Ўшанда соҳил бўйига тушгандим. Бирданига кучли жала бошланиб, нима қиларимни билмай, шу яқин атрофдаги қайиқлар қўйиладиган кулбачага ўзимни урдим. Ҳужрага кириб, ўзимча қўшиқ хиргойи қила бошладим, жуда астойдил, мароқланиб эмас, албатта, шунчаки, вақтни ўтказиш учун, дегандай. Эзоп мен билан бирга эди. У ҳам ёнимда чўк тушиб қўшиғимга синчковлик билан қулоқ берганди. Бирор фурсат ўтиб, ўзим ҳам куйлашдан тўхтаб, атрофга эътиборлироқ

қулоқ тутдим. Шунда аллақандай кишиларнинг ғала-ғовур товушларини эшитдим. Бу овозлар борган сари биз томон яқинлашар, тобора яқинроқдан эшитиларди. Кейин, тасодифан, мутлақо тасодифан мен ёмғирдан паналаб ўтирганим – ҳужрачанинг эшиги шарақлаб очилди. Эшикдан эса иккита жаноб ҳамда бир қиз худди ўқдек отилиб кириб келишди. Уларнинг кайфияти аъло, хандон отиб кулишар, ўзаро бир-бирларига бақир-чақир қилишарди:

– Ҳой, тезроқ, тезроқ бўлинглар! Жала ўтишини шу ерда пойлай қоламиз!

Мен ўрнимдан турдим.

Эркаклардан бири оҳорланмаган бўлса-да, оппоқ манишка, яъни қадама кўкракли кўйлакда эди, кўйлакнинг айнан шу жойи жиққа ҳўл бўлиб, гўё пуфакчалар билан қоплангандек бўртиб қолган; ҳўл кўкракда эса брильянт кўзли тўғнағич осилиб турарди. Бу киши оёғига узун тумшуқли, кўринишидан жуда бошқача, бежирим қилиб тикилган олифтанамо бошмоқлар кийиб олганди. Мен унга таъзим қилдим, у шу атрофда савдогарлик қиладиган жаноб Мак бўлиб, мен доим унинг дўконидан нон харид қилганим учун бу жанобни яхши танирдим. Дарвоқе, у мени бир-икки бор уйига ҳам таклиф қилган. Бироқ, мен ҳалигача бунга вақт топа олмаган, тўғрироғи, бу ҳақда жиддий ўйлаб ҳам кўрмагандим.

– Ие, ана холос! Ўзимизнинг танишлар-ку! – деди у менга тикилиб. Кейин кутилмаганда юз берган бу воқеликка изоҳ бергандек, гапини давом эттирди. – Ҳа, бизлар бир тегирмон бошига чиқиб келмоқчи бўлгандик, аммо кўриб турга-

нингиздек, ортга қайтишга мажбур бўлдик. Бу об-ҳавони қаранг-а, жала қурғур зап қамчилади-да ўзиям! Хўш, бизнинг Сирилуннга қачон қадам ранжида қиласиз, жаноб лейтенант?

У саволига жавобимни ҳам кутмай, мени ўзи билан юрган пастак бўй, қоп-қора соқолли жаноб билан таништирди. У қўшни қишлоқда яшайдиган доктор экан.

Қиз эса бу пайтда нозик шляпасига қадалган ҳарир тўрни бурнигача кўтариб, Эзоп билан оҳиста суҳбатлаша бошлади. Қизнинг кофтаси эътиборимни тортди, у ниҳоятда титилиб, идраб кетганлигидан ва бир оз қийшайган илгакли қадамаларидан билдимки, кофта бир неча бор қайта бўялган эди. Жаноб Мак қизни ҳам менга таништирди, унинг исми Эдварда бўлиб, Макнинг қизи экан.

Эдварда ҳарир тўр остидан мен томонга илкис бир қараб қўйди-да, тағин Эзоп билан шивирлашишда давом қилди, кейин итнинг бўйнидаги тасмага битилган ёзувни ўқишга тушди.

– Демак, сени Эзоп деб чақиришаркан-да... Доктор, Эзоп ўзи ким бўлган? Мен фақат унинг масаллар ёзганлигини биламан. Янглишмасам, Фригиялик[1] бўлган-а? Йўқ, тағинам билмадим.

Мен унга қараб туриб ўйлардим: ғирт ёш бола экан-ку бу қиз, худди мактаб ўқувчиси-я. У баланд бўйли, ўн беш-ўн олти ёшлар атрофида бўлса-да, ҳали балоғатга етмаган; қизнинг узун ва қорамтир қўллари қўлқопсиз эди. Эҳтимол, у уйига борибоқ, бирор бир луғат ёки сўзликдан Эзоп ҳақидаги маълумотларни қи-

[1] Фригия – Кичик Осиёдаги қадимий шаҳар номи. Айрим тарихий маълумотларда машҳур масалнавис Эзоп ушбу шаҳарда туғилганлиги қайд этилган. *Таржимон изоҳи.*

диришга тушади ва бирор кун имкони келса, айни шу ўқиганлари туфайли ўз билимдонлигини кўрсатиб, атрофдагиларнинг эътиборини қозонса керак.

Жаноб Мак мендан ов ҳақида сўраб-суриштирди. Кўпроқ нималар отаётганлигим билан қизиқди. Яна исталган пайтда унинг тасарруфидаги қайиқлардан фойдаланишим мумкинлигини, бунинг учун ўзига бир оғиз айтсам бас эканлигини тайинлади. Доктор эса бу вақт ичида миқ этмасдан ўтирарди. Улар ҳужрадан чиқиб кетишётганда мен докторнинг бир оз оқсаб юришини ва бир неча қадам босиб-босмай, қўлидаги ҳассага суяниб олаётганлигини пайқадим.

Улар кетишгач, мен ҳам уйимга йўл олдим. Кўнглим ҳамон бўм-бўш, ҳувиллаб ётар, шундай бўлса-да, бамайлихотир хиргойи қилардим. Қайиқлар сақланадиган ҳужрадаги бу тасодифий учрашув, менда заррача бўлсин тассурот қолдирмади; бўлиб ўтганларнинг ичида хотирамда қолгани фақат жаноб Макнинг брильянт тўғнағич қадалган қадама кўкракли, жиққа ҳўл кўйлаги бўлди, холос... Дарвоқе, ўша тўғнағич ҳам сувга бўкканидан ўз жилосини буткул йўқотгандек эди.

3

Менинг қоровулхонамдан унча узоқ бўлмаган жойда, баланд бир кулранг тош бўларди. Ўша тошнинг кўриниши шу қадар хушбичим ва очиқ эдики, гўё у ҳамиша менга тикилиб тургандек, ҳатто ёнидан ўтаётганимда мени

таниётгандек туйилаверарди. Эрталаблари мен овга кетарканман, шу тош ёнидан ўтишга интилар, унинг олдига келганимда, беихтиёр у ёқ бу ёғимни тўғрилаб олар, ҳатто сочларимни ҳам тараётгандек, оҳиста силаб қўярдим. Гўёки у оддий тош эмас, менинг уйга қайтишимни интиқлик билан кутадиган содиқ дўстимдек эди.

Ўрмонда эса ов мавсуми ҳам бошланиб кетди. Мен баъзида ёввойи паррандалардан ўлбул отиб турар, баъзида эса умуман овим баридан келмасди...

Ўрмон четидан кўзга яққол ташланиб тургувчи оролчалар ортида улкан денгиз алоҳида салобат, вазминлигу виқор билан осуда бир тарзда ястаниб ётарди. Кўпинча мен олис тоғнинг баланд чўққиларига кўтарилардим-да, юқоридан туриб денгизни кузатардим; сокин ва тинч кунлари денгизда деярли бирор-бир кема кўринмасди, баъзан ҳатто уч кун мобайнида фақат битта елканни, у ҳам бўлса, кичкинагина, худди сув юзалаб учиб юрган оппоқ чағалайни эслатувчи биргина елканни кузатишимга тўғри келарди. Ана, кутилмаганда шамол кўтарилди ва у олислардан кўриниб турган тоғларни бутунлай супуриб ташлагандек бўлди, унинг кетидан эса жануби-ғарб тарафдан кучли бўрон қўпди. Ана шунда менинг кўз ўнгимда ғаройиб бир томоша намоён бўлди. Ҳамма нарса гўё тутун орасида қолгандек эди. Ер билан осмон бир бўлиб кетди, денгиз эса асабий бир тарзда баланд-баланд ўркачларга кўтарилиб, ёввойиларга хос, ваҳшиёна бир рақс жазавасига тушди. Тоғдек-тоғдек сув ўркачлари ва гирдоблари орасидан у гоҳ чавандозларни,

гоҳ дулдул тулпорларни, гоҳида эса пароканда бўлган туғларни улоқтираётгандек бўларди. Мен эса қоянинг бўртиб чиққан жойи ортига беркиниб олганча, ушбу жангу жадал манзарасини кузатардим... Ўша лаҳзаларда хаёлимдан нелар кечганлигини аниқ эслай олмайман. Буни ёлғиз Яратганнинг ўзи билади. Аммо ўшанда, эй, Худойим, бу нимаси тағин... мен бугун нималарга гувоҳ бўляпман, нимага бугун денгиз менга бу томошаларини намойиш қилаётган бўлса, дея ҳайратланганим эсимда. Балки менга айни шу дақиқаларда наинки денгиз, балки бутун борлиқ, коинотнинг миясига назар ташлаш, унда кечаётган жўшқин иш жараёнларини кўриш, кузатиш насиб этгандир! Эзоп ҳам жуда асабий эди, у дам-бадам тумшуғини баланд кўтариб атрофдан ҳид олишга уринар, ажабланарли жиҳати, нимагадир, итнинг панжалари оҳиста қалтирарди; мен унга бирор сўз демаганимдан сўнг, шўрлик ит оёқларимга суйкалганча, денгиз томон тикилиб қолди.

На бирорта бегона овоз, на бирор ҳайқириқ бор – ҳеч қаерда, ҳеч нима кўзга ташланмайди, фақат оғир тўлқинларнинг шовқини тинимсиз гувиллайди, холос. Узоқ-узоқларда денгиз бағрида бир сувости тоши ётганди, у ўз ҳолича ҳаммадан олисда, ҳеч кимга халал бермай, тинчгина ётарди, аммо унинг остидан бир маротабагина тўлқин ўтган эди ҳамки, бу тош гўё қутурган телба каби, йўқ, йўқ, аниқроғи баҳрул уммон бағридан бўй кўрсатган баҳайбат бир паҳлавон каби бош кўтарди... гўё у теграсидаги саросар оламга боқиб, шундай пишқирардики, ҳар пишқирганида унинг сочлари-ю, соқоллари бамисоли кўҳ-

на асотирлардаги жангчининг найзасидек тикка бўлиб кетарди. Кейин у яна ўзини денгизнинг кўпикли оғушига отар, шовуллаган сувга шўнғиганча кўзлардан ниҳон бўларди.

Ана шу бўрон орасидан олислардан кичкинагина, худди қора қўнғиздеккина бўлиб кўринаётган бир кемача ўзига йўл очиб борарди...

Кечқурун мен кемалар тўхтайдиган жойга келганимда ўша қора кемача аллақачон бандаргоҳда турарди; маълум бўлишича, у почта кемаси экан. Бу ерлар учун ўта камнамо бўлган бундай азиз меҳмонни қаршилаш учун бандаргоҳга анчагина оломон йиғилди. Мен бир нарсага эътибор бердим, гарчи йиғилганларнинг ташқи қиёфалари бир-бирларидан фарқланса-да, уларнинг деярли ҳаммасининг кўзлари бирдек кўмкўк тусда эди. Менга яқин жойда оппоқ жун рўмолга ўраниб олганча, бир ёшгина қиз турарди; унинг сочлари тим қора бўлганидан, бошидаги оқ рўмоли янада жозибалироқ туйиларди. Қиз мени синчковлик билан кузатар, айниқса, эгнимдаги чарм камзулим, қўлимдаги милтиғим уни қизиқтирарди чоғи. Мен у билан суҳбатга киришгандим, нимагадир қиз уялганча, ерга қараб олди. Шунда мен унга:

– Сен доим оқ рўмол ўраб юргин. Оқ ранг чиройингни янада очиб юбораркан! – дедим.

Шу пайт қизнинг ёнига бўйлари баланд, норғул гавдали, хўрпайган тўқима жун камзул кийган бир киши яқинлашди. У қизни Ева деб чақирди. Афтидан, Ева унинг қизи бўлса керак. Баланд бўйли, бақувват бу кишини мен таниб қолдим. У темирчи, ҳа, ҳа... мана шу қишлоқнинг темир-

чиси эди. Бундан икки-уч кун муқаддам у милтиқларимдан бирининг синиб тушган тепкисини бошқатдан ясаб берганди.

Бу орада ёққан тинимсиз ёмғир ва шамол ўз ишини қилиб улгурди, зеро, улар туфайли тоғлардаги бор қор супурилиб кетган ёки эриб битганди. Бир неча кун ҳаво жуда намчил ва рутубатли бўлди, атрофдаги чириган шохларнинг шитирлаши, гала-гала бўлиб тўпланиб олган қарғаларнинг бетиним қағиллашлари ҳар қайси кишининг кайфиятини ҳам бузиб юборарди. Аммо бу ҳол узоқ чўзилмади, қуёш аста-секинлик билан эса-да, бу олис маконларга ҳам яқинлаша бошлади, ниҳоят, бир куни саҳарда у ўрмон ортидан виқор-ла бош кўтарди. Қуёш кўтарилаяпти-ю, унинг ҳар қатим зиёси гўё менинг қалбимни беқиёс завқу шавққа чулғаётгандек бўлди; мен эса шодликнинг зўридан тилим лол бўлганича, милтиғимни елкамга осдим.

4

У пайтларда менинг овланадиган ёввойи қушлардан камим йўқ эди, нимани хоҳласам ўшани ўлжа қилардим; баъзан ҳатто қуёнларни ҳам шартта отиб ташлайверардим, гоҳи қарқур, гоҳида эса каклик отардим. Аҳён-аҳёнда бўлса-да соҳил бўйига тушсам, у ердан денгиз қушларини қақшатиб чиқардим. Ҳа, ҳеч нимани аяб ўтирмасдим... Хўп ажойиб пайтлар эди ўзиям... Кунлар ҳам борган сари узаяр, ҳаво эса янада мусаффо тус олаётган эди. Мен икки кунлик овқатимни ғамлаб олардим-да, тоққа, энг юқори чўққилар томон отланардим. У ерларда мен

буғу боқар – лопарлар[1] билан учрашардим, улар менга ўзига хос тарзда турли доривор гиёҳлар қўшиб тайёрланадиган, ҳажми унчалик катта бўлмаса-да, бироқ хийла ёғли пишлоқларидан беришарди. Мен уларнинг олдига тез-тез бориб турардим. Ортга қайтар эканман, йўл-йўлакай бирор-бир ёввойи паррандани отиб, ов халтамга жойлаб қўярдим.

Қайтар чоғда баъзан Эзопнинг бўйнига тасма солиб олардим. Ўзим яшаётган жойдан бир милча қуйида денгиз чайқалиб турар, бу ердаги қоялар улар остида тинимсиз жимирлаб оқиб тургувчи сувнинг таъсирида ҳамиша намиққан ва қорайиб кўринарди. Зилол сувлар эса мудом бир оҳангда, оддийгина бир қўшиқни хуш-хандон куйлаётгандек тўхтовсиз оқиб ётаверарди. Ана шу сокин ва жўнгина қўшиқ, бу ердаги тоғларда туриб теваракни кузатган чоғларимда неча-неча бор менинг туйғуларимга шерик бўлган, жонимга ора кирганди. Мана, ҳозир ҳам ана шу содда ва беғубор сувнинг жилдираган, ҳеч қачон барҳам топмайдиган қўшиғи янграб турибди. Ажабо, дея ўйлардим мен, бу сувлар ширин оҳанг-ла куйлашдан ҳечам тинмайди-я, ҳолбуки, уларнинг хонишини ҳеч ким тинглагани ҳам йўқ. Уларни ҳеч ким эслаб ҳам қўймайди. Шунда ҳам, бари бир, бу зилол сувлар ўз ҳолича куйлайверади, куйлайверади... сира тўхтамайди! Мен ана шу соҳир қўшиқни тинглар эканман, баъзан тоғлар бағрида ёлғиз ўзим эмаслигимни пайқаб қолардим. Бу ерларда баъзан ғаройиб табиат ҳо-

[1] Лопарлар – Нидерландиянинг шимолий ўлкаларида яшовчи саам халқининг эски номи. *Таржимон изоҳи.*

дисалари ҳам содир бўлиб турарди: айтайлик, кутилмаганда момақалдироқ гумбурлаб қолар, унинг ваҳшатга тўла гулдуросидан бирор-бир қоянинг бўртиб турган қисми узилиб тушар ва майда-майда бўлакларга ажралганча, қоятошларга урилиб, ўзидан учқун ва бурқсиган тутун чиқариб бошдан-оёқ тик қияликлардан иборат жарликка томон қуларди; Эзоп бундай пайтларда илкис тумшуғини кўтарар, атрофдан ҳид олишга тушиб кетарди, назаримда, у-бу куйинди ва тутун ислари қаёқдан келаётганлигини англай олмай ҳалак бўларди. Эриган қор сувларидан ҳосил бўлган тезкор ирмоқлар айқирганча тоғлардаги эски ўзанларни ўпиришга тушар экан, бундай пайтларда биргина ўқ овози, ҳатто қаттиқроқ бирор шовқин ёки чинқириқ ҳам улкан қоялардаги баҳайбат қор лахтакларининг ўз жойидан узилиб денгизга қулашига сабаб бўлиши мумкин...

Орадан бир соатлар ўтди... балки ундан ҳам кўпроқ ўтгандир, билмайман, ҳар ҳолда вақт жудаям шитоб билан кечарди. Мен Эзопнинг бўйнидаги тасмани ечиб, итни ўз ҳолига қўйдим-да, ов халтамни иккинчи елкамга оширдим; кейин уйим томон оҳиста қадам ташладим. Қош қорая бошлади. Ўрмонга кирарканман, мен албатта ўзимга таниш, худди ингичка тасмани эслатгувчи, кўплаб илонизи қайрилишларга эга сўқмоққа тушиб олардим. Сўқмоқдан борарканман, унинг ҳар бир муйилишини, ғаройиб чийирмаларини қадам-бақадам босиб ўтишга уринардим. Зеро, шошилишимга ҳожат йўқ эди, ахир мени ҳеч ким кутиб ҳам тургани йўқ-да; шу боисдан бамисоли озод

ва ҳур шамол каби, ўз салтанатимда, сокин ва осуда ўрмон бағрида одимлаб борардим, бинобарин, шу тобда илдамроқ қадам босишимга арзигулик сабабни ҳам, хоҳишни ҳам кўрмасдим. Ўрмондаги қушлар ҳам аллақачон тинчиб қолишган, фақат аҳён-аҳёнда олис-олислардан ўрмон қарқурининг узиб-узиб, лекин муттасил қичқириши қулоққа чалинарди.

Ўрмондан чиқарканман, рўпарамда икки кишининг қорасини кўрдим, улар бамайлихотир сайр қилиб юришарди, мен жадалроқ одимлаб, уларга етиб олдим. Улардан бири йомфру[1] Эдварда экан, мен тавозе билан унга таъзим қилдим, ёнидаги шериги ўша таниш доктор эди. Улар билан суҳбатлашарканман, иккисининг қизиқишига кўра, милтиғимни кўрсатдим, тағин улар компасимни ҳамда ов халтамни ҳам мароқланиб томоша қилишди; мен илтифот юзасидан иккисини ҳужрамга таклиф қилдим, улар бошқа бирор кун, фурсат топиб, албатта киришга ваъда беришди.

Ниҳоят, қоронғи ҳам тушди. Уйимга келиб, ўчоққа олов ёқдим, доимгидек овлаган қушларимдан бирини ўтга тоблаб, кечлик қилдим. Эртага тағин янги тонг отади…

Борлиқ олам ажиб сукунат ва ором оғушида. Мен ҳужрамдаги сўрига мук тушганча дераза-дан атрофни кузатиб ётибман. Ўрмон бундай лаҳзаларда кечки шафақнинг бетакрор жилосига бурканади. Қуёш аллақачон кўздан ғойиб бўлса-да, уфққа худди алвон бўёқ билан чи-

[1] Йомфру – хоним, ойимқиз маъносини билдиради, Норвегияда ҳали турмушга чиқмаган қизларга нисбатан қўлланиладиган атама. *Таржимон изоҳи.*

зилгандек қалин ва муқим нурини ташлаб кетган. Осмон чиннидек беғубор ва тоза, ана шу беғубор ва очиқ ҳилқатга термуларканман, гўё кўз ўнгимда бу кўҳна олам туб-тубигача зоҳир бўлаётгандек туйилади, юрагим хаприқиб, нигоҳим олдида намоён бўлаётган яланғоч ва бегард тубсизликка талпинади, ўзгача бир интиқлик билан интилади, интилаверади... Баъзан ўзимча, нега уфқ кечки пайтлари бу қадар кўзни яшнатувчи заррин ва алвон либосини кийиб оларкан-а, балки у ёқларда, мана шу тубсиз осмон тоқида бугун, айни паллада бирор зиёфат, зиёфат бўлгандаям шоҳона, каҳкашон бағридаги сонсиз юлдузларнинг шодон садолари остида, самовий тўлқинлар узра сайр қилиш билан ўтадиган базми дилкушо бўлаётгандир, – дея ўйлаб қолардим. Ҳа, худди шундайга ўхшайди! Мен бундай фараҳли хаёллар оғушида кўзларимни чирт юмиб оламан, кўзларимни юмиб оламан-да, ўзимни ўша зиёфатдан баҳра олаётганлар даврасида ҳис қиламан. Хаёлларим эса бири иккинчисини босиб, чувалашиб кетаверади, кетаверади... Оқибатда уларнинг боши-кетини тополмай қоламан.

Неча-неча кунларим шу алпозда кечган.

Кундузлари теварак-атрофни мароқ-ла кезиб юрарканман, мен ҳар куни ўрмондаги қорлар қандай эриб бораётганлигини, тоғларда эса баҳайбат музларнинг ўрнидан қандай шиддат билан силжиётганлигини кўрардим. Кўпинча, уйимда егуликлар мўл пайтларида, ҳатто милтиғимни ўқлаб ҳам ўтирмасдим, шунчаки сайр қилардим холос, вақт эса ўз ройишига кўра ўтаверарди, ўтиб бораверарди. Зеро, энди қа-

ёққа қарама, ҳамма жойда томоша қилгулик нарсалар, бутун вужудинг билан қулоқ тутиб тинглайдиган жараёнлар кечарди-да; кундан-кунга ҳамма нарсада ўзгариш, жонланишни пайқаш мумкин эди. Ҳатто ўрмондаги эндигина бўй отган оддийгина шумтол ниҳолидан тортиб, баҳайбат қора арчаларгача сеҳрли бир интиқлик, осуда бир илинж билан баҳорни кутаётир. Мен бир куни тегирмон бошига ҳам чиқиб келдим. Тўғри тегирмон ҳали ҳам муз бағрида эди; аммо унинг теграсидаги узоқ йиллар бадалига ер бағирлаб чўкиб тушган сўқмоқлардан бу томонларга одамлар оғир-оғир қопларда ғалла олиб келишлари шундоққина сезилиб турарди. Мен ҳам гўё ўзимни ана шу тегирмонга ун торттиришга келиб, бир-бири билан бақир-чақир қилишиб навбат кутаётган кишилар орасида сезаман. Тегирмоннинг ёғоч деворларига қарарканман, унда айқаш-уйқаш қилиб ўйиб ёзиб ташланган турли ҳарфлар, саналар кўзга ташланади.

Ҳа, ана шунақа!

5

Хўш, нима қилай, ёзишда яна давом этавераймикан? Йўқ, нимагадир бунга хоҳиш сезмаяпман. Майли, озгина ёзақолай, фақат ўзимнинг кўнгилхушлигим учун, шунчаки вақтни қисқартириш учунгина ёзаман. Баҳонада икки йил олдин бу ерларга баҳор қандай фасоҳат билан кириб келганлиги, борлиқ қанчалар фусункор бўлиб кетганлиги ҳақида ҳикоя қиламан. Ўшанда она замин ҳам, бепоён

денгиз ҳам ўзига хос бўй таратарди, ердаги хазонлардан бир оз униққан чиринди ҳиди келар, гала-гала зағизғонлар эса осмонда чарх уришиб, тумшуқларида ҳар хил хас-хашаклар ташиб, ўзларига ин қуришарди. Орадан бир-икки кун ўтиб, жажжи ирмоқлар ҳам кўпиришга тушиб, янада илдамроқ жилдирай бошлашди, буталар остида аллақачон қичитқон капалаклари ғужғон ўйнашарди; балиқчилар ҳам ўзларининг қишки ов мавсумларини якунлаб, яна соҳил бўйига қайтишди. Балиқ билан бошдан-оёқ лиммо-лим иккита савдо баржаси қоқбалиқ тайёрлайдиган улкан бино ёнида лангар ташлаган; балиқлар қуритиш учун тайёрланадиган бир оз каттароқ оролчада эса ҳаёт қайнарди. Буларнинг бари ҳужрамнинг деразасидан менга шундоққина кўриниб турарди.

Аммо қоровулхонамга у ердаги шовқин-сурон етиб келмас, менинг ёлғизликдаги оромимга ҳеч нарса дахл қилмасди. Баъзан ҳужрам ёнидан кимдир ўтиб қоларди. Бир куни мен темирчининг қизи Евани учратиб қолдим, унинг нозик бурунчаси атрофига сепкиллар тошибди, унчалик кўп эмас, атиги бир-неча донагина...

– Қаёққа боряпсан? – дея сўрадим.

– Ўтин олиб келгани, – жавоб берди у паст овозда. Ева қўлига арқон тутиб олган, бошида эса яна ўша оппоқ рўмол ҳилпирарди. Унинг ортидан тикилиб қолдим, бироқ қиз орқасига ўгирилмади.

Шундай қилиб, кунлар кетидан кунлар ўтаверарди, баъзан аллапайтгача ҳеч кимни учратмасдим ҳам.

Баҳор тобора ўз кучини намоён этар, бундан ўрмоннинг ҳам кайфияти кўтарилиб, шўх-шодон товушларига эрк берарди; айниқса, сайроқи қораялоқлар менга овунчоқ эди, улар дарахтларнинг энг баланд шохларига қўниб олардилар-да, бошларини қуёшга тик тутганларича тинмай чуғурлашарди; баъзан мен ўрмондаги ҳайвонлар ва қушлар билан бирга тонгнинг отишини, нурафшон қуёшнинг чиқишини томоша қилиш мақсадида айни субҳидам, соат иккиларда уйқудан туриб олардим.

Ниҳоят, менинг жисму жонимни ҳам баҳор ишғол қилди, томирларимдаги қон шу даражада гурсиллаб урардики, гўё қоним оқиб эмас, балки вужудим бўйлаб қадамлаб юраётгандек, унинг ҳар бир одими залворини эшитаётгандек бўлардим. Ўз кулбачамда ўтирар эканман, ўрмону сайҳонликларни кезиб, у ерда қушларга қўйган тузоқларимдан хабар олиб келсаммикан, деган ўйга ҳам борардим, бироқ, кўп ўтмай, тағин иссиққина ўрнимдан қўзғалгим келмай қоларди; илло бу кезларда юрагимда ажабтовур ҳуркак бир шодлик саросар кезарди. Ана шундай кунларнинг бирида, Эзоп кутилмаганда ўрнидан сакраб турди-да, турган жойида таққа қотиб, қисқа-қисқа қилиб бир-икки вовуллаб қўйди. Қоровулхонамга кимдир яқинлашаётгандек эди, мен дарҳол бошимдаги картузимни[1] ечарканман, эшик олдида йомфру Эдварданинг овозини эшитдим. Демак, у доктор билан ваъда қилганларидек, ҳар қандай ортиқча мулозаматларсиз ҳам,

[1] Картуз – эркакларнинг айвонча(соябон)ли кепкасимон бош кийими. *Таржимон изоҳи.*

шунчаки бирровга бўлса-да, ҳужрамга кириб ўтишга қарор қилишган.

– Йўқ, у уйида экан, – деди Эдварда, эшик ортида тураркан, қувноқ бир оҳангда. Кейин хонага киргач, ийманибгина қўлини мен томон узатди. – Биз бу ерга кеча ҳам келгандик, аммо сизни тополмадик, – дея изоҳ берди у, нимагадир хижолат тортиб.

Қиз мен ухлайдиган сўрига ташлаб қўйилган ёпинчиқ устига омонатгина ўтириб, қоровулхонамни кўздан кечира бошлади; доктор эса менинг ёнимга, қўлбола ўриндиққа чўкди. Биз у ёқ бу ёқдан суҳбатлаша бошладик, турли нарсалар ҳақида гаплашдик; дарвоқе, мен уларга ўрмонда қандай ҳайвонлар борлиги, ов қоидаларига кўра қачон ва қайси қушни ов қилиш тақиқланиши ҳақида айтиб бердим. Масалан, айни кунларда қарқурларни ов қилиш ман этилган, дедим.

Доктор яна аввалги учрашувимиздаги каби деярли миқ этмай ўтирарди; бироқ, унинг нигоҳи менинг порох соладиган идишим устида турган Паннинг[1] ҳайкалчасига тушгач, у Пан ҳақидаги кўҳна афсонани сўзлай кетди.

– Ҳа, айтинг-чи, – деди Эдварда кутилмаганда, – агар бирваракай ҳамма қушларни овлаш тақиқлангудек бўлса, сиз қандай кун кечирасиз?

---

[1] Пан – бу сўз бир неча маъноларни англатади: хусусан, феодал даврида Польша, Чехия, Белоруссия ҳамда Украинада, феодал, бой ҳамда бояр маъноларида қўлланилиб, сўзма-сўз таржимаси «жаноб» ёки «хўжайин»дир. Яна Пан – қадимги юнон афсоналарига кўра илоҳ Гермеснинг ўғли бўлиб, у чўпонлар ҳамда табиат ҳомийси саналган. Бу ерда муаллиф айни шу тимсол ҳақида гапирмоқда. *Таржимон изоҳи.*

– Балиқ, – дедим мен. – Балиқ ҳамиша жонимга ора киради. Умуман олганда, улкан ўрмонда емак ҳамиша топилади.

– Ҳа, айтган-ча, нега энди сиз, айтайлик... бизларникига тушликка боришингиз мумкин эмас, – деди у бир оз қувлик билан. – Масалан, ўтган йили худди шу ҳужрада бир инглиз киши яшарди, ва у деярли кунора бизникида тушлик қиларди.

Эдварда менга қаради, мен эса унга тикилиб қолдим. Шунда юрагим ўз-ўзидан бамисоли тонгги шудринг остида қолган япроқ каби бехос титраб кетди. Ўша баҳор, ўша мунаввар кун. Ва умуман ўша лаҳзалар бир умрга менинг хотирамга муҳрланди. Кейин, Эдварданинг қошлари... унинг қошлари шу қадар ажойиб ва мафтункор эдики, бамисоли уч кунлик ойнинг ўроғига ўхшарди.

Кейин қиз менинг қароргоҳим ҳақида гапира кетди. Хонамдаги деворларга турли ҳайвон терилари ҳамда қуш патлари осиб ташланганлигидан у худди ёввойи одамлар маскан тутган ғорни эслатарди. Бу Эдвардага жуда ёқди.

– Ҳа, бу ер ҳақиқий бўри уяси экан, – деди у.

Менинг меҳмонларга совға қиладиган ҳеч вақоим йўқ эди, бироқ шундай бўлса-да, қандай қилиб бўлмасин уларнинг кўнглини овлашга тиришардим. Шу ният билан уларга бирорта қуш пишириб беришга қарор қилдим. Ахир, оловда тобланган қуш гўштини худди овдаги каби, бемалол, қўлда тановул қилиш мумкин-да; бу меҳмонлар учун ҳам жуда мароқли бўларди.

Хуллас, мен уларга яқиндагина овланган қуш гўштини оловда тоблаб пиширдим.

Эдварда ўзи ҳалигина эслаган инглиз киши хусусида гапирарди. У шунақанги ғалати чол эдики, нуқул ўзи билан ўзи гаплашиб юрарди. Дарвоқе, у католик бўлиб, қаерга бормасин доим чўнтагида қора ва қизил ҳарфларда битилган, эскирганидан саҳифалари сарғайиб кетган дуолар китобини олиб юрарди.

– Ундай бўлса, эҳтимол у ирландиялик бўлгандир? – сўради доктор.

– Ирландиялик дейсизми?

– Ҳа-да. Айтаяпсиз-ку у католик эди, деб. Модомики католик экан, албатта ирландиялик бўлади-да. Ё гапим нотўғрими?

Эдварда қизариб кетди, кейин жавоб беришни лозим топмагандек, индамайгина кўзларини олиб қочди:

– Ҳа, ҳа, тўғри айтасиз, балки у чиндан ҳам ирландиялик бўлгандир, – деди у кейин, оҳистагина.

Шундан сўнг у нимагадир, ўз-ўзидан хомушланиб қолди. Менинг қизга раҳмим келиб, бу аҳволни тезда бартараф этишга киришдим ва:

– Йўқ, сиз тўғри айтдингиз, у чиндан ҳам инглиз бўлган, чунки ҳеч қачон ирландияликлар Норвегияга келганини кўрмаганман, – дедим.

Хуллас, шу тариқа гаплашиб ўтирарканмиз, бизлар бирор куни фурсат топиб, қайиқда қоқбалиқ тайёрланадиган корхонага бориб, у ердаги қизиқарли иш жараёнлари билан танишиб келишга қарор қилдик...

Мен меҳмонларимни кузатиб, уйга қайтдим-да, ов анжомларимни, яъни қуш ва балиқ

тутишга мўлжалланган турли тўр ва тузоқларимни тузатишга ўтирдим. Балиқ тутадиган матрап эшик тепасидаги михда осиғлиқ турар, унинг бир неча занглаган жойи бўлиб, тўрлари ҳам узилиб тушганди; кейин қармоқларимни ўткирладим, уларни бир оз қайириброқ қўйдим, ёйма тўрларимни ҳам бир қур кўздан кечирдим. Шу пайтда менинг хаёлимни бир жойга тўплашим, бутун диққатимни қилаётган ишларимга қаратишим ниҳоятда мушкул эди! Бошимда нуқул кераксиз ва беҳуда ўйлар ғужғон ўйнарди. Йомфру Эдвардани сўрида қолдирганим жуда чакки иш бўлди-да, аслида уни ёнимдаги ўриндиққа ўтқазишим керак эди. Шу ҳақда ўйларканман, дафъатан кўз олдимда унинг қорачадан келган юзлари ҳамда офтобда тобланган бўйни намоён бўлди; у эгнидаги фартугининг бандларини, беллари янада хипча ва хушбичим кўриниши учунми ёки мода оламининг шу кунги урфига кўрами, ҳар ҳолда, хийла пастроқ қилиб тугиб олганди; мен унинг қўлларидаги бош бармоғи нақадар нозик, аллақандай ёқимли бир тарзда эгилиб туришини ҳам эсладим. Бу ҳолат кўнглимда ажабтовур бир назокат, меҳр уйғотди, қолаверса, қизнинг бармоқ бўғинларидаги бурмалари ҳам бирам ёқимли эдики... Айниқса... айниқса унинг бир оз каттароқ кўрингувчи оғзи, қирмизи дудоқларининг ёниб-ёлқинланиб туришини таърифашга тил ожиз.

Мен ўрнимдан туриб, эшикни очдим-да атрофга син солиб қулоқ тутдим. Бирор-бир

сас эшитилмасди, илло қулоқни динг қилиб эшитадиган товушнинг ўзи йўқ эди. Эшикни яна қайта ёпдим. Эзоп ҳам негадир тагидаги шолчани суриб, илкис қўзғалди, назаримда у алланечук нохушликни пайқагандек эди. Мен бир хаёлимда йомфру Эдварданинг ортидан етиб олиб, ундан балиқ овлайдиган матрапимни ямаш учун ипак ип сўрасаммикан, деб ўйлардим. Ахир бунда ҳеч бир ёлғон йўқ-ку, чиндан ҳам матрапнинг темир симли ҳалқаси занглаган, тўрларининг эса бир-икки жойи сўкилиб ётибди, буни унинг ўзига ҳам кўрсатишим мумкин. Шу ўйда эндигина эшикка томон йўналган ҳам эдимки, ёдимга ўзимда ҳам ипак иплар тиқилиб ётганлиги тушди, ана чивинлар учун ажратилган қутичада исталганча ипак калава турибди. Бундан кайфиятим тушиб, умидсиз бир алпозда, индамай ортимга қайтдим.

Қоровулхонанинг бурчак-бурчакларидан менинг юзимга аллақандай бегона бир нафас урилгандек бўлди, гўё ўз уйимда мени кимдир таъқибли бир назар ила кутиб тургандек эди.

6

Мендан сўнгги кунларда баъзи бировлар: «мабодо ов қилишни ташлаб юбормадингизми?» – деб сўрайдиган бўлиб қолишди; масалан, кечагина битта балиқчи шундай савол берди, унинг айтишича, ўзи икки кун соҳилда бўлиб, тоғ тарафларда бирор марта ҳам ўқ овозини эшитмабди.

Ҳа, чиндан ҳам мен кейинги кунларда бирор марта бўлсин қўлимга милтиқ олганим йўқ, уйимдан ҳам бир қадам жилмадим, боиси – егулигим етарли эди.

Учинчи куни овга отландим. Ўрмон ям-яшил тусга кирган, атрофни ёмғирлардан тўйиниб, намиққан тупроқ ва тобора янгиланаётган дарахтлар ҳиди тутиб кетганди. Сувга бўккан йўсинларнинг орасидан ёввойи саримсоқнинг барглари худди найзадек ниш ура бошлабди. Эҳ, ўша дамларда нималар ҳақда ўйламасдим дейсиз... Тизгинсиз ўй-хаёллар шитобидан бошим ҳам айланиб кетарди, шунда мен беихтиёр ерга ўтириб нафасимни ростлардим. Уч кун бадалига атиги биттагина одамни, у ҳам бўлса, ўша – кеча мени сўроққа тутган балиқчини учратибман, холос. Мен ўзимча шундай хаёл қилардим: балки уйга кетатуриб, ўрмон четида бирор кимсани учратиб қоларман, ҳув ўша сайҳонликда, доктор билан йомфру Эдвардани учратган жойимда. Ахир улар яна шу ерларда сайр қилиб юрган бўлишлари ҳам мумкин-ку. Тағинам, ким билади дейсиз. Ҳа, дарвоқе, нимага энди шу тобда хаёлимга айни улар келдийкин? Ахир ўша жойда мутлақо бошқа оламларга ҳам йўлиқишим мумкин-ку! Мен иккита каклик отдим. Улардан бирини шу заҳотиёқ, пишириб олдим; кейин Эзопнинг бўйнига доимий тасмасини қадаб, етакладим.

Бирор фурсат ўтиб эса мароқланиб тамадди қилдим, офтоб нури туфайли анчагина илиқ бўлиб қолган сайҳонликда ястаниб ётганча, маза қилиб овқатландим. Ҳамма ёқ сокин ва осуда, ҳар-ҳар замонда бирорта қуш ёки бир-

дан эсиб қолган шабадагина қуруқшаган хазонларни шитирлатиб қоларди, холос. Мен ётган жойимда шохларнинг оҳиста-оҳиста, майин-майин тебранишларини томоша қилардим; шамол эса ўз ишини билар, тўғрироғи, вазифасини ўта масъулият билан бажарарди, яъни у ғир-ғир эсганча, гуллай бошлаган дарахтларнинг гулбаргидаги ҳосил бўлган чангларини биридан иккинчисига олиб учар, у бу борада бирор бир гулғунча муртагини ҳам унутмас, хотиридан фаромуш этмасди; ўрмон ана шундай фараҳли сукунат бағрида ором оларди. Ана бир яшил қурт, тўғрироғи одимчи қурт дарахт шохининг четидан эгилиб-букилиб ўрмалаб бормоқда, бечора ҳеч тин олмайди, гўёки унинг бир жойда тўхтаб қолиши мумкин эмасдек. Қурт шўрлик деярли ҳеч нимани кўрмайди ҳам, ҳолбуки унинг кўзлари бор, лекин худди сўқирдек, ғадир-будир баданини тикка қилиб олади-да, митти пайпаслагичларини ҳилпиллатиб, энди қаёққа қадам боссам экан, дегандек тараддудланади; унга қараб турсангиз, гўё дарахт шохини кимдир оқ ипда, катта-катта бахялар билан тикиб, чандиб қўйгандек туйилади. Агар шу тахлит одимласа, бу яшил қурт фақат кечга яқин ўз манзилига етиб борса керак.

Яна осудалик, яна сукунат. Мен ўрнимдан туриб йўлга тушаман, чарчасам бир оз нафас ростлайман-да, йўлимда давом этаман. Ҳозир соат чамаси тўртлар атрофида; вақт олтига яқинлашганда уйимга қайтаман, эҳтимол, йўл-йўлакай бирор кимсани учратиб қолар-

ман. Менинг икки соат вақтим қолди, атиги икки соат... бироқ мен ҳалитдан ҳаяжондаман... кўйлагимга ёпишган арчагул япроқларини ҳамда йўсин толаларини тозалаб ташлайман. Бу ерларнинг ҳар бир қаричи менга таниш ва қадрдон, бундаги одамлар меҳридан мосуво, нигоҳидан бебаҳра ҳар бир дарахтни, ҳар бир тошни яхши биламан. Оёғим остида хазонлар шитирлайди. Ҳар қадам отганимда шитир, шитир... шитир... шитир товушлари... қошимда эса менинг қадрдон дарахтларим, жонажон тошларим! Қалбимни, йўқ, наинки қалбим, балки бутун борлиғимни ажиб бир шукроналик, фараҳ ва ҳузур ҳислари чулғаб олади. Менинг юрагим бутун оламга ланг очиқ... бутун оламга... дунёдаги бор мавжудоту махлуқотларга ланг очиқ... уларнинг бари-бариси меники, ўзимники... мен уларнинг ҳаммасини севаман, ҳаммасини...

Баъзан қўлимга ерда ётган бирорта қуриган шох-шабба илинади, мен уни кафтимга оламан-да, авайлаб разм соламан, кейин эскирган тўнкага чўкканча хаёлга бериламан; ҳа, бу шохча деярли чириб битибди, унинг қобиғи ҳам титилиб кетган, шунда негадир ўша шохчага ачиниб кетаман. Ва ўрнимдан туриб йўлга тушар эканман, ана шу чириган шох-шаббани ҳам отиб, ирғитиб юборолмайман, мен уни оҳистагина ерга қўяман-да, кетиш олдидан унга сўнгги бор аламли нигоҳ ташлайман; шу кичкина шохчага – кечагина навниҳол бўлган, бугун эса чириндига дўнган табиат бўлагига сўнгги бор тикилиб турганлигимни ўйлаб, яна кўзларимда ёш қалқийди.

Ана соат ҳам беш бўлиб қолди. Дарвоқе, ўрмонда қуёш ҳар доим ҳам соатни тўғри кўрсатавермайди, мен бутун кун бўйи фақат ғарбга қараб юрдим, демак, қуёш мени роппа-роса ярим соатга алдаш эҳтимоли бор. Мен буни ўзимча чамалаб айтяпман. Аммо шунда ҳам олтигача ҳали нақд бир соат вақтим бор, мен яна ўрнимдан тураман-да, йўлга тушаман. Хазонлар эса ҳамон оёқларим остида шитирлайдилар, шитирлайверадилар. Ана шу тарзда бир соат ҳам ўтиб кетади.

Мана, ниҳоят рўпарамдаги паст текисликда ўйноқи сой ва тегирмон кўзга ташланди, кечагина, қишли-қировли кунларда улар қалин муз бағрида эди; мен бир нафасга тўхтайман; теграмдаги хазонлар шамол ўйинида чирпирак бўлиб айланадилар, ва уларнинг шитир-шитири мендаги хаёлчанликни буткул сидириб ташлайди. Мен ҳангу манг ва карахт бир аҳволда, турган жойимда тақа-тақ қотаман. Кейин туйқусдан: «Мен кечикдим! Кечикдим!» – дея ҳайқираман. Шунда юрагим қандайдир алам, андуҳ ва ғуссали туйғудан зирқираб кетади. Бироқ шунда ҳам тақдирга тан бергим келмайди, йўлимни уй томонга бураман-да, жадал юра бошлайман, ҳолбуки, кечикканлигимни ўзим жуда… жудаям яхши биламан. Қадамларимни янада жадаллайман, ҳатто югура бошлайман; Эзоп ҳам бир кори ҳол рўй беришини аввалдан пайқагандек, бўйнидаги тасмани тортиб безовта ирғишлайди, ўзига ўхшамаган тарзда вангиллаб юлқинади; оёқларимиз остидаги хазонлар яна қуюнда чирпирак рақс тушади. Бироқ, биз ўрмон чеккасидаги

ўша таниш сайҳонликка чиққанимизда у ерда ҳеч ким йўқлигини кўрамиз. Ҳа, у ерда ҳеч ким йўқ... атроф жимжит, қилт этган тирик жон кўринмайди... сукунат... сукунат... на бирор шарпа кўзга ташланади... на-да бирор сас қулоққа чалинади... осудалик... жимлик...

– Ҳеч ким йўқ-ку! – дейман ўзимча. – Хўш нима қипти, буни шундоқ ҳам билардим.

Сайҳонликда узоқ турмадим, у ердан тезроқ жўнаб кетишни истардим, шу тобда мени фақат хаёлларим, ўйларим бошқарарди, тўғрироғи миямдаги фикрлар мени ўз измига кўра ҳайдаб борарди гўё; мана, кулбачам ёнидаман, у ердан ўтиб ҳам кетдим, Сирилунн томонга кетяпман, ёнимда Эзоп, елкамда ов халта ва милтиқ; гўё бор ашқол-дашқолларимни ортмоқлаб олгандекман.

Жаноб Мак мени ўта самимий бир илтифот билан кутиб олди ва кечки овқатга қолишимни сўради.

7

Назаримда, мен ўзгаларнинг кўнглида нима ўй-хаёллар борлигини ўқий оладигандекман; балки янглишаётгандирман... Лекин, чиндан ҳам агар руҳим тетик, кайфиятим яхши бўлса, мен ўзгалар қалбининг туб-тубларигача кўра оламан. Йўқ, мен бу билан ўзимни жуда ақллиман, демоқчи эмасман... зинҳор ундай эмас. Мана, айтайлик бизлар уч-тўртта эркак ва яна шунча аёл бир хонада ўтирибмиз; мен ана шу ўтирганларнинг кўнглида нималар кечаётганлигини, улар шу

лаҳзаларда нималар ҳақида ўйлаётганликларини ва ҳатто мен ҳақимда қандай фикрда эканликларини шундоққина, миридан-сиригача, аниқ ва равшан кўриб тураман. Менинг назаримдан бирор бир жиҳат четда қолмайди; мана ҳамсуҳбатларнинг яноғига қон югуриб, чеҳралари ёришди; баъзан улардан қайсидир бири ўзини худди бошқа томонга қараётгандек кўрсатишга тиришади, аслида эса кўз қири билан муттасил мени кузатади. Мен ҳам ҳеч нимани билмагандек ўтираверaман, ахир ҳар қандай бегона кўнгилни кафтимдагидек кўриб туришим уларнинг хаёлларига ҳам келмаслигини яхши биламан-да. Мен узоқ йиллар ўзимда ўзгалар қалбини ўқиш, нафақат ўқиш, балки шундоққина кўриб туриш қобилияти борлигига ишониб келдим. Балки, аслида ҳечам бундай эмасдир...

Мен бутун оқшом жаноб Макнинг уйида бўлдим. Албатта, бу ерни исталган пайтда тарк этишим ҳам мумкин эди, зеро, бу уй мен учун ниҳоятда зерикарли туйилаётганди; қолаверса, мен бу ерга астойдил ўзим хоҳлаб ҳам келганим йўқ; мени бунга аллақандай бир куч бошлаб, тўғрироғи, ҳайдаб келгандек эди. Бас, шундай экан, бу ердан қандай қилиб қочиб кета олардим? Биз жаноб Мак билан қарта ташлаб, вист[1] ўйнадик, кечки овқатдан сўнг эса мириқиб тодди[2] ичдик. Мен бошимни қуйи эгганча, дераза тарафга қараб ўтирардим; ортимда

[1] Вист – Европа мамлакатларида XVIII асрдан бошлаб кенг тарқалган қарта ўйинларининг бир тури. Кейинчалик у ўз ўрнини брижга бўшатиб берган. *Таржимон изоҳи.*

[2] Тодди – Турли хилдаги пальма мевалари шарбатини ачитиш асосида тайёрланадиган ўзига хос вино тури (алкоголли ичимлик). *Таржимон изоҳи.*

Эдварда куймаланиб юрарди, у гоҳ меҳмонхонага кирар, гоҳ эса индамай чиқиб кетарди. Доктор эса аллақачоноқ уйига кетиб қолганди.

Жаноб Мак менга ўзи яқиндагина уйига олиб келиб ўрнатган янги чироқларини кўрсатди, улар чиндан ҳам шимолий ўлкаларга илк бор келтирилган дастлабки керосин лампалари эди; бу чироқлар жуда чиройли ва ихчам, қолаверса уларнинг қўрғошиндан ишланган салмоқлигина тагликлари ҳам бор эди. Ушбу чироқларни ҳар куни кечқурун шахсан жаноб Макнинг ўзи ёқар экан; назаримда, Мак бу иши билан мазкур лампаларни кимдир бузиб қўйишидан эҳтиёт қилар, ёки уйда ёнғин бўлиш хавфининг олдини оларди. Гап орасида у бир неча бор ўзининг бобоси бир пайтлар консул, яъни давлат элчиси бўлганлигини эслатиб ўтди; кўйлагимдаги мана шу тўғнағич ҳам менга бобомдан, яъни, муҳтарам консул жаноблари Макдан мерос қолган, – деди. Яна энг муҳими бобомга ушбу тўғнағични шахсан қирол Карл-Юханнинг[1] ўзлари тақиб қўйган экан, деди у фахр-ифтихорга чўмиб. Мак шундай деркан, кўйлагида ялтираб турган брильянт кўзли тўғнағични бармоғи билан яна бир бор ниқтаб қўйди. Макнинг рафиқаси оламдан ўтган экан, у менга уйнинг бурчагида жойлашган хона деворида осиғлиқ рафиқасининг портретини кўрсатди. Портретига қараганда, эгнига ўта дид ва назокат ила тўқилган тўрли

[1] Карл-Юхан – бу ерда муаллиф Карл Юхан Бернадот номи билан машҳур Карл XIV Юханни назарда тутмоқда. У 1818–1844 йиллар мобайнида Швеция ҳамда Норвегия қироли бўлган. *Таржимон изоҳи.*

либос кийган бу аёл анчагина виқор ва салобатга эга бўлган кўринади, суратдан у хайрихоҳлик билан жилмайиб турарди.

Худди шу хонанинг ўзида китоблар билан лиқ тўла шкаф бўлиб, унда ҳатто жуда эскириб кетган французча китоблар ҳам бор эди, менимча улар ҳам меросга қолган бўлса керак; баъзи китобларнинг муқовалари чармдан ниҳоятда бежирим қилиб ишланган, баъзиларига ҳатто олтин ҳал берилганди, айрим китоб муқовалари ичига уларнинг илгариги соҳиблари ўз исм-шарифларини ёзиб ҳам қўйишган. Қатор қилиб териб қўйилган китоблар орасида қомусий олимларнинг асарлари ҳам алоҳида қўр тўкиб турарди; бундан хулоса қилдимки, жаноб Мак фикрлайдиган одам экан.

Биз қарта ўйинига жаноб Макнинг икки нафар иш бошқарувчисини ҳам жалб қилдик; уларнинг ҳар иккиси ҳам ниҳоятда эҳтиёткорлик билан ўйнашар, ҳар бир қартани ташлашдан олдин минг маротаба ўйлаб, чамалаб кўришар, лекин шунда ҳам бари бир, хатога йўл қўйишарди. Улардан бирига Эдварда ёрдамлашаётганди.

Мен бехос ёнимдаги стаканни туртиб, ичидаги винони тўкиб юбордим, бундан аччиқланиб ўрнимдан туриб кетдим.

– Эй, Худо, мен стаканни ағдариб юбордим-ку! – дедим баланд овозда.

Эдварда бу гапимга хахолаб кулди-да:

– Буни биз ўзимиз ҳам кўриб турибмиз, – деди кулгисини ҳамон босолмай...

Шундан сўнг стол атрофидагиларнинг бариси «бунинг ҳеч бокиси йўқ», деган гаплар би-

лан кула-кула мени юпата бошладилар. Кимдир менга сочиқ келтириб берди ва биз ўйинни келган жойидан давом эттирдик. Соат ўн бирга бонг урди.

Эдварданинг бу тарзда хандон ташлаб устимдан кулиши ғашимга тегди ва мен беихтиёр у томонга тикилдим, қизга қараб турарканман, кулаётганда унинг юзлари мутлақо ифодасиз тус олиб, ўзи ҳам хунуклашиб кетгандек туйилди. Ниҳоят, жаноб Мак, иш бошқарувчилари ухлайдиган вақт бўлганлигини айтиб ўйинни тўхтатди; кейин у оромкурсига янада бамайлихотирроқ ўрнашиб олди-да, ўзига тегишли савдо дўконасининг пистан томонига янги пешлавҳа ёздирмоқчи бўлаётганлиги ҳақида гапира бошлади. Мендан бу борада маслаҳат сўради. Пешлавҳани қайси рангдаги бўёқ билан ёзган маъқул? Мен шу тобда жудаям зерикиб кетганимдан, ўйлаб ҳам ўтирмасдан, шунчаки қора бўёқда ёзиш керак, дедим. Шу сўзни айтар-айтмасимдан, жаноб Мак гапимни илиб кетди:

– Қора бўёқда! Ҳа, ҳа албатта-да! «Туз ва кичик бочкалар савдоси» деган ёзувлар катта-катта ҳарфлар билан қора рангда ёзиб қўйилиши керак. Жуда маъқул гап... Илло, қора ранг чиндан ҳам салобат ва виқор тимсоли... Эдварда, назаримда уйқуга ётадиган вақтинг бўлди чамаси?

Эдварда ўрнидан турди, ҳар иккимизга қўлларини узатиб хайрлашди-да, хонадан чиқди. Биз жаноб Мак иккимиз яна аллавақтгача меҳмонхонада гурунглашиб ўтирдик. Суҳбат асносида ўтган йилнинг баҳорида қуриб ишга туширилган темирйўл хусусида, дастлабки те-

леграф тармоғи ҳақида гаплашдик. Эҳ-ҳе, ҳали бу ерга, шимол тарафларга телеграф қачон келишини биргина Худонинг ўзи билади!

Шу жойда орага узоқ жимлик чўкди.

– Биласизми, – деди жаноб Мак, анча тин олгач, – назаримда кўз очиб юмгунимча ёшим қирқ олтига кириб қўйгандек, соч-соқолга ҳам оқ туша бошлади. Тобора қариб бораётганлигимни ҳис қиляпман. Мана, сиз мени кундуз кунлари кўриб, ҳа, жаноб Мак ҳали навқирон, дейишингиз мумкин. Аммо, кечалари ўзим якка-ёлғиз қолганимда, нимагадир юрак-бағрим эзилиб кетади... Кейин сал ўзимни чалғитиш мақсадида қартада пасьянс усулида фол кўраман ёки бошқа бир шумликларни ўйлаб топаман. Биласизми, қартадаги унча-мунча ғирромликларни ҳам уддалайвераман. Озгина бармоқлар чаққонлиги бўлса бас, ҳаммаси хамирдан қил суғургандек чиқаверади... Ха-ха-ха....

– Пасьянс... тағин ғирромликлар дейсизми.. а-ҳа... бармоқлар чаққонлиги, денг? – сўрайман, ясама дағдаға билан.

– Ҳа-да, – дейди жаноб Мак ҳеч бир истиҳоласиз.

Мен унинг кўзларига тикиламан, наздимда, мен унинг нигоҳларидан бор сир-асрорини уқиб олгандек бўламан...

Мак ўрнидан турди, дераза ёнига бориб, ташқарига тикилди; энгашган эди, бутун бўйни қалин тук билан қопланганлиги кўринди. Мен ҳам қўзғалдим. Мак ортига қайрилди ва ўзининг ғайриоддий узун тумшуқли бошмоқларини тақиллатиб мен томон қадам ташлади; у иккала бош бармоғини ҳам нимчасининг чўн-

тагига тиқиб олиб, худди қушча қанот қоқаётгандек қилиб қимирлатар ва хушнудлик ила жилмайиб турарди. Кейин у яна бир бор менга ўзининг қайиқларидан исталган пайтда фойдаланишим мумкинлигини эслатиб, хайрлашиш учун қўлини узатди.

– Йўқ, келинг, яхшиси мен сизни кузатиб қўяман, – деди у; кейин эса шоша-пиша лампаларни пуфлаб ўчирди. – Баҳонада ўзим ҳам бир оз сайр қилиб келаман, ҳали у қадар кеч эмас-ку!

Бизлар уйдан чиқдик.

У менга темирчининг уйи ёнидан ўтадиган йўлни кўрсатиб:

– Юринг шу йўлдан борақалойлик. Бу йўл анча яқин, – деди.

– Йўқ, – дедим мен, – пристан томондаги йўл яқинроқ.

Биз шу тарзда бир оз баҳслашиб турдик, ҳар иккимиз ҳам ўзимизникини маъқуллардик. Шахсан мен ўзимнинг ҳақлигимга юз фоиз амин эдим, шу сабабли Макнинг бу қадар ўз фикрида оёқ тираб туриб олганлигини сира тушуна олмасдим. Ниҳоят у менга:

– Бир нарсага келишиб олайлик, майли, ҳар ким ўзи танлаган йўлдан бора қолсин, қани кўрайлик-чи ким биринчи бўларкин; аммо ким аввал борса, қоровулхона ёнида кутиб туради, – дея таклиф қилди.

Биз йўлга тушдик. У тезда дарахтлар ортига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди.

Мен одатдагидек қадам ташлаб кетарканман, уйчага рақибимдан камида беш дақиқалар илгари етиб боришни мўлжаллаётгандим. Аммо қоровулхонага энди етай деганимда, Мак аллақачон у ердалигини кўрдим.

– Ҳой, қалайсиз, энди? – дея қичқирди у киноялиоҳангда. – Кўрдингизми? Мен доим шу йўлдан юраман. Бу йўл – анча яқинроқ.

Мен ҳанг-манг бўлиб, анграйганча унга тикилиб қолдим. Мак ўта хотиржам нафас олар, зиғирча ҳаллосламасди, яна ажабланарлиси – у югурган одамга сираям ўхшамасди. Шундан сўнг у апил-тапил, хайр-хуш маъносида менга томон тавозе билан эгилиб қўйди. – Уйимизга тез-тез кириб туринг, – дея такрор тайинлаб, тағин ўзи келган йўл билан ортига қайтди.

Мен турган жойимда ҳамон ўйлардим: ана холос, сира ақл бовар қилмайди! Ахир мен масофани жуда яхши ҳис қиламан-ку, наҳотки янглишган бўлсам?! Бунинг устига ҳар иккала йўлдан ҳам бир неча бор юриб кўрганман... Вой, муғамбир-эй! Жаноб Мак тушмагур, яна бир ғирромлигини намойиш қилди, шекилли... балки бу ҳам унинг менга номаълум бир қитмирлигидир?

Мен Макнинг норғул гавдаси яна дарахтлар ортига ғойиб бўлаётганлигини кўриб турардим.

Кейинги сонияларда эса уни пойлаш учун ортига тушдим, катта-катта қадам билан жадаллаб етиб бориб, сездирмайгина уни кузатдим; шунда унинг тинмай юзларини дастрўмолига артаётганлигини кўрдим, бироқ мен бари бир, унинг югурган ёки югурмаганлигини аниқ билолмай қолдим. Мана, ҳозир у жудаям секин юриб борарди, мен энди ундан кўзимни деярли узмасдим. Темирчининг уйи ёнида у яна бир бор тўхтади. Мен ҳам унга яқинроқ бир жойга биқиниб олиб, кузатишда давом этдим. Ниҳоят, эшик очилиб, жаноб Мак уйига кириб кетди.

Соат тунги бирлар бўлиб қолганди, мен буни денгиз тўлқинларига ҳамда теваракдаги ўт-ўланларнинг ҳолатига қараб аниқладим.

8

Шундай қилиб, яна бир неча кунни мен, бир амаллаб ўрмон билан, ўзимнинг ёлғизлигим билан яккама-якка қолиб ўтказишимга тўғри келди. Яратган парвардигор ҳаққи айтишим мумкинки, ҳали ҳеч қачон мен ўзимни ўша биринчи кундаги каби ёлғиз ва афтода сезмаганман. Баҳор бутун борлиқни ўз ҳукмига бўйсундириб бўлганди, энди у ер, бу ерда мойчечагу, қоқигулларни, бўйимадорон гиёҳларини ҳам учратиш мумкин; кичик сайроқи қушчаларнинг ҳам деярли бариси – зябликдан тортиб, митти уруғхўргача аллақачон ўрмонга қайтишган; мен ўрмондаги ҳамма қушларни номма-ном билардим. Баъзида ўзимни у қадар кимсасиз сезмаслик учун чўнтагимдан бир-икки дона сариқ чақани олардим-да, уларни бир-бирига уриб, жиринглатиб ўйнардим. Шундай пайтлари гоҳида, эҳ қанийди ҳозир бу ерга Дидерик билан Изелина[1] келиб қолсайди! – деган хаёлларга борардим.

Тунлар деярли бир тутам бўлиб қолди, гўё қуёш ботиб, озроқ фурсат дам олиш ўрнига, шунчаки денгизга бир шўнғирди-да, яна дарров, тубсиз баҳрул уммон бағридан сувга тўйиб, юзлари қип-қизариб, тетик ва бардам кайфи-

[1] Дидерик билан Изелина – немис тилида сўзлашувчи кўплаб халқларнинг эпик достонлари қаҳрамонлари, хусусан улар норвегия халқ эртакларида ҳам ошиқ-маъшуқлар тимсолида гавдалантирилган. *Таржимон изоҳи.*

ятда олам узра бош кўтарарди. Тунлари мен билан кўп ғаройиб воқеалар содир бўлар, агар улар ҳақида айтадиган бўлсам, гапларимга ҳеч ким, ҳеч қачон ишонмасди. Назаримда, ўрмонлар ҳомийси ва валинеъмати ҳисобланмиш афсонавий Пан мени ҳамиша дарахтлар устида туриб кузатиб юргандек эди. Унинг қурсоғи ҳам ниҳоятда улкан бўлиб, назаримда, у ҳамма егулик-ичкиликларни ўз қорнидан олиб тановул қилаётгандек, букчайиб олганди. Йўқ, буларнинг ҳаммаси шунчаки ҳийла-найранг, аслида у кўз остидан мени тинимсиз кузатар, деярли қадам-бақадам пойлаб юрарди, кейин менинг миямдаги ўйларим нақадар чигал ва чалкаш эканлигини кўриб, чунонам хандон отардики, унинг гулдурос кулгиси садосидан дарахтлар ҳам чайқалиб кетарди. Ўрмон бўйлаб яна шитир-шитир, шивир-шивир тарқаларди. Ҳамма жониворлар, парранда-ю даррандалар жўр овоз бўлиб куйлаётгандек туйиларди менга; ҳайвонлар тумшуқчаларини тепага кўтаришиб ўрмондан ҳид олар, баҳорнинг муаттар бўйларига мослашишга тиришарди, қушлар эса чириқ-чириқ қилиб бир-бирларини чорлашар, эҳтимол ўзаро ишқий роз этишарди. Гўёки бутун борлиқ, она табиат, ҳамма нафас олиб турган мана шу ҳаво ҳам қайноқ ҳисларга, меҳру муҳаббатга қоришиқ чорлов, даъват ва изҳорларга тўлиб-тошиб кетгандек эди. Бу йил май қўнғизлари ҳам бирам кўпайибдики, уларнинг визиллашларига тунги капалаклар ўзларининг ҳарир қанотчаларини силкитиб берган жавоби қоришиб кетаётир, бир сўз билан айтганда, бутун ўрмон бўйлаб, ғаройиб шивир-шивир, висир-висир кезиб юрарди. Мен мана шу кун-

ларда нималарни эшитмадим, қандай товуш, оҳанг ва нолаю, садолар қулоғимга чалинмади дейсиз?! Уларнинг ҳар бирини тавсифлаб, таърифлаб беришнинг имкони топилармиди? Мен уч кундирки, тунни бедор ўтказардим; бир дақиқа ҳам мижжа қоқмай, нуқул Дидерик ва Изелина ҳақида ўйлардим.

Шошилма, дердим мен ўзимга-ўзим, ҳали кўрасан, улар албатта, сенинг қошингга келишади. Ўшанда Изелина Дидерикни секингина холироқ жойга, айтайлик, бирор-бир дарахтнинг соясига чақиради-да, унга шундай дейди:

– Дидерик, азизим, сен шу ерда, суюкли Изелинангни кутиб тур, мен эса ҳов анави овчидан бошмоқчаларимнинг тасмасини боғлаб беришини илтимос қиламан.

Ана ўша овчи эса мен бўламан, чунки Изелина мен буни тушунишим учун айнан менга қараб кўз учириб қўйди-да. Изелина менга яқинлашар экан, юрагим тақа-тақ уришдан тўхтагандек туйилади, йўқ аксинча... у янада гурсиллаб уради, гўёки черков қўнғироқларидек жаранглайди юрагим... юраккинам... бироқ шундай эса-да, бу юрак ҳамма-ҳамма нарсани ниҳоятда теран илғайди, ҳис қила бошлайди. Мана, Изелина... унинг ҳарир кўйлаги остида ҳеч нима йўқ... у бошидан то товонига қадар шир яланғоч... ва мен... мен оҳиста қалтираётган қўлларим билан унинг нозик ва навраста баданларига тегинаман.

– Бошмоқчамнинг боғичини боғлаб қўй! – дейди у менга қараб; ва унинг яноқлари янада ёлқинланиб кетади. Кейин бир оз фурсат ўтиб, у менинг оғзимга, лабларимга нафасини уфуриб шивирлайди:

– Нега бошмоғимнинг боғичини боғлаб қўймаяпсан, севгилим... йўқ, сен боғлаб қўймаяпсан... йўқ, сираям боғлаганинг йўқ, азизим...

Қуёш эса денгизга шўнғиб, бир лаҳзада яна қип-қизил, алвон тусда, бардам ва тетик кайфиятда, гўёки тубсиз денгиз сувларидан мириқиб симириб, чанқоғини қондириб олгандек олам узра мағрур бош кўтаради. Ўрмоннинг ҳар бир кунжида эса яна шитир-шитир, шивир-шивир... висир-висир...

Кейин қиз ақиқдек лабларини лабимга қўйгудек бўлиб дейди:

– Мен кетадиган вақт бўлди. Энди боракалай.

Кетар чоғда у менга қўлларини силкитади, қизнинг юзлари ҳамон ёниб-ёлқинланиб турибди, унинг чеҳраси шу қадар нафис ва шу қадар эҳтиросликки... У ортига ўгирилади, яна менга қўлларини силкитади.

Дидерик эса дарахт остидан чиқади-да, шундай дейди:

– Изелина, сен нималар қилдинг? Мен ҳаммасини кўрдим.

Қиз жавоб беради:

– Хўш, нимани кўрдинг, Дидерик? Мен ҳеч нарса қилганим йўқ.

– Изелина, мен нима қилганингни кўрдим ахир, – дея такрорлайди у, – барисини кўрдим.

Шунда қизнинг жарангдор ва бахтли кулгиси бутун ўрмон бўйлаб таралади. Изелина Дидерикнинг ортидан эргашади. Гарчи у бошидан товонига қадар гуноҳга ботган эса-да, нимагадир шод-хандон ва масрур. Хўш, у қаерга йўл олди экан? Балки, бугун ўрмонда илк бор учратган ўктам овчи йигит ҳузуригадир.

Тун ярмидан оғди. Эзоп арқонини узиб, ўз ҳолича ов қилгани кетиб қолди. Мен унинг тоғ томонларда бир-икки ҳурганини эшитдим, ниҳоят уни топиб, бир амаллаб қайта боғлаб қўйганимда, соат аллақачон тунги бир бўлганди. Шу пайт ёнимга бир чўпон қиз келиб қолди. У қўлидаги сим илгакча билан жун пайпоқ тўқиркан, ўзича секин хиргойи қилиб, атрофга аланглади. Қизиқ, унинг подаси қайда қолдийкин? Қолаверса, у шундай бемаҳалда ўрмонга қандай зарурат билан келдийкин? Наҳотки, ҳеч бир заруратсиз, ҳеч қандай эҳтиёжсиз келган бўлса?! Бўлиши мумкинмас. Балки у қандайдир ташвиш сабабли бу ердадир, балки нимадандир хурсанддир, балки у уйқусизлик дардига мубтало бўлиб, тунлари ухламай чиқадиганлар хилиданмикан? Мен ўзимча тағин бу қиз Эзопнинг ҳурганини эшитган бўлса, менинг ҳам ўрмондалигимни англаб бунга келгандир, деб ўйладим.

У ёнимга келгач, ўрнимдан турдим: турган жойимда унга тикилдим, қизнинг жуссаси жудаям нозик, ўзи эса ниҳоятда ёш эди. Эзоп ҳам ўрнидан туриб қизга тикилиб қолганди.

– Қаердан келдинг? – дея сўрадим ундан.

– Тегирмон бошидан, – жавоб берди у.

Қизиқ, шу пайтда у тегирмонда нима иш қилиши мумкин?

– Шундай бемаҳалда, ўрмонда юришга қўрқмайсанми? – сўрадим мен, – бунинг устига жудаям ёш, нозик ва рамақижон экансан.

У кулиб қўйди-да, жавоб берди:

– Сиз ўйлаганчалик ёш эмасман, аллақачон ўн тўққизга кирганман.

Бироқ, у сираям ўн тўққизга кирмаганди, имоним комилки, у камида икки ёш қўшиб айтди, аслида у ҳали ўн саккизга ҳам тўлмаган. Ажабо, унинг ўз ёшини ошириб айтишига қандай сабаб бўлиши мумкин?

– Қани ўтир-чи, – дедим мен унга. – Энди ўзингни таништир, хўш, исминг нима?

Қиз бир оз тайсаллаб турди-да, исми Генриета эканлигини айтди.

Мен тағин сўрадим:

– Генриета, қайлиғинг борми? У сени ҳеч қучоғига босганми?

– Ҳа, – қиз шундай дея жавоб бераркан, уялинқираб кулиб қўйди.

– Хўш, неча бор қучоқлаган?

У индамади.

– Айт, айтавер, неча марта? – такрор сўрайман ундан.

– Икки марта, – дейди у майин бир овозда.

Мен уни ўзим томонга оҳиста тортаман-да сўрайман:

– У сени қандай қучганди? Мана шундайми?

– Ҳа, – дея шивирлайди қиз ва энтикиб-энтикиб титрашга тушади...

Соат ҳам тўрт бўлиб қолибди...

9

Эдварда билан бир куни орамизда шундай суҳбат бўлди.

– Ҳали замон ёмғир ёғади, – дедим мен.

– Ҳозир соат неча бўлдийкин? – сўради у.

Мен қуёшга тикилиб қарадим-да:

– Бешга яқинлашди, – дедим.

У савол берди:

– Буни сиз қуёшга қараб биляпсизми, наҳотки, шу тарзда вақтни аниқлаш мумкин бўлса?

Орага жимлик чўкди.

– Агар қуёш кўринмаса-чи, унда вақтни қандай биласиз?

– Бундан бошқа ҳам жуда кўп аломатлар бор. Масалан, денгиз сувининг кўтарилиши, ортга қайтиши; ҳатто ўрмондаги айрим гиёҳлар ҳар куни маълум бир вақтда ўз ҳолатини ўзгартиради, қушларнинг овозлари ҳам вақтга кўра ўзгариб боради; баъзи турдаги қушлар сайрашдан тўхтаганда, иккинчи бир тури сайрашга тушади. Яна ўрмон рангларига қараб ҳам вақтни белгилаш мумкин, зеро, ранглар кечга томон тобора сўниб боради, кейин япроқларнинг туси ҳам вақтни айтиб бера олади, улар баъзан оч яшил тусли, ялтироқ бўлишса, баъзан тўқ яшил тусга кирадилар; ва ниҳоят, гапнинг қисқаси шуки, мен вақтни шунчаки кузатиб қўя қолмайман, балки бутун вужудимдан ўтказаман, уни ҳис қиламан, юрак-юракдан туяман.

– Ростданми? – деди у ҳайратланиб.

Мен ҳали замон ёмғир ёғиб қолиши мумкинлигини ўйлаб, Эдвардани кўча юзида узоқ туриб қолишини истамаётгандим, шу важдан бош кийимимни секин қўлимга олдим. Бироқ, кутилмаганда, у яна менга савол бериб қолди, шунда тағин бир оз қолишга мажбур бўлдим. Негадир унинг юзлари дув қизариб кетди ва мендан нима учун бу ерларда юрганлигимни, нима учун овчилик билан машғул эканимни, ва нима учун

ҳеч ким билан яқин муносабатда бўлмаслигим ва ҳоказо, ҳоказолар тўғрисида сўраб-суриштира бошлади. Шунингдек, у мендан:

– Сиз фақат овқатланиш, яъни бир кунлик озуқангиз учунгина ов қиласиз-а, итингиз Эзоп ҳам сиз билан у қадар қийналмайди-я, тўғрими? – дея сўради.

Қиз ўзининг бу каби саволларидан хижолат бўлдими, ҳар ҳолда, янада қизариб, тамом ўзини йўқотиб қўйди. Мен англадимки, унинг олдида кимдир мен ҳақимда гапирган; ҳозир у бегона бир кишининг гапларини такрорламоқда эди. Ва бу ҳол кўнглимни жуда мутаассир қилди, шунда бирданига хаёлимга унинг онаси йўқлиги тушди; шу лаҳзаларда қизнинг ўта нозик ва барча эртаклардаги етимча қизларникига ўхшаш ингичка бармоқларига қараб турарканман, у менинг наздимда янада ҳимоясиз, янада бечораҳол кўриниб кетди. Мен беихтиёр тўлқинланиб гапира кетдим.

Ҳа, албатта, ўрмондаги қушларга қирон келтириш учун ўқ отмайман, фақат ва фақат ўз кунимни кўриш учун ов қиламан. Бир кунда биттагина қарқурнинг ўзи етади менга. Мана бугун, битта қарқурни нобуд қилсам, бошқа бирини эртанги ризқим учун омон қолдираман. Бундан ортиғига на ҳожат?! Нимага мен ўрмонда яшайман, деган саволга келсак, жавоб шуки, мен ўрмоннинг ўғлиман. Мисол учун, биринчи июндан эътиборан какликлар ҳамда қуёнларни ов қилиш тақиқланади, шундай бўлгач, отадиган нарсанинг ўзи қолмайди. Хўп, на илож, мен балиқ овлаб, балиқ билан тирикчилигимни ўтказавераман-да. Айтай-

лик, яқин орада, сизнинг отангиздан қайиқ сўраб олиб, денгизга чиқиш ниятим ҳам йўқ эмас. Наҳотки, менга фақат ов қилишгина муҳим деб ўйласангиз? Йўқ, асло... Мен учун ўрмонда яшашнинг ўзи муҳим. Мен ўрмонда яшашим шарт, тушуняпсизми, шарт... Сабаби бу ерда мен учун ҳамма нарса муҳайё, ўзимни бунда жудаям, жудаям яхши сезаман; бунда – она заминнинг ўзи менинг дастурхоним. Мен овқатланарканман, ҳар гал овора бўлиб стол теграсига бормайман, тановул қилиб бўлгач, уни минг хил расму русум, одоб, андиша қоидаларига биноан тарк этмайман; шунингдек, стаканларни ҳам тирсагим билан туртиб, ағдариб ўзгалар олдида хижолат бўлиб юрмайман. Ўрмонда мен истаган ишимни қилиш ҳуқуқига эгаман. Истасам, шартта кўзимни юмаман-у, уйқуга кетаман, буни ўзим истасам, албатта. Истаган гапимни истаган тарзда гапира оламан. Ахир одам аксарият ҳолларда ўзи истаган гапини айтгиси, айтганда ҳам ҳайқириб, бор овози билан, баралла айтгиси келиб қолади, тўғрими?! Ўрмонда эса бунинг имкони бор, қолаверса, ўрмондаги айтилган ҳар бир гап нақд юракнинг тубидан чиқади...

Мен ундан айтаётган гапларимга тушуняпсизми, дея сўрагандим, қиз «ҳа» – деб жавоб берди.

Мен сўзлашда давом этдим, сабаби у ҳамон мендан кўзларини узмаётганди.

– Эҳ, менинг нималарни кўриб, қандай ғаройиботларга гувоҳ бўлганимни билсангиз, эди! Масалан, қиш фаслида шундоқ ўрмонга чиқасиз-да, какликларнинг қордаги изларига дуч

келасиз. Излар бўйлаб юриб борасиз, бир жойга етганда, излар узилади. Демак, қушлар шу ердан парвозга кўтарилишган. Аммо мен қушларнинг қаноти қорда қолдирган издан ҳам улар қайси тарафга учганлигини билиб оламан. Ва улар ортидан бориб, албатта топаман. Ҳар доим, ҳамиша... ишонасизми... бу нақадар ҳайратланарли... лекин шундай... айнан шундай бўлаверади, ҳамиша қушларни топиб бораман...

Кузда эса тез-тез юлдузларнинг пастга қараб ўқдек қулашига гувоҳ бўлиш мумкин. Тасаввур қилинг-а, бир ўзингиз, якка-ёлғиз ўтирганингизда бепоён каҳкашондан бир юлдуз учса, сиз нималарни ўйлайсиз: эҳ, дейсиз, наҳотки мана шу юлдуз умри, бир ҳилқатнинг, бир дунёнинг умри тугаб, у барбод бўлди? Наҳотки менинг кўз ўнгимда бутун бошли бир дунё интиҳо топди, абадий йўқлик сари равона бўлди? Ва мен бир юлдузнинг ўлимига гувоҳ бўлиб ўтирибман?! – дейсиз албатта. Ёз келганда-чи, атрофга боқсангиз ҳар бир япроқнинг ўз ҳаёти борлигини англайсиз; бундай синчиклаброқ қарасангиз, қайсидир миттигина ҳашаротнинг бир қаноти йўқ бўлади, ахир у нима ҳам қила оларди, умрининг охиригача ўзи туғилган ана шу баргнинг устида, биргина баргнинг устини бутун олам дея тасаввур қилиб яшаб ўтиб кетаверади-да. Буни би-ир ўйлаб кўринг-а, нақадар ачинарли. Шундай эмасми? Ёки, бирорта кўк чивинни кўриб қоласиз, йўқ... майли, буни сўз билан ифодалаб бўлармиди... билмадим, сиз бу гапларимни қандай қабул қиласиз, умуман... мени тушуняпсизми ўзи?

– Ҳа, ҳа, мен сизни тушуняпман.

– Унда яхши. Баъзан эса, бирорта хас-хашак эътиборимни тортади, мен унга тикилиб қоламан, биласизми, шунда ўша қуруқшаган сомон, хашак ҳам менга тикилиб тургандек бўлади. Мен ўша миттигина хашакка қарайман, у эса ожизгина, афтода бир тарзда титра-а-аб тураверади; унинг титраши ҳам бежизга эмасдир, дея ўйлайман, мен. Ёки, бирорта қарағайга боқаман, шубҳасиз, унинг шохлари орасидан энг чиройлисини, қарасанг кўзинг қувонадиганини топаман, албатта бўлади унинг шундай шохи... ҳар бир қарағайда бўлади; кейин шу шох ҳақида хаёлга бериламан. Баъзан, тоғда бирорта одамга ҳам дуч келиб қоламан... ҳа, ҳа, баъзи-баъзида шундай ҳам бўлиб туради.

Мен унга қарадим, қиз олдинга талпинганча, бутун вужуди қулоққа айланиб мени эшитарди. Уни таний олмай қолдим. У шу қадар менинг суҳбатимга берилиб кетганидан, ўзининг кўринишига, юз-кўз ифодасига эътибор бермай қўйганди; қизнинг ҳайратдан донг қотган пастки лаби осилиб тушган, натижада шу тобда у жуда кулгили ва шумшук кўринарди.

– Мен сизни тушуняпман, – деди у ва қаддини бир оз ўнглаб олди.

Кўк тоқидан илк томчилар узилиб тушди.

– Ёмғир, – дедим мен.

– Вой, Худойим-ей, чиндан ҳам ёмғир-ку, – деди қиз ва шу лаҳзадаёқ кетишга отланди.

Мен уни кузатиб ўтирмадим, қизнинг ўзи кетди, мен эса ўз қоровулхонам томон ошиқдим. Орадан бир неча дақиқа ўтиб, ёмғир янада кучлироқ қуя бошлади. Шунда бирдан ортимдан кимнингдир югургилаб келаётганлиги-

ни эшитдим. Ортга ўгирилиб, Эдвардани кўрдим. У чопқиллаб келганидан юзлари қип-қизариб кетган, лекин кулиб турарди.

– Мутлақо унутибман, – деди у ҳансираганча. – Эсингизда бўлса, биргаликда қоқбалик тайёрланадиган корхонага саёҳат уюштирмоқчи эдик... шунга... доктор эртага келаркан... Сиз... сизнинг эртага вақтингиз бўладими?

– Эртага? Нимага энди вақтим бўлмасин... Албатта бунинг учун вақт топаман.

– Буни қаранг-а, ҳали шу ҳақда сўраш мутлақо хаёлимдан кўтарилибди, – қиз шундай дер экан, тағин болалардек беғубор кулиб қўйди.

У ортига қайрилиб кетаркан, оёқлари нақадар ингичка ва чиройли эканлигига эътибор бердим. Дарвоқе, у чопқиллаганидан, оёғининг ҳамма жойига лой чапланибди. Қиз ўзининг ўта нозик шу оёқларига жуда эскириб кетган, бесўнақай бошмоқларни илдириб олганди.

10

Ўша кунни мен алоҳида эслаб қолганман. Зеро, ёзнинг кириб келишини, ўзимча, айни шу кундан эътиборан ҳисоблайман-да. Қуёш ҳали тун ниҳоясига етмасданоқ чиқиб олган, ва эрталабга бориб бутун заминни ўз тафти билан иситиб, ер бағрини яйратиб қўйган, ҳаво ҳам шаррос ёмғирдан кейин янада соф, янада муаттар эди.

Мен пристанга тушдан сўнг етиб бордим. Сувнинг юзаси сокин ва тинч эди; биз томонга сон-саноқсиз балиқлар ёйиб, қоқлаб қуритиш учун тайёрланаётган кичик оролча тарафдан

бир тўда ишчилар ва қизларнинг гангур-гунгир товушлари, шодон кулгилари эшитилиб турарди. Ҳа, ўша кун ниҳоятда шоду хуррам, чиндан-да қувончларга бой кун бўлганди. Бизлар саватларга вино ва турли егуликларни тўлдириб, бутун улфатлар, бор тўдамиз билан иккита қайиққа ўрнашиб олгандик, аёлларнинг ҳаммаси ранго-ранг ва очиқ рангли кўйлакларда эди. Мен ниҳоятда хурсандлигимдан, хиргойи қилардим.

Қайиқда эса шунча одам бирданига қаердан пайдо бўлиб қолганлиги ҳақида ўйлаб борардим. Даврамизда судьянинг ҳамда қишлоқ докторининг қизлари, яна иккита оқсоч қиз, пасторга[1] тегишли қўрғонда истиқомат қиладиган хонимлар ҳам бор эди. Мен уларни биринчи бор кўриб турганимдан мутлақо танимасдим, аммо улар ўзларини шу қадар эркин ва бемалол тутишардики, гўёки биз юз йиллик қадрдонлардек эдик. Албатта, айрим қалтис вазиятлар ҳам юз берди, буни инкор этмайман; мен анчадан буён кўпчиликдан, яъни жамиятдан ажралиб яшаганлигим учун кўп нарсаларни унутибман; хусусан, аксарият ҳолларда мен муҳтарам ойимқизларга «сен»лаб мурожаат қилардим; бироқ улар бу хатойимни «кечиришди». Бир марта ҳатто уларнинг қайсидир бирини беихтиёр, «азизам» ёки «жонгинам» деб ҳам чақириб юборибман, аммо улар бу ҳолатга ҳам гўёки ҳеч нима юз бермагандек, хайрихоҳлик билан муносабатда бўлишди.

Жаноб Мак доимгидек, ўзининг брильянт тўғнағичли ўша оҳорланмаган, таниш қада-

[1] Пастор – протестант мазҳабидаги руҳоний. *Таржимон изоҳи.*

ма кўкракли кўйлагида келганди. Наздимда, у ниҳоятда хушкайфиятда бўлиб, нуқул қўшни қайиқдагиларга бақирарди:

– Ҳой, шоввозлар, сизлар шишаларга эҳтиёт бўлинглар! Бирортаси синиб-нетиб қолмасин тағин! Доктор, эсингизда бўлсин, шишалар учун сиз жавобгарсиз!

– Хўп, бўлади, розиман! – деб ҳайқиради доктор унга жавобан.

Биргина ана шу бақир-чақирларнинг ўзиданоқ, кўнгилларга ажиб бир кайфият, байрамона шукуҳ инаётгандек туйилади... Қалбларда шодлик, хуррамлик юз очади...

Эдварда кеча менинг ёнимга кийиб чиққан кўйлагида эди, балки бошқа кўйлагини топа олмагандир ёки кийимини алмаштиришга эринчоқлик қилдимикан, балки... тағинам билмадим. Бошмоқлари ҳам ўша-ўша. Менга ҳатто унинг қўллари ҳам ювилмагандек кўринди; лекин у бошига аллақандай қуш пати қадалган яп-янги шляпа кийиб олганди. У ўзининг бир неча бор бўялган эски кофтасини қайиқдаги ўриндиқ устига тўшаб олди.

Жаноб Макнинг илтимосига кўра, мен қирғоққа тушганимиздан сўнг қўшоғиз милтиғимдан икки марта кетма-кет ўқ отдим ва биз – барча улфатлар бир овоздан, бараварига «ура!» дея ҳайқирдик. Биз оролча бўйлаб борарканмиз, қоқбалиқ тайёрлаётган ишчилар бизга таъзим билан салом беришар, жаноб Мак эса ўз ишчилари билан суҳбатлашарди. Биз ҳаммамиз соҳил бўйидаги ўтлоқдан арслондаҳан ва айиқтовон каби ўсимликларни, кўзимизга хуш кўринган қайсики гул бўлса, барини юлиб

олиб, кийимларимиз петлицаси, яъни халқасимон илгакларига қадаб ола бошладик; кимларнингдир омади келиб, қўнғироқгулларни ҳам топиб олишибди.

Қирғоқ бўйида, осмонни тўлдириб, гала-гала денгиз қушлари парвоз этишар, уларнинг чуғур-чуғури, кучли қичқириқларидан қулоқ қоматга келарди.

Биз эндигина бўй чўзаётган оққайин ниҳоллари ёнидаги майсазорга жойлашиб, саватларимиздаги ноз-неъматларни дастурхонларга тўкдик, жаноб Мак эса виноли шишаларнинг оғзини бирма-бир очиб берарди. Аёлларнинг ранго-ранг кўйлаклари, мовий кўзлар, қадаҳларнинг жаранги, ложувард мавжланаётган денгиз, унда кезиб юрган оппоқ елканли қайиқлар, буларнинг ҳаммаси бизда завқ-шавқ уйғотарди. Биз баримиз чин юракдан, бундай давралар учун энг муносиб қўшиқларни куйлардик. Ҳаммамизнинг юзларимиз шодликдан гул-гул ёнарди.

Кўп ўтмай мен шоду хуррамликдан бутунлай ақлимни йўқотиб қўйдим, гўё бошим чирпирак бўлиб айланаётгандек эди. Шу тобда руҳиятимга ҳар қандай икир-чикир ҳам қаттиқ таъсир қиларди; айтайлик, аёлларнинг шляпасига қадалган тўр ёки унинг остидан чиқиб турган қўнғироқ сочлар жилоси, бетакрор ифорлар, менга қараб кулиб турган жуфт кўзлар… ва ҳоказо… буларнинг ҳаммаси мени тўлқинлантирар, эҳтиросли бир ҳаяжон гирдобига ташларди. Қандай ажойиб ва фусункор, шодумон ва фараҳли кун-а! – дея ўйлардим.

– Айтишларича, сизнинг қоровулхонангиз жудаям ғаройиб эмиш, жаноб лейтенант?

– Ҳа, ўрмондаги бу масканимни ўзим ҳам жуда яхши кўраман. Бирор куни фурсат топсангиз, меҳмоним бўлинг фрекен[1], менинг кулбачамдек ғаройиб қоровулхонани бошқа ҳеч жойдан тополмайсиз. Уйчамнинг ортидан бепоён ўрмон бошланади, қарасангиз фақат ўрмон… ям-яшил ўрмоннигина кўрасиз…

Кейин иккинчи бир аёл ёнимга келиб, самимий оҳангда савол беради:

– Сиз илгари бизнинг шимол ёқларда бўлмагандирсиз-а?

– Йўқ, – дея жавоб бераман мен, – бироқ, энди бу ерларни жуда яхши билиб олганман, зоти олиялари. Илло неча-неча тунларни мен мана шу пурвиқор тоғлар, мушфиқ ва меҳрибон она замин ҳамда мунаввар чеҳраси доим кулиб тургувчи қуёшингиз билан юзма-юз қаршилаганман… Келинг, яхшиси бундай баланд-парвоз оҳангларни бир четга суриб қўя қолай… Аммо бир гапни айтишим жоиз, ёзингизга гап бўлиши мумкин эмас! Унинг қандай кириб келганини ҳам билмай қолади киши. Бир куни кечаси уйқуга кетсангиз тамом, уйғонсангиз аллақачон ёз келиб улгурган бўлади. Илло, у ҳамма пишиллаб ухлаб ётгандаёқ, бутун борлиқни забт этиб олган бўлади. Мен деразамдан кузатиб, буларнинг ҳаммасини ўз кўзларим билан кўрганман. Қоровулхонамнинг иккита деразаси бор.

---

[1] Фрекен – хоним маъносида, скандинавия мамлакатлари, хусусан, норвегияликларда бу сўз одатда турмуш қурмаган аёлларга нисбатан ҳурмат юзасидан қўлланилади. *Таржимон изоҳи.*

Кейин учинчи аёл менга яқин келди. Унинг қўлчалари бирам нозик, овози ҳам шунақанги диловарки... хаёлимдан «оҳ, бунчалар гўзал, бунчалар ажойиб бу аёл...» деган уй кечади... Умуман, уларнинг ҳаммаси ҳам бир-биридан жозибали, латофатли! Учинчи аёл шундай дейди:

– Келинг, бир-биримизга гул тақдим этайлик. Бу удум бахт келтиради, дейишади.

– Ҳа, майли, – дейман мен у томонга қўлимни узатарканман, – гул алмашсак, алмашибмизда... Раҳмат сизга. Сиз жудаям латофатлисиз, овозингиз ҳам ниҳоятда ширин экан, мен овозингизга мафтун бўлиб қолдим.

Бироқ у кутилмаганда қўлидаги қўнғироқгулларини кўксига маҳкам қучоқлаб олади-да, менга кескин ва зардали оҳангда дейди:

– Вой, сизга нима бўлди? Мен бу гапларни сизга айтмадим... мутлақо гапирганим йўқ сизга... тавба, жуда ғалати экансиз-ку...

Ие, ана холос... Демак, бу хонимнинг ширин гаплари менга аталмаган экан-да! Мен... мен... жуда аҳмоқлик қилибман-ку. Ўзимнинг бу ношудлигимдан юрагим ғашланди ва шу заҳотиёқ бу ердан олисроққа, аниқроғи, ўз уйчамга кетгим келиб қолди. Ҳа, ҳа ўзимнинг кулбаи вайронам – қоровулхонамга кетаман... Фақат ўша ердагина мен ором, ҳаловат топаман. У ерда менинг ягона суҳбатдошим, ҳамдардим – шамол бор... оромбахш, бағри кенг шамол...

– Мени маъзур тутинг, – дейман. – Мени кечиринг, афв этинг, илтимос, – дейман яна ялингудек бўлиб.

Бошқа аёллар ҳам бир-бирларига маъноли қараб олишади-да, менинг бу қадар ноқулай

ва аянчли аҳволда қолганлигимни кўрмаслик учун ўзларини четга оладилар.

Айни шу дақиқаларда ёнимизга кимдир яқинлашади, бу Эдварда, ҳамма уни кўриб, кузатиб турибди. У тўппа-тўғри мен томонга келади, нимадир дейди, бўйнимга осилади, кейин кутилмаганда бошимни ўзига тортади-да, бир неча маротаба, кетма-кет, кетма-кет лабларимдан ўпа бошлайди. У ҳар гал ўпишидан олдин нимадир деб пичирлайди, аммо мен унинг гапларини эшитмайман. Мен шу тобда умуман, нима бўлаётганлигини англай олмайман, лекин, юрагим... юрагим гўё уришдан тўхтаб қолгандек туйилади; фақат Эдварданинг кўзлари қандай чақнаб, порлаб кетганлигини кўриб турибман холос. Мана, ниҳоят у мени қўйиб юборди, бир амаллаб нафасини ростлади, кейин худди шу алпозда, фавқулодда виқор ҳамда салобат билан жойида туриб қолди. Унинг юзлари ва бўйинлари офтобда тобланган... ўзи баланд бўйли, сарвқомат, ўта нозик. Кўзлари эса, ҳануз чўғдек порлаб турар, бироқ назаримда у ҳозир ҳеч нарсани кўрмаётгандек эди; ҳамманинг кўзи унда, ҳамма унга ҳангу манг бўлиб қараб турарди. Эварданинг тим қора қошлари мени тағин ҳайратга солди, унинг қошлари шу қадар бетакрор эдики, айниқса ҳозир, янада баландга кўтарилиб мисоли камон янглиғ эгилиб турганида, бу қошларга лол қолмасликнинг иложи йўқ эди, сираям иложи йўқ...

Оҳ, Худойим-ей! Буни қаранг-а, у ҳаммаанинг кўз ўнгида тап тортмасдан мени шартта ўпиб олди-я!

– Бу қанақаси, бу нима қилиқ, йомфру Эдварда?!

Унга шу саволни берарканман, томирларимдаги қон худди бўғзимдан отилгудек бўлиб, гупириб оқа бошлаганини ҳис этаман, аксига олиб, товушим сўниб, яхши эшитилмайди.

– Ҳеч нима, – жавоб беради у. – Шунчаки, сизни ўпгим келди, холос. Шунчаки, истаб қолдим, тушуняпсизми…

Мен бошимдаги картузимни қўлимга олиб, беихтиёр пешонамга ёпишган сочларимни ортга тарайман-да, унга тикиламан. Шунчаки, эмиш-а? Шунчаки истаб қолганмишлар-а? – дея жаҳлланиб, асабий ўйлай бошлайман.

Шу пайт оролнинг нариги томонидан жаноб Макнинг овози қулоққа чалинади, у нимадир дейди, аммо сўзларини аниқ эшитиб бўлмайди; мен эса яхшиямки, жаноб Мак ҳеч нарсани кўрмади, бунда бўлиб ўтган тентакликдан хабари йўқ, дея хурсанд бўламан. Эҳ, унинг айни шу пайт оролчанинг нариги чеккасида бўлганлиги қанчалар яхши бўлди! Юрагим бир оз таскин топади, кейин мен улфатлар даврасига яқинлашаман-да, кулганимча сўзлай кетаман, даврада ўзимни ниҳоятда бепарво ва хотиржам тутишга ҳаракат қиламан:

– Барчангиздан бу беадаблигим учун афв этишингизни ўтинаман; чиндан ҳам бугун ўзимни йўқотиб қўйдим. Мен йомфру Эдварданинг бир-биримизга гул тақдим этиш тўғрисидаги таклифидан фойдаланиб, унга қўпол лик қилиб юбордим; ижозатингиз ила муҳтарама хонимдан ва барчангиздан узр сўрайман. Ўзингизни менинг ўрнимга қўйиб кўрсангиз, мени тўғри тушунасиз, деб ўйлайман: биласиз,

анчадан буён кимсасиз, ёлғиз ўзим яшайман, хонимлар билан муомала қилишнинг ҳам уддасидан чиқавермайман, бунинг устига бугун кўпроқ ичиб юбордим чоғи, ҳолбуки бу борада ҳам уқувсизман. Шу сабаб, илтифот кўрсатиб, камина қулингизни маъзур тутгайсиз, азизлар...

Мен шу гапларни айтарканман, имкон қадар бепарво бўлишга тиришар ҳамда кулиб турардим. Гарчанд ўзимни бўлиб ўтган бу воқеага нисбатан эслаб юришга ҳам арзимайдиган, ҳозирнинг ўзидаёқ унут бўлиб кетгувчи нарса деб қараётгандек тутсам-да, аслида кўнглим куладиган аҳволда эмас, ниҳоятда ғаш эди. Дарвоқе, менинг шунча куйиб-пишиб ирод қилган ушбу нутқим Эдвардада ҳеч қандай таассурот уйғотмади, мутлақо... ҳатто зиғирча ҳам таъсир қилмади, дейишим мумкин. У мендан фарқли ўлароқ, ўзининг енгилтаклигини яширишни ёки бир оз бўлса-да хаспўшлашни сираям истамасди; аксинча, у шартта менинг ёнимга ўтириб олди, кўзларини эса мендан узмасди. Бу ҳам камлик қилаётгандек, вақти–вақти билан менга гап ҳам отиб қўярди. Кейинроқ, даврадагилар билан қий-чув қилишиб, қувлашмачоқ ўйнаётганимизда у ҳаммага эшиттириб бақириб қолди:

– Қани, менга лейтенант Гланни келтиринглар-чи... Агар мени бошқа бировнинг ортидан югуриб юради десангиз, янглишасиз! Ҳеч қачон бундай бўлмайди! Гландан бошқаси керакмас...

– Жин урсин, нималар деяпсиз, жим бўлсангиз-чи, – дея шивирладим мен унинг қулоғига ва оёғим билан полга депсиниб қўйдим.

Қизнинг юзида ҳайрат зоҳир бўлди, у худди бир жойи оғриётгандек бурнини жийирди-да,

кейин кутилмаганда жилмайди. Шунда у менга янада ожиз, янада ҳимоясиз бўлиб кўриниб кетди, зеро, унинг қарашларида, мана шу нозик қадди-қоматида шу даражадаги бир инжа маъюслик ва ғамгинлик намоён эдики, мен бунга ортиқ дош беролмадим. Бутун вужудимни меҳру муҳаббат туйғулари чулғаб олди ва беихтиёр қизнинг узун ва нозик қўлларидан тутдим.

– Кейин, кейинроқ! – дедим унга меҳр билан. – Ҳозир эмас. Ахир биз эртага ҳам учрашамиз-ку, тўғрими?

11

Тунда Эзоп ётоқдаги ўз бурчагини тарк этиб ириллаганини эшитгандек бўлдим, аммо уйқумда ов қилиб юрганимни туш кўриб ётганим сабабли, итимнинг ириллаши ҳам тушимда бўлаётир, деб ухлаб ётаверибман. Доимий одатимга кўра, эрталабки соат иккиларда қоровулхонадан чиқиб атрофга қарасам, ҳужрам ёнидаги майсазорда одам излари пайдо бўлиб қолибди; кимдир тунда бу ерга келган кўринади, у аввал бир деразанинг ёнига, кейин эса иккинчи деразанинг ёнига яқинлашганлиги шундоқ билиниб турарди. Излар йўлга томон кетганди…

У мен томон шахдам қадамлар билан келаркан, юзлари гул-гул ёнар, кўзлари чақиндек порларди.

– Кутиб қолмадингизми? – деди у. – Мен сизни куттириб қўяманми, деб роса қўрқдим.

Йўқ, мен ҳали кутмагандим, унинг ўзи бунга имкон ҳам бермай, биринчи бўлиб етиб келди.

– Яхши ухлаб турдингизми? – сўрадим ундан. Мен шу тобда нималар дейишим кераклигини деярли билмасдим ҳам.

– Йўқ, қаёқда дейсиз, мен ҳатто ухлагани ётганим ҳам йўқ, – жавоб берди қиз ҳаяжон билан. Кейин у тун бўйи ухлай олмаганини, ушбу тунни шунчаки курсида кўзларини юмганча ўтириб ўтказганини, тун ярмида эса уйидан ҳам чиққанини сўзлаб берди.

– Менинг қоровулхонам ёнига ҳам тунда кимдир келибди, – дедим мен. – Эрталаб уйчам ёнидаги ўтлар устида қадам изларини кўрдим.

Қиз дув қизариб кетади, ва у кўчанинг юзида эканлигимизга қарамасдан қўлларимни маҳкам ушлаб олади, лекин жавоб беришга шошилмайди. Мен унга тикиламан-да, сўрайман:

– Ўша тунги меҳмон мабодо, сиз эмасмидингиз?

– Ҳа, – дейди қиз ва менга беозор суйкалади. – Ҳа, ўша мен эдим. Ахир мен сизни уйғотиб юборганим йўқ-ку; оҳиста-оҳиста қадам ташлаб юрдим-ку. Ҳа, ҳа, ўша чиндан ҳам мен эдим. Яна бир бор сизнинг ёнингизда бўлгим келганди, холос. Мен сизни севаман.

12

Ҳар куни, Худонинг берган куни – мен уни кўрардим. Инкор этмайман, бундан жуда-жуда хурсанд эдим, айтиш мумкинки, бутунлай ақлу ҳушимдан айрилгандим. Шунга ҳам икки йил бўлибди; энди мен бу нарсалар ҳақида фақат ўзим истаган пайтлардагина эслайман; ўша саргузаштлар ёди энди мени шунчаки

овунишим ёки бепарвороқ бўлишим учунгина асқатарди, холос. Ҳикоямнинг муқаддимасида тилга олганим иккита қуш патига келадиган бўлсак, мен улар ҳақида кейинроқ, албатта, ишончингиз комил бўлсин, албатта бафуржа сўзлаб бераман.

Бизнинг ўзаро келишган ҳолда учрашадиган жойларимиз ниҳоятда кўп эди: айтайлик, баъзан тегирмон яқинида, баъзан эса кўча бўйида, ҳаттоки менинг қоровулхонамда ҳам учрашиб турардик; у қаерга кел десам, ўша жойга етиб келаверарди. «Салом!» – дея ҳайқирарди у доим биринчи бўлиб. «Салом!» – деб жавоб берардим мен ҳам.

– Ўҳ-ҳў, куйлашингга қараганда, бугун жуда хурсанд кўринасан, – дейди қиз ва унинг кўзлари янада яшнаб кетади.

– Ҳа, бугун чиндан ҳам хурсандман, – жавоб бераман мен. – Шошма, шошма-чи, елкангга чанг қўнибди, бу... назаримда йўлда... шошиб келаётганингда теккан; оҳ, билсайдинг, бундай лаҳзаларда мен нозик елкангга қўниб турган шу доғни ҳам ўпишга шай тураман. Ҳа, ҳа, агар сен изн берсанг шу ғуборни ҳам ўпишим мумкин. Боиси сенга дахлдор ҳамма нарса мен учун муқаддас, сендаги ҳамма нарса менга мукаррам ва азиз... Сени деб, биргина сени деб ақлу ҳушимдан бегонаман, ахир. Мана, бугунги тунни ҳам бедор ўтказдим.

Агар ростини айтсам, фақат бугунги тунгина эмас, неча-неча тунларим сен туфайли уйқусиз кечганлигини билармикансан?!

Шундан сўнг иккимиз ўрмондаги сўқмоқда ёнма-ён, елкама-елка қадам ташлай бошлаймиз.

– Қани айтчи, менинг ўзимни тутишим сенга ёқадими? – дейди у. – Балки мен ҳаддан ташқари кўп гапирарман-а? Ундай эмасми, ишқилиб? Йўқ, йўқ, сира тортинма... агар мендаги қайсидир жиҳат сенга ёқмаса, дарҳол бу ҳақда ўзимга айт. Баъзан менга буларнинг ҳаммаси яхшилик билан тугамайдигандек... охири бахайр бўлмайдигандек туйилади..

– Ниманинг охири бахайр бўлмайди?! – сўрайман ундан.

– Шу... ҳалиги... иккимизнинг орамиздаги муносабатни айтаман-да. Бунинг охири бахайр бўлмайди. Хоҳ ишон, хоҳ ишонма, мана ҳозир ҳам менинг бутун вужудим қўрқувдан музлаб кетяпти; ишонасанми, мана қарагин, сенга яқинлашишим биланоқ бутун елкам музлаб қолди. Наҳотки шу бахтнинг аломати бўлса?

– Нима қипти, мен ҳам сени кўришим билан совқотиб кетаман, – дея куламан ҳазил аралаш. – Йўқ, йўқ... сен ҳечам хавотир олма... ҳали ҳаммаси яхши бўлади. Ҳозирча кел, сенинг елкангни яхшилаб қоқиб қўяман, ажабмас, бир оз бўлса-да, қизиб олсанг...

У истар-истамас рози бўлади ва мен унинг елкаларига ҳазиллашиб, қаттиқ-қаттиқ шапатилайман. Кейин қаҳ-қаҳ отиб кулганча, сўрайман:

– Қалай, анча исиниб олдингми?

– Вой, шафқат қилсанг-чи, ҳозир елкам узилиб тушади, инсофинг борми ўзи?! Бас қил, деяпман, бераҳм! – астойдил нола қилади қиз бечора.

«Шафқат қилсанг-чи!» – топган иборасини қаранг-а! Боз устига у мана шу «шафқат қил!» деган сўзни шундай бир илтижоли оҳангда ай-

тадики, тинглаб туриб юрак-бағрим жимирлаб кетади.

Шундан сўнг бизлар яна йўл бўйлаб сайрда давом этдик. Ишқилиб, бу ҳазилларимдан унинг ғаши келиб, жаҳли чиқмаётганмикин? – дея ўз-ўзимга савол бераман-да, ўйланиб қоламан. Ҳа, майли, кўрайлик-чи, дейман, бу ёғи бир гап бўлар.

Кейин унга ўзимнинг бошимдан кечган турли воқеа-ҳодисалар ҳақида сўзлай бошлайман. Хусусан, дейманки:

– Биласанми, ҳозир бир нарса эсимга тушди. Қиш кунларидан бирида ўзимга таниш ёш ойимқиз билан биргаликда чанада учгани яхмалакка боргандим. Маза қилиб чана учиб юрганимизда у нимагадир бошидаги оппоқ шойи рўмолини ечди-да, менинг бўйнимга боғлаб қўйди. Кечқурун унга: «энди рўмолингизни эртага қайтараман, боиси уни ювдиргани беришим керак», дедим. Қиз эса:

– Йўқ, – дейди, – уни менга ҳозирнинг ўзида, шу ҳолича қайтарасиз ва мен рўмолни худди шу ҳолича асраб қўяман.

Хуллас, рўмолни у айтгандек, шу заҳоти қайтаришга мажбур бўлдим. Орадан уч йил ўтиб, мен яна ўша ойимқизга рўпара келдим.

– Хўш, рўмолингиз қани? – дея сўрадим ундан.

У рўмолни олиб келди. Қарасам, чиндан ҳам ювилмаган, рўмол мендан қайтариб олинган кўйи, қоғозга ўраб қўйилган эди... буни ўз кўзим билан кўрдим.

Эдварда ялт этиб менга қаради.

– Ростданми? Хўш, ундан кейинчи, кейин нима бўлди?

– Йўқ, ҳеч нарса бўлгани йўқ, – дедим мен. – Шунчаки, унинг бу қилиғи менга жуда таъсир қилганди ўшанда... чиройли ва ғаройиб иш бўлиб туйилганди.

Орамизга жимлик чўкди.

– Бугун ўша ойимқиз қаерда?

– Чет элда. Хорижга чиқиб кетган у...

Биз бошқа бу ҳақда гаплашмадик. Бироқ, хайрлашарканмиз, у шундай деди:

– Майли, хайрли тун сенга. Яна бир илтимос, энди у ойимқиз ҳақида бошқа ўйлама, хўпми? Мана мен – сендан бошқани хаёлимга ҳам йўлатмайман. Биргина сени ўйлайман, биргина сени...

Мен унга тамом ишондим, зеро, унинг рост гапираётганлигини шундоққина кўриб турардим-да. Менга бундан бошқа тағин нима керак? Ҳеч нарса... ҳеч нарсага ҳожат йўқ... Ахир у биргина мен ҳақимда ўйлайди, фақат мен ҳақимда... Мен унга етиб олдим.

– Раҳмат сенга, Эдварда, – дедим. Менинг юрагим қайноқ ва самимий туйғулар билан лиммо-лим эди. Шунинг учун гапларим ҳам ўз-ўзидан қуйилиб келарди. – Сен мен учун жуда баландсан, Эдварда, бироқ мени ҳайдаб солмаганинг учун сенга ташаккур... бунинг учун Тангрим сени ярлақайди, Эдварда... албатта сени Тангрим мукофотлайди. Мендан қандай фазилат топганингни, нимамни ёқтириб қолганингни ҳатто ўзим ҳам тушунмайман... ахир атрофда қанча сенга муносиб йигитлар бор, ҳолбуки, улар мендан кўра ўн чандон сенга лойиқроқ... муносиброқ. Аммо мен, мен билсанг... энди тамоман сеникиман, буткул ўзингникиман... Эшитяпсанми... вужудимнинг ҳар бир банди, томирларимда жўш ураётган энг

сўнгги томчи қонимгача сенга бахшида... Дорулбақоларга қанот қоқиб боргувчи руҳи равоним, жони-жаҳоним билан сеникиман, фақат сеники. Сенга нима бўлди, нималарни ўйлаб қолдинг? Нега қароқларинг намланди... нега... ахир... не сабабдан йиғлаяпсан?

– Йўқ, йўқ, ҳечқиси йўқ, – жавоб берди у. – Сен шу қадар мураккаб, тушуниб бўлмайдиган қилиб сўзлайсанки... Тангрим сени ярлақайди... деганинг нимаси... буни шундай айтдингки... гўё... Оҳ, мен сени қанчалар севаман!

У бўйнимга осилиб, қучоғимга ўзини ташлади ва шу ерда, катта кўчанинг нақд ўртасида мени қаттиқ қучди-ю чўғдек лабларини лабимга босди.

У кетгач, йўлимни четга буриб, ўзимни ўрмон бағрига урдим. Шу лаҳзаларда мен ўз қувончим билан, ўта фараҳбахш ва ширин, бетизгин туғёндек бош кўтараётган ҳисларим билан ёлғиз қолишни истардим. Кейин нимагадир кўнглимни мавҳум бир хавотир чулғади, ўрмондан югуриб йўл бўйига чиқдим, назаримда мени бу ерда бирор кимса кўриб қолмадимикан, деган гумонда эдим. Аммо йўл бўйида ҳеч ким кўринмади.

13

Ёз тунлари, оҳиста оқаётган жилғалар ва бепоён ўрмоннинг бардавом, барқарор сукунати. Атрофда ҳеч бир товуш, қичқириқ, сас, ҳатто, йўл томондан қадам овозлари ҳам эшитилмайди, борлиқ сув қуйгандек осуда. Менинг юрагим ҳам гўё алвон қон эмас, балки тим қора тусли шароб билан лиммо-лимдек туйилади.

Сонсиз-саноқсиз парвонаю капалаклар, майда пашша-ю чиркайлар деразам туйнугига ўзларини уришади. Уларни эҳтимол, деразага тушиб турган ўчоқдаги аланга шуъласи ёки бўлмасам, ҳозиргина пиширилган парранда гўштининг хушбўй ҳиди жалб қилаётгандир. Улар ҳужрамнинг шифтларига келиб урилишади-да, нақ менинг қулоқларим остида визиллашади, уларнинг ёқимсиз визиллашидан баданимда чумоли ўрмалаётгандек бўлиб кетаман, кейин улар ҳаммаси менинг оппоқ порохдонимга қўниб олишади. Мен уларнинг барига бирма-бир назар ташлайман. Улар ҳам митти қанотчаларини силкитганларича мен томонга тикилишади; улар орасида парвона капалаклар ҳам, майда чиркайлар ҳам, ёғоч қуртию ипак қуртларининг капалаклари ҳам бор... Уларнинг айримларига қарасангиз гўё учиб юрган бинафша гулининг нафис япроқларига ўхшаб кетишади... Шу қадар нозик, шу қадар инжа, шу қадар сирли...

Мен қоровулхонадан чиқиб, атрофга қулоқ тутаман. Ҳеч қандай сас-садо йўқ, борлиқ олам уйқуда. Теварак-атроф визиллаган қанотчаларини тинимсиз силкитаётган минглаб майда ёнарқуртларнинг ёғдусидан нурафшон. Олисроқда, ҳув анави сайҳонликда бир-биридан чиройли гул ва буталар – қирқбўғинлар, айиқ товонлар ҳамда дўланалар жамулжам йиғилиб олишибди. Мен дўлананинг майда-майда нафис оқ гулларини бирам ёқтираманки. О, Яратган эгам, мендек ожиз бандангга инъом этган ҳар бир неъматинг учун сенга ҳамду санолар бўлсин... беадад шукроналар айтаман;

ҳар бир қарич замин, ҳар томчи зилолинг, меҳрибон ва шафиқ офтобингнинг ҳар қатим нури-зиёси учун, арчагулларингнинг ифори учун қуллуқ сенга... арчагулларнинг назокатли гурбаргларига тикилсам, улар бамисоли йўл четига ўтқазилган митти атиргуллардек кўринади, менга... Уларга бўлган меҳримнинг зўридан, уларни юрак-юрагимдан суйганим боис йиғлаб юбораман... Шу яқин орада ўрмон чиннигули борга ўхшайди... йўқ, мен уни ҳали кўрганимча йўқ... бироқ унинг анбар ҳидларини туймоқдаман...

Тунда эса кутилмаганда катта-катта оппоқ гуллар очилади, улар ўзларининг кафтдек гулбаргларини ланг очганларича, беғубор ўрмон ҳавосидан симириб, тўйиб-тўйиб нафас оладилар. Пахмоқ таначали намозшом қўнғизлари бу гуллар бандига келиб қўнаркан, улар оҳиста тебранишга тушадилар. Мен эса ҳали бир гулнинг, ҳали эса бошқасининг олдига ўтиб, уларни завқланиб кузатаман. Назаримда, бу гуллар ҳам мен каби мастдек туйиладилар, ҳа, ҳа... улар ҳам муҳаббат ҳисларидан масту мустағриқ... мен эса эҳтимол ишқдан маст бўлган гулларни кўрган ягона гувоҳдирман...

Кейин, кутилмаганда, енгил қадам товушлари эшитилади, инсоний нафас уфуради, сўнг эса... дафъатан ўта қувноқ ва бардам оҳангда «Салом, азизим!» деган сўз янграб кетади.

Мен ушбу қайноқ салом, суюкли калом соҳибасига жавоб қилиб, ўрмоннинг чанг йўли бўйлаб пешвоз бораман-да, қизнинг пойида тиз чўкиб, унинг одмигина кўйлаклари остидан кўриниб турган оёқларини қучаман.

– Салом Эдварда! – дейман муҳаббатдан масрур, тантанавор оҳангда.

– Оҳ, наҳотки мени шунчалар севасан?! – шивирлайди у.

– Сенга миннатдорлигимни қай йўсин изҳор этишни ҳам билмайман, – дейман унга жавобан. – Сен меникисан, менинг жони дилимсан… бироқ сенсиз кун бўйи бир лаҳза ҳам оромим йўқ… юрагим ҳаловат билмайди. Сени ўйлаганим-ўйлаган, ўйлаганим-ўйлаган… Оҳ, билсайдинг… сен бу дунёдаги энг гўзал қизсан… ва мен сендан бўса олдим… Биласанми, баъзида сени… сендек фаришта бир малакни ўпганлигимни ўйласам, шодликдан юрагим ёрилгудек бўлиб, юзларим чўғдек қизиб кетади.

– Бугун бошқачасан… нега меҳринг бу қадар жўшиб кетди? – сўрайди у.

Оҳ, содда қизгина, бунга минг минглаб сабабни кўрсатишим мумкинлигини билмайсан-да… зеро, сени севмоғим, сенга чексиз меҳру муҳаббат кўрсатмоғим учун сен ҳақдаги ширин хаёлимнинг ўзиёқ етарли эмасми?! Камон қошлар остидан боқиб турган оташ нигоҳларинг, ёшлик шавқи уфурган расида қадди камолинг, офатижон, қорамағиз ҳусни жамолинг-чи?!

– Сени қандай севмаслигим мумкин, ахир! – дейман мен. – Агар билсанг, сенинг тўрт мучанг соғу саломат, тетик ва бардам юрганлигинг учун ҳам ўрмондаги ҳар бир дарахтга таъзим қилиб, таваллолар айлайман. Билсанг, тан-сиҳатликдан авлороқ неъмат йўқ аслида. Сенга бир нарсани айтиб берай: бир куни мен тантанавор рақс кечасига бордим. У ерда ҳам-

ма рақс тушиб, хурсандчилик қилаётган бир пайтда ёшгина навниҳол, боз устига ниҳоятда гўзал бир хоним индамайгина курсида ўтирарди. Уни ҳеч ким рақсга ҳам таклиф қилмасди. Мен уни ҳечам танимасдим, бироқ нимагадир унга ачиниб кетдим. Қизнинг маъюс нигоҳлари менга ёқиб қолди, уни рақсга таклиф қилдим.

Кейин нима бўлди дегин? У бошларини чайқаб, таклифимни рад этди.

– Наҳотки хоним рақс тушишни ихтиёр этмайдилар?! – сўрадим ундан.

У эса маҳзун овозда:

– Таассуфки, мен рақсга тушмайман... тушолмайман, – деди. Кейин бундан-да маъюслик ила эътирозини изоҳлади. – Биласизми, менинг отам ниҳоятда кўркам ва келишган инсон эдилар, онам эса том маънодаги гўзаллик тимсоли бўлган. Улар бир-бирларини шу қадар севишардики, бир-бирларидан ҳеч қачон айро тушмаганлар... Лекин... не тонгки, ана шундай илоҳий муҳаббатнинг меваси бўлган фарзандлари... яъни, мен – туғма ногирон... чўлоқ бўлиб дунёга келганман...

Эдварда менга тикилиб қолди.

– Кел, ўтирайлик, – деди у.

Бизлар арчагуллар билан ўралган сайҳонликдаги майсазорда ўзимизга қулай жойни топиб ўтириб олдик.

– Биласанми, менинг бир дугонам сен ҳақингда нима дейди? – дея гап бошлади Эдварда. – Дугонамнинг айтишича, сенинг нигоҳларинг худди ёввойи йиртқич бир ҳайвон... йўқ... йўқ аллақандай бир махлуқнинг тикилишига ўхшармиш... ва сен унга тикилган чоғингда

дугонам қўрққанидан ақлдан озай дермиш... сен унга тикилсанг... худди қўлларинг билан баданларига тегинаётгандек туйилармишсан...

Мен шу тобда унинг гапларига мутлақо эътибор бермайман... Сабаби шу лаҳзаларда менинг қалбимда алланечук шодликлар ғалаён қилади... тўлиб-тўлқинланади... Йўқ, йўқ... ўзим учун эмас, балки Эдварда учун қувонаётганлигимдан шундай бўлади... ва мен шундай ўйга бораман: ҳа, Эдварда ниҳоятда ажойиб қиз... менга ундан бошқа ҳеч ким керак эмас... фақат угина бўлса бас. Дарвоқе, менинг нигоҳларим ҳақида у нимадир дегандек бўлди, шекилли?

Кейин ундан сўрайман:

– Бу гапни қайси дугонанг айтди?

– Буни билишинг шарт эмас, – жавоб берди у. – Бироқ, шуни эслатишим мумкинки, у ҳам биз билан қоқбалиқ тайёрланадиган корхонага сайрга борганди...

– Аҳа, шунақа дегин, – кулиб қўяман мен.

Кейин биз мутлақо бошқа мавзуларда сўзлаша бошлаймиз.

– Отам яқин орада Россияга бориб келмоқчи, – дейди Эдварда, – мен унинг ушбу сафари шарафига зиёфат ташкил этмоқчиман. Сен ҳеч Курхольмада[1] бўлганмисан? Зиёфатни ўша ерда уюштирамиз. Биз ўзимиз билан яна аввалгидек, икки саватда вино оламиз, айтганча, пасторга тегишли қўрғондаги аёллар ҳам бирга боришмоқчи, отам вино масаласини аллақачон ҳал қилиб қўйдилар. Фақат, бир нарсага ваъда

[1] Курхольма – Норвегия жанубидаги бир қатор оролчалардан иборат ҳудуд номи. *Таржимон изоҳи.*

бер: энди менинг дугонамга унақа қўрқинчли қарамайсан! Келишдикми, қарамайсан-а? Йўқса, уни зиёфатга чақирмайман.

Кейин у бирданига жимиб қолди ва кутилмаганда бўйнимга осилди-да кўзларимга тик боққанча юзимга тикилди, унинг нигоҳлари шу қадар жиддий ва ўткир эдики... шу тобда унинг нафас олишини мен баралла эшитиб турардим. Назаримда, унинг шундоқ ҳам тим қора кўзлари янада қуюқлашиб кетди.

Мен ўрнимдан илкис турдим-да, ҳаяжон ичида ғўлдирадим:

– Ҳа... демак, отанг Россияга жўнаб кетаркан да?

– Нега бирданига туриб олдинг? – сўради у.

– Чунки, алламаҳал бўлиб қолди, Эдварда, – дедим. – Ана қара, йирик оқ гуллар аллақачон япроқларини йиғиштиришди, қуёш ҳам чиқиб келмоқда, ахир тонг отиб қолди.

Мен уни ўрмон бўйлаб ўтадиган йўлгача кузатиб қўйдим, кейин то у олисроқ бориб, мен томонга ўгирилиб қарагунча, ҳатто унинг расида жуссаси кўздан ғойиб бўлгунча ортидан қараб турдим. Шунда қулоқларим остида қизнинг «хайрли тун» деган сокин овози янграгандек бўлди. Ва у бир йўла кўринмай қолди. Шу дақиқанинг ўзида улар яшайдиган уйнинг эшиги очилиб, ундан қадама кўйлакли жанобнинг қораси кўринди, у атрофга аланг-жаланг нигоҳ ташлади-да, шляпасини манглайига бостириб, Сирилунн томонга шахдам одимлаб кетди.

Менинг онгу шууримда эса ҳамон Эдварданинг «хайрли тун!» деган сокин овози акс садо бериб турарди.

14

Хурсандлигимдан бошим осмонда, худди эс-ҳушдан айрилгандекман. Милтиғимни дамо-дам ўқлайман-у тепкини босаман... ва ўқнинг ақл бовар қилмас даражадаги гулдуроси, тоғлардан-тоғларга акс садо беради, бу овоз ҳатто сертўлқин денгиз сатҳида бедор кезиб юрган кема дарғаларининг-да қулоқларини қоматга келтиради, наздимда. Не сабаб бу қадар шодланаман? Мени чексиз хушнудлик комига элтаётган туйғу не деб аталади?... Бу энг азиз ва мукаррам инсоним ҳақдаги ўй-хаёлларимми ёки тотли хотираларимми?... Эҳтимол, менга қадрдон гўша, сўлим ўрмоннинг беором шовқинларидир бу фараҳли шодлигимга боис?! Эдвардани ўйлар эканман, бехос кўзларимни юмиб... оҳиста ва жим қоламан... оҳиста ва жим... унинг ҳақда хаёл сураман... Унинг ёди ила кечган ҳар бир лаҳзани, дақиқани алоҳида ҳисоблашга, хотирам пучмоқларида муҳрлашга тиришаман, лаҳзаларни санайман, санайвераман...

Нимагадир жуда чанқаб кетдим... дарвоқе, мен бундай пайтларда, шартта ўрмондаги жилға ёнига келиб, унинг зилол сувларини ҳовучимга тўлдираман-да, чанқоғимни босаман; кейин интизор ва илҳақ бир ҳолатда аввал бир томонга, кейин эса иккинчи томонга қараб юз қадам одимлайман; оҳ, нимагадир у ҳаяллаб қолди...

Ё бирор кор-ҳол юз бердимикан? Орадан бор-йўғи бир ойгина вақт ўтди, бир ой... албатта, бу унчалик катта муддат эмас; йўқ, бу ой давомида деярли ҳеч нима, ҳеч нима рўй берганича йўқ!

Аммо, Худо шоҳид, мана шу бир ой шундай шитоб билан ўтдики, ақл бовар қилмайди. Лекин, нафсиламбрини айтганда, баъзида менга тунлар шу қадар узоқ чўзилади, шу қадар узун туйилиб кетадики, оқибатда уларни бир оз бўлса-да қисқартириш ниятида бошимдаги картузимни ечиб, ўрмон жилғасига ботираман, кейин унинг шабадада қуришини кутиш билан андармон бўлиб, вақтнинг чувалган калаваси қайта ўралишини пайқамай ҳам қоламан.

Сўнгги пайтларда вақтни асосан тунлар билан ҳисоблайдиган бўлиб қолдим. Баъзан, тун борлиқни ўз ҳукмига олса-да, Эдвардадан дарак бўлавермасди, ҳатто бир гал бирваракай икки тун ёнимга келмади. Икки нурли оқшом, икки тунни унингсиз ўтказдим. Йўқ, ўшанда ҳам деярли ҳеч нима содир бўлмаган экан... Бироқ, мен энди бахтли ва ҳузурбахш тунларим батамом барҳам топдимикан, деган ўйда жуда қўрқиб кетдим. Шу хаёлга борганимда чиндан ҳақмидим ёки бу фикрим янглишмиди, билмадим... ҳалигача билолмайман?

– Эшитяпсанми, Эдварда, бугун ўрмон нимагадир жуда нотинч, безовта?

Дарахтларнинг барглари ҳам дилгир-дилгир қалтирайди, ўрмондаги ўнқир-чўнқир, баландликларда ҳам шовқин-сурон, бесаранжомлик. Атрофдаги бор мавжудотлар – парранда-ю, дарранда, ҳайвону ҳашаротлар гўё ўзаро келишиб олишиб, ниманидир бошламоқчидек... Йўқ, аслида мен мутлақо бошқа нарса ҳақида гапирмоқчи эдим... Эшитяпсанми, ҳув олис тоғлар бағрида бир миттигина қушча, эҳтимол бу оддийгина читтак ёки жиблажибондир,

тинимсиз сайраяпти, нола қиляпти. Биласанми, қизиғи шундаки, у икки кундан бери бир жойда туриб олиб, фақат битта оҳангда нола қилаяпти... Балки у бечора қуш ўз жуфтини чорлаётгандир... Ана эшитгин-а, унинг бир маромдаги ноласини сен ҳам тезда пайқайсан... Ана, ана эшитяпсанми, қандай аламли, қандай дилпазир оҳангда сайраяпти шўрлик...

– Ҳа, ҳа эшитяпман. Бироқ, бу гапларни нимага айтяпсан?

– Ўзим ҳам билмайман. Ўша митти қушча икки тундан буён ўз жойида, биргина шохнинг устида турганича, чирқираб фарёд қилаяпти... Фақат шуни айтмоқчиман сенга, холос... бошқа гап йўқ... Яна... сенга раҳмат дейман... ташаккур сенга азизам... Мени йўқлаб келганинг учун! Мен интизор эдим, интиқ эдим... бугун келармикинсан ё эртага келасанми, дея нигорон эдим йўлларингда. Сени кўрганимдан шу қадар суйиндимки... шунчалар мутаассирманки, буни сўз билан ифодалай олмайман.

– Мен ҳам кутдим. Мен ҳам фақат сен ҳақингда ўйладим. Биласанми, мен ҳалиги сен синдириб қўйган стакан бор эди-ку, эсингдами? Ўша стакан синиқларини йиғдим-да, бир жойга бекитиб қўйдим. Отам бугун жўнаб кетди, аслида, бугун келмаслигим керак эди... илло унинг сафарига йўл тадоригини кўриш учун озмунча ашқол-дашқолларни йиғиштиришимга тўғри келгани йўқ, ахир. Бироқ, сенинг ўрмонда эканлигингни ва мана шундай интизор, интиқ бўлиб саросар юрганлигингни билардим. Шунинг учун отамнинг барча нар-

саларини тахт қилганимдан сўнг, сени ўйлаб роса йиғладим.

Ахир орадан бир эмас иккита тун ўтиб кетди-ку, иккинчи тунда у отасини кузатиш билан овора бўлибди, бироқ биринчи тунда нима қилдийкин? Қолаверса, нега унинг кўзларида аввалги ёлқин, шодумонлик ифодалари кўринмаётир?

Орадан бир соатча вақт ўтди. Тоғда нола қилаётган читтак қуш жимиб қолди, ўрмон яна сукутга чўмди. Йўқ, йўқ, ҳеч нима юз бергани йўқ; ҳаммаси худди аввалгидек. Ҳаммаси жойида, Эдварда хайрлашмоқ учун менга қўлларини узатди ва меҳр билан тикилди.

– Эртагачами? – сўрадим мен.

– Йўқ, эртага эмас, – деди у.

Мен нимага эртага эмаслигини сўрамадим.

– Ахир эртага мен отамнинг сафари муносабати билан зиёфат уюштираяпман-ку, – у шундай дея кулиб юборди. – Мен шунчаки, сенга кутилмаган совға қилмоқчи эдим, бироқ сенинг юзинг шу даражада тундлашиб кетдики, яхшиси буни сенга ҳозироқ айтганим маъқул, деган фикрга келдим. Ҳолбуки, сенга таклифнома жўнатмоқчи эдим.

Қизнинг ушбу гапларидан кейин кўнглим ғашлиги тарқалиб, чеҳрам ҳам бирданига равшан тортди-қолди.

У мен билан бош ирғаб хайрлашди-да, оҳиста юриб кетди.

– Шошма, бирпас шошмай тургин... Узр, сендан яна бир нарсани сўрамоқчийдим, – дедим, турган жойимдан жилмай. – Айт-чи, ҳа-

лиги мен синдирган стакан синиқларини қачон йиғиштириб, қачон беркитдинг?

– Қачон йиғиштирдинг дейсанми?

– Ҳа, ҳа, қачон? Бир ҳафта олдинми, эҳтимол, икки ҳафта олдин йиғиштиргандирсан?

– Ҳа, балки икки ҳафта олдин йиғиштиргандирман... аммо буни нега сўраяпсан? Йўқ, яхшиси сенга ростини айтиб қўя қолай... Бу ишни мен кеча, ҳа, куни кечагина қилдим.

Кеча... куни кеча дедими?! Демак, у куни кеча, кечагина мен ҳақимда ўйлаган экан-да! Бу яхши, бу жуда ажойиб-ку. Демак, ортиқча хавотирга ўрин йўқ... Ҳаммаси аъло, ҳаммаси зўр...

15

Бизлар иккита қайиққа жойлашиб олдик. Ҳаммамиз шоду хуррам, тинмай қўшиқ куйлар ва бир-биримиз билан бақир-чақир қилганча ҳол-аҳвол сўрашардик. Курхольма деган жой соҳилдан кўзга ташланиб турган ороллар ортида бўлиб, хийлагина олис эди. Шу сабабли ҳар икки қайиқдагилар шунча узоқ масофагача кутиб ўтирмай, бир-бири билан бақиришиб бўлса-да, саломлашиб олишни маъқул кўришарди чоғи. Доктор ҳам, худди ҳамроҳ хонимларимиз каби жуда очиқ рангли кўйлак кийиб олибди. Мен ҳали уни ҳеч қачон бу қадар мамнун ва шод ҳолда кўрмагандим. У мен гувоҳ бўлганим давраларда нуқул, мум тишлагандек жим юрар, очилиб ўйнаб-кулмасди. Бугун эса кутилмаганда жуда сергап бўлиб қолганди. Менга у бир оз ичиб олгандек ва шунинг учун сергаплик қила-

ётгандек туйилди. Соҳилга бориб тушганимизда у ҳамманинг эътиборини бир дақиқага ўзига қаратиб, барчамиздан бу ерда ўзимизни худди уйимиздаги каби тутишимизни илтимос қилди. Мен шунда: «Аҳ-ҳа, демак, Эдварда уни бугунги сайримизнинг даврабошиси қилиб тайинлабди-да», – дея ўйладим.

У хонимларга олимақом даражада илтифот ва мулозамат кўрсатарди. Эдвардага ҳам алоҳида эътиборли ва меҳрибон муносабатда эди. Баъзан ўзини қизга оталарча ғамхўрлик қилаётгандек тутарди. Дарвоқе, бунга аввалари ҳам кўп гувоҳ бўлганман. Айтайлик, Эдварда бирор нарса хусусида ноаниқроқ ёки чала гапиргудек бўлса, доктор дарҳол уни тузатишга тиришар, айни пайтда бундай қилмаслик лозимлиги хусусида насиҳат қиларди. Мисол учун Эдварда: «Мен ўттиз саккизинчи йилда туғилганман», – дейдиган бўлса, доктор ундан: «Бир минг саккиз юз ўттиз саккизинчи йилдами?!» – дея сўрарди. Унга жавобан қиз ҳам атайлаб: «Йўқ, бир минг тўққиз юз ўттиз саккизинчи йилда!» – дейдиган бўлса, шубҳасиз ҳайрон қоларди-да, кейин қизнинг гапини тўғрилаб, ортидан яна: «Ахир бунақа бўлиши мумкин эмас-ку!» – деган бўларди.

Мен гапирганда у ниҳоятда ҳурмат ва эътибор билан тинглар, ҳеч қандай нописандлик ёки кибр ифодасини намоён этмасди.

Ёнимга бир ёшгина қиз келиб, менга салом берди. Уни танимадим ва шунча эслашга ҳаракат қилиб ҳам, илгари уни қаерда кўрганлигимни хотирлай олмадим. Мен вазиятдан чиқиш учун унга қараб нималарнидир ғўлди-

рагандим, у кулиб юборди. Кейин унинг ўзидан билиб, аниқлаб олганимга кўра, у қишлоқ руҳонийсининг қизларидан бири экан. У ўтган галги саёҳатда ҳам биз билан қоқбалиқ тайёрланадиган корхонага борган ва ўша ерда мен билан танишган экан. Тағин мен уни ўзимнинг қоровулхонамга ҳам таклиф этган эканман. Хуллас, шундай қилиб, ўша қиз билан бир оз гаплашиб ўтирдик.

Орадан бир соатми ёки икки соатчами вақт ўтди. Мен ниҳоятда зерикканимдан, қўлимдаги қадаҳга нима қуйишса, ҳаммасини ичаяпман. Четдан қараганда, гўё ҳамма билан танишдекман, ҳамма билан барча мавзуда бир хилда суҳбат қилавераман. Бироқ, ана шу мулоқотлар чоғида тағин ўтган галгидек бирин-кетин ноқулай вазиятларга туша бошладим. Ўзимни яна ноқулай ва хижолатли сезардим, аксарият ҳолларда атрофимдагиларнинг илтифотига қандай жавоб беришни билолмай довдирар, айтажак гапларимни ҳам билолмай қолардим. Баъзан эса ноўрин гапириб юборар, баъзан эса умуман сўзларим тугагандек, жимиб қолардим. Бизлар ўзимизга стол қилиб, дастурхон тўшаб олган катта тошдан олисроқда эса доктор ўтирган жойида қўлларини силкитиб, нималарнидир куйиб-пишиб гапирарди.

– Мана, руҳ, жон дейсизлар! Хўш, нима ўша, сизнинг жонингиз ёки руҳингиз?! – дерди у. Докторнинг руҳ ҳақидаги бир қадар янгича қарашларга асосланган фикрларини эшитган руҳонийнинг қизи, докторни ҳурфикрликда, тўғрироғи, шаккокликда айблади. Хўш, ҳур-

фикрликнинг нимаси айб экан? Ким сизга эркин фикрлаш мумкин эмас, деган ўзи? Масалан, айрим одамлар дўзахни ернинг тубида жойлашган бир уй деб биладилар, иблис, яъни шайтонни эса бирорта амалдор, ё бўлмасам, бир йўла зоти олийларининг худди ўзлари деб биладилар. Доктор шу ўринда ўзининг қишлоқ черкови тўғрисида баъзан қандай тасаввурларга бориши ҳақида айтиб бергиси келаётганини билдирди ва деди: «баъзан черков дейилса, менинг кўз ўнгимда Исо алайҳиссалом, бир неча яҳудий эркак, яна бир нечта яҳудий аёллар, шаробга айлантирилган сув келади, холос, бу жуда ажойиб, тўғрими? Ҳа, дарвоқе, доим Исонинг бошида нимб, яъни чамбар кўринади. Хўш, ўша нимб – чамбар нима ўзи? Менинг назаримда, Исонинг уч тола сочига илиниб турган ўша олтин чамбар худди шароб солинган бочканинг белбоғига ўхшайди...»

Унинг бу гапларидан норози бўлган икки хоним, қўлларини жаҳл билан силкитиб қўйдилар. Бироқ, доктор қалтис вазиятдан чиқишга ҳаракат қилиб, уларга қараб жилмайди-да, ҳазил оҳангида деди:

– Айтганларим чиндан ҳам жуда бемаъни ва қулоққа хунук эшитилади, тўғрими? Буни ўзим ҳам тан оламан, тан оламан албатта. Бироқ, мана шу бемаъни гапларни ҳам ўзимизча етти-саккиз маротаба такрорлайдиган бўлсак, кейин бир оз ўйлаб кўрсак, унда бу гаплар ҳам у қадар аҳмоқона ва бемаъни туйилмайди. Келинглар, хонимлар, яхшиси, каминага бир илтифот кўрсатинглар... яъни, мен билан бирга қадаҳ кўтара қолинглар!

У шундай деб, ўша икки хоним олдида, шундоққина майсазорга тиз чўкди, ечган шляпасини ҳам ёнига қўймади, балки, чап қўлида баланд кўтарди-да, шу ҳолатда бошини орқага ташлаганча, стаканни бир ҳўплашда бўшатди. Мен ҳатто унинг бу қадар чаққонлигига қойил қолдим, ва шу тобда у билан бирга ичишни ҳам истагандим, бироқ, улгурмай қолдим.

Эдварда уни кўз қири билан кузатиб турарди. Мен қизнинг ёнига ўтириб, ундан сўрадим:

– Бугун ҳам қувлашмачоқ ўйнаймизми?

У менинг кутилмаган саволимдан чўчиб тушиб, ўрнидан туриб олди:

– Эсингда бўлсин, бу ерда биз бир-биримизни «сенлашиб» гаплашмаймиз, мумкин эмас, тушундингми, – шивирлади у. Аммо мен ҳечам уни «сенламоқчи» эмасдим. Мен ҳам ўрнимдан туриб бошқа томонга кетдим.

Орадан яна бир соатларча вақт ўтди. Эй, Худойим-ей, бунчалар чўзилди бу кун-а?! Агар бу ерда учинчи қайиқ бўлганда эди, мен аллақачон бу даврани тарк этган бўлардим: Эзоп бечорани қоровулхонага боғланган ҳолда ташлаб келгандим. Ит бечора ҳам роса безовталаниб, мен ҳақимда ўйлаб ўтиргандир. Эдварданинг ўй-хаёллари, мендан жуда олис-олисларда эди. Бу унинг айтган гапларидан ҳам аён эди, зеро у шу тобда кимгадир, бу ерлардан узоқ-узоқларга, қайсидир нотаниш бир ўлкаларга бош олиб кетишни истаётганлигини, агар шундай бўлиб қолса ўзини ниҳоятда бахтли деб ҳисоблашини айтаётганди. У шундай дер экан, яноқлари дув қизариб кетди. Шунданмикан, у ўз гапида тағин сўзларни чалкаштириб юборди:

– Ўша кун мендан ҳам бахтлироқ одам топилмайди бу дунёда...

– Мендан ҳам бахтлироқ, дедингизми, – сўрайди доктор.

– Нима? – анграяди қиз.

– Мендан ҳам бахтлироқ.

– Тушунмадим.

– Сиз «мендан ҳам бахтлироқ», дедингиз холос, бошқа сўзларингизни эшитолмадим.

– О, ростданми? Унда мени маъзур тутинг. Демоқчиманки, мен бирор-бир улкан кеманинг палубасига оёқ қўйган кунимда мендан ҳам бахтлироқ одам топилмасди, бу дунёда. Биласизми, баъзан менинг олис-олис юртларга кетиб қолгим келади, ҳатто ўша мени ўзига чорлаётган, маҳлиё этаётган юртларнинг қаердалигини ўзим ҳам билмайман.

Ҳа, ҳаммаси тушунарли, уни аллақандай юртлар ўзига чорлаётганмиш... мен ҳақимда эса мутлақо унутган. Гап бўлиши мумкин эмас... ортиқча гапга на ҳожат?... Мен унинг юзига қарабоқ, ҳаммасини аниқ-равшан кўриб турардим. Шу тобда вақт бирам имиллаб ўтардики, гўё ҳар бир сония йилдек туйиларди. Мен эса тобора бетоқатланар, дуч келган кишининг олдига бориб, уйга қачон кетамиз, энди кетаверсак ҳам бўларди, дея минғирлаб, ҳамманинг ғашига тегардим. «Вақт ҳам кеч бўлиб кетди», – дердим мен. Қолаверса, итим Эзопни қоровулхонада боғлиқ ҳолда қолдирганман. Бироқ, мендан бошқа ҳеч ким уйга шошилмасди.

Учинчи бор руҳонийнинг қизи ёнига бордим, нимагадир ўзимча менинг нигоҳимни йиртқич

ҳайвонга хос, деб Эдвардага айни шу қиз айтган бўлса керак, деб ўйладим. Биз у билан бирга вино ичдик; қизнинг қарашлари жуда ҳуркак бўлиб, у ҳеч бир нарсага нигоҳини тикиб қарамас, менга қараётганда ҳам бир лаҳзадаёқ кўзларини олиб қочарди.

– Айтингчи, фрекен, – дея сўз бошладим мен, унинг эътиборини тортиш учун бир оз бошимни эгиброқ. – Сизга бу ернинг одамлари ҳам худди бир лаҳзада кечувчи ёз мавсумига ўхшайдигандек туйилмайдими? Одамлар ҳам худди бу ернинг ёзидек ўзгарувчан, шу билан бирга ўта малоҳатли ва бетакрор, тўғрими?

Мен баланд овозда, жудаям баланд овозда гапирардим ва буни билиб, атайдан қилаётгандим. Кейин овозимни заррача пасайтирмаган ҳолда фрекенни яна ўзимнинг қоровулхонамга меҳмон бўлишга таклиф этдим.

– Менинг кулбаи вайронамга ташриф этсангиз, каминани энг бахтли одам қилиб, илоҳий мурувват кўрсатган бўлардингиз, – дедим ялиниш оҳангида. Шу сўзларни айтарканман, мабодо у чинданам, меҳмонга келгудек бўлса, бу қизга нимани совға қилишим мумкинлиги ҳақида ўйлардим. «Ҳа, совғага арзигулик нарсамнинг ўзи йўқ, порох идишимдан бошқа, ҳеч нарсани бериб бўлмайди», – деган қарорга келдим мен.

Фрекен ҳам албатта меҳмон бўлишга ваъда берди.

Эдварда бошқа томонга қараб турар ва шу сабабли менинг бу гапларимга ҳечам эътибор бермаётганди. У бошқаларнинг гапларини тингларкан, вақти-вақти билан умумий суҳбатга

бир-икки луқма билан қўшилиб қўярди. Доктор хонимларниг кафтига қараб фол очар ва оғзи тинмай жаврарди. Докторнинг қўллари ниҳоятда кичик, боз устига жуда нозик бўлиб, бармоқларидан бирига узук тақиб олганди. Мен ўзимни бу ерда мутлақо ортиқча сезаётганлигим боис, четроқда турган бир тошнинг устига бориб ўтирдим. Кун охирлаб, оқшом туша бошлади. Мен шу алпозда, бир ўзим, ҳеч кимга кераксиз, ғамгин бир аҳволда тош устида ўтирараканман, ўзим учун бу даврада энг азиз бўлган инсоним, менга қайрилиб ҳам қарамаётганлигини, ҳатто кўришни ҳам истамаётганлигини ўйлаб изтироб чекардим. Ҳа, майли, начора... нима ҳам қилардим. Энди менга бари бир... энди. Менга ундан ҳеч нима керакмас.

Шу тобда ўзимни худди хўрланган етимчадек сезардим... Ортимда эса кишиларнинг суҳбатлашаётган овози эшитилар, қулоғим остида кутилмаганда Эдварданинг шодон кулгиси янграб қоларди. Шунда дафъатан ўрнимдан сакраб турдим-да, зўр бериб баҳсу мунозара қилаётганлар даврасига яқинлашдим. Ҳаяжонимнинг зўридан деярли ўзимни йўқотиб қўйгандим.

– Бир дақиқа, бор-йўғи бир дақиқа менга эътибор қаратишингизни сўрайман, – дедим.

– Биласизми, азизлар, мен ҳали йўл четидаги тош устида ўтарар эканман, бирданига хаёлимга, чивинлардан тўплаган коллекциям билан танишиб чиқиш сизга қизиқ бўлса керак, деган фикрга келдим. – Шу гапларни айтиб, ёнимдаги қутичани чиқардим. – Мени маъзур тутасизлар, сал бўлмаса уни бутунлай эсдан чиқарай дебман. Марҳамат, томоша қилинг-

лар, ҳаммангиз бемалол кўришингиз мумкин, мана бу ерда қизил чивинлар, сариқ рангдагилари ҳам бор... Кўринглар, томоша қилаверинглар... Бундан хурсанд бўламан, жуда-жуда хурсанд бўламан, – шундай дер эканман, нимагадир бошимдаги картузимни қўлимга олдим. Бироқ шу лаҳзадаёқ, уни ечишим жуда кулгили туйилишини пайқаб, яна картузни бошимга қўндирдим.

Бир дақиқага ҳамма жимиб қолди, лекин шунда ҳам ҳеч ким қутичамга яқин келмади. Ниҳоят, доктор қутича томонга қўлини чўзди-да, самимият ила деди:

– Э, барака топинг! Қани, қани бир кўрайлик-чи, бу коллекция деганлари нима экан. Мен доим бу чивин-пашшалардан қай тарзда коллекция тайёрланишига қизиқиб келганман. Назаримда бу ишнинг ҳам сир-асрорлари бўлса керак?!

– Ҳа, ҳа, албатта. Ушбу коллекцияни ўз қўлларим билан тайёрлаганман, – дедим мен докторнинг қизиқиши учун миннатдорлик оҳангида. Кейин уни қандай тайёрлашим ҳақида шоша-пиша тушунтира кетдим. – О, азизлар, бу унчалик қийин иш эмас, аслида... Биласизми, мен қуш патларини ҳамда илгакларни сотиб оламан... Дарвоқе, бу ердаги чивинлар унчалик ҳам ноёбмас, булар шунчаки ўзим учун тайёрланган нусхалар холос... Баъзида эса шунақанги ажойиблари учрайдики, улар ўз ҳолича тайёр кўргазманинг ўзгинаси, ана уларни кўрсангиз, ҳақиқий гўзаллик тимсоли дейсиз...

Эдварда аввал менга, кейин қутичамга бепарвогина нигоҳ ташлади-да, яна дугоналари билан суҳбатини давом эттираверди.

– Ўҳ-ҳў, бу ерда бошқа нарсалар ҳам борга ўхшайди-ку, – деди доктор. – Ана холос, мана бу қуш патларига бир қаранглар-а, қанчалар чиройли.

Эдварда ялт этиб қаради.

– Улар ичида ҳаммасидан ҳам яшил патлар чиройлироқ, – деди у. – Доктор, уларни менга узатиб юборинг, илтимос.

– Бу патларни ўзингизга олиб қолишингиз мумкин, – дедим мен, деярли бақиргудек бўлиб. – Ҳа, ҳа, бемалол олишингиз мумкин, марҳамат. Мана, ўша сиз айтган бир жуфт яшил пат. Буларни олсангиз мени ниҳоятда хурсанд этган бўласиз. Улар сизга эсдалик бўла қолсин.

Эдварда патларни олиб, қўлида бирпас айлантириб турди-да, сўнг деди:

– Бу патлар гарчи яшил бўлса-да, қуёш нурида тилларангда товланади. Нима ҳам дердим, раҳмат сизга! Модомики, бу патларни менга совға қилишни шунчалар истар экансиз, ташаккур дейишдан ўзга сўз тополмайман.

– Ҳа, албатта, уларни сизга совға қилишни чин дилдан истайман, – дедим мен.

Эдварда ҳозиргина мендан қабул қилган бир жуфт яшил патни кўйлагига оҳиста қадаб қўйди.

Бир оз вақт ўтиб, доктор менга қутичамни қайтариб, ўз миннатдорлигини изҳор этди. У ўрнидан тураркан, энди уйга қайтиш ҳақида ўйлаб кўрсак бўлмасмикан, дея сўради.

Мен унга жавобан:

– Ҳа, ҳа албатта, Худо хайрингизни берсин, жуда тўғри гапни айтдингиз, – дедим. – Биласизми, уйимда энг яқин дўстим, яъни итимни

боғлиқ ҳолда қолдиргандим, у бечора ҳам мени пойлаб, роса маҳтал бўлгандир. Ҳойнаҳой, қайтиб боришим биланоқ, панжаларини дераза ойнасига тираганча мени кутиб олса керак... Бугунги кун жуда ажойиб ўтди, қолаверса, оқшом ҳам тушиб қолди, албатта, уйга қайтадиган вақт етди. Ҳа-я, барчангизга бугунги файзли кун учун раҳмат, – дедим.

Мен нақ сувнинг бўйига туриб олиб, Эдварда қайси қайиққа тушишини пойлай бошладим, ўзимча у минмайдиган қайиққа чиқишни режалаштираётгандим. Шу пайт кутилмаганда, у мени чақириб қолди. Мен ҳайрон бўлиб унга қарадим, қизнинг юзлари лов-лов ёнарди. Мана, у менинг ёнимга яқин келди-да, қўлларини чўзиб оҳистагина, лекин ниҳоятда меҳрли бир оҳангда деди:

– Қуш патлари учун раҳмат... Биз битта қайиқда кетамиз, тўғрими?

– Сиз нима десангиз, шу! – жавоб бердим мен.

Биз қайиққа чиқдик, у менинг ёнгинамдаги ўриндиққа ўтирди, бизнинг тиззаларимиз бир-бирига тегиб турарди. Мен унга қарадим, нигоҳимга жавобан у ҳам дарров менга тикилди. Унинг тиззалари менга тегиб туриши шу қадар ёқимли ва фараҳбахш эдики, мен бу ҳолатни, ниҳоятда оғир кечган бугунги кун учун ўзимга мукофот, сийлов сифатида қабул қилдим. Мен шу тобда аввалги шоду хуррам ҳолатимга қайтишга тайёр бўлиб тургандим, бироқ кутилмаганда Эдварда тағин менга елкасини ўгириб олди-да, қайиқни бошқариб бораётган доктор билан суҳбатлаша кетди. Тағин роппа-роса чорак соат мобайнида мен унинг учун

мавжудлигимни йўқотдим. Ўшанда мен шу пайтгача ўзимни кечира олмайдиган ва сира ҳам эсимдан чиқмайдиган аҳмоқона бир ишни қилдим. Кутилмаганда Эдварданинг оёғидан ечилиб кетган бошмоғини қўлимга олдим-да, қайиқдан анча олисга, сувнинг ўртасига қаратиб отиб юбордим. Бу ишни Эдварда менинг ёнимда кетаётганлигидан хурсанд бўлиб қилдимми ёки шунчаки, унинг эътиборини ўзимга қаратиш, шу ерда эканлигимни унга яна бир бор эслатиб қўйиш мақсадида қилдимми, аниқ айтолмайман, сабаби буни ўзим ҳам билмасдим. Ҳамма нарса шу қадар тез содир бўлдики, мен нима деб ўйлашни ҳам билмай қолдим, шунчаки, менга нимадир бўлгандек, гўё бир лаҳзага эсимни йўқотиб қўйгандек эдим. Хонимлар бирданига қий-чув қилишиб, айюҳаннос солиб юборишди. Ўзим ҳам довдираб, саросимага тушиб қолдим, аммо бўлар иш бўлганди! На илож?! Шунда доктор яна менинг жонимга ора кирди, у: «Қаттиқроқ эшкак эшинглар, қаттиқроқ!» – дея ҳайқирди. Ва қайиқни сувнинг бошмоқ бориб тушган томонига қараб бурди; орадан бирор дақиқа ўтиб, бошмоқ сувга тўлиб, эндигина денгиз тубига ғарқ бўлай деганди ҳамки, эшкакчи уни қўли билан тутиб олди; унинг енги то тирсагигача жиққа ҳўл бўлди. Шу пайт ҳар икки қайиқдагилар худди келишиб олгандек, митти бошмоқчанинг ҳаёти сақлаб қолинганлиги шарафига бараварига «Яшавор, баракалла!» дея ҳайқиришди.

Мен уятдан ўзимни қўярга жой топмасдим, Эдварданинг бошмоқчасини дастрўмолим билан артиб-суртар эканман, хижолатдан ҳатто

афти-ангорим ҳам ўзгариб кетганлигини шундоққина ҳис этиб турардим. Эдварда бошмоғини қўлларимдан индамайгина олди. Бироқ, озгина ўтиб худди ўзича гапираётгандек:

– Умрим бино бўлиб бунақа томошани кўрмагандим, – деди.

– Ростдан кўрмаганмидингиз? – гапига қўшилдим мен. Ва ўзимнинг бу қилиғим гўё аввалдан ўйланиб, муайян маънода қилингандек, унинг ортида алланечук англаниши лозим бўлган нарсалар бордек тасаввур ҳосил қилиш мақсадида, кулиб, ҳазиллашиб гапира кетдим. Аслида бу бемаъниликнинг ортида нима мақсад ҳам яширинган бўлиши мумкин? Шунда доктор илк маротаба менга таънали ва менсимаётгандек бир нигоҳ ташлади.

Вақт ўтиб борарди, ниҳоят қайиқларимиз соҳилга яқинлашди, пристанга чиқарканмиз ҳамманинг кўнглидаги хижиллик аллақачон тарқаб, баримиз бараварига қўшиқ куйлардик. Шу пайт Эдварда барчага эшиттириб:

– Ҳой, менга қулоқ солинглар! – деди. – Биз ахир винонинг ҳаммасини ичиб тугатмабмиз-ку, унинг анчагинаси қолиб кетибди. Келинглар, озроқ ўтиб, менинг уйимдаги катта залда рақс кечасини уюштирамиз. Келишдикми? – деди.

Биз соҳилга келиб тушгач, мен Эдвардадан узр сўрадим.

– Тезроқ кулбамда бўлиб қолишни шунчалар истаяпманки, – дедим мен. – Бугун ниҳоятда чарчадим.

– Ана, холос, шунақа денг, а? Демак, сиз бугун ниҳоятда чарчабсиз-да, жаноб лейтенант?

– Йўқ... ҳалиги... мен айтмоқчиманки, айтмоқчиманки, бугун наздимда ўзимнинг ҳам, бошқаларнинг ҳам кайфиятларини анчагина бузиб қўйдим. Тағин сизнинг бошмоғингизни ҳам сувга ирғитиб юбордим.

– Ҳа, бу чиндан ҳам ғаройиб фикр эди.

– Бу гуноҳим учун маъзур тутинг, – дедим илтижоли оҳангда.

16

Ҳа, ҳамма иш чаппасига кетди, бундан ҳам баттари бўлиши мумкинми, ахир? Шунга қарамасдан мен хотиржамлигимни сақлашга қарор қилдим. Худо шоҳид, нимаики рўй бермасин, мен бари бир, тинч ва хотиржам бўлиб қолаверараман. Нима, мен унинг бўйнига осилиб олганмидимки, бунчалар азият чексам? Зинҳор-базинҳор ундай эмас, ҳечам ундай эмас. Шунчаки ажойиб кунларнинг бирида, у кўчада ёнимдан ўтиб кетаётганида, иккимиз тасодифан учрашиб қолгандик, холос...

Эҳ, бу шимол ёзи... қуриб кетсин! Жин урсин ҳаммасини! Энди май қўнғизлари ҳам камнамо бўлиб қолишди, бу ернинг одамларини-ку, умуман тушунолмайман, ҳолбуки, улар учун нафақат кундузи, ҳатто кечаси ҳам қуёш чарақлаб туради, бунда. Бу ерликларнинг кўмкўк кўзлари нималарга синчков назар ила қадаларкин ўзи, уларнинг мана шу ғайриоддий пешаналари ортида менга мавҳум қандай ўй-хаёллар яширинган экан-а, дея ўйлаб қолардим. Кейин, эса: «Эҳ, менга буларнинг нима қизиғи бор, бари бир эмасми!» – дердим. Менга

ҳеч ким керак эмас. Мен шундай фикрда қармоқларимни олдим-да, балиқ овлашга тушиб кетдим. Орадан икки кун ўтди, тўрт кун ўтди. Тунлари эса қоровулхонамда кўзимга уйқу келмай, мижжа қоқмай, тўлғаниб чиқардим...

– Мен ахир сизни нақ тўрт кун кўрмадим, Эдварда?

– Ҳа, чиндан ҳам тўрт кун кўришмадик. Бироқ, биласизми, шу қадар майда-чуйда юмушлар, ташвишлар кўпайиб кетдики. Мана, уйга киринг, ўзингиз кўрасиз...

У мени уйнинг каттагина ҳашаматли залига бошлаб кирди. Бу ердан столларни олиб чиқишибди. Стуллар эса девор бўйлаб тизиб қўйилган. Хонадаги деярли барча жиҳозларнинг ўринлари ўзгартирилган; залдаги қандиллар, печлар ҳамда тўрт тарафдаги девор ҳам арчагуллар ва қишлоқ дўконидан харид қилинган қора тусли мато билан ажабтовур шаклларда безатилганди.

Фортепьяно ҳам бурчакка суриб қўйилибди.

Буларнинг ҳаммаси Эдварданинг дўстларига ваъда бергани – «рақс кечаси»га тайёргарлик кўраётганлигидан далолат эди.

– Хўш, қалай, сизга ёқдими? – сўради у.

– Жуда ажойиб, – жавоб бердим мен.

Биз залдан чиқдик.

Шунда мен унга гинали оҳангда:

– Сиз мени мутлақо унутиб юбордингиз-а, Эдварда, тўғрими? – дедим.

– Сизни тушунмаяпман, – жавоб берди у ҳайрат ва таажжубга йўғрилган тарзда. – Ахир мен шу кунлар ичида қанча ишлар қилганимни ва буларни амалга оширишнинг ўзи бўлмас-

лигини наҳотки, кўрмаётган бўлсангиз? Қачон сизнинг олдингизга бора олардим, ахир?

– Ҳа, албатта, – дедим мен, – шунча ишлар бўлатуриб, қачон ҳам ҳузуримга бора олардингиз. – Шу тобда ўтган уйқусиз тунларим таъсирида бошим ғувиллаб айланар, ўзим ҳам оёқда зўрға турардим. Шу боисдан айтаётган гапларим ҳам узуқ-юлуқ ва маънисиздек чиқарди, боз устига кун бўйи юрагим симиллаб оғриётганди. – Тўғри айтасиз... менинг олдимга бориш учун умуман вақтингиз бўлмаганлиги аниқ... Ҳа-я, мен нималар деяпман ўзи?... Сиз ҳақсиз... Лекин, бари бир... назаримда, сиз ўзгариб қолгандексиз, бирор нарса юз бердими? Фақат баҳслашманг. Чеҳрангизга қараб мен нима юз берганлигини билолмаяпман. Нима бўлди? Пешанангиз жуда ғаройиб экан, Эдварда! Энди билибман. Шу пайтгача буни пайқамаганимни қаранг.

– Бироқ, мен Сизни ҳечам эсимдан чиқарганим йўқ! – деярли қичқириб юборди у ва юзлари дув қизарганча, қўлларимдан маҳкам тутиб олди.

– Ҳа, ҳа, буни тушундим. Балки чиндан ҳам шундайдир. Агар шундай бўлса... билмадим мен нималарни гапиряпман... Ҳар ҳолда, нима бўлганда ҳам, бу фикрларнинг иккисидан бири ростлиги аниқ...

– Эртага мен сизга таклифнома юбораман. Сиз мен билан рақсга тушасиз. Рақс тушамизми ахир?!

– Мени бир оз кузатиб қўя олмайсими? – сўрадим мен.

– Ҳозирми? Йўқ, ҳозир сизни кузатиб чиқа олмайман, – деди у. – Ҳали замон бу ерга док-

тор келиши керак, яна қилинадиган бир-иккита ишларимиз бор. У менга баъзи нарсаларда ёрдам беришни ваъда қилган. Демак, сиз зални ажойиб безатилган, деб ҳисоблайсиз, шундайми? Мабодо, сизнингча тағин...

Эдварда ҳали фикрини тугалламай туриб, уй кираверишидаги айвонча олдига енгил от арава келиб тўхтагани эшитилди.

– О, бугун доктор жаноблари аравада эканларда? – сўрайман мен.

– Ҳа, унга аравани мен юборгандим, истагандимки...

– Ҳа, ҳа, албатта-да, сиз уларнинг ярадор оёқларини эҳтиёт қилишни истагансиз. Хўп, яхши, мени маъзур тутинг, менга рухсат... Салом доктор, салом... Хайрли кун тилайман сизга. Сизни кўрганимдан бағоят хурсандман. Ҳар доимгидек соғ-омонмисиз? Ўйлайманки, сизларни ёлғиз қолдирсам, мендан хафа бўлмайсиз.

Уй айвончасидан пастга тушиб, ортимга ўгирилдим. Эдварда деразанинг ёнида мени изимдан кузатиб турарди, кейин у қўлларини кенг ёзиб дераза пардаларини икки томонга суриб қўйди, қизнинг чеҳраси ниҳоятда ўйчан эди. Жисми жонимга телбавор бир хушнудлик инади, мен жуда қувноқ бир кайфиятда, шахдам қадамлар ила уйдан узоқлашаман; шу тобда мен оёғим остида ерни ҳам унутган, кўзларим ҳам ҳеч нарсани илғамас, гўё кўкда парвоз қилиб борардим, қўлимдаги милтиғим ҳам бамисли олифтагарчилик учун тутиладиган енгил ҳасса каби енгил ва вазнсиз эди. Агар Эдварда чиндан ҳам мен билан бирга бўлса, мен мутлақо яхши одамга айланармидим, дея

ўйлайман. Ўрмонга кираманда, яна ўз хаёлларим билан андармон бўламан; эҳ, агар у ростдан мен билан бирга бўлсайди, қандай садоқат билан унинг хизматида бўлардим, унинг учун пойи-патак бўлишдан ҳам қайтмасдим-а; мабодо у менга яхши муомалада бўлмаса, меҳру мурувват кўрсатмай, кўнглимга озор берса ёки мендан имкониятим етмайдиган нарсаларни талаб этса ҳам, бари бир, бари бир... унга шундай оқибат билан хизмат қилаверардим, унинг айтгани-айтган, дегани-деган бўлиб қолаверарди ва мен ҳеч қачон Эдварда, энди меники бўлди-ку, дея ортиқча талтайиб кетмаган бўлардим... Мен юришдан тўхтаб, йўл бўйига тиз чўкдим ва бундаги майсаларнинг майин япроқларига сокин ва мунаввар туйғулар, эзгу умидлар ила лабимни босдим. Сўнгра ўрнимдан турдим-да, йўлимда давом қилдим.

Ниҳоят, ҳаяжонларим деярли босилгандек бўлди. Хўш, у менга нисбатан ўзгариб қолган бўлса, нима қилибди? Бу шунчаки, унинг асли табиати шундайлигидан-ку ахир; илло, у дераза олдида туриб, мендан нигоҳларини узмасдан, то кўзидан ниҳон бўлгунимча изларимдан кузатиб қолди-ку. Менга бундан ортиқ нима керак ўзи? Мен шундай вақтда ўзимни ҳар қачонгидан ҳам кўра яхшироқ, бахтлироқ ҳис қилардим. Гарчи эрталабдан бери туз тотмаган бўлсам-да, очиққаним энди эсимга ҳам келмасди.

Эзоп олдимда югургилаб бораркан, кутилмаганда вовуллай бошлади. Кўзларимни ердан узиб олдинга қарадим. Қоровулхонам олдида, оппоқ рўмолли бир аёл турарди. Бу темирчининг қизи Ева эди.

– Салом, Ева! – дея қичқирдим.

У катта кулранг тош олдида турар, юзлари нимагадир қип-қизариб кетган, ўзи эса дам-бадам бармоқларининг учига пуф-пуфлаб қўярди.

– Ева! Ўзингмисан? Сенга нима бўлди? – сўрадим ҳамдардларча.

– Эзоп мени тишлаб олди, – жавоб берди у ва бу ёғига гапини қандай давом эттиришини билмаётгандек, каловланиб қолди.

Мен унинг бармоқларини кўздан кечирдим. Бармоқларини қизнинг ўзи тишлаганди. Ногаҳон миямда у нима сабабдан шундай қилганлиги ҳақидаги фаразлар пайдо бўлиб, қиздан сўрадим:

– Бу ерда анчадан бери кутиб турибсанми?

– Йўқ, унчалик кўп кутмадим, – деди у шикаста, лекин ўта мулойим оҳанг билан.

Биз бир-биримизга шундан бошқа бирорта ҳам сўз айтмадик, мен унинг қўлларидан тутиб қоровулхонамга олиб кирдим.

17

Балиқ овидан шошилмасдан, одатдаги вақтда қайтдим ва «рақс кечасига» тўғридан-тўғри овлоқдан, ов халтам ҳамда милтиғимни ортмоқлаганча кириб бордим, фақат фарқи шунда эдики, бугун эгнимга энг яхши камзулимни кийиб олгандим. Сирилуннга етиб келганимда, анчагина кеч тушиб қолганди, залда рақс тушаётганларнинг қувноқ шовқини ташқарига баралла эшитиларди, кейин кимдир ҳаммага ҳайқириб хабар қилди:

– Ана, жаноб лейтенант ҳам ташриф буюрдилар! Улар овдан қайтибдилар!

Мени даврадаги ёш-яланглар бирпасда қуршаб олишди, уларнинг ҳаммаси ўлжаларим билан қизиқишарди, мен бир-нечта денгиз қушларини отиб олган, тағин талайгина пикша[1] балиғидан овлагандим. Эдварда менга пешвоз чиқаркан, маъноли кулиб қуйди, у тинмай рақс тушганидан қип-қизариб, терлаб, бўғриқиб кетганди.

– Биринчи рақсни мен билан тушасиз! – деди у.

Биз рақс туша бошладик. Ҳаммаси расмладагидек борарди, гарчи бошим гир-гир айланаётган бўлса-да, қулаб тушмадим. Қўпол этигимнинг пошнаси полга гурсиллаб урилар ва унинг товуши назаримда ҳаммага эшитилаётгандек туйиларди, қолаверса, мен ўз этигим билан яқиндагина бўялган полни чизиб ташлаётгандим. Шуларни ўйлаб, ўзимча энди бошқа рақс тушмасликка қарор қилдим. Бироқ, аввалги зиёфатдан фарқли ўлароқ, бу гал этигимнинг гурсиллашидан бошқа бирорта ҳам аҳмоқликка йўл қўймаётганимдан хурсанд эдим!

Жаноб Макнинг ҳар икки иш бошқарувчиси ҳам даврада ҳозир бўлиб, улар юзларига ўта жиддий тус берганча, астойдил рақс тушишарди. Докторнинг рақсига эса гап йўқ эди, зеро у кадриль рақсининг энг мураккаб ҳаракатларини ҳам қойилмақом уддалаётганди. Бу шунқорлардан ташқари залда яна тўрт нафар, ҳали балоғат

---

[1] Пикша – трескасимонлар оиласига мансуб балиқ тури. *Таржимон изоҳи.*

ёшига етиб-етмаган ғўр йигитчалар ҳам бўлиб, улар назаримда шу ерлик диний арбоб ҳамда докторнинг болалари эди. Кейин қаёқдандир тижорат ишлари билан йўл-йўлакай шу шаҳарчадан ўтиб кетаётган бир савдогар жаноб ҳам пайдо бўлиб қолди. Бу жаноб бинойидек овозга эга бўлиб, мусиқага монанд оҳангда ёқимли тарзда қўшиқлар хиргойи қилар, гоҳида эса, фортепьяно чалаётган хонимлар ўрнини эгаллаб, мусиқа чалишга тушиб кетарди.

Рақс кечасининг дастлабки соатлари қандай кечганлигини ҳозир аниқ эслай олмайман, бироқ унинг якуни олдидан юз берган воқеаларнинг ҳаммаси хотирамда муҳрланиб қолган. Тобора уфқ сари ботиб бораётган қуёшнинг қирмизи нурлари залга қуйилиб турар, сершовқин денгиз қушларининг чирқиллаши ҳам аллақачон барҳам топганди. Бизларга вино ва печенье тарқатишди, ҳаммамиз бор овозда гурунглашар ёки биримиз олиб, биримиз қўйиб қўшиқ куйлардик, Эдварданинг жарангдор ва беғубор кулгиси бутун зал бўйлаб янграрди. Бироқ, нимагадир у мен билан шундан сўнг бир оғиз ҳам гаплашмади. Бунинг сабаби нима эди? Мен унинг ёнига яқинлашдим, гарчи гапга у қадар чечан бўлмасам-да, Эдвардага хушомад қилиб, илтифот кўрсатишга қарор қилгандим; у қоп-қора либосда эди, назаримда унинг бу кўйлаги анча аввалроқ, конфирмация[1] маросими учун тикилган бўлса керак,

[1] Конфирмация – насронийларда 14-16 ёшли ўғил-қизларни черковга жалб қилиб, диндорлар сафига қўшиш маросими. *Таржимон изоҳи.*

унга анча калталик қилиб қолганди, бироқ бу ҳолат унинг танасига янада ўзгача чирой бахш этиб, айниқса рақс тушаётганида қизни янада жозибалироқ, нафисроқ қалиб кўрсатарди, мен айни шу жиҳатни унга айтмоқчи эдим.

– Бу қора кўйлагингиз... Сизга жудаям... – дея гап бошладим мен. Лекин у гапларимга парво ҳам қилмасдан, аллақайси дугонасининг белидан тутди-да, ёнимдан нари кетиб қолди. Бу ҳолат базм давомида бир неча бор такрорланди. Ҳа, майли, нима ҳам қила олардим! – дея ўйладим. Модомики, шунақа муносабатда бўлар экан, унда нега дераза ёнида туриб олиб мени маҳзун нигоҳлари билан кузатади, бу қиз? Нега? Ана шундай ўйлар менга тинчлик бермасди.

Бир хоним мени рақсга таклиф қилди. Эдварда яқингина жойда ўтирарди, ва мен атайдан баланд овозда аёлга дедим:

– Йўқ, хоним мени маъзур тутгайсиз. Сиз билан рақсга тушолмайман. Кетадиган вақтим бўлди.

Эдварда менга шартта қайрилиб қаради-да, қошларини чимирганча жаҳл аралаш, қувлик билан деди:

– Кетаман дедингизми? Йўқ, сиз бу ердан ҳаливери кетмайсиз!

Мен бу гапдан ҳанг-манг бўлиб, эсанкираб, лабларимни қаттиқ тишлаб олдим. Кейин ўрнимдан турдим.

– Йомфру Эдварда, ҳозир айтган шу сўзларинизни тоабад эсимдан чиқармайман, – дедим мен алам билан ва эшик томон бир неча қадам ташладим.

Шунда бир зумда ёнимда доктор пайдо бўлиб қолди, Эдварда ҳам мен томонга шошилиб кела бошлади.

– Нега бундай қиляпсиз? – деди у гинали оҳангда. – Мен шунчаки, сиз бугун бизникидан ҳаммадан кейин кетишингиздан умидвор эдим, яъни меҳмонларни мен билан бирга, ёнимда туриб кузатиб қўярсиз, дегандим. Қолаверса, вақт ҳам эндигина... бир бўлибди холос... Ҳа, айтганча, биласизми, нима демоқчийдим сизга, – деди у юзларида ажабтовур кулги балқиб. – Айтишларича, сиз менинг бошмоқларимни чўкиб кетишдан сақлаб қолган эшкакчига, бу хизмати учун беш талер пул берганмишсиз-а?! Аммо, айтиб қўяй, жуда сахийлик қилиб юборибсиз, бу пул эски бошмоғим учун кўплик қилади. У шундай дея, чин кўнгилдан қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, яна бошқалар томон қайрилиб кетди.

Унинг бу гапларидан менинг оғзим очилиб, ҳайратдан донг қолдим, шу тобда нима қилишимини билмай довдирар, ўзимни буткул йўқотиб, жаҳл устида каловланардим.

– Сиз мен билан ҳазиллашмоқчисиз шекилли, – дедим унга зардали тарзда. – Мен сизнинг эшкакчингизга беш талер тугул, бир чақа ҳам берганим йўқ. Бу гапни қаердан олдингиз?

– Бермадингизми? – У ошхона томонга очиладиган эшикни итариб, аллақайси ишчисини чақирди. – Якоб, сен Курхольмага қилган сайримизни эслайсанми? Ўшанда сен менинг бошмоқчамни сувдан чиқариб олганмидинг?

– Ҳа, шундай бўлганди, хоним, – жавоб берди Якоб.

– Ўша бошмоқчани сақлаб қолганинг учун сен беш талер сийлов пули олганмидинг!

– Тўғри, хоним, менга шунча пулни келтириб беришувди…

– Ҳа, яхши. Энди борақол.

«Буниси тағин қандай томоша бўлди?» – дея ўйладим. Демак, ойимқиз мени шарманда қилишга қарор қилибдилар-да! Йўқ, бунақаси кетмайди. Жудаям улар ўйлаган анойилардан эмасман. Ўзимни бесабаб изза қилишларига йўл қўймайман. Шундан сўнг мен баланд овозда, дона-дона қилиб шундай дедим:

– Жаноблар, мен шу нарсани барчангиз билиб қўйишингизни хоҳлардим, бу ерда ё бирор англашилмовчилик юз берган ёки кимдир каминага қарши бўҳтон уюштирмоқчи. – Сўнгра Эдвардаги юзланиб, гапимда давом этдим: – Тўғрисини айтсам, Сизнинг бошмоқчангиз сақлаб қолингани учун эшкакчига беш талер бериш менинг хаёлимга ҳам келмаган. Эҳтимол, аслида шундай қилишим керак бўлгандир, аммо бунга менинг ноқис ақлим етмаган, на илож.

– Хўп, майли, ҳеч бокиси йўқ. Келинг яхшиси яна рақс тушамиз, – деди у пешонасини тириштириб. – Нега рақс тушмаяпмиз ўзи?

«Ҳали, шунақами, яхши… бу қилмишларингиз учун ҳали менга жавоб берасиз, ойимқиз…» – ўзимча шундай хаёл қилиб, айни пайтдан эътиборан Эдвардани бир сония ҳам кўздан қочирмадим. Ниҳоят, у залга ёндош бўлган хонага чиқди ва мен ҳам унинг ортидан эргашдим.

– Сизнинг соғлиғингиз учун! – дедим мен ва қўлимдаги қадаҳимни кўтариб қўйдим.

– Менинг қадаҳим бўм-бўш, – деди у истамайгина.

Ажабо… ахир ҳозиргина унинг олдида лим-мо-лим шароб тўла стакан турган эди-ку!

– Ие, бу қадаҳ сизники эмасми, мен ўйлабманки…

– Йўқ, бу менинг қадаҳим эмас, – у бепарволик билан шундай дея, ёнидаги дугонаси билан алланарсалар хусусида қизишиб суҳбатлаша кетди.

– Унда, мени маъзур тутгайсиз, – дедим ранжиган оҳангда.

Меҳмонлар орасидан айримлари бизнинг ўртамизда бўлиб ўтган мана шу кичкинагина хижилликни ҳам пайқаб қолишгандек эди.

Бундан юрагим ғашланиб, Эдвардага кескин оҳангда дедим:

– Нима бўлгандаям, муносабатларимизни ойдинлаштириб, орани очиқ қилиб олишимиз керак… Эшитяпсизми мени…

У ўрнидан туриб, иккала қўлимни ҳам ўз қўлларига олди-да, бармоқларимни маҳкам сиқиб, ўтинч билан ёлвора кетди:

– Фақат бугун эмас, ҳозир эмас, илтимос сиздан… Мен шундоғам жуда изтиробдаман. Эй, Худойим… менга нега бундай қарайсиз… бу қандай нигоҳ?! Ахир, ахир… Сиз менинг дўстим эдингиз-ку!… дўстим, энг яқиним…

Мен яна ўзимни тамом йўқотиб қўйдим, ўнгга қайрилдим-да, рақс тушаётганлар ёнига қайтдим.

Тез орада Эдварда ҳам залга кириб келди. У фортепьяно ёнига келиб туриб қолди. Бу пайтда фортепьянони ҳалиги биз тилга олганимиз

– ўткинчи савдогар жаноб чалаётганди. Қизнинг чеҳрасида меҳмонга нисбатан ажабтовур ғамхўрлик, меҳр, сирли бир иззат-икром зоҳир эди.

– Мен ҳеч қачон фортепьяно чалишни ўрганган олмаганман, – деди у ва менга қаради.

Наздимда, қизнинг кўкимтир қароқларининг туси янада қуюқлашиб кетгандек туйилди. «Эҳ, агар мен ҳам фортепьянони шундай маҳорат билан чала билсайдим!», – ўйладим мен.

Унинг бу гапларига мен нима деб жавоб қайтара олардим? Аммо юрагим яна Эдвардага чексиз муҳаббат билан талпинаётганини ҳис қилиб, ундан сўрадим:

– Эдварда, тағин нега бу қадар ғамгин бўлиб қолдингиз? Сизни бундай изтиробда кўриш мени қанчалик азоблашини билсангиз эди…

– Изтиробларимнинг сабабини ўзим ҳам тушунмайман, – жавоб берди у. – Эҳтимол, ғамгинлигимга сабаб – ҳаётимдаги энг муҳим ҳиссиётларнинг ҳаммаси бир пайтда рўй бераётганлигидир… билмадим… Эҳ, энди меҳмонлар ҳам тезроқ кетишса яхши бўларди… ҳамма-ҳаммаси… . бирортаси ҳам қолмасдан… кетишса… Йўқ, йўқ… фақат, сиз кетиб қолманг… кетманг, хўпми?… Эсингизда бўлса, сиз энг охирида кетишга ваъда бергансиз…

Бу гаплардан сўнг менга тағин жон кирди, энди қуёш нурларидан файзиёб залнинг ҳар бир кунжига кўзларим порлаганча, масрур нигоҳ ташлайман. Шунда қишлоқ руҳонийсининг қизи ёнимга келиб, мен билан суҳбатлаша бошлади: шу онда унга эътибор қаратишим мушкул эди ва мен унинг барча саволларига узуқ-

юлуқ жавоб бериб турардим, холос. Қолаверса, мен атайин унинг юзига тик боқмас, ундан нигоҳларимни олиб қочишга ҳаракат қилардим, зеро, қарашларимда «аллақандай ёввойи ҳайвонларга хос нимадир бор»лиги ҳақидаги гапни Эдвардага айнан мана шу қиз айтганлигини билардим. Кейин у Эдварда томонга ўгирилди-да, бир гал хорижда, яъни янглишмасам, Рига шаҳрида унга мутлақо нотаниш, бегона бир жаноб қандай шилқимлик қилгани ҳақида гапира кетди.

– Биласанми, у мени қадам-бақадам, кўчама-кўча ортимдан кузатиб келарди, бунинг устига юзида аҳмоқона табассум, тиржайгани-тиржайган, тиржагани-тиржайган, – дерди, у мақтанчоқлик билан.

– Балки у сўқир бўлгандир, – дея гап ташладим мен, кейин эса, яна «қайдам?», деган маънода елкамни қисиб қўйдим. Аслида бу гапни Эдварданинг эътиборини қаратиш учунгина айтгандим, аммо, шу билан бирга бу ҳазилдан Эдварда нашъа қилиб кулишидан ҳам умидвор эдим.

Хоним эса бу ҳазилим ортидаги қўполликни дарҳол фаҳмлади-да, жавоб қилди:

– Ҳа-я, албатта-да, сизнинг-ча, ахир мендек таъвия қари қизга маҳлиё бўлиши учун у албатта кўр бўлиши керакда-а, шундайми?!

Бироқ, унга эътибор қилмадим. Зеро, шу тобда ўзимнинг бу масхарабозлигим билан Эдвардага зиғирчаям кулги бахш этолмаганимдан афсусда эдим, холос. Эдварда дугонасини эргаштириб залнинг узоқ бурчагига бориб олди, кейин эса улар икковлашиб бошларини

чайқаганча шивирлашишга тушишди. Менинг ихтиёрим яна ўзимда бўлиб қолди.

Орадан яна бир соатларча вақт ўтди, кичик оролчанинг бағридан бўртиб чиққан шхералар, яъни қоятошларга ин қурган денгиз қушлари уйғонишиб, чуғурлашга тушган ва уларнинг бошни гангитар даражадаги чуғур-чуғурлари бизнинг очиқ деразаларимиздан ҳам бостириб кира бошлаганди. Мен ана шу субҳидам пайтидаги қушлар нағмаси-ю ноласини эшитишим билан гўё томиримнинг ҳар бир банди титроққа тушгудек бўлар ва ўзим ҳам қанот қоқиб ўша минглаб қуш катакларига ошён қоялар остида бўлиб қолишни истардим...

Бу орада доктор яна ўзини тутиб олган, кайфияти чоғ бир ҳолатда барчанинг диққат-эътиборини ўзига қаратишга эришганди, хонимларнинг деярли ҳаммаси унинг теграсида парвона. «Менинг рақибим айнан шу эмасмикан?» – дея ўйладим, бироқ, шу ондаёқ менинг хаёлимдан унинг оқсоқ оёғи ва ачинарли қадди-қомати тўғрисидаги ўйлар ҳам ярқ этиб ўтди. Доктор тағин турли-туман, бўлган-бўлмаган ҳодисалар тўғрисида жаврашга тушиб кетди, қизиғи шундаки, у ҳар бир гапидан сўнг, «агар айтганларим чин бўлмаса, бетобут кетай», – дея қасам ичар ва мен у ҳар гал шундай деганда, атайдан масхарали бир тарзда, ҳаммага эшитадиган қилиб қаҳ-қаҳ уриб кулардим. Ниҳоят, ҳадеб кулаверишдан чарчадим ва мен энди, модомики, шу нотавон менинг рақибим экан, нима қилиб бўлса ҳам, уни ҳамманинг олдида кўз-кўзлаб қўйишим лозим деган, қарорга келдим. Шундан сўнг, мен унинг ҳар бир эътиборли гапидан сўнг, бор овозим билан:

– Қулоқ солинглар-а, доктор жаноблари, нима деяптилар! – дея ҳайқирар, тағин унинг ҳар бир гапига қаҳ-қаҳ отишда давом этардим.

– Мен бу дунёга ошиқман, – дерди доктор. – Ҳаётга қўл-оёқларим билан чиппа ёпишганман. Модомики, бу фоний дунёда ўлим муқаррар экан, ҳеч бўлмаса, нариги дунё, яъни дорул бақода Лондонми, Парижми, хуллас, бир улкан шаҳарнинг устидан жой олишга умидворман, токи қиёмат кунига қадар минглаб одамлар тўдасининг ғала-ғовурини эшитиб ётай... то қиёмат, то абад қадар... одамлар ғала-ғовурини эшитай...

– Аж-жойи-иб фикр! Қойил! – қичқирдим мен ва кўп кулганимдан нафасим тиқилиб, худди кайфи ошган одамдек йўтал тутиб қолдим, ҳолбуки ҳечам маст эмасдим.

Назаримда, Эдварда ҳам ҳайрат ва ҳаяжон оғушида эди.

Меҳмонлар тарқала бошлаганларида мен бинонинг энг чекка хонасига биқиниб олиб, бежирим бўлса-да, ўта ҳашамдор бир стулга чўкдим-да кута бошладим. Жимгина хаёл оғушида ўтирар эканман, меҳмонларнинг бирин-кетин хайр-хушлашиб, бино олдидаги айвончага чиқишаётганларини эшитиб турардим. Доктор ҳам хайрлашиб чиқиб кетди. Тез орада ҳамма ғала-ғовур босилиб, хоналар жимжит бўлиб қолди. Юрагим, қинидан чиққудай гурсиллаб урар, ўзим эса ниманидир, мубҳам бир нарсани илҳақлик билан кутар эдим.

Мана, ниҳоят Эдварда хонага қайтиб кирди. Мени кўриб у аввалига ҳайратдан донг қотиб қолди, кейин эса кулимсираб шундай деди:

– Аҳ-а, сиз шу ердамисиз? Бошқаларнинг тарқалишини кутганингиз қандай яхши бўлибди. Бироқ мен ўлардек чарчадим.

У ўтирмади.

Мен жойимдан қўзғалар эканман, дедим:

– Ҳа, тўғри айтасиз, эҳтимол ётиб дам олганингиз маъқулдир. Ўйлайманки, энди анча ўзингизга келиб қолдингиз, Эдварда. Биласизми, ҳали бирданига шу қадар ғамгинлашиб қолдингизки, бу ҳол мени жуда қийнаб юборди.

– Ҳеч бокиси йўқ, эътибор берманг, бир тўйиб ухласам, ҳаммаси ўтиб кетади.

Унинг гапларига қўшимча қилиш учун шу тобда бирор сўз тополмадим, ва оҳиста эшик томон қадам ташладим.

– Ҳа, айтганча, келганингиз учун раҳмат, – у шундай дея, менга қўлини чўзди. Кейин ортимдан эргашиб даҳлиз томон юрди; аслида бунинг ҳожати йўқ эди.

– Кузатишнинг кераги йўқ, – дедим мен, – ўзингизни қийнаманг, бу ёғига бир амаллаб кетиб оларман…

Бироқ, шундай десам-да, у бари бир ортимдан ташқарига чиқди. Эшик олдида туриб, то мен картузимни, милтиғим ва ов халтамни қидириб топгунимча, тоқат билан кутиб турди. Хонанинг бурчагида қандайдир гаврон, тўғрироғи ҳасса деворга тираб қўйилганди, мен унга синчиклаб қараб, бу докторнинг ҳассаси эканини таниб қолдим. Эдварда мен нимага тикилиб турганимни кўриб, дув қизариб кетди, унинг юз-кўзидан бу ҳодисага унинг ҳеч бир алоқаси йўқлиги, бундан бехабарлиги шундоққина сезилиб турарди. Орадан бир дақиқа-

ча вақт ўтди. Ниҳоят, кутилмаганда уни асабий бир бетоқатлик чулғаб, худди жаҳлдан ўзини йўқотиб қўяётгандек менга қараб деди:

– Сизнинг ҳассангизми? Уни олишни эсингиздан чиқарманг.

Бу ёғи жуда қизиқ тус олди.

У ҳассани олади-да, менга узатади.

Мен эса унга қарайман, у ҳассани қўлида тутиб тураркан, қўллари ҳаяжондан дағ-дағ титрайди. Мен бу ҳолга барҳам бериш учун, Эдварданинг қўлидан ҳассани олдим-да, яна бурчакка, ўз жойига тираб қўйдим. Кейин изоҳ маъносида дедим:

– Бу докторнинг ҳассаси. Ҳайронман, оқсоқ ва чўлоқ одам қандай қилиб қўлидаги ҳассасини унутиб қолдириши мумкин.

– Оқсоқ, чўлоқ! – кутилмаганда алам билан қичқирди Эдварда ва важоҳат билан менга яқин келди. – Сиз, ўзингиз, ҳаётда ҳеч оқсамайсиз-да, а? Ҳа, сиз соғломсиз, бақувват ва чайир! Аммо билиб қўйинг, агар оқсоқ бўлганингизда ҳам зинҳор сиз доктордек бўлолмайсиз. Унга етишишингизга анча бор ҳали!

Унга жавоб беришни истасам-да, миямга бирорта жўяли, арзигулик гап келмаганидан индамай туриб қолдим. Кейин эса, Эдвардага эгилиб таъзим қилдим-да, аввал эшик томон йўналдим, сўнгра айвонча орқали ўтиб, юриб кетдим. Айвончада нимагадир, рўпарамга тикилиб, бир лаҳза тўхтадим, кейин тағин шахдам-шахдам одимладим.

Во ажаб... буни қаранг-а. Демак, доктор ўз ҳассасини унутиб қолдирибди. У албатта ҳасса-

сини олиш учун айни шу йўлдан ортига қайтиб келади. Бундан чиқдики, доктор жаноблари мен бу ерни энг охирги иззатли меҳмон сифатида тарк этишимни истамаган... Мен энди жуда имиллаб қадам босар ва ҳар лаҳзада аланг-жаланг атрофга қараб борардим, сайҳонликка чиққач, тўхтаб нафас ростладим. Ярим соатлар кутиб турдим, ниҳоят докторнинг қораси кўринди; мени кўриб у қадамларини тезлатди. У ҳали гапиришга оғиз жуфтлагани ҳам йўқ эдики, мен тавозе билан бошимдаги картузимни кўтариб қўйдим. Унинг бу ёғига нима қилишини кузатишга қарор қилдим. Доктор менга жавобан шляпасини бир оз кўтариб қўйди. Мен эса дабдурустдан унга яқинлашдим-да, дағал оҳангда:

– Мен сизга салом берганим йўқ! – дедим.

У бир қадам ортига тисланди-да, юзимга тикилиб қолди.

– Салом бермадингизми? – деди ҳайратланиб.

– Йўқ, – дедим мен.

Орага нохуш жимлик тушди.

– Ҳа, майли, менга бунинг аҳамияти йўқ, – деди у ранги ўчиб. – Мен... мен ҳассамни унутибман... шуни олгани кетаётгандим.

Мен учун айтадиган гапнинг ўзи қолмаганди; бироқ мен яна бир шумликни ўйлаб топдим: милтиғимни худди итимга ўқталгандек докторга қарата ушладим-да «Ҳўп-па!» – дея ҳайқирдим. Кейин кафтларимни бир-бирига уриб, мазах оҳангида ҳуштак чала бошладим.

Доктор бир лаҳза ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди, унинг юзи фавқулодда беўхшов қиёфа касб этган: лаблари қимтилган, нигоҳлари эса

ерга қадалиб турарди. Кейин кутилмаганда менга жиддий тикилди ва юзида ним табассум пайдо қилгандек бўлиб, шундай деди:

– Ахир, бу томошанинг сизга нима кераги бор?

Мен жавоб бермадим; аммо унинг гаплари менга тегиб кетди.

Доктор тўсатдан менга қўлини узатиб, босиқ овозда сўради:

– Сизга нима бўлди, бирор нохушлик юз бердими? Яхшиси бу ҳақда менга айтсангиз бўларди, балки мен сизга...

Шунда мени беихтиёр уят ва хижолатпазлик туйғуси чулғаб олди, докторнинг ўта хотиржам ва ҳамдардлик оҳангидаги гаплари мени буткул мувозанатдан чиқариб юборди. Мен ҳам унга қанақадир бир тарзда меҳримни изҳор этишни истаб қолдим ва докторнинг белидан маҳкам қучиб, шоша-пиша дедим:

– Мени маъзур тутинг, эшитяпсизми? Кечиринг мени... Менга ҳеч нима бўлгани йўқ. Қанақаям нохушлик бўлиши мумкин ахир? Гапим рост, сиз ҳечам хавотир олманг, ҳеч қандай ёрдам ҳам керак эмас. Янглишмасам, сиз Эдвардани кўрмоқчисиз? Тўғрими? Ҳозир борсангиз уни уйидан топасиз... Фақат шошилишингиз керак, йўқса у ухлагани ётиб қолиши мумкин; у жудаям толиққан, Худо ҳаққи, мен буни ўзим кўрдим. Рост айтаяпман, тезроқ бўлинг, менинг маслаҳатимга кирсангиз-чи, ҳозироқ борсангиз, уни кўришингиз мумкин. Нега қаққайиб турибсиз, бўлақолсангиз-чи!

Шундай деб, ортимга ўгирилдим-да, ўрмон орқали ўз уйимга, яъни қоровулхонамга шошилдим.

Узоқ вақт, сўрида хонамга қандай кириб келган бўлсам, ўша ҳолатда, яъни елкамда ов халта, қўлимда эса милтиғимни тутганча ўтириб қолдим. Бошимда бир-биридан ғалати фикрлар ғужғон ўйнарди. Доктор олдидаги томошага бало бормиди? Докторнинг белидан қандай қучганимни ва йиғлоқи нигоҳ билан узр сўраганимни кўз олдимга келтириб, ўзимдан роса пушаймонда эдим; ҳойнаҳой, у ҳозир роса устимдан кулаётгандир, дея ўйлардим, балки Эдварда билан ўтириб олиб, ғийбатимни қилишаётгандир. У даҳлизда ўз ҳассасини ҳам бекорга қолдирмаган бўлса керак. Ҳа, ҳаммасидан ҳам Эдварданинг гапи ошиб тушди: нима эмиш, мен ҳатто чўлоқ бўлганимда ҳам докторга арзимас эмишман, унингдек бўлишимга анча бор эмиш. Ҳа, бу такаббур қизалоқнинг айни дилидаги гаплар эканига шубҳам йўқ...

Мана, мен мўъжазгина хонамнинг қоқ ўртасида турибман, ҳозиргина бошимдан кечирган руҳий изтироб ва аламзадалик исканжасида милтиғимнинг тепкисини тушириб, милтиқ милини чоп оёғимнинг тўпиғига қадайман-да, тепкини босаман. Ўқ оёғимнинг кафтини тешиб ўтиб, полга сачрайди. Эзоп, азбаройи қўрқиб кетганидан, бир-икки бор калта-култа ҳуради.

Тез орада эшигимни тақиллатишди.

Бу доктор эди.

– Берухсат суқилиб кирганим учун мени маъзур тутинг, – дея гап бошлади у. – Биласизми, сиз шу қадар шошилинч кетиб қолдингизки... назаримда, биз гаплашиб олишимиз керакка ўхшайди. Ҳа-я, бу ердан порох ҳиди келаётганга ўхшайдими?

Доктор мутлақо ҳушёр эди.

– Сиз Эдвардани кўра олдингизми? Ҳассангизни ҳам олиб қайтгандирсиз? – сўрадим ундан.

– Ҳассамни-ку олиб келдим. Аммо Эдварда аллақачон ухлагани кирибди... Ие, бу нимаси тағин? Эй, Худо... оёғингиз қонга беланиб ётибди-ку!

– Йўқ, ҳечқиси йўқ... Сиз бунга эътибор берманг. Милтиқни ерга қўяётганимда бехосдан отилиб кетди; жиддий шикаст олмадим... ғирт бемаънилик. Жин урсин сизни, аслида нега сизга ҳисоб бериб ўтирибман, ўзи?!... Демак, ҳассангизни олиб қайтибсиз-да?

Доктор ҳамон менинг ўқ тешиб ўтган этигим ва қон оқиб ҳалқобланган полдан кўзини узмасди. Кейин у илкис бир ҳаракат билан ҳассасини бир четга қўйиб, қўлидаги қўлқопини еча бошлади.

– Қани бирпас жим туринг-чи, этигингизни ечишга тўғри келади. Ўзим ҳам ўйлагандим-а, бу ўқ овози қаердан эшитилди экан, деб.

18

Ўша воқеадан кейин ўзимнинг бу аҳмоқлигим ҳақида қанчалар афсус қилганимни эсласам, ҳалиям кўнглим ғаш тортиб кетади. Умуман, шу ишни қилиб нимага ҳам эришдим; бекорга ўзимни бир неча ҳафта ҳужрачам остонасидан бир қадам ҳам жилмайдиган қилиб қўйганим қолди, холос. Ўшанда ўз бошимга ўзим солган изтироблар, ноқулайликларнинг бариси эсимда; ҳаммасидан ҳам менинг кирларимни ювиб берадиган бечора кампирга қийин бўл-

ганди, зеро, ўша кунлар унинг деярли ҳар куни меникига келишига, ҳаттоки, егуликлар сотиб олиш, хўжалик ишларимни юритиш учун уйимда яшашига ҳам тўғри келганди-да. Ҳа, нимасини айтай, чиндан ҳам ўта аҳмоқона ва бемаъни қилғилик бўлганди бу ишим!

Шу кунларнинг бирида доктор Эдвардадан сўз очиб қолди. Мен Эдварданинг исмини эшитсам-да ёки у нималар дегани, ё бўлмасам, нималар қилаётгани тўғрисидаги гапларни тинглаётган эсам-да, буларнинг энди менга ҳеч бир қизиғи йўқдек эди, гўёки доктор менга мутлақо олис ва ҳеч бир дахли бўлмаган бир нарсалар ҳақида гапираётгандек таассуротда эдим. «Оҳ, ҳамма нарса шу қадар тез унутилар экан-а, бу оламда!» – дея ўйлардим, ўзимча ҳайратланиб.

– Хўш, модомики, у ҳақда мендан суриштираётган экансиз, сизнинг ўзингиз Эдварда ҳақида нима дейсиз? Мен, ростини айтсам, бир неча ҳафтадан буён у ҳақда эслаганим ҳам йўқ. Ҳа, айтганча, назаримда, сизларнинг орангизда нимадир бордек эди-ку, қолаверса, тез-тез учрашиб ҳам турардинглар; эсингиздами, бир гал биргаликда оролчаларга сайр қилганимизда, сиз гўё давранинг хўжаси, у эса бекасидек эди, тўғрими?! Фақат буни инкор эта кўрманг, доктор! Ҳар ҳолда, ўртангизда бир-бирингизга ўзаро мойиллик бор эди. Ҳа, йўқ, истамасангиз жавоб беришингиз шарт эмас, сиз менинг олдимда ҳисоб беришга мажбур эмассиз. Шунчаки сўрадим холос, аслида буни нега сўраётганимни ўзим ҳам билмайман. Истасангиз келинг, бошқа нарсалар ҳақида га-

плашамиз. Ҳа, доктор, айтинг-чи, қачон ўзим оёққа туриб юра оламан?

Шу сўзларни айтишга айтдим-у, лекин ҳозиргина оғзимдан чиққан гапларим хусусида бехос ўйланиб қолдим. Нимагадир ич-ичимдан «ишқилиб доктор бор дардини, сиру асрорини менга тўкиб солмасинда», – деган хавотирда ҳам эдим. Бироқ, тағин: «Хўш, Эдварда менга ким бўлибди, у билан нима ишим бор менинг?» – деган хаёлим ҳам йўқ эмасди. Мен уни унутганман, тамом-вассалом.

Кейин гап яна айланиб Эдвардага тақалди ва мен бу гал ҳам докторнинг гапини бўлдим; шу тобда мен ундан қандай гапни эшитишдан чўчиётганим ёлғиз Худогагина аён эди.

– Нега ҳадеб гапимни бўлаверасиз? – сўради доктор. – Нима унинг исмини ҳам эшита олмайдиган бўлиб қолдингизми?

– Айтинг-чи, доктор, – дея сўрадим мен, – шахсан сиз, йомфру Эдварда ҳақида қандай фикрдасиз? Буни билиш менга жуда қизиқ. Эҳтимол, бугун менга бу борада бирор бир янгилик айтарсиз, эҳтимол сизлар унаштирилгандирсиз, балки унинг розилигини олгандирсиз? Сизни табриклашим мумкинми? Йўқми? Ие-ие, нима, мени шунчалар ҳамма гапга ҳам лаққа тушадиган анойи деб ўйлайсизми, йўқ, хомтама бўлманг, йўқ деганингизга сираям ишонмайман, ҳа-ҳа-ҳаа!

– Ана холос, гап бу ёқда денг, ҳали шу нарсадан қўрқаётганмидингиз?

– Қўрқаётганмидингиз, деганингиз нимаси? О, азизим доктор!

Орага яна сукут чўкади.

– Йўқ, мен у билан унаштирилганим ҳам, розилигини олганим ҳам йўқ, – деди у босиқлик билан. – Эҳтимол, мен сизни табриклашим керакдир? Йўқ, Эдвардага оғиз солишнинг ҳам, унаштирилишнинг ҳам имконияти йўқ, зеро, унинг ўзи истаган одамини қўлга кирита олади. Сиз уни шунчаки, қишлоқи бир соддагина қизалоқ, деб ўйлайсизми? Ҳа, биламан, ўзингиз ҳам бундан ҳайратдасиз, тушунаман... ахир олис шимолнинг энг чекка қишлоғида ўсган бўлса-ю, шундай фавқулодда бир ноз-истиғнолару, карашмали феъл-атвор соҳибаси бўлса-я?! Балки сиз уни ўта совуққон ва бағритош деб ўйларсиз! Йўқ, бундан кўнглингиз тўқ бўлсин! У жудаям иссиқ, оташ, нақ аланга у! Аммо бир қарасангиз, нақ музнинг ўзи бўлади, қўяди... Хўш, бу ҳилқат нима бўлдийкин, аслида? Бор-йўғи ўн етти ёшли қизалоқ, тўғри эмасми? Аммо сиз унга таъсир қилишга бир уннаб кўринг-чи, нима бўларкин? Бу ишнинг бесамарлигини кўриб, дарҳол ҳафсалангиз пир бўлиши турган гап. Бу қизни ҳатто отаси ҳам тизгинлай олмайди-ку! Эдварда четдан қараганда гўё отасининг гапларига қулоқ тутадигандай, унинг измидан чиқмайдигандек кўринади, аслида эса билганидан қолмайди, ўзининг кўнглига келган ишни қилаверади. Дарвоқе, у сизнинг нигоҳингизни аллақайси махлуқникига ўхшатишини айтганди...

– Ана, энди мана шу гапда янглишдингиз, жаноб доктор, менинг нигоҳларим ҳақида унинг бошқа бир дугонаси гапирган.

– Бошқаси дейсизми? Ким экан у?

– Билмадим. Унинг қайсидир бир дугонасида, ишқилиб! Лекин, бу Эдварда эмаслиги-

ни аниқ биламан. Шошманг, шошманг, балки, чиндан ҳам бу гап Эдвардининг ўзидан чиққандир...

– Аслида-ку, сиз унга қараганингизда, нигоҳларингиз унга ҳеч бир таъсир кўрсатмайди... унга жин ҳам урмайди... Аммо, бир нарсани ўйлаб кўринг, ана шу қарашлар сизни унга қилча бўлсин яқинлаштирадими? Зиғирчаям яқинлаштирмайди, тўғрими? Сиз унга қарайверинг, истаганингизча маҳлиё бўлаверинг. Аммо, у ўзини сизнинг ҳукмингиз остида деб ҳис эта бошлаши биланоқ, тамом... шундай қарорга келади: ҳап сенимн, шошмай тур, бунинг қарашларини кўринг, ҳойнаҳой ўзларини тенгсиз ғолиби музаффар, нусратнишон дея ўйлаётган бўлсалар керак! Ва шундан кейин у сизни биргина нигоҳи билан ёки бир оғиз совуқдан-совуқ гапи биланоқ ўзидан олис-олисларга, нақ асфаласофилинга итқитиб юборади. Балки, мени Эдвардани мутлақо билмайди, деб ўйларсиз? Янглишасиз, уни жудаям яхши биламан. Сизнинг-ча унинг ёши нечада?

– Ахир у ўттиз саккизинчи йилда туғилган-ку!

– Бу гап ғирт уйдирма. Мен буни азбаройи қизиқишим туфайли текшириб кўрганман.

Гарчи у ташқи жиҳатдан ўн беш ёшли қизчадек кўринса-да, унинг асл ёши роппа-роса йигирмада. У ўлардек бадфеъл қиз, айни шу феъли унинг бечора миясини адойи тамом қилаётир. Сиз унинг тоғларга ёки денгизга қараб турганини ҳеч кузатгамисиз... О-о, бундай пайтларда у шўрликнинг оғизчаларини, ғунчадек қирмиз дудоқларини кўрсангиз эди, бу гул-

гун дудоқлар шундай қайғули тарзда қимтилган бўладики, ана шу қимтилишнинг ўзиёқ унинг нақадар бахтсизлигини ифодалаётгандек туйилади кишига; аммо шу билан бирга у ниҳоятда мағрур ҳамда қайсар ҳам: тағин денг, ҳеч қачон йиғламайдиганлардан... бир томчи ҳам кўз ёш тўкмайди. Боз устига бу қиз ғирт саргузаштлар ишқибози, хаёлот дунёси ҳам жуда бой, гўё бирор-бир шаҳзодани кутаётгандек. Дарвоқе, ҳалиги... сизнинг гўёки эшкакчига беш талер берганингиз ҳақидаги ҳангома, нимадан иборат ўзи?

– Шунчаки ҳазил гаплар. Эътиборга арзимайди.

– Йўқ, сиз бу нарсаларни шунчаки деманг. Биласизми, у менга ҳам бир марта худди шундай найранг қилган эди. Бир йилча муқаддам. Биз у билан почта кемасининг палубасида тургандик, аммо кема ҳали жойидан қўзғалганича йўқ эди. Майдалаб ёмғир шивалар, бунинг устига ҳаво жудаям совуқ эди. Палубада бир аёл ҳам бўлиб, унинг қўлида кичкинагина гўдаги ҳам бор эди. Бояқиш совуқдан дағ-дағ титраб турарди. Эдварда шунда ҳалиги аёлдан: «наҳотки совқотмаётган бўлсангиз?» – дея сўраб қолди. Ҳолбуки, у аёлнинг титраб-қақшаётганлигини, ҳатто совуқдан кўкариб кетганлигини кўриб турарди. Аёл совқотганлигини айтди.

– Хўш, болангиз-чи, у ҳам совқотмаётибдими?

– Болам ҳам совқотди, – деди аёл ночор оҳангда.

– Унда каютага тушганингиз маъқул эмасми? – сўради тағин Эдварда.

– Менинг чиптам палубага олинган, – жавоб қилди бечора аёл.

Шунда Эдварда менга бир қараб қўйди-да:

– Бу аёлнинг чиптаси палубага олинган экан, – деди.

Унда нима ҳам қила олардик, дея ўйлардим мен ўзимча. Аммо айни пайтда, Эдварданинг ҳар бир қараши қандай маъноларни англатишини ҳам жуда яхши билардим. Ростини айтсам, мен у каби катта данғиллама уйларда туғилиб ўсмаганман, мен ўз ризқимни топиш учун оддий мис чақалар тўплаб кун кечирганлар тоифасиданман, шу боис ҳуда-беҳуда пулимни сарфлаш одатим йўқ. Мен болали хотиннинг ёнидан узоқлашар эканман, ўзимча: «агар бу хотин учун пул тўлаш лозим бўлса, Эдварданинг ўзи тўлай қолсин, ҳар ҳолда у мендан кўра бойваччароқ одамнинг фарзанди», – деган ўйда эдим. Айтганимдек ҳам бўлиб чиқди, Эдварда ҳалиги аёл учун қўшимча пул тўлади. Бир нарсага тан бермасликинг иложи йўқ, буни айтмасам бўлмайди, чиндан ҳам унинг жудаям саховатли, ўта меҳрибон ва мурувватли қалби бор. Тағин бир нарсани мен аниқ билардимки, Эдварда ўша болали аёл учун каютага мен чипта сотиб олиб беришимни истаётганди, бу унинг нигоҳларидан ҳам кундек равшан бўлиб турарди. Энди бу ёғини эшитинг. Аёл бу хайри саховатдан ҳаяжонланиб, ўрнидан турганича, Эдвардага миннатдорлик билдира бошлади.

Шунда Эдварда нима қилди денг? У аёлга қараб, гўё бу ишда ўзининг ҳеч бир дахли йўқдек тарзда тутиб:

– Сиз менга эмас, ҳув анави жанобга миннатдорлик билдиринг, – деди-да, мен томонга ишора қилди. Энди бунисига нима дейсиз?

Шундан кейин шўрлик аёл зўр бериб мени алқаб, дуо қилишга тушиб кетди, денг. Мен эса унга нима деб жавоб бериишимни ҳам билмайман, мутлақо каловланиб қолдим. Ахир, бундай ноқулай вазиятда нима ҳам қила оларди киши? Хуллас, ана шунақа ҳангома бўлганди. Бироқ, фақат шугина эмас, мен бундай томошалардан яна бир нечтасини санаб беришим мумкин. Ва, аминманки, сиз билан бўлган воқеада ҳам эшкакчига беш талерни унинг ўзи берганлиги шубҳасиз. Агар шу пулни сиз берганингизда эди, у аллақачоноқ бўйнингизга осилиб олган бўларди. Зеро, шундай қилганингизда сиз унинг наздида, ҳеч нарсани – на одамларнинг майда гаплари-ю, на чўнтагингизга етадиган зарарни ҳам ўйлаб ўтирмасдан, унинг эскириб, абжағи чиққан бошмоғи учун шунча пулнинг баҳридан кеча оладиган ҳотамтой рицар қиёфасида намоён бўлардингиз. У ўзи учун худди шундай дунёни орзу қилади, унинг тушунчалари, ҳаётий маслаклари шундан иборат. Модомики, бундай қилишга сизнинг фаҳмингиз етмадими, демак, сизнинг номингиздан бу ишни унинг ўзи амалга оширган. Айни шу жиҳатлар, яъни бир пайтнинг ўзида ҳам ўта таваккалчи, ҳам ўта пухта ўйлайдиган бўла олиш – Эдвардданинг бутун моҳиятини ташкил этади.

– Наҳотки ҳеч ким у билан чиқиша олмайди? – сўрадим мен.

– Биласизми, уни тарбиялаш керак, – деди доктор, жавобимдан бир оз ўзини олиб қочаётгандек оҳангда. – Ҳамма бало шундаки, унга жуда катта эркинлик бериб қўйилган; у кўнглига келган ишни қилаверади, жудаям эркала-

тиб, талтайтириб юборилган, қолаверса, тегра-сидагилар доим уни папалашади, боз устига бу тантиқ қиз доим диққат-эътибор маркази-да. Эдварда ўзининг қудратини синаб кўриши учун унинг қўл остида ҳамиша кимдир бор. Мен у билан қандай муомала қилишимга ҳеч эътибор берганмисиз? Худди мактаб ўқувчи-сига, жажжи қизчаларга нисбатан қўлланади-ган муомалани қиламан унга. Мен уни истаган пайтимда қаттиқ койийман, танбеҳ бераман, унинг нутқини тузатаман, шу билан бирга, уни айби туфайли бурчакка тиқиб қўйиш мумкин бўлган бирор-бир вазиятни қўлдан чиқармас-ликка ҳаракат қиламан. Сиз менинг бу муома-ламни у тушунмайди ёки англамайди, деб ўй-лайсизми? Ҳа, дарвоқе, у жуда мағрур ва ўта қайсар, шу боисдан менинг бундай муомалам, унинг жуда ғашига тегади, бироқ у шу қадар мағрурки, ҳатто ўзининг ана шу аламзада ҳис-ларини ҳам ўзгаларга кўрсатишни истамайди. Бироқ, нима бўлганда ҳам унинг ортиқ эркалик ва тантиқлик қилишига йўл қўйиб бўлмайди. Сиз келгунингизга қадар мен уни бир йил дав-омида тарбиялагандим ва унинг феъли-хўйида қай бир даражадаги ўзгаришлар ҳам кузатила бошлаганди, айтайлик, у энди бирор оғриқни ёки изтиробни ҳис этганда йиғлайдиган бўлув-ди, яъни рисоладагидек одамга айлана бошла-ганди. Аммо, лоп этиб сиз келдингизу, ҳамма саъй-ҳаракатларим чиппакка чиқди-қолди. Ана шунақа гаплар. Бу қиз билан мулоқотда бировнинг ҳафсаласи пир бўлиб, сабр-бардо-ши тугаганда иккинчи бир одам пайдо бўлаве-ради; сиздан кейин ҳам эҳтимол, янги, учинчи одам пайдо бўлар, тағин ким билади дейсиз...

«Оҳ-ҳо, бечора доктор, назаримда мен билан ҳисоб-китоб қиляпти, шекилли», – деган ўй ўтди хаёлимдан ва ундан сўрадим:

– Бироқ, айтинг-чи, сиз бу гапларни менга нима мақсадда сўзлаб бераяпсиз? Сизга Эдвардани тарбиялашда ёрдамим керакми?

– Ахир у нақ вулқондек оташ-аланга эканлигини биласиз-ку, – дея менга парво ҳам қилмай, сўзида давом этарди доктор. – Мана, сиз ҳеч ким у билан чиқиша олмайдими, деб сўраяпсиз. Бироқ, нима сабабдан чиқиша олмаслигини биласизми? Боиси бу қиз унча-бунча одамни эмас, нақ ўзининг шаҳзодасини кутаётир, шаҳзодадан эса дарак йўқ; қиз шўрлик бир бор алданди, иккинчи бор янглишди, ҳалигача бу жараён ниҳоясига етай демайди. У сизни ҳам аслида навбатдаги шаҳзода деб ўйлаганди, ахир нигоҳларингиз алланечук бошқача – махлуқларга хосда, ха-ха-ха! Биласизми, жаноб лейтенант, ростини айтсам, бу ерга ўзингиз билан ҳарбийча мундирингизни ҳам олиб келишингиз керак эди, ҳарбий либосингиз бунда сизга жуда асқатган бўларди-да. Йўқ, нимага энди сиз Эдвардани ҳеч ким билан чиқиша олмас экан, деб ўйлайсиз? Ахир мен бу ойимқизнинг, «қани энди кимдир келиб, мени узоқ-узоқларга олиб кетса-ю, қалбимнинг ҳам, жисму жонимнинг ҳам соҳибига айланса эди», – деган ўйда кўзлари нигорон йўл қараб ўтирганларига гувоҳман-ку. Ҳа! Аммо бир тарафи борки, бу кутилмиш шаҳзода албатта олис-олислардан бўлмоғи, ҳеч ким билмаган ва пайқамаган бир тарзда бунда пайдо бўлиши, энг муҳими, у ҳеч

бир жиҳати билан бу ердаги оддий ва тўпори одамларга ўхшамайдиган бўлмоғи керак. Менимча, жаноб Макнинг бу галги сафари ҳам беҳудага эмас, бунисини аниқ биламан. Чунки у илгари ҳам худди шундай сафарда бўлиб, у ердан бир жанобни ҳамроҳ қилиб қайтганди.

– Ана, холос... шунақа денг, хўш у жаноб ким экан?

– Эй-ий, у ёғини сўраманг, у ҳам жаноб Макнинг хаёлидаги киши бўлиб чиқмади, – доктор шундай деркан, истеҳзоли жилмайиб қўйди. – У одам орзуланган шаҳзода у ёқда турсин, худди менинг ёшим атрофида бўлиб, боз устига худди менга ўхшаган оқсоқ экан.

– Хўш, у қаерга кетди кейин? – сўрадим мен доктордан кўзимни узмасдан.

– Қаерга кетди, дейсизми? Бу ердан қаерга кетганлигини билмоқчимиз? Бунисини мен ҳам билмайман, – деди доктор, саросимали бир тарзда. – Ҳа, дарвоқе, бугун сиз билан анча валақлашиб қолдик, – қўшиб қўйди у. – Яна бир гап, тағин бир ҳафта ўтгач, ўрнингиздан туриб, ярадор оёғингизни босиб юришингиз мумкин бўлади. Кўришгунча хайр.

19

Қоровулхонамнинг шундоққина остонаси ёнидан аёл кишининг овози эшитилади, миямга гувиллаб қон қуйилгандек бўлади, илло, бу Эдварданинг овози эди.

– Эшитишимизча, глан... Глан... бетоб бўлиб қолибдими?

Қизнинг бу саволига менинг оқсоч кампирим эшик олдида туриб жавоб беради:

– Ҳа, у деярли тузалиб ҳам бўлди.

Эдварданинг «Глан... Глан» дея икки бор исмимни тилга олган жарангдор ва алланечук ҳаяжонли товуши гўё менинг жисмимни иккига бўлиб юборгандек туйилади. У эшикни тақиллатиб ҳам ўтирмасдан, ичкарига итаради ва хонамга югуриб киради-да, менга тикилиб қолади. Шунда ҳаммаси яна аввалги пайтлардагидек бўлиб кетади; у ўзининг менга таниш, қайта-қайта бўялган кофтасини кийган, фартуғини ҳам бўйини янада узунроқ кўрсатиш мақсадида, белидан паст қилиб боғлаб олган. Мен буларнинг ҳаммасини бир қарагандаёқ пайқайман: унинг нигоҳлари, офтобда қорайган юзи ва камонмсимон эгилган баланд-баланд қошлари, шунингдек, ўта инжа ва нозик бармоқлари – буларнинг бариси менинг юрагимга шундай бир илиқ ҳарорат қуядики, беихтиёр бошим айланиб кетади. «Мен, наҳотки мана шу махлиқони, мана шу нозанинни ўпган бўлсам?! Ҳа, ҳа... ўпганман ахир!» – деб ўйлайман ўзимча. Кейин ўрнимдан даст туриб оламан-да, қайта ўтирмайман.

– Сиз нега туриб олдингиз, ўтирсангиз-чи, – дейди шоша пиша у. – Ўтиринг, ахир оёғингиз оғриётган бўлса керак. Сиз оёғингизга ўзингиз ўқ уздингизми? Вой, Худойим-ей, бу қандай юз берди ўзи? Мен буни ҳозиргина эшитибман. Мен шунча кундан бери «Гланга нима бўлдийкин-а?», «У қаерга бунчалар йўқолиб кетди», деб, сиздан беҳуда ранжиб юрибман. Худо ҳаққи, бу ҳақда ҳеч нарсани билганим йўқ эди.

Оёғингиздан жароҳат олганингизга ҳам бир неча ҳафта бўлиб қолибди, аммо бу хусусда менга ҳеч ким бир оғиз бўлсин лом-мим демабди-я. Хўш, энди аҳволингиз яхшими? Оҳ, шўрликкина... ранги-рўйингизни оқариб кетганини-чи, сизни таниб бўлмай қолибди. Оёғингиз қалай? Энди ишқилиб, оқсаб қолмайсизми? Докторнинг айтишича, сираям оқсамас эмиш-сиз. Бу жуда яхши, азизим... жудаям яхши, оқсоқланмаганингиз... Худога шукур, беадад ҳамду санолар бўлсин Яратганга! Ўйлайманки, сиз... сиз менинг бу тарзда, уйингизга берухсат... дабдурустдан бостириб келганимга... мени маъзур тутарсиз. Ростини айтсам, мен юриб келмадим, югурдим... учиб келдим қошингизга...

Эдварда менга шу қадар яқин, деярли суяниб турганидан юзларимда унинг нафаси сезиларди, мен унга оҳиста қўлимни узатдим. Бироқ, у илкис ортига тисарилди. Унинг кўзлари жиққа ёшга тула эди.

– Мана, бу воқеа қандай юз берди, – дея гап бошладим мен, – аммо нимагадир овозим ўзимга бўйсунмаётгандек туйилиб кетди. Мен милтиғимни бурчакка қўймоқчи эдим, афсуски уни нотўғри ушлабман, яъни милтиқнинг тумшуғини пастга қаратиб тутибман; шунда бехосдан милтиқ отилиб кетди. Бир сўз билан айтганда, шунчаки бахтсиз ҳодиса юз берди.

– Бахтсиз ҳодиса, денг, – дея сўради у ва ўйчан ҳолатда бош чайқади. – Шошманг, шошманг, ахир ўқ чап оёғингизга тегибди-ку! Нега энди айнан чап оёғингизга? Ҳа-я, бу ҳам тасодиф дедингиз.

– Ҳа, чиндан ҳам тасодиф бу, – унинг гапини бўлдим мен. – Ахир ўқ қайси оёғимга тегишини мен қаердан ҳам билардим, дейсиз? Сизга кўрсатиб бердим-ку, ахир. Модомики, милтиқни шу тарзда, чап ёнимда тутиб турганимдан кейин, ўнг оёғимга истаганимда ҳам ота олмасдим-да… Ҳа, бу жуда бемаъни кўргулик бўлди.

Эдварда менга тикилганча, зўр бериб нималарнидир ўйлаётганлиги сезилиб турарди.

– Хўш, демак, энди анча ўзингизга келиб қолдингизми? – у шундай деркан, негадир атрофига бир қур аланглаб қўйди.

– Нега озиқ-овқат учун бизникига одам юбормадингиз? Шу кунлар мобайнида қандай яшадингиз?

Биз шу тахлит яна бир неча дақиқа суҳбатлашиб турдик. Гап асносида ундан сўрадим:

– Сиз хонамга кирганингизда, юзингизда жуда кучли ҳаяжон зоҳир эди, кўзларингиз порлаб турганди, менга қўлингизни узатдингиз. Энди эса нигоҳингиз яна сўлғин тус олди. Ё менга шундай туйилдимикан?

Орага жимлик чўкди.

– Ҳа, бунга эътибор берманг, кайфиятим беқарорлигини яхши биласиз-ку…

– Аммо, сиздан бир нарсани ўтинаман, – дедим мен, – ҳеч бўлмаса, ҳозир, шу лаҳзаларда айтинг-чи, қайси бир хатти-ҳаракатим ёки сўзим билан сизни шу қадар ранжитиб қўйдим? Ҳеч бўлмаса, келгусида шу хатоларимни такрорламаслигим учун ҳам буни билиб қўймоғим жоиз.

У қаддини тик тутганча деразадан уфқнинг олис-олис чегаралари томон хаёлчан тикилиб тураркан, менга қайрилиб ҳам қарамасдан жавоб берди:

– Бунга аҳамият берманг, Глан. Ахир, изтироб исканжасидаги одамнинг хаёлига нималар келмайди, дейсиз. Мана, сиз ҳам ранжиб ўтирибсиз, тўғрими? Бир нарсани эсингиздан чиқарманг, кимдир ўзгаларга озгинагина нарса беради-ю, шу арзимас нарса ҳам унинг ўзи учун кўпдек туйилади, бошқа биров эса аксинча, бор-будини ўзгаларга сидқидил бахшида қилади, аммо бу иноятлари унинг ўзи учун жуда камдек, арзимасдек бўлиб қолаверади; энди ўйлаб кўринг, уларнинг қай бири кўпроқ ўзгаларга наф етказа олдийкин? Сиз бетобликда анчагина тушкунликка тушиб қолибсиз. Ҳа-я, умуман бу гапларни нега айтаяпман ўзи, сиз учун ҳожати борми уларнинг?

Кейин у дафъатан менга қайрилиб, кулиб қарайди, унинг нигоҳларида алланечук шодиёна жилва қилади, юзларига тағин аввалгидек қизиллик югуради ва шундай дейди:

– Хўп, азизим, тезроқ тузалиб кетинг. Сизга энг яхши тилакларим.

Эдварда шундай деб, менга қўлларини узатади. Бироқ, шу лаҳзаларда негадир унга қўл узатгим келмай қолди.

Мен ўрнимдан туриб, қўлларимни ортимга қилиб чалиштирдим-да қизга тавозе билан таъзим қилдим; гўё шу тарзда унга илтифот кўрсатиб мени йўқлаганлиги учун ўз миннатдорлигимни изҳор этдим.

– Сизни кузатиб қўймаётганлигим учун маъзур тутасиз, – дедим гўё хижолат бўлаётгандек.

Эдварда кетгандан сўнг, мен ўтириб олиб узоқ вақт бу ерда ҳозиргина бўлиб ўтган суҳбат ҳақида ўйланиб қолдим. Кейин эса, танишларимга менга ҳарбийча мундиримни юборишларини сўраб хат битдим.

20

Ўрмонга қайтганимнинг илк куни.

Кўнглимни чулғаб олган чексиз бахт туйғуси ичра масрурлигимдан зўрға оёқда турибман, гўёки теграмдаги бор мавжудоту махлуқот мени ажабланиб томоша қилаётгандек; дарахтларнинг гуногун япроқларидан қўним топган хонқизи-ю, тиллақўнғизлар, сўқмоқлардаги ивирсиб юрган қурт-қумурсқа-ю, сассиқкўзанлар, юмронқозиғу, ерташарлар бари-бари бесаранжом, жонсарак. «Оҳ, улар ҳузуримга пешвоз чиқишибди, мени кутиб олишмоқда!» – дея ўйлайман хушнудлик ила. Шу тобда ҳар бир сония, ҳар дақиқада мен ўрмоннинг муаззам руҳини вужуд-вужудим билан ҳис қилар, бу беминнат ва олиҳиммат ҳилқатга бўлган чексиз меҳру муҳаббатим туфайли юм-юм йиғлардим, беадоғ шодликлар оғушида, Тангрининг барча неъматлари учун миннатдорлик, шукроналик туйғулари ичра масту мустағриқ бир алпозда эдим. «О, менинг азиз ўрмоним, суюк хонадоним, салом сенга, ассалом!» – дейман ич-ичимдан тўлқинланиб. Дафъатан турган жойимда қотиб қоламан-да, теварак-атрофимга син солиб, кузатаман, қароғимдан эса

селоб кўз ёшларим тинмайди... бу гўзал ҳилқатдаги ўзимга суюкли ва ардоқли бўлган ҳар бир қушчани, дарахтни, тошни... ва ҳаттоки майсалар-у қуртчаларни ҳам номма-ном йўқлаб чақираман. Уларнинг ҳар бирига алоҳида назар қадайман, маҳлиё бўламан... тўйиб-тўйиб тикиламан-у, номини айтаман. Гоҳо тоғларга тикиламан-да, шодланиб ҳайқираман: «Ҳа-ҳа-ҳоооой, азизларим, омонмисиз, бормисиз... менга интиқмисиз, интизормисиз... боряпман, боряпман ҳузурингизга!» – дейман гўё мени кимдир осмонўпар чўққилардан туриб чорлаётгандек. Ҳув осмонўпар, булутларга туташ чўққиларда аллақачон лочинлар ин қуриб бўлишибди, дарвоқе, мен буни анчадан буён биламан... Мана, ҳозир ҳам, лочинларнинг инлари ҳақида ўйлашим биланоқ, хаёлотим тулпорлари мени беихтиёр янада олис маконларга олиб парвоз этадилар... олис-олисларга... олис-олисларга олиб учадилар мени...

Кун тушга яқинлашганда қайиққа ўтириб, денгиз соҳилидан анча масофада жойлашган мўъжазгина оролчага жўнаб кетдим. Бу ерда поялари узун ва расида, ифори ҳам ўта бетакрор нафармон гуллар ўсарди. Уларнинг баъзилари нақ менинг тиззамгача келарди, мен маймунжонлар, чақиртиканаклар оралаб юриб борардим; бунда бирорта жонзот кўринмас ва ҳатто назаримда шу кунгача бу ерларга одамзотнинг ҳам оёғи етмагандек эди. Беором денгиз эса соҳил томонга енгил кўпикларни тинмай итқитар ва менга уларнинг шовуллаган овози ажабтовур далда бераётгандек эди. Йироқ-йироқлардаги ҳув Эггехольм томонлардан

соҳил қушларининг чуғурлашлари элас-элас эшитиларди. Атрофимда нуқул денгиз... поёнсиз баҳрул уммон кўринар, шу тобда мен ўзимни гўё мана шу ҳайбатли ва азим мовий уммоннинг меҳрли оғушида ҳис қилардим. Айни дамда хаёлимдан фақат, «эй ҳаёт, эй, она замин, эй бепоён осмон, сизларга ҳамду санолар бўлсин, эй менинг душманларим сизларни-да алқайдирман, сизларга ҳам бор эзгуликлар, омонлик, бағри бутунлик ёр бўлсин!» – деган ўта эҳтиросли ва кўтаринки фикрлар ўтарди. Шу мунаввар лаҳзаларда мен ҳатто энг ашаддий душманимни ҳам суйиб бағримга босишга, унинг оёқларига йиқилиб тавоф этишга, йўқ деганда, бошмоғининг боғичларини боғлаб қўйишга ҳам тайёр эдим...

Жаноб Макка тегишли баржада[1] ишлаётган ишчиларнинг баланд овоздаги ўзаро бақир-чақирлари то менгача етиб келарди. Ўзимга жуда таниш ва қадрдон бўлган ана шу товушлар, ғала-ғовурлар ҳам кўнглимни беадад севинчга тўлдиради, бундай масрурликдан беихтиёр титраблар кетаман. Пристанга қараб тинмай, жидду-жаҳд билан эшкак эшиб борарканман, тезда соҳилга етиб олиб, балиқчилар яшайдиган одми ва кўримсиз баракларни четлаб ўтиб, уйим томон шошиламан. Гарчи қуёш кўтарилиб кетганига анча бўлган эса-да, эрталабки нонуштага ўтираман, ушбу одатий нонуштани ҳам худди муҳим зиёфатдек ҳис қилиб, тамаддиланиш асносида энг тансиқ озиқ-овқат захираларимни Эзоп билан бирга баҳам

[1] Баржа – шатакка олиб юриладиган ёки ўзи юрадиган ясси юк кемаси. *Таржимон изоҳи.*

кўраман. Кейин тағин ўрмонга томон йўл оламан. Юзларимни майин шаббода сийпалайди. «Ассалом эй, майин шаббода! – дейман, юзларимга ўзгача ҳузур бахш этгувчи тонгги ҳузурбахш сабога юзланиб. – Сенга саломлар бўлсин, сенинг жонбахшлигингдан танамдаги ҳар бир томирим, томиримда гупирган ҳар қатра қоним ҳам яйраётир, ҳузур-ҳаловатни ҳис қилаётир, бор бўлгин ҳамиша, зинҳор тинмагин!» – деб алқовлар айтаман. Эзоп ўз панжаларини менинг тиззамга қўйиб олади.

Кейин вужудимни алланечук ёқимли ҳорғинлик забт этади-да, беихтиёр кўзларим илиниб, ухлаб қоламан.

«Даранг! Дурунг! Даранг! Дурунг!» – бу нима бўлди тағин? Эҳ-а, қўнғироқлар жаранги-ку! Соҳилдан олисроқда, бир неча милча узоқликда нақд денгизнинг бағрида улкан бир тоғ кўзга ташланади. Мен иккита дуони ўқийман, биринчисини итим, иккинчисини эса ўзим учун, кейин биз икковлашиб ўша тоғнинг бағрига кириб кетамиз. Ортимиздан эса қандайдир улкан дарвозалар ёпилади, мен недандир чўчиб, сапчиб тушаман-да, уйқудан уйғониб кетаман.

Кундузлари осмон гумбази бамисоли қозондек қизиб кетади, қуёш нури кўзларга ништардек қадалади; тунлар ҳам бундан авломас; уфқ чизиғи нуру зиё ўйинидан зир-зир титраётгандек жилваланади. Эзоп иккаламиз бундай нур истилосидан соя-салқинга биқиниб олиб, базўр жон сақлаймиз. Атрофда сукунат ҳоким. «Кел, энди бошқа ухламаймиз, – дейман Эзопга, – саҳарда яна овга чиқамиз, кўряпсанми, яна биз учун қирмизи қуёш заррин нурларини сочишга шайланаётир, демак,

биз сен билан ҳали тоғнинг у қадар ичкарисига кирганимизча йўқ экан...» Ва шунда ногаҳон мен ғаройиб бир ҳиссиётни идрок қиламан, кутилмаганда юзим худди уятдан қизаргандек ловуллаб, алвон тус олади; гўё яноқларимдан, лабларимдан кимдир бўса олаётганини пайқагандек бўламан, ва бу бўсанинг қайноқ тафти лабларимни куйдириб юборади гўё...

Мен атрофга аланглаб кўз ташлайман. Йўқ, атрофда тирик жон кўринмайди. «Изелина», – дейман оҳиста шивирлаб. Майсалар оҳиста шитирлаб қўяди, эҳтимол уларнинг устига япроқ тушгандир, балки бу чиндан ҳам қадам товушларидир?! Ўрмон бўйлаб ғаройиб бир титроқ, ҳаяжон таралади, бу шубҳасиз Изелинанинг нафаси бўлса керак. Бу ерларда бир пайтлар мангу маъшуқа тимсоли Изелина оёғига сариқ этик кийиб, эгнига яшил ридо ёпинган овчиларнинг ўтинч ва илтижоларига ром бўлиб, саросар кезиб юрган, дейишади. У аслида бу ердан у қадар олис бўлмаган, атиги ярим милча келадиган муҳташам қўрғонида яшаган экан. У ўз қўрғонининг деразаси олдида ўтириб оларкан-да, овчиларнинг ҳайвон шохидан ясалган бурғуси ўрмон бўйлаб қандай жаранг таратишига соатлаб қулоқ тутаркан; дарвоқе, бу воқеалар аллазамонларда, бизнинг бобокалонларимизнинг боболари даврида юз берган дейишади... У пайтларда ўрмонда буғулар, бўрилар, айиқлар ниҳоятда мўл экан, овчиларнинг сони ҳам шунга яраша бўлган экан, албатта; Изелина уларнинг кўз ўнгида катта бўлиб, ҳар бир овчи унинг ҳусну жамолидан, малоҳату лутфу карамидан умидвору баҳра-

вар экан. Кимда-ким унинг чеҳрасини кўришга мушарраф бўлса, ўша киши унинг овозини ҳам эшитар экан.

Аммо қоронғи кечаларнинг бирида бир навқирон йигит Изелинанинг висолини кутишга сабр-бардоши етмай, унинг ётоқхонаси эшикларини тешиб, туйнук очибди. Ва, дафъатан, Изелинанинг бахмалдек мулойим оппоқ қоринчасини кўриб қолибди. Изелинанинг ёши ўн иккига тўлганида бу ерга Дундас исмли бир навқирон йигит келибди. Унинг асли келиб чиқиши шотландиялик бўлиб, йигит балиқ савдоси билан шуғулланар, шунингдек, унинг кўплаб шахсий кемалари ҳам бор экан. Унинг ўғли ҳам бўлиб, Изелина нақд ўн олти ёшга кирганида, ёш ва навқирон Дундасни учратибди ва Дундас унинг илк муҳаббати бўлиб қолибди...

Мен билан яна ғалати-ғалати ҳодисалар содир бўла бошлади. Бениҳоя ҳаяжон ва кучли чарчоқдан бошим қуйи эгилади; кўзларимни юмаман, қовоқларимга уйқу иниши биланоқ, яна лабларимда Изелинанинг қайноқ бўсасини ҳис этаман.

– Ҳой, Изелина, бу сенмисан? Эй, мангу муҳаббат маъбудаси, наҳотки шу ердасан? – шивирлайман мен. – Ҳойнаҳой, ошиқи зоринг Дидерик ҳам шу ерда, бирор дарахт остида сени пойлаётгандир?

Бироқ, бошим тобора оғирлашиб, қуйи эгилиб бораверади, бораверади... ниҳоят, мен уйқу уммонининг тўлқинлари ичра буткул ғарқ бўламан.

Ла-ла-лалай! Ла-ла-лай! Ла-ла-лалай! Ла-ла-лай! Чамамда яна бир сеҳрли оҳанг қулоғимга

чалинаётир? Гўё жисму жонимда, вужудимнинг банду бандида, ҳар бир томирида қон ўрнига само каҳкашони – сомон юлдузидаги юлдузлар зиёси оқаётгандек, жисмим, руҳим ёлқинланиб кетади; ахир бу айнан Изелинанинг овози-да: «Ухла, ухлайвер! – дейди у бахмалдек майин товуш ила. – Мен сенга ўз муҳаббатим ҳақида айтиб бераман. Сен бемалол уйқу қўйнида ором олавергин... Мен сенга ўзимнинг илк висол оқшомим тўғрисида ҳикоя қиламан. Эсимда, мен ўша оқшом уйим эшигини ёпишни унутгандим; атрофда баҳор ҳукмрон, хушбўй кўклам насими ғир-ғир елади, мен эса атиги ўн олти ёшдаман; ўшанда ҳаётимга кутилмаганда Дундас кириб келди. Наздимда, у қудратли қанотларини кенг ёзиб парвоз қилаётган лочин мисоли эди. Мен уни саҳарда, айни ов олдидан кўрган эдим, унинг ёши йигирма бешда бўлиб, бу ерларга у жуда олисдан, ўзга юртлардан келиб қолганди; биз у билан бирга боғ айландик, шунда у беихтиёр тирсаги билан менга тегиб кетди, мени худди чақмоқ ургандек бўлди ва шу лаҳзадан бошлаб мен Дундасни севиб қолдим.

Дундаснинг пешонасида иккита қизил доғ, балки улар туғма нормиди, билмадим, алвонланиб турар ва нимагадир шу тобда унинг ана шу норларидан ўпгим келиб кетди.

Овдан сўнг, айни оқшом тушган паллада мен боғда айланиб юрарканман, Дундасни интизор бўлиб кутардим, шу билан бирга, нимагадир унинг келиб қолишидан чўчирдим ҳам. Худди уни чорлаётганимни Дундаснинг ўзи эшитиб қолмасин, дегандек, исмини айтиб,

аста шивирлардим. Бироқ, кутилмаганда Дундас ёнимдаги буталар ортида пайдо бўлди-да, худди ўзим каби шивирлади:

– Бугун тунда, соат бирда!

У шундай дейди-да, қандай пайдо бўлган бўлса, худди шу тарзда кўздан ниҳон бўлади.

«Бугун тунда, соат бирда!» – бу нима дегани экан, – дея ўйлайман ва бу гапнинг тагидаги маънони тўлиқ англай олмай, қийналаман. Ҳар ҳолда у, бугун тунги соат бирда, тағин олис ўлкаларга жўнаб кетаман, демагандир, ахир?! Хўш, шундай деганда ҳам, менга бунинг нима дахли бор? Бунинг олдини олиш учун мен нима ҳам қила олардим?

Хуллас, ўшанда мен уйим эшигини занжирлашни унутибман...

Кечаси, қоқ тунда у менинг хонамга кириб келади.

– Наҳотки, эшик ёпилмаган бўлса? – сўрайман ундан.

– Ҳозир, мен ўзим эшикни ёпаман, – жавоб беради у.

Ва у оҳиста бориб эшикни ичкаридан занжирлаб ёпади. Унинг баланд пошнали этиклари бирам дўқиллардики, бундан уни биров эшитмасин, деган ўйда, дилимдаги хавотирим янада ортиб кетди.

– Тағин оқсочимни уйғотиб юбормагин! – дедим ҳаяжонда.

Шу билан бирга хонамдаги курсининг нохос ғижирлаб кетишидан ҳадиксираб, уни огоҳлантирдим:

– Ҳой, курсига ўтира кўрма, у жуда ёмон ғижирлайди!

– Унда, сенинг тўшагингга ўтирсам бўладими? – сўради у.

– Ҳа, ўтирақол, – дедим ноилож.

Бироқ, аслида бу гапни хонамдаги ўша лаънати курсининг ғижирлашидан чўчиганимдан айтгандим.

Хуллас, энди ҳар иккимиз ҳам менинг тўшагимда ёнма-ён ўтирардик. Мен бир оз ўзимни четга олдим, у эса менга яқинлашди. Мен полга тикилиб қолдим.

– Сен совқотиб қолибсан-ку, – деди у ва қўлларимдан тутди. Кейин бир оз фурсат ўтиб: – Оҳ, жудаям совқотиб кетибсан, – дея такрорлади-да, мени қучиб олди.

Бирданига баданимга иссиқ югурди. Иккимиз ҳам миқ этмай ўтирардик. Ногаҳон хўроз қичқириб қолди.

– Эшитяпсанми, – деди у, – хўроз қичқираётир, ҳадемай тонг ҳам отади.

У мени оғушига тортди, мен эса ўзимни тамом унутдим.

– Чиндан ҳам хўроз қичқирганини эшитдингми? – шошапиша сўрадим ундан.

Шунда тағин нигоҳим унинг пешонасидаги қизғиш доғларига тушди ва ўрнимдан туришга чоғландим. Бироқ у қўйиб юбормади, мен беихтиёр унинг ўзим учун нимагадир жуда азиз туйилган пешонасидаги бир жуфт қизғиш норларидан ўпдим-да, кўзларимни юмдим…

Тонг ҳам отди, аллақачон қуёш оламни нурларга белаган. Кўзларимни очиб, ётоқхонамнинг деворларини танимай қолдим, ўрнимдан тургач эса, наздимда ҳар куни кийиб юрадиган бошмоқчаларим ҳам мутлақо ўзгачадек туйиларди;

бутун вужудимда алланечук эврилишлар содир бўлган ва тинмай борлиғимга илоҳий бир ҳарорат қуйиларди. Дилимни, борлиғимни бу қадар ғулғулага солаётган нарса нима бўлди экан? – деб ўйларканман, юрагим, ич-ичидан севинч ва фараҳларга тўлиб борарди. Шунда олисдан соатлар бонги эшитилди, соат неча бўлдийкин? Мен ҳеч нарсани англай олмас, тушунолмасдим, фақат ўша тунда уй эшигини беркитишни унутганимни эслардим холос.

Хонамга хизматкор аёл кирди.

– Гулларинг бугун суғорилмабди, – дейди у.

Гулларни буткул унутибман.

– Кўйлагинг ҳам ғижимланган? – дейди у янада ҳайрати ошиб.

Кўйлагимни қачон бу қадар ғижим қилдим экан? – мен шу ҳақда ўйлар эканман, юрагим нохос гупиллаб уриб кетади; наҳотки тунда ғижим қилган бўлсам?

Шунда уйимиз дарвозаси олдига извош келиб тўхтайди.

– Мушугингга ҳам овқат бермаганга ўхшайсан, – дейди хизматкорим энди, ошкора таъна қилаётгандек.

Бироқ, энди мен хизматкорнинг гуллар, кўйлагимнинг ғижимлиги-ю, мушугим ҳақидаги саволларини мутлақо унутиб, ундан сўрайман:

– Келган Дундас эмасми? Тезроқ уни ҳузуримга чорла, мен уни кутаётгандим... Мен истардимки... – Хизматкоримга шунга ўхшаш нималарнидир минғирлаяпман-у ўзимча: «У бугун ҳам кечагидек эшикни ичидан занжирлармикан ёки ундай қилмасмикан?» – дея ўйлайман.

Дундас эшикни тақиллатади. Унга эшикни ўзим очаман, эшикни очаман-у, уни тағин овора қилмаслик учун ичкаридан занжирни ҳам иламан.

– Изелина! – шивирлайди у энтикиш билан, кейин эҳтирос-ла қучиб, лабларимга чиппа ёпишади. Бирор дақиқа қўйиб юбормайди.

– Ахир мен сенга чопар юбормагандим-ку, – дея шивирлайман.

– Ростдан ҳеч кимни юбормадингми? – сўрайди у.

Мен тағин ўзимни мутлақо унутиб, жавоб бераман

– Оҳ, мен сенга чопар юбордим, сени интизор кутдим, жонгинам... Шунчалар соғиндимки сени... бутун қалбим хуморинг билан лиммо-лим. Кел, келақол, энди фақат ёнимда бўлгин...

Меҳру муҳаббатим тўлқинидан кўзларимни чирт юмиб оламан. У ҳам мени бағридан қўйиб юбормайди, тиззаларим қалтираб, оёқларим мажолсизланади, юзларимни унинг кўксига беркитаман.

– Яна нимадир қичқираётир, эҳтимол, бу тағин хўроз бўлса керак? – дейди у ва атрофга қулоқ тутади.

Бироқ, мен дарров унинг гапларини бўламан-да, жавоб бераман:

– Йўқ, бу хўроз эмас? Ҳеч қандай қичқириқни эшитмаяпман.

У менинг сийналаримдан ўпди.

– Бу, бу... шунчаки товуқнинг «қа-қағ»лаши, холос, – дедим сўнгги дақиқаларда.

– Шошма-чи, эшикни ёпай, – дея у туришга чоғланди.

Мен Дундаснинг қўлларидан тутиб, оҳиста шивирладим:

– Эшикни аллақачон ёпиб қўйганман...

Яна оқшом чўкди, Дундас эса жўнаб кетди. Бутун вужудимда, ҳар бир томирим, ҳужайраларимда ҳам алланечук нур, зиё оқаётгандек эди. Ётоқхонамдаги кўзгу рўпарасига ўтирдим, унга қарасам, бир жуфт ошиқ кўзлар менга чўғдек қадалиб турарди. Бу оташ нигоҳлардан юрагимнинг туб-тубигача жимирлаб, вужудимнинг авра-астари ағдарилиб тушаётгандек, юрагимдаги ниҳоятда нурли ва фараҳбахш туйғулар жилғаси улкан дарё бўлиб оқа бошлади, гўё. Эй, Худойим! Мен ҳали умрим бино бўлиб, бирор маротаба ўзимга бу қадар шайдо бўлиб боқмагандим. Илло шу тобда худди эс-ҳушидан мосуво савдойи ошиқлар каби, азбаройи, муҳаббат туйғуларининг қутқусидан чиқолмай, ойнадаги ўз қиёфам лабларидан қайноқ бўсалар олардим; ўзимни ўзим эркалар, севар, алқар, то ҳолдан тоймагунимча ардоқлардим...

Мана, мен сенга ўзимнинг илк муҳаббат оғушида кечган туним ҳақида, ва ўшал фараҳли тундан кейин отган мунаввар тонг, ва яна ул нурафшон тонг ортидан чўккан файзли оқшом хусусида сўзлаб бердим. Мен ҳали тағин мавриди билан сенга Свен Херлуфсон ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бераман. Мен уни ҳам жондан ортиқ севардим. У, бу ердан бир милча олисда, ҳув анави оролчада яшарди, кўряпсанми? Ва мен ўзим унинг висолини кўрай, деб, ёзнинг ҳар бир сокин ва муаттар тунида оролчага қайиқда сузиб борардим... Боиси мен уни се-

вардим. Кейин Стаммер ҳақида ҳам ҳикоя қилиб бераман. Стаммер руҳоний эди, уни ҳам севиб қолганман. Мен уларнинг ҳаммасини... ҳаммасини бирдек севаман...

Уйқу аралаш мен Сирилуннда хўрозлар қичқира бошлаганини илғайман.

– Эшитяпсанми, Изелина, ана хўрозлар қичқириб, бизларга аталган тун ҳам интиҳо топганидан огоҳлантирмоқда! – дейман сурур оғушида. Кейин унга қўлларимни узатаман. Уйқудан уйғонаман. Эзоп ҳам сакраб ўрнидан қўзғалди. Кетиб қолдингми, Изелина?! – дея атрофга андуҳли назар соламан. Ҳеч ким, бирорта тирик жон йўқ! Бутун вужудим оташ-аланга бўлиб ёнади, уйимга шошиламан. Аллақачон тонг отган, Сириллуннда эса хўрозлар бири олиб, бири қўйиб қичқиришгани, қичқиришган.

Қоровулхонам ёнида бир аёлнинг қораси кўринади, бу Ева экан. Унинг қўлларида чилвир, тағин ўтин олиб келгани кетяпти чоғи. У шу қадар латофатли, нозик-навниҳолки, бамисоли тонг фариштаси, дейиш мумкин. У тонгги қуёш нурида солланиб тураркан, нимагадир оғир-оғир хўрсинади.

– Сиз тағин... бошқа нарсани ўйламанг... – дея гап бошлайди у, кейин нимагадир, сўзини тугатолмайди.

– Бошқа нарса деганинг нимаси Ева?

– Тағин мени... ҳалиги... атайдан бу ерга келди, деб ўйламанг, демоқчиман. Шунчаки... мен қоровулхонангиз ёнидан ўтиб кетаётгандим...

Унинг юзлари нимагадир дув қизариб, алвонланиб кетади.

21

Жароҳатланган оёғим мени безовта қилар, тунлари бот-бот оғриб, ухлагани қўймасди, баъзан эса кутилмаганда кучли оғриқ туриб, ҳавонинг авзойи бузилиши билан симиллашга тушаверарди. Бу азобларим узоқ вақт давом этди. Лекин, нима бўлганда ҳам мен чўлоқ бўлиб қолмадим.

Кунлар кетидан кунлар ўтиб борарди.

Жаноб Мак ўз сафаридан қайтиб келди. Ва унинг сафардан қайтиши менинг ҳаётимда ўша лаҳзадаёқ ўз ифодасини топди. У менга фойдаланишим учун бериб қўйган қайиғини қайтариб олиб, мени ниҳоятда қийин аҳволда қолдирди; ҳали ов мавсуми бошланмаганлиги боис милтиқ отиб, хумор ёзишнинг имкони йўқ эди. Бу қанақаси бўлди, тағин. У мени лоақал огоҳлантиришни ҳам эп кўрмасдан, қайиқни шартта олди-қўйди! Жаноб Макнинг иккита ишчиси, эрталаб саҳардан бир нотаниш жанобни денгизга олиб чиқиб кетишди.

Шу орада докторни учратиб қолдим.

– Менинг қайиғимни олиб қўйишди, – дедим унга дил ёриб.

– Ҳа, бу ерга бир меҳмон ташриф бурган, – жавоб берди у, – ўша меҳмонни ҳар куни денгизга олиб чиқишиб, кечқурун соҳилга олиб келишаяпти. У денгиз тубини тадқиқ қилар эмиш.

Бу келгинди асли финнлардан бўлиб, жаноб Мак у билан мутлақо тасодифан, катта кеманинг бортида танишиб қолганмиш. У Шпиц-

берген[1] шаҳридан келибди. Ўзи билан бир талай чиғаноқлар тўпламини, турли денгиз жониворларини келтирганмиш, уни атрофидагилар, барон деб чақиришармиш. Бу кишимга жаноб Макнинг уйидаги катта зални ва унга ёнма-ён хонани ажратиб беришибди. Унга жуда эътибор, эъзоз билан илтифот кўрсатишаётганмиш.

Мен анчадан буён гўшт тановул қилганим йўқ, балки, бугун Эдварда мени тансиқ кечки овқат билан сийлар, – дея ўйладим ўзимча. Ҳа, ҳозироқ Сирилуннга отланаман. Шундай қарорга келишим биланоқ, Эдварданинг яна янги кўйлак кийиб олганини ва кўйлак ниҳоятда узун бичиқда тикилганлигидан қизнинг бўйи тағинам баландроқ туйилишини тасаввур қиламан.

– Ўрнимдан қўзғалмаётганим учун мени маъзур тутинг, – деди у қуруққина қилиб, ва менга қўлини узатди.

– Ҳа, бахтга қарши, қизимнинг тоби қочиб қолди, – дейди унинг гапини шарҳлашга тиришиб, жаноб Мак. – Шамоллабди. Ахир, у ҳеч ўзини эҳтиёт қилмайди-да... Менимча, сиз қайиқ масаласига аниқлик киритиш мақсадида келгансиз, тўғрими? Биласизми, энди мен... сизга бошқа бирорта, кичикроқ қайиғимни ажратишимга тўғри келади, чоғи... тўғри у янги эмас-ку, бироқ... озроқ у ер-бу ери таъмирланса, бемалол фойдаланиш мумкин... Гап шундаки, бизникида бир олим меҳмон бўлиб

[1] Шпицберген – Шимолий муз океанида жойлашган улкан архипелаг. Норвегия қироллигининг энг шимолий қисмидаги йирик саноатлашган шаҳарлардан бири. *Таржимон изоҳи.*

турибдилар, бу ёғини ўзингиз ҳам тушунарсиз, деб ўйлайман... ҳар ҳолда меҳмон... унинг иззати дегандай... Ул жанобнинг деярли бўш вақтлари йўқ, денг, эрталаб чиқиб кетгунларича, кун бўйи ишлайдилар, фақат кечқурун уйга қайтадилар... Улар ҳали замон келиб қоладилар... Агар, малол келмаса, бирор фурсат кутиб турсангиз, улар билан танишиш имкониятига эга бўлардингиз. Улар билан танишиш сизга ҳам қизиқ бўлар, деб ўйлайман?! Мана, уларнинг ташриф қоғози... бир кўринг-а, тожнинг рамзи туширилган. Улар барон экан. Жудаям ёқимтой, улфатижон инсон. Мен улар билан мутлақо тасодифан танишиб қолдим.

Аҳа, дея ўйладим мен, бундан чиқди, сени кечки овқатга олиб қолиш ниятлари йўқ. Худога шукурки, мен бунга жудаям умидвор эмасдим, бажонидил уйимга қайтавераман. Кулбачамда ҳали озроқ бўлса-да, балиқ захираларим бор. Балиқ ҳам аслида унчалик ёмон таом эмас-ку! Майли, шунисига ҳам раҳмат, энди бу ёғига изза тимни билиб, ўз ихтиёрим билан кетақолай.

Барон деганлари келди. Бўйлари пастаккина, қирқ ёшлар атрофидаги киши экан. Унинг юзи чўзиқ, бироқ жуда ингичка, яноқлари туртиб чиққан, сийракроқ бўлса-да қоп-қора соқолчаси ҳам бор эди. Унинг ўткир кўзларидан қаҳри қаттиқ ва қатъиятли кишининг нигоҳларини илғаш мумкин.

Унинг кўйлаги енгидаги запонка, яъни илматугмаларида ҳам худди ташриф қоғозидаги каби бешта қиррали тож тасвири кўриниб турарди. Барон бир оз букчайиброқ юраркан. Унинг озғин қўлларида кўкимтир қон томирла-

ри бўртиб турар, тирноқлари эса худди сариқ металдан ясалгандек таассурот қолдирарди кишида.

– Сизни кўриб турганимдан бағоят мамнунман, жаноб лейтенант. Анчадан буён шу ердамисиз?

– Ҳа, бир неча ой бўлиб қолди.

Барон чиндан ҳам, жуда сертакаллуф одам экан. Жаноб Мак ундан ўзи билан келтирган чиғаноқлари, денгиз жониворлари хусусида сўзлаб беришини сўради, ва у бунга бажонидил рози бўлди. У суҳбат асносида бизга Курхольма атрофидаги денгиз тубида қандай лой қатламлари учраши ҳақида гапириб берди ва ўзи жойлашган залга кириб, у ердан Оқ денгиз тубидан олиб чиққан денгиз қатламлари намуналарини олиб келди. У гапирар экан, ҳадеб, ўнг қўлининг бош бармоғи билан қаншаридаги қалин тилла гардишли кўзойнагини тўғрилаб қўярди. Бароннинг бундай батафсил изоҳлари айниқса жаноб Макни ниҳоятда қизиқтириб қўйгандек эди. Орадан бир соатча вақт ўтди.

Барон менинг оёғим билан боғлиқ бахтсиз ҳодиса ҳақида, яъни милтиғимнинг нохос отилиб кетганини гапириб қолди. Кейин, тузалиб қолдимми, йўқми, шуни суриштирди. Тузалганимни эшитиб: «О-о, шундайми, бу жуда яхши-ку! Мен бундан бағоят хурсандман», – деди. Бироқ, мен, ўзимга дахлдор бу воқеани барон қаердан билиши мумкин, дея ўйланиб қолдим. Ва ундан сўрадим:

– Кечирасиз, муҳтарам барон жанобларига бу бахтсиз ҳодиса ҳақида ким маълум қилганини билсам бўладими?

–Ким айтди, дейсизми? Дарҳақиқат, бу ҳақда менга ким айтган эди-я? Ҳа, эсладим, янглишмасам, мен бу гапни Мак хонимдан эшитгандим. Тўғрими, фрекен Мак?

Бу саволдан хижолат бўлганидан, Эдвардаининг юзлари дув қизариб кетди.

Менинг аҳволим шу қадар музтар эдики, бир неча кундан буён, ўзим ҳам англай олмайдиган ғалати бир изтироб юрак-бағримни эговлаб, азоб бераётганди, аммо бароннинг сўнгги сўзларидан кейин бирданига кўнглим ёришиб, енгил тин олдим. Мен шу тобда Эдвардага мутлақо қарамасдим, фақат ўзимча хаёлан унга: «раҳмат, сенга Эдварда, мен ҳақимда кимгадир гапирганинг учун, гарчи исмим сен учун ҳеч бир аҳамият касб этмаса-да, уни тилга олганинг, талаффуз этганинг учун раҳмат», – дердим.

«Барчангизга хайрли тун тилайман».

Шундай дея, мен ўтирганларга илтифот ила таъзим қилдим. Эдварда тағин ўрнидан қўзғалмади, фақат одоб юзасидан, яна бир карра тоби йўқлигини таъкидлади. Кейин бепарвогина мен томонга қўл узатди.

Жаноб Мак эса ҳамон барон билан қизғин суҳбатини давом эттирарди. У ўз бобокалони, консул Мак жаноблари ҳақида сўзларди.

– Эсимда йўқ, жаноб барон, мен сизга мана шу кўриб турганингиз тўғнағични бир пайтлар шахсан қирол Карл-Юханнинг ўзлари менинг бобом, яъни консул Макнинг кўксига қадаб қўйганлигини айтганмидим ёки айтмаганмидим...

Мен уй олдидаги айвончага чиқдим, мени ҳеч ким кузатмади. Йўл-йўлакай залнинг деразаси

томон кўз ташладим, у ерда Эдварда турар, унинг бўйи чиндан ҳам янада узун кўринар, у қулочини кенг ёйиб, дераза дарпардаларини икки ёнга суриб, деразадан қараб турарди. Мен ҳатто уни кўриб ҳам, хайри-хуш ишорасини қилмадим, кўнглимни алланечук ғашлик қуршаб, гўё айни шу туйғу мени бу остонадан тобора олисларга қувиб солаётгандек эди.

Ўрмон четига етганимда, бирданига ўзимга-ўзим: «шошма, бир дақиқа шошмагин», – дедим. Оҳ, Яратган эгам, бу қандай кўргулик бўлди тағин? Қачон тугайди бу азоблар! Шунда дафъатан яна бутун вужудимни оташ-аланга қоплаб олди ва мен дилимдан кечаётган алам ва изтироблар қошида ожиз, нотавонлигимдан инграб юбордим. Ҳа, чиндан ҳам менда на ор, на номус ва на ғурур қолганди; мен Эдварданинг марҳаматидан атиги бир ҳафтача баҳраманд бўлдим холос, аммо энди буларнинг бариси унутилди. Бу ёғига эсимни йиғиб олишим керак-ку! Лекин, юрагим эса ҳамон уни дейди. Уни чорлаб чарчамаётир... ҳатто мана шу ўрмон сўқмоғидаги чангу ғуборлар ҳам, нафасим билан ичимга ютаётганим – шаффоф ҳаволар, оёғим остидаги кўҳна замин ҳам гўё унинг номини айтиб ҳайқираётгандек туйилади. Оҳ, Худойим-а, бу нима азоб, нима бало бўлди экан...

Қоровулхонамга келиб, балиқ пиширдим-да, баҳузур тамадди қилиб олдим.

Мана, неча кундирки, сен арзимаган бир мишиқи мактаб ўқувчисидек қиз учун ўзингни ўзинг адойи тамом қилаётирсан. Тунлари эса ўта бемаъни ўй-хаёллар исканжасида тўлғониб чиқасан. Намликдан бўғриққан ҳаво ҳам бами-

соли бошингга мажбуран кийдирилган темир ҳалқадек азоблайди... бўғриққан... намиққан, булутурги чириндиларнинг бўйи анқиган ачимсиқ ҳаво. Осмон эса... осмон шундай бир беқиёс мовийлик касб этганки... унинг ложувард жилвалари юрагингни ўртаб юборади. Тоғлар эса сени яна ўз бағрига чорлаётир. Ҳой, Эзоп, қани тезроқ бўл! Имиллама!

22

Орадан бир ҳафта ўтди. Мен темирчининг қайиғини ижарага олиб, балиқ овлаб кун кечира бошладим. Эдварда ва келгинди барон, ҳар куни кеқурун, барон денгиздан қайтгач, вақтларини бирга ўтказишарди, мен уларни бир марта тегирмон олдида кўрдим. Яна бошқа куни улар қоровулхонам ёнидан ўтиб кетишди, мен дераза ойнасидан секин кўз ташладим-да, ҳар эҳтимолга қарши эшигимнинг зулфинларини ичкаридан астагина занжирлаб олдим. Мен уларни бирга, ёнма-ён кўрдим, бироқ бу ҳолат менда ҳеч қандай таассурот уйғотмади, зиғирчаям пинагимни бузмадим, шунчаки ҳайратлангандек, елка қисиб қўйдим, холос. Яна бир куни, кечқурун мен уларга тасодифан кўчада рўбару келиб қолдим, биз ўзаро бир-биримизга бош эгиб таъзим қилиб ўтдик, шунда ҳам мен аввал барон таъзим қилишини кутиб турдим, ўзим эса фақат иккита бармоғимни картузимга текизиб қўйдим холос, шуни ҳам азбаройи илтифот юзасидан эмас, балки мажбурият туфайли қилаётганимни сездиришни истардим. Бир-биримизга ёнма-ён келгани-

мизда эса мен қадамимни секинлатиб, уларнинг юзларига бепарвогина назар ташлаб қўйдим.

Яна бир кун ўтди.

Оҳ, бундай бефайз, зерикарли ва узун чўзиладиган кунларнинг яна неча-нечаси ўтиб кетмади дейсиз! Юрагимни алам ва изтироб бир лаҳза бўлсин тарк этмайди, бошимда эса фақат битта ўй, битта фикр қўрғошиндек муқим ўрнашиб олган, ҳатто кулбам олдидаги қадрдоним бўлиб қолган кулранг тош ҳам ёнидан ўтаётганимда, ёки унга яқинлашаётганимда менинг аянчли аҳволимга ачиниб қараётгандек туйилиб кетади. Осмон ёмғирга шайланаётган пайт, бундай вақтларда одатда ўрмонда ҳавога ўта зич иссиқ ҳовур кўтарилади, чап оёғим лўқиллаб оғрир, эрталаб эса Макнинг битта тойчоғи устига эгар-жабдуқ бостиришга норози бўлиб, қандай типирчилаётганига гувоҳ бўлдим. Бундай белги ва аломатларнинг оқибати нимага олиб келиши менга жуда яхши аён. Об-ҳаво мўътадил бўлиб турган шу ғанимат кунларда егуликлардан кўпроқ захира қилиб қўйишим керак, – деб ўйладим.

Кейин Эзопнинг бўйнига тизгинчасини илдим-да, балиқ овлайдиган қармоқ, кичик тўр ва бошқа анжомларимни олиб, пристан томон жўнадим. Нимагадир бугун кўнглим ҳар кунгидан ҳам кўпроқ ғаш, алланечук тушкунлик ичимни тимдалаётгандек эди.

– Почта кемаси қачон келишини билмайсизми? – дея сўрадим бир балиқчидан.

– Почта кемаси дейсизми? Уч ҳафтадан сўнг келади, – жавоб қилди у.

– Менга ҳарбий мундиримни юборишлари керак эди, – дея гапимга изоҳ бераман, гарчи бунга ҳеч бир ҳожат бўлмаса-да.

Кейин мен жаноб Макнинг иш бошқарувчиларидан бирини учратиб қолдим. Унинг қўлини сиқиб кўришарканман, сўрадим:

– Худо ҳаққи, менга айтинг-чи, энди сизлар жаноб Макникида аввалгидек вист ўйнамаяпсизларми?

– Бу нима деганингиз! Ўйнаганда қандоқ! Аксинча, ҳозир аввалгидан кўра кўпроқ қарта сурамиз, жаноб! – дейди у хушнудлик билан.

Унинг бу гапидан сўнг орага бир муддат жимлик чўкди.

– Ҳа, кейинги пайтларда сизлар билан бир даврада ўтириб қарта ўйнашга ҳеч имкониятим бўлмади-да, – дедим мен афсусланаётгандек.

Сўнг қайиғимга ўтириб, ўзим ҳали жойлашганим қумлоққа томон сузиб кетдим. Ҳаво ҳаддан ташқари дим бўлиб, нафас олиш тобора қийинлашарди, бунинг устига атрофимда майда пашша-ю, чиркайлар нақ булутдек ғужғон ўйнар, уларнинг баданимни ачитиб чақишларидан фақат мени бурқситиб тамаки чекаётганим ҳимоя қиларди холос. Аммо овим бароридан келаётганди, қармоғимга дам-бадам пикша илинар, бундан завқланиб, иккита қармоққа хўрак илиб, сувга туширгандим. Чиндан ҳам бугун ов борасида омадим келди.

Уйга қайтишимда иккита майда балиқчи қуш ҳам отиб олдим.

Мен пристанга етиб келганимда, у ерда темирчини кўриб қолдим. У ниҳоятда банд кишидек, ўз ўйлари билан андармон бир алпозда

эди. Хаёлимга дафъатан ярқ этган фикрдан шодланиб, темирчига:

– Юринг бирга уйга қайтамиз! – дедим.

– Йўқ, сиз билан боролмайман, – жавоб қилди у, – жаноб Мак менга муҳим топшириқ берган, бу ишни ярим тунгача ҳам тугатолмасам керак.

У билан бош ирғаб хайрлашарканман, «бу жуда ажойиб-ку», – дея ўйладим ичимда.

Мен ўз ўлжаларимни олиб йўлга тушдим, аммо ўрмоннинг ёнига борганда, темирчининг уйига олиб борадиган сўқмоқни танладим. Ева уйда ёлғиз эди.

– Сени шу қадар соғиндимки, – дедим унга қараб. Еванинг уятчанлиги мени тамом лол қолдирди, зеро у шу тобда менга деярли тик қарашга ҳам ботинолмаётганди. – Сен шу қадар ёш, навниҳолсанки, кўзларинг... кўзларинг ҳам чексиз меҳрга, муҳаббатга лиммо-лим, бунчалар яхши бўлмасанг-а, – дедим яна қайноқ эҳтиросларим жўшиб. – Бироқ, ўтинаман... истасанг, ёлбораман... сендан кўра бошқа биров ҳақда кўпроқ ўйлаганим учун мени жазолама. Мен шунчаки сени бирровгина бўлса-да кўриб кетай, дея келдим. Сенинг ёнингда ўзимни шундай бахтли, шундай ҳаловат қўйнида сезаманки, буни тавсифлашга тилим ожиз. Оҳ, Ева, Ева... қанчалар ажойиблигингни ўзинг ҳам билмайсан. Бугун туни билан сени ёнимга чорлаб чиққанимни эшитдингми?

– Йўқ, – дейди у ажабтовур қувонч ва ҳадик аралаш.

– Тўғриси, мен Эдвардани, йомфру Эдварданинг номини айтиб чақирдим, аммо шунда

ҳам сен ҳақингда ўйлардим. Ҳатто соғинчимнинг зўрлигидан уйқумдан уйғониб ҳам кетибман. Ҳа, ҳа, тўғри... мен Эдварда, дедим... аммо кел, бир нарсага келишиб оламиз. Энди у ҳақда умуман гаплашмаймиз, хўпми? Эй, Худойим-ей, бунчалар беғуборсан-а, Ева, жонгинам... Лабларинг бунча қирмизи бўлмаса, айниқса бугун дудоқларинг нақ ақиқнинг ўзи-я. Оёқларинг ҳам Эдварданикидан минг карра чиройли... мана, ишонмасанг ўзинг қараб боқ...

У ўзининг оёқларига қараб кўриши учун мен унинг юбкаси этагини кўтардим.

Унинг чеҳрасини мен шу пайтгача бирор маротаба кўрмаган шодлик ва севинч чулғаб олади; у мендан ўгирилиб олмоқчи бўлади, бироқ шу тобдаёқ бу фикридан воз кечиб, бир қўли билан бўйнимдан қучоқлайди.

Вақт ўтиб бораверади. Бизлар эса узун ўриндиқда ўтирволганча, ҳали у, ҳали бу нарсалар тўғрисида чақчақлашамиз. Мен шундай дейман:

– Ишонасанми, йомфру Эдварда шу пайтгача тузук-қуруқ гапиришни ҳам билмайди, унинг гапларини эшитсанг, худди эндигина тили чиққан гўдак дейсан, айтайлик, у «бошқалардан бахтлироқ» деган сўзни «бошқалардан бахтлиёқ» – дейди. Буни ўз қулоқларим билан эшитганман, Худо ҳаққи. Сен нима деб ўйлайсан, унинг пешонаси чиройлими? Менимча, ҳечам чиройли эмас. Аксинча унинг пешонаси жудаям хунук. Тағин у қўлларини ҳам ювмай юради.

– Аммо биз Эдварда ҳақида гаплашмасликка келишиб олгандик-ку!

– Ҳа, тўғри айтасан. Мен... ҳалиги шунчаки... буни унутибман.

Яна вақт ўтиб бораверади. Мен жим, ўйга толиб қоламан.

– Кўзларинг нега ёшланди? – сўрайди Ева.

– Йўқ, унинг пешонаси чиройли, – дейман хўрсиниб, – қўлларини ҳам доим ювиб юради. Шунчаки, бир гал унинг қўлларига лой теккани-ни кўриб қолгандим. Мен атиги шуни айтмоқчиман.

Бироқ, тағин тишларимни-тишимга қўйиб, нимагадир шоша-пиша гапларимни давом эттираман:

– Мен кечаси-ю кундузи сен ҳақингда ўйлайман, Ева; тағин сенга бир нарсани айтиб беришим керак, деб ўйлайман. Сабаби, сабаби... сен ҳали буни эшитмагансан. Мана, қулоқ солгин-а. Эдварда Эзопни биринчи бор кўрганда биласанми, нима деган... у айтгандики: «Эзоп... Эзоп деган донишманд ўтган, янглишмасам, у фригиялик бўлган, тўғрими?». Гапини қара, жуда кулгили ва аҳмоқона эмасми бундай фикрлаш? Мен юз фоиз аминманки, у бу гапларни айнан ўша куни эрталаб бирорта мактаб дарслигидан ўқиб олганди. Шундай бўлгани аниқ, ха-ха-ха...

– Хўш, шундай деган бўлса, нима қипти, – дейди Ева. – Бунинг нимаси кулгили?

– Тағин эслашимча, у Эзопнинг устози Ксанф бўлганлигини ҳам айтувди. Ха-ха-ха!

– Ростданми?

– Хўш, ўша ерда йиғилганларга Эзопнинг устози Ксанф бўлганлигини маълум қилиши шунчалар зарурмиди? Йўқ, албатта. У ўзини кўрсатишни истарди холос... Сен нима дейсан? Шунчаки сўрадим. Истамасанг, айтма.

Ҳа, сенга нима бўлди, Ева, назаримда бугун кайфиятинг йўқроқ. Йўқса, бу гаплардан кулавериб, ичагинг узиларди.

– Йўқ, ҳеч нима бўлгани йўқ... чиндан ҳам айтганларинг жуда қизиқ ва кулгили, – дейди Ева, менга ён босаётгандек; кейин жуда чиройли тарзда кулимсираб қўяди. – Фақат мен буларнинг барини худди сен тушунгандек тушуна олмайман-да.

Мен тағин жим, ўйга толаман... ўйланавераман, ўйланавераман.

– Кел, энди умуман гаплашмаймиз, шунчаки жимгина ўтирамиз, – дейди шивирлаб Ева. Кейин у менинг сочларимни силаб қўяди, унинг нозик бармоқлари қалин сочларим аро сузаркан, қизнинг кўзларида беадоғ меҳр-муҳаббат учқунлари порлайди.

– Оҳ, менинг қалби дарёим... меҳрибоним, меҳрибонгинам! – дея шивирлайман мен, ва уни бағримга қаттиқ босаман. – Бир нарсага амин бўлдим, Ева, тез орада сенинг ишқингда адойитамом бўладиганга ўхшайман... Мен сени борган сари янада кучлироқ севиб қоляпман... ишонасанми? Бу ердан кетадиган бўлсам, сени албатта ўзим билан олиб кетаман. Мана кўрасан... шундай қиламан. Кетасанми мен билан?

– Ҳа, – дея жавоб беради у.

Аммо мен унинг «ҳа» деганини аниқ эшита олмайман, боиси бу орада мен уни янада қаттиқроқ бағримга босган ва қизнинг оташин нафаслари юзимга уфураётган бўлади, қизнинг бутун вужуди фақат «ҳа, ҳа, розиман» дегандай эҳтирос алангасида титрайди... биз бир-биримизнинг қучоғимизга сингишиб ке-

тамиз ва у ўзини мутлақо унутиб, ихтиёрини менга топширади.

Орадан бир соат ўтгач, мен кетиш олдидан Евани ўпаман-да, бу гўшани тарк этишга чоғланаман. Еваларнинг уйидан чиқишим биланоқ, остонада жаноб Мак билан рўбару келаман.

Ҳа, ҳа, айнан жаноб Мак билан.

У ҳайратданми ёки жаҳлданми донг қотиб турган кўйи, нигоҳларини тўппа-тўғри остона олдидан уй ичкарисига қадайди.

– Ҳим... ! – дейди у ва шундан бошқа бирор бир товуш чиқаришга эса журъати етмайди.

– Мени бу ерда учратаман деб, сира ўйламаганмидингиз? – шундай дея, унга таъзим қиламан.

Ева эса жойида қилт этмай ўтираверади.

Жаноб Мак бу орада ўзини тутиб олади ва гўё ҳеч нима бўлмагандек, саволимга жавоб беради:

– Йўқ, янглишасиз, аксинча менга айнан сиз керак эдингиз. Мен сизга бир нарсани эслатиб қўйишим лозим, яъни биринчи апрелдан то ўн бешинчи августга қадар, гагарлар[1] ин қурган жойлардан камида чорак мил узоқликда милтиқдан ўқ узиш тақиқланади. Сиз бугун оролчада иккита қушни отибсиз, бу ҳақда сизни у ерда кўрганлар маълум қилишди.

– Мен бор-йўғи, иккита майда денгиз қушчасини отиб олдим, холос, – дедим унинг гапини бўлишга тиришиб. Бироқ, мен шу пайт, бирдан жаноб Макнинг гапи тўғрилиги ва у овчиларни огоҳлантириш ҳуқуқига эга эканлигини эслаб қолдим.

---

[1] Гагарлар – шимолий ўлкаларда яшайдиган қалин патли, йирик денгиз қушлари. *Таржимон изоҳи.*

– Иккита, кичик қушчами ёки гагарми – бунинг мутлақо аҳамияти йўқ. Гап шундаки, сиз милтиқдан ўқ отиш тақиқланган жойда ов қилгансиз, тамом-вассалом.

– Буни тан оламан, – дедим мен, – бу ҳақда ўйлаб кўрмабман.

– Бироқ, энди бу ёғига сал ўйлаб кўришингизга тўғри келади.

– Аммо мен май ойида ҳам худди ўша жойда, қўшоғиз милтиқдан отган эдим. Эслайсизми, бу бизлар қоқбалиқ тайёрлайдиган корхонага қилган сайримиз чоғида юз берганди. Ва бу ишни мен шахсан сизнинг илтимосингизга мувофиқ амалга оширгандим.

– У мутлақо бошқа масала, – дея гапимни чўрт кесди жаноб Мак.

– Модомики, шундай экан, сиз энди, менинг бу айбим учун қандай чора кўрилиши кераклигини жуда яхши билсангиз керак?!

– Ҳа, буни жудаям яхши биламан, – жавоб берди у дағдаға қилаётгандек.

Ева менинг қачон кетишимни пойлаб турарди, мен чиқишим биланоқ, у ҳам ортимдан эргашди, у бошига рўмол ўраб олганча, уйдан олислади, мен унинг ортидан пристан томонга қайрилганини кўриб қолдим. Жаноб Мак эса Сирилуннга қараб кетди.

Мен шу тобда бир нарса хусусида зўр бериб ўйлардим. Жаноб Мак мендан қутулишининг хўп ажойиб йўлини топибди-да ўзиям! Оҳ, унинг кўзларини айтмайсизми, қарашлари нақ тешиб юборади-я. Жаноб Мак билан ҳам, унинг ғаройиб оиласи билан ҳам барча муносабатларимиз шу ерда барҳам топади шекилли.

Умуман олганда, ҳаммаси жуда жўн ва оддий, худди хамирдан қил суғургандек осонгина, боз устига жуда тез юз берди...

Ёмғир ёға бошлади, унинг дастлабки нозик томчилари бир-бирини қувлашиб она замин бағрига сингиб бораётир. Олақанот зағизғонлар нақ ер бағирлаб парвоз қилади, мен ҳужрамга келиб, Эзопни чилвиридан бўшатдим, у эркинликка чиққанидан шодланиб, ҳар тарафга талпиниб, ўйноқлади, кейин чопиб бориб, йўл четидаги барра майсаларни чайнашга тушди. Кучли шамол кўтарилди.

23

Шундоққина пойимда, нари борса бир милча олисда, азим денгиз пишқиради. Осмондан қиялатиб шаррос ёмғир уради, мен эса баланд тоғ тепасида, бўртиқ қояларнинг панасида тобора авжланиб бораётган ёмғир ҳамласидан жон сақлайман. Трубкамни кетма-кет тамакига тўлдириб бурқситар эканман, ҳар гал тамакини ёқаётганимда трубканинг чўмичсимон бошчасида ёниб, кулга айланаётган тамаки хаслари бамисоли ўлими олдидан ўзини ҳар томонга уриб, талвасага тушаётган қизил чувалчангларга ўхшаб кетади. Айни пайтда менинг миямда ғимирлаётган ўй-фикрлар ҳам баайни ана шу қизил чувалчанглар мисоли бетиним талвасада эди. Оёқларим остида эса кучли шамол туфайли бузилган аллақайси қуш уясидан тўкилган саватчага ўхшаш хас-хашаклар сочилиб ётарди. Мен бемеҳр шамолнинг бир ҳамласидан вайронага айланган ана шу қуш уясига

тикиларканман, айни пайтда ўзимнинг кўнгил ошёним ҳам мана шу ғариб ва ожиз вайронадан деярли фарқ қилмаслигини ҳис этардим.

Ўша куни ва ундан кейинги кунлар юз берган ҳар қандай арзимас воқеа, икир-чикир ҳам ҳам хотирамга бир умрга муҳрланиб қолганиданми, мен уларни то ҳануз унутганим йўқ. Лекин, таассуфки, бу хотиралар менга ором ва ҳаловат эмас, аксинча ўта ёқимсиз беҳузурлик бахш этарди...

Хуллас, мен тоғлар қўйнидаман, оёғим остида эса улкан денгиз ва қутурган шамол гувраниб шовқин солади, даҳшатли тарзда инграйди, ноқулай об-ҳавонинг ёқимсиз тўс-тўполонлари қулоқни қоматга келтиради. Денгиздаги барка деб аталмиш юк ташийдиган ясси кемалар ҳам, кичик елканли шхуналар ҳам елканларини тарам-тарам қилганича, олис-олисларга шошилади, уларнинг палубалари одамларга лиқ тўла, назаримда бу оломон орасидагиларнинг ҳаммаси ҳам шошилинч қаерларгадир боришлари шартдек, мен уларни кузатарканман, ўзимча ўйлайман: эй, Худойим-ей, бу одамлар тўдаси қаерга бунчалар шошади-я, уларнинг бу қадар ноқулай об-ҳавода, азиз жонларини хатарга қўйиб, кемага чиқишлари телбалик эмасмикан?

Асов денгиз гўё қайнаётгандек кўпиради, гоҳ улкан чўққилардек бўй ростласа, гоҳ пастга томон бош уради, бу баҳайбат тўлқинлар бамисоли бир-бирига айқириб, ўкириб ҳамла қилаётган қутурган афсонавий махлуқлар тўдасига ўхшайди; йўқ, ундай эмас, тўғрироғи улар бошини елкасига осилтириб олганча мовий тўлқинларни от мисоли жиловлаб, жангга шайланган шайтонлар

тўдаси, бу тасқари махлуқлар ўзларининг сузгичларини қамчин қилиб, денгиз тулпорларини то оғзидан кўпик келгунча савалаётгандек туйилади. Ҳув олис-олисда, денгизнинг қоқ тубида улкан сувости харсанги ётибди, унинг бағрида эса баҳайбат сув алвастиси макон топган, у ҳам баъзан жаҳл отига миниб, ўзининг оппоқ ёлларини ёзганича бош кўтаради-да, тизгинсиз шамол ва ўкирган денгизга қарши юришга чоғланган, ўз ҳаддини билмаган, калондимоғ майда-чуйда қайиғ-у кемачаларни бамисоли писта пўчоғидек ағдар-тўнтар қилиб ташлайди. Ҳа-ҳа, худди шундай қилади...

Мен айни дамда якка-ёлғиз эканлигимдан, шу тобда кўзларимга ҳеч кимнинг нигоҳи тушмаслигидан хурсанд эдим; мен улкан қояга деярли қапишиб олгандим, ва бу қоя менинг ишончли таянчим эди гўё, илло, унинг паноҳида ҳеч ким менга дафъатан ҳамла қила олмас ёхуд ортимдан пусиб пойлай билмасди. Шу пайт аллақандай баҳайбат қуш нақ улкан тоғнинг устидан, баланд овоз ила ўта аянчли чинқириқ солиб учиб ўтади, айни шу лаҳзада, мендан бирмунча масофа наридаги қоятошнинг бир палахсаси ўпирилиб денгиз тубига қулайди. Мен эса қилт этмай ўтирибман, ва шундай ҳузур-ҳаловат ичидаманки, тобора кучланиб бораётган селоб ёмғирдан панада, фараҳли ором оғушида неча вақтдан буён ҳаловат нелигини унутган юрагим ҳам бамисоли онаизори бағридаги беғубор норасида янглиғ осуда тин олаётир. Камзулимнинг ҳамма тугмаларини бирма-бир қадарканман, менга ҳамиша содиқ ва обдан синалган ушбу либосим-

нинг нақадар иссиқ ва ҳароратли эканлигидан Яратганга беадад ҳамду санолар айтаман. Вақт эса ўтиб бормоқда. Айни дамда ҳис қилаётганим роҳат-фароғатдан астойдил сармаст бўлиб ёнбошлайман.

Кеч тушиб бормоқда, аста ўрнимдан қўзғалиб, уйга томон йўл оламан, ёмғир қурмагур ҳамон тинай демайди. Шунда мутлақо кутилмаган бир ҳодиса рўй берди. Уйимга элтувчи сўқмоқда, шундоққина рўпарамда қаққайиб, Эдварда турарди. Унинг усти боши ивиб, шалаббо бўлиб кетганидан, ёмғирда анча вақт туриб қолгани аниқ эди, бироқ юзида табассум.

– Ана холос, шу етмай турганди ўзи! – дея ўйлайман; беихтиёр кўнглимни алланечук ғазабми, аламзадаликми чулғаб олади, натижада қўлимдаги милтиқни янада қаттиқроқ сиқиб, қизнинг кулиб туришига ҳам парво қилмасдан, унга пешвоз юраман.

– Хайрли кун! – дея қичқиради у биринчи бўлиб.

Мен аввалига индамасдан унга бир-икки қадам яқинлашаман-да, кейин шундай дейман:

– Гўзаллик маликасига саломлар бўлсин!

Менинг бу кинояли саломимдан унинг ғаши келади. Ҳолбуки, мен шу тобда бу гапларни атайдан, чуқур ўйлаб айтганим йўқ эди. У ҳадик аралаш жилмаяди-да, менга тикилиб қарайди.

– Сиз тоғда бўлдингизми? – сўрайди у. – Эҳҳее... ёмғирда ивиб кетибсиз-ку! Мана, менинг рўмолимни олинг, у менга керак эмас... Йўқ, дейсизми? Демак, сиз мени кўришни ҳам, эшитишни ҳам истамайсиз, шундайми? – Ва у нигоҳини ерга қадаганча, бошини чайқаб қўяди.

– Рўмол? – дея савол бераман, жаҳл ва ҳайрат аралаш. – Мана, менинг камзулим ҳам ўзимга керак эмас, сиз уни олишни истайсизми? Ростдан ҳам, у мутлақо кераксиз, бари бир сизга бўлмаса, бошқасига бериб юбораман, шунинг учун бемалол олишингиз мумкин, уялиб ўтиришга ҳожат йўқ. Пристандаги исталган балиқчи қиз бу камзулни жон деб олган бўларди.

Мен шундай дер эканман, Эдварданинг ҳар бир гапимдан қанчалик жаҳли чиқаётганини кўриб турардим, унинг юзига аламзадалик ҳеч ам ярашмас, бундай пайтларда унинг пастки лаби беўхшов чўччайиб, жуда хунук қиёфа касб этарди. У ҳамон қўлида рўмолини тутганча қотиб турарди. Рўмол оппоқ тусли ипакдан тикилган бўлиб, уни қиз ҳозиргина ўз бўйнидан сидириб олганди. Мен эгнимдаги камзулимни ечаман.

– Худо ҳаққи, ўтинаман, тезда камзулингизни кийиб олинг! – қичқиради у. – Сиз нега бундай қиляпсиз, нега? Наҳотки, мендан шунчалар хафа бўлдингиз? Эй, Худоим-ей, камзулингизни кийсангиз-чи, ҳозир бундан баттар ивиб кетасиз-ку!

Мен камзулни истар-истамас эгнимга иламан.

– Қаёққа боряпсиз? – сўрайман бепарволик билан.

– Ҳеч қаёққа, шунчаки ўзим... Тушунмадим, камзулни ечишингиз шартмиди...

– Баронни қаерга гумдон қилдингиз? – савол беришда давом этаман, унинг ғашига тегиб. – Бундай об-ҳавода граф жаноблари денгизга чиқиб кетмагандирлар, ҳарқалай...

– Глан, сизга бир нарсани айтиб қўйишни истардим...

Мен унинг гапини шартта бўламан:

– Мен сиздан герцог зоти олийларига камоли эҳтиром ила саломларимни етказишингизни илтимос қилишим мумкинми?

Биз бир-биримизга тикилиб турибмиз. Мен у оғзини очиб, бир сўз деса, тағин гапини шартта бўлиб қўйишга шай ҳолатдаман. Ниҳоят, Эдвард-данинг асаблари дош бермади, руҳий зўриқиши туфайли, юз-кўзлари пир-пир уча бошлади бундай нохуш ҳолатни кўришни истамай, ундан кўзимни олиб қочиб, шундай дейман:

– Очиғини айтсам, йомфру Эдварда, сизга шаҳзодангизни қувиб юборишингизни маслаҳат бераман. У мутлақо сизга муносиб эмас. Менга ишонаверинг, биласизми, у Худонинг берган куни сизни хотинликка олсаммикан, олмасаммикан, олсам нимага эга бўламан-у, олмасам нимани йўқотаман, деб фол кўриб ўтиради. Келиб-келиб, ўзингизга шундай мижғовни раво кўрасизми?!

– Йўқ, сиздан ўтинаман, бу ҳақда гапирманг, илтимос?! Глан, мен сиз ҳақингизда ўйладим, мана сиз... бировнинг ёмғирда намиқиб қолмаслиги учун эгнингиздаги камзулингизни ечиб, унинг елкасига ташлашга ҳам шайсиз... сизнинг олдингизга келишимдан мақсад...

Мен унинг гапларига жавобан елка қисиб қўяман-да, истеҳзоли бир тарзда ўз қитмирлигимни давом эттираверaман:

– Шаҳзодангизнинг ўрнига мен докторни тавсия қиламан. Хўш, нима қипти? Докторнинг ундан нимаси кам? Қирчиллама ёшдаги

эркак, тағин ақли ҳам бутун. Сизга бу ҳақда ўйлаб кўришингизни маслаҳат бераман.

– Мени эшитинг, илтимос. Атиги бир дақиқа...

– Ҳозир, Эзоп... яъни содиқ кўппагим – Эзоп, мени қоровулхонада интизор бўлиб кутаётир, маъзур тутгайсиз. Мен шундай деб, картузимни бошдан олиб, тавозели таъзим қилдим-да, қўшимчасига: – Яна бир бор саломатлик тилайман сизга, гўзаллик маликаси, – дедим.

Шундай деб, ундан узоқлашдим.

Шунда Эдварда бор овози билан бақириб юборади:

– Йўқ, бундай қилма... юрагимни парчалама илтимос. Мен ахир сенинг қошингга келдим-ку... сени кутиб ўтирибман-ку, сени кўрганимда кулиб қаршиладим-ку ахир. Кеча сал бўлмаса ақлдан озай дедим, шунчалар азобландимки... буни хаёлингга ҳам келтиролмайсан... шунда ҳам фақат ва фақат сен ҳақда ўйладим. Бугун уйда, ўз хонамда ўтирсам, кимдир кириб келди, аммо мен... ишонасанми, мен унга нигоҳимни ердан узиб, кўзимнинг бир учи билан ҳам қараганим йўқ... қарамадим. Ҳолбуки, у ким эканлигини жуда яхши билардим.

«Мен кеча нақ ярим милча масофага эшкак эшдим» – деди у. «Чарчамадингизми?» – сўрадим ундан. «Чарчаш ҳам гапми, сал қолса, ўладиган бўлдим, кафтларим ҳам пуфак-пуфак бўлиб шишиб, қадоққа тўлиб кетди», – деди у; назаримда у ўзининг бу аҳволидан ниҳоятда хафа эди. Мен эса ўзимча: Тавба хафа бўлишга топган нарсасини қара-я, деб ўйлардим. Кейин у шундай деб қолди: «Ке-

часи менинг деразам тагида иккитаси роса пичир-пичир қилишди-да, ўзиям; улардан бири сизнинг оқсочингиз эди, иккинчиси эса иш бошқарувчиларингиз. Бир-бирларига шунақанги шакаргуфторлик қилишдики, асти сўраманг». «Ҳа, улар бир-бирларини севишади» – дедим мен. «Ахир, соат тунги икки эди бу пайт!» – деди у, пешонасини тириштириб. «Хўш нима бўпти шунга? – сўрадим мен, кейин бир оз жим турдим-да, тағин қўшиб қўйдим: – Нима, сиз севишганлардан тунни тортиб олармидингиз?»

Шунда у тилла гардишдаги кўзойнагини бармоғи билан тўғрилаб қўйди-да: «Бироқ, сизнингча, ярим тунда бировнинг деразаси тагига келиб олиб шивир-шивир қилиш одоб-ахлоққа зид эмасми?» – деди. Мен ҳали ҳам унинг юзига қараганим йўқ эди. Бизлар шу тахлит ўн дақиқалар ўтирдик. «Ижозатингиз билан шолрўмолингизни келтирсам, дегандим?» – сўради у. «Миннатдорман, бунинг ҳеч ҳожати йўқ» – жавоб бердим зардали тарзда. «Хў-ўш, бу нозик қўлчаларнинг соҳиби ким бўларкан-а?» – у шундай деркан, кўзларидан совуқ учқун сачратиб, ишшайди. Мен бу саволга жавоб қайтармадим, зеро хаёлим аллақачоноқ олис-олисларда эди. У менинг тиззамга кичкина бир қутичани қўйди, уни очиб қарасам, ичида жуда чиройли ва бежирим қилиб ишланган қимматбаҳо тошлар қадалган бир тўғнағич бор экан. Ушбу тўғнағичда ҳам тож тасвири бўлиб, унга ўнта гавҳар қадалганди, уни эринмасдан санаб чиқдим... Глан, ўша тўғнағич ҳозир ёнимда, истайсанми, уни сенга кўрсатаман? Мана,

қарагин, уни мен мажақлаб ташладим, у батамом мажақланган... «Хўш, бу тўғнағични мен нима қиламан?» – дея сўрадим ундан. «Нима қилардингиз, ахир бу тақинчоқ-ку!» – жавоб берди у. Мен эса тўғнағични унга қайтардим-да: «Мени тинч қўйинг, илтимос. Мен ҳозир мутлақо бошқа нарсалар ҳақида ўйлаяпман», – дедим. «Хўш, хаёлларингизни бу қадар банд этган зот кимлигини билсам бўладими?» «Бир овчи, – дея жавоб бердим мен. – У менга эсдалик учун бор-йўғи бир жуфт қуш патини совға қилган. Сиз эса мана бу тўғнағичингизни қайтариб олинг». Бироқ у тўғнағични қайтариб олмади. Мен шундагина унинг юзига қарадим, унинг кўзлари мен томонга худди тешиб юборгудек қадалиб турарди. «Мен бу тўғнағични энди қайтариб олмайман, уни нима қилсангиз ихтиёр ўзингизда, истасангиз мажақлаб ташланг», – деди у. Мен шу гапдан сўнг, шартта ўрнимдан турдим-да, тўғнағични оёқларим остига ташлаб, бошмоғимнинг пошналари билан мажақлашга тушдим. Бу воқеа эрталаб юз берди... Шундан сўнг мен нақ тўрт соат уйнинг ҳали у хонасида, ҳали бу хонасида жаҳл ва аламзадалик билан беҳаловат тимирскаланиб юрдим. Фақат тушга яқин кўчага чиқа олдим. У мени кўчада пойлаб турган экан. «Қаёққа йўл олдингиз?» – дея сўради. «Гланнинг олдига, – деб жавоб бердим мен. – Гландан энди зинҳор мени ёлғиз ташлаб кетмаслигини сўрамоқчиман...» «Мана, бир соатдан буён сени шу ерда кутиб турибман. Мана шу дарахт остида туриб сенинг узоқдан қандай қадам ташлаб келаётганингни кузатдим. Биласанми, менинг кўзимга сен нақ қа-

димги юнон илоҳларидек бўлиб кўриндинг. Мен учун сенинг ҳар бир жиҳатинг қадрли ва азиз, қандай қадам босишинг, соқолинг, кенг елкаларинг, эшитяпсанми, ҳамма-ҳаммаси суюкли... Бироқ, афсуски, сенинг... тоқатинг тоқ бўлибди, нима бўлса-да, тезроқ жўнаб қолишга... мени ташлаб кетишга ҳаракат қиляпсан... демак, сенга керак эмас эканман... ҳатто менга қарамадинг, қарашни истамаяпсан ҳам...»

Мен индамай жим турардим. Эдварда гапидан тўхтаб, бир оз тин оларкан, тағин ўз йўлимда давом эта бошладим. Гарчи бўлиб ўтган шунча гаплардан сўнг, руҳиятим ниҳоятда эзгин бўлса-да, ўзимни кулишга мажбурлардим, аслида шу тобда бир-бирига мутлақо зид туйғулар таъсирида ўта танг ва ночор аҳволда эдим.

– Ҳа, айтганча, – дедим мен юришдан тўхтаб. – Назаримда, сиз менга нимадир демоқчи эдингиз, шекилли?

Менинг бу киноям шўрлик Эдвардани бутунлай тамом қилди.

– Нимадир демоқчиман? Ҳаммасини айтиб бўлдим, чоғи?! Нима, сиз уларни эшитмадингизми? Йўқ... йўқ... унда сизга айтадиган бошқа ҳеч қандай гапим қолмади...

Унинг овози ғалати бир тарзда титраб кетди, бироқ, мен бунга парво ҳам қилмадим.

24

Эртаси куни тонгда ҳужрамдан чиқсам, йўл четида Эдварда турибди.

Бироқ мен туни бўйи ҳаммасини обдан ўйлаб кўриб, бир қарорга келиб бўлгандим. Йўқ,

энди... бундан бу ёғига ўзимни бу эрка ва тантиқ, ўзбилармон, авом, балиқчи қизчага хор қилдириб қўймайман; ҳаммаси тамом, шундоғам унинг исми анчадан буён миямни пармалаб, ўзимни азоблаб келаётир. Етар, бас! Боз устига, шу лаҳзаларда наздимда, кеча уни масхаралаб, атайдан эътиборсизлик кўрсатганим туфайли, бу такаббур ойимтилланинг олдида мавқеим анча кўтарилиб қолгандек туйиларди. Ўзиям уни роса боплаб тузладим-да: бечора бир неча дақиқа тин олмасдан бутун дардини тўкиб солса-ю, мен унга пинагимни ҳам бузмасдан «нимадир демоқчи эдингиз, шекилли?» – деб турсам... Ҳа... чиндан таъзирини еди шўрлик...

У менга қадрдон кулранг харсанг ёнида турарди. Ниҳоятда ғазабнок, қўйиб берса олдимга югуриб келадиган шашти бор эди-ю, лекин ўзини тутишга ҳаракат қилар, бироқ қўлларини дам-бадам асабий силташидан жиғибийрон ва хуноб эканлиги шундоққина аён эди. Мен шунчаки картузимга бармоғимни чўзиб, индамасдан унга таъзим қилиб қўйдим.

– Глан, бугун мен сиздан фақат бир нарсани билмоқчиман, – деди у шоша-пиша. Мен эса, «қани у мендан нимани билмоқчи экан?» – дегандек, жойимда алоҳида қизиқиш билдирган кишидек ҳаракатсиз турардим. – Эшитишимча, сиз кеча кечқурун темирчиникида бўлибсиз. Кеч тушганда. Уйда Еванинг ёлғиз ўзи бўлган.

Мен унинг гапини давом эттиришига қўймай, савол бердим:

– Хўш, бу ахборотни сизга ким етказди, билсам бўладими?

– Қўрқманг, мен ортингиздан жосус ёллаганим йўқ – қичқириб юборди у. – Бу ҳақда кеча оқшом тушганда тасодифан хабар топдим, отам айтдилар буни. Аслида кеча кечки пайт, ўзим ҳам ёмғирда ивиб, ғирт шалаббо бир аҳволда уйга кириб борсам, отам мендан: «Баронга бирор ножўя гап айтиб, қўрслик қилмадингми?» – деб сўраб қолдилар. «Йўқ», – дедим мен. «Унда шу пайтгача қаерларда юрибсан?» – дедилар жаҳлланиб. «Гланникида эдим» – дея жавоб бердим. Шунда отам менга сизни темирчиникида кўрганини айтди.

Мен тобора кучайиб келаётган ғазабимни зўрға босиб, шундай дедим:

– Хўш, шунга нима бўпти? Ева бу ерда ҳам бўлган.

– Бу ерда? Яъни мана шу қоровулхонада демоқчимисиз?

– Ҳа, албатта. Бунинг устига бир марта ҳам эмас... Мен уни ўзим чақираман. Кейин биз бу ерда маза қилиб суҳбатлашамиз.

– Демак, шу ерда... шу ерда, денг!

Орага совуқ сукунат чўкди.

Ўпкангни бос! – дейман хаёлан ўзимга тасалли бериб, кейин эса Эдвардага қараб дейман:

– Модомки, сиз ўзингизни менинг шахсий ҳаётимга аралашиш ҳуқуқига эга деб биларкансиз, келинг, унда, мен ҳам сиздан қарздор бўлиб қолмай. Ёдингизда бўлса, кеча мен сизга докторнинг номзодини тавсия қилган эдим. Хўш, бу масалада ўйлаб кўрдингизми? Ахир шаҳзодангиз бир пулга қимматлигини айтдим-ку, сизга.

Бу гапларимни эшитиб, унинг кўзлари ғазабдан ола-кула бўлиб кетади.

– Демак, бир пулга қимматми, у ҳеч нимага арзимайдими? Унда билиб қўйинг, сиз устидан кулаётганингиз шу инсон ҳаммадан, айниқса сиздан юз карра яхшироқ. Арзигандаям юз карра, минг карра арзийдиганлардан! У ҳеч қачон идиш-товоқларниям, стаканларниям чилчил қилмайди, мен унинг ёнида бошмоғимни биров сувга ирғитиб юборишидан чўчиб ҳам ўтирмайман. Ҳа, у ўзини қандай тутишни жуда яхши билади... Сиз эса ғирт масхарабоз ва аҳмоқсиз. Мен доим сизни деб изза бўламан... биласизми сиз ўта ярамас одамсиз... эшитяпсизми, бадфеъл, палид ва разил одамсиз!

Унинг ҳақоратомуз гаплари жон-жонимдан ўтиб кетди, бироқ шундай бўлса-да, мен қаттиқ ранжиганимни унга сездирмаслик учун бошимни бир оз қуйи эгиб жавоб бердим:

– Ҳа, ҳақ гапни айтдингиз, мен чиндан ҳам жамиятдан – одамгарчиликдан анча чиқиб қолганман. Ахир сиз ҳам озроқ кенгфеъл бўлинг; мени тушунишга ҳаракат қилинг-да! Биласиз, ўрмонда яшайман, ўрмонда яшашдан ортиқ бахтим – қувончим йўқ менинг. Ўрмонда аслида қандай бўлсам шундайлигимча, эмин-эркин юришимдан ҳеч ким азият чекмайди; одамлар орасига кирганимда эса – мен ўзимни уларга маъқул қилиб кўрсатиш учун бор кучимни сарфлашимга тўғри келади. Кейинги икки йил мобайнида одамлар орасига жуда кам чиқдим...

– Сиз исталган дақиқада, бирор бир ғаламисликни бошлаб қолишингиз мумкин, – дея гапида давом этарди у. Сизнинг бемаъни қилиқларингиз, бетайин ҳазилларингиздан ҳар

қандай одам ҳам безор бўлади. Сизни кўргани кўзи, отгани ўқи қолмайди кишининг.

Оҳ, бу гапларни Эдварда шу қадар ачитиб, аламзадалик билан айтдики, юракларим увишиб кетди. Кўнглимдан кечаётган дилсиёҳликдан, унинг бу каби дилозорлигидан беҳуш бўлишимга бир баҳя қолди. Бундан кўра юзимга тарсаки тортиб юборганда ҳам, бу қадар алам қилмасди менга. Бироқ, у айтган шунча заҳри заққумларига ҳам қаноат қилмас, ҳамон иддао ва қарғишларини давом эттирарди:

– Майли, бундан буён сизга Ева меҳрибонлик қила қолсин, у сизга кўпроқ муносиб. Зеро, у аллақачондан бери эрли жувон.

– Нима, Ева эрли дедингизми? Нималар деяпсиз ўзи... қанақасига у эрга теккан бўлсин? – ҳайрат ичра сўрадим мен.

– Ҳа, у эрга теккан!

– Хўш, эри ким экан унинг?

– Буни ўзингиз жуда яхши биласиз. Ева темирчининг хотини.

– Наҳотки... ахир у темирчининг қизи эмасми?!

– Йўқ, Ева унинг хотини бўлади. Эҳтимол сиз мени алдаяпти, деган хаёлга бораётгандирсиз?!

Йўқ, мен зинҳор бундай хаёлга борганим йўқ эди, шунчаки, эшитганим бу янгилик мени тамоман ҳангу манг қилиб қўйган ва мен қаққайиб турганим кўйи ўзимча наҳотки, наҳотки, Ева эрга теккан жувон бўлса... тавба? – дея ўйлардим.

– Шунақа гаплар... Демак, сизни ажойиб танловингиз билан табриклайман, жаноб, – дейди заҳарханда кулиб Эдварда.

Эй, Худойим-ей, буларнинг бариси қачон тугаркан-а! Мен гарчи ғазабдан дағ-дағ титраётган эсам-да, рақибамга буни билдирмасликка тиришиб, дейман:

– Лекин, нима бўлганда ҳам, сиз доктор масаласида яна бир бор ўйлаб кўринг. Дўстона маслаҳатимга қулоқ солинг; сиз танлаган шаҳзода қариб-чуриган бир тентак холос. – Мен азбаройи қизишганимдан, унинг ёши борасида бир оз ошириб юбордим, албатта; кейин тағин баронни «кўздан қолган калбош чол» ҳам деб атадим. Бу ҳам етмагандек, унинг илгакли тугмаларидаги тож тасвири ҳам, бу мижғов ўзининг насли насабини бошқалар олдида кўз-кўз қилиши ва мақтаниши учун бир баҳона холос, – дея хулоса қилдим.

– Умуман олганда, мен ўша пандавақи барон билан яқиндан танишай, деб ўлиб ҳам турганим йўқ. Мени шу даҳмаза ишдан халос этсангиз, сиздан миннатдор бўлардим, – дедим Эдвардага, уникидан сира қолишмайдиган ҳақорат ва мазах оҳангида. – Билиб қўйинг, шаҳзода жанобингизнинг бошқалардан бирор ортиқ жойи йўқ, унинг асл башараси, моҳияти қандайлигини билиб бўлмайди, чунки аслида ҳам у бир чақалик одам... мутлақо арзимайдиган нусха, – дедим.

– Йўқ, йўқ, бу бемаъни гап! У зинҳор арзимас одам эмас! – қичқиради у, қизнинг овози азбаройи ғазабининг зўридан бўғилиб ҳам қолади. – У зинҳор сен тасаввур қилганингдек эмас... Сен ўзинг бир ўрмон махлуқи бўлсанг, одамларнинг фарқига борармидинг! Мана, кўрасан, ҳали у сен билан яхшилаб гаплашиб қўяди... Ҳа, ҳа, мен ўзим ундан илтимос қиламан!

Сен балки, мени баронни севмайди, деб ўйлаётгандирсан, Аммо, тез орада қаттиқ янглишганингни ўзинг англаб етасан! Мен унга турмушга чиқаман, ишонавер... унга тегаман-да, кечаси-ю кундузи фақат у ҳақда ўйлайман. Шу гапларимни ҳеч қачон эсингдан чиқарма: мен уни севаман, эшитяпсанми, с-е-в-а-м-а-н! Сенинг олдингга эса майли суюкли Еванг келаверсин. Бу харобага унинг ўзи келадими, сен чақиртирасанми, энди бари бир... бунинг менга мутлақо қизиғи йўқ. Сенинг аҳмоқона кулбанг ҳам, унинг ичидаги ашқол-дашқолларинг ҳам бошингдан қолсин... Шу тобда бирдан-бир ниятим мана шу ердан тезроқ кетиш... Бу ернинг бадбўй ҳавосидан нафасим бўғиляпти...

У шундай дея, қоровулхонамдан узоқлашиш учун бир-иккита шахдам қадам ташлади-да, ортига ўгирилди: Эдварданинг юзи докадек оқариб кетганди, дафъатан у чуқур уҳ тортиб, инграб юборди. Шундай бўлса-да, бор кучини тўплаб сўнгги сўзларини ўқ қилиб отди:

– Энди менга қорангни ҳам кўрсатма, ярамас!

25

Барглар сарғая бошлаган, бироқ картошканинг узун поялари да ҳали гуллари қийғос; яна ов қилиш учун рухсат беришди, мен энди бемалол каклик, қарқур, шунингдек қуёнларни овлашим мумкин, бир гал ҳатто осмонда парвоз қилиб юрган бургутни ҳам уриб туширдим. Осмон бўм-бўш ва сокин, тунлар тобора совуб бормоқда, шундай бўлса-да, ўрмонда ҳам унга

ёндош кенг далаларда ҳам ҳамон табиатга хос жарангдор шовқин-суронлар, майин ва енгил саслар батамом тинганича йўқ. Яратганнинг инояти ила бунёд бўлган бепоён очун бани башарият пойида бор малоҳати ва жозибаси билан ясланиб ётибди...

– Нимагадир, жаноб Мак менга ов қилиш тақиқланган жойда отганим иккита майда денгиз қушлари ҳақида эслатмай қўйди, – дедим, кунлардан бирида докторга.

– Бунинг учун сиз Эдвардага раҳмат денг, – деди доктор мени ҳайрон қолдириб, – мен бунга ўзим шоҳид, Эдварда сизнинг ёнингизни олиб отаси билан анчагина баҳслашишига тўғри келди.

– Нега энди мен унга раҳмат айтишим керак экан, – истеҳзоли оҳангда дедим мен.

Авжи куз палласи... Олтин тусга кирган ўрмон бағридаги сўқмоқлар бамисоли улкан тароқ тишларидек тарам-тарам қўнғир из ҳосил қилган, ҳар куни осмонда янги бир юлдуз кўз очади, яқиндагина мунаввар нурини аямай сочаётган ой ҳам энди бир оз хира тортгандай, гўё уни ҳам зарҳал тусли ҳалқа ўз ҳукмига олган... лекин шундай бўлса-да, тун маликаси бари бир эътиборга лойиқ, у ҳамон олтин гардиш ортидаги кумуш баркашдек жилоланади...

– Ё тангрим, шу гап ростми, Ева... сен чиндан ҳам эрга текканмисан?

– Сен буни билмасмидинг?

– Йўқ, билмасдим.

У жим бўлиб қолади-да, кейин оҳиста бир ҳаракат билан менинг қўлларимни бармоқлари орасига олиб, қаттиқ сиқади.

– Эй, Худойим, энди нима бўлади? Эҳ, тентак қиз… тентаккинам… нима қиламиз энди?

– Бу билан нима демоқчисан?! Ахир сен ҳали ҳеч қаерга кетаётганинг йўқ-ку! Токи сен шу ерда экансан, мен бахтлиман.

– Йўқ, Ева… бундай дема…

– Ҳа, айнан шундай… токи сен шу ерда экансан, мен шоду хуррам ва бахтлиман!

У жудаям аянчли тарзда жилмаяди, шу аснода қўлларимни янада кучлироқ сиқа бошлайди.

– Йўқ, Ева, энди бор… бу ердан кет! Ҳаммаси тугади.

Тунлар бир зайлда ўтиб борар, ортидан улардан-да бефарқ тонглар отарди. Мана, ўша суҳбатга ҳам уч кун бўлибди. Ана, Ева ўрмон бўйлаб, елкасига бир боғлам ўтин орқалаган кўйи кетиб бормоқда. Ёз бўйи бу шўрлик қизалоқ неча-неча саржин ўтинларни ортмоқлаб ташиди экан!

– Саржинларингни ерга қўй, Ева! Мен сенинг кўзларингга бир қарамоқчиман. Бир бор тикилмоқчиман кўзларингга, изн бер. Кўзларинг ҳали ҳам аввалгидек кўм-кўк, осмон каби мовийми?!

Унинг кўзлари нимагадир қизариб кетганди.

– Қани бир кулиб қўй, Ева! Мен энди, зинҳор-базинҳор раъйингга қарши бориб, сенга эътироз қилмайман. Мен энди тамом сеникиман… эшитяпсанми, сеники…

Оқшом. Ева қўшиқ куйлаётир, мен унинг мунгли нолишини жим тинглайман, қулоғим қўшиқда-ю, томоғимга нимадир қадалади.

– Сен бугун қўшиқ айтаяпсан, Ева? Демак, хурсандсан… шундайми?

– Ҳа, жудаям хурсандман.

Ва шундай дея, у аста оёқлари учида туриб олади-да, меҳр билан менинг бўйнимдан қучади, илло унинг жуссаси бирам нозик, бўйи ҳам худди расида қизларникидек эди.

– Ева, нимага қўлларинг бунчалар шилинган, қадоқ бўлиб кетибди? Сенинг нозик бармоқларингни бу азоблардан қутқариш учун нима қилишим мумкин?

– Бунга аҳамият берма.

Шундай деркан, унинг юзларида шундай ажойиб бир табассум жилва қиладики, гўё бундан олам янада чароғон бўлиб кетгандек туйилади менга.

– Ева, сен шу яқин кунлар ичида жаноб Мак билан ҳеч гаплашдингми?

– Ҳа, бир марта.

– Нима ҳақида гаплашдиларинг?

– Жаноб Макнинг бизга нисбатан муносабати буткул ўзгариб қолди, у энди эримни кечаси-ю кундузи пристанда ишлашга мажбурлаяпти, мени ҳам дам олиш кунларисиз ишлатаяпти. Бунинг устига менга ҳам эркакларнинг ишини қилдирмоқда.

– Бунинг сабаби нимада, нега у бундай қилаяти?

Ева жимгина нигоҳини ерга қадайди.

– Нега у бундай қилаётир, Ева? Сабабини билмайсанми?

– Мен сени севганим учун.

– Бироқ жаноб Мак буни қаердан билибди ахир?

– Бу ҳақда унга ўзим айтдим.

Орага жимлик чўкди.

– Оҳ, Худойим-ей… Ева, ҳеч бўлмаса лаънати Мак сенга сал шафқат қила қолса-чи!

– Кел, қўй... менга энди бунинг аҳамияти йўқ. Энди менга ҳеч нарсанинг аҳамияти йўқ.

Унинг овози шундай титраб кетадики, назаримда бу қиз худди ҳали айтган мунгли қўшиқларидаги нолани такрорлаётгандек туйилади.

Дарахтларнинг япроқлари янада сарғайиб, заъфарон ва қизғиш тусда товланади, аввалги совуқ ҳаво ўрнини энди аёзли шамоллар олаётир, янги-янги юлдузлар кўз очишда давом этмоқда, тун маликаси моҳитобон ҳануз тилла гардиш оғушида. Ҳозирча росмана қаҳратон тушгани йўқ, аммо, ўрмондаги сокин об-ҳаво тобора кеч кузакка ҳамоҳанг бўлиб бормоқда... ҳамма жойда ҳаёт нафаси барқ уради... ҳаёт – бетиним ва беҳаловат ҳаёт... Гўё бундаги ҳар бир дарахт ўз умрининг ниҳоялаб бораётган шу бир йилини сарҳисоб қилиб, ўй сураётгандек. Мевалар ғарқ пишган.

Шундан сўнг йигирма саккизинчи август ҳам кириб келди, ва шимолликларнинг махсус тақвимига кўра «темирдек метин тунлар» дея ном олган уч кунлик «темир тун» ҳам ўтиб кетди. Шимолликларнинг ақидаларига кўра, энди ёз мавсуми она ер билан хайру хуш қилади, куз фасли эса унинг бўйнига ўзининг заррин темир либосини осади.

26

Биринчи «темир тун».

Қуёш кечки соат тўққизларда ботади. Ер узра рутубатли ва мубҳам қоронғилик чўка бошлайди, осмонда бир нечтагина юлдуз хира нур сочади, орадан икки соатча вақт ўтгач,

борлиқни тамоман забт этган қуюқ қоронғиликни ойнинг заррин ўроғи ёриб чиқади.

Мен милтиғимни қўлга олиб, садоқатли кўппагимни эргаштирганча ўрмонга отланаман, тим қоронғи ўрмон бағрида гулхан ёқаман; гулханинг қизғиш шуълалари теграмдаги қарағайларнинг танасини қучоқлаб олиб, уларни ялаб-юлқаётгандек кўринади. Ҳозирча у қадар кучли совуқ тушмади.

– Биринчи «темир тун», – дейман овозимни чиқариб ва шу лаҳзаларда кўнглимда бўй кўрсатаётган ажабтовур ҳаяжон ва шодлик ҳиссидан титраблар кетаман. – О, Яратган эгам! Қандай ажойиб жойлар, нақадар гўзал, нақадар яхши фасл бу...

Эй, одамлар... эй, самода бетиним чарх ураётган, бепоён ва саховатли, шафиқу меҳрибон ўрмон бағрида ризқ тераётган парранда-ю даррандалар, мени эшитяпсизми? Мен ўрмон бағрида, мана шу шафоатли ўрмон қучоғида ёлғизликда кечаётган шукуҳли тунларимга шукроналар айтаман... бу тунларни алқайман! Тимқора чодрасини оламга ёйган рутубату қоронғиликни ҳам, дарахт япроғининг нозик тилчалари изҳор қилаётган илоҳий шивирларни, сасларни ҳам ва қулоқларим остида бетиним жаранг сочгувчи сукунатнинг одми ва жўн, содда ва диловар наволарини ҳам, дарахтларнинг кафтларида ўйноқлаётган яшил баргларни, олтин тусли заъфарон япроқларини-да ардоқлайман, суйиб-суйиб, алқайман! Ҳамду санолар, минг-минг шукроналар бўлсин сизга. Мана шу азим сукунат бағрини тўлқинлантириб турган ҳаёт шовқинларини, ҳатто... ҳатто ям-яшил барра майсаларни чимдиб

ўйноқлаётган итимни ҳам, унинг доим сезгир ва огоҳ тумшуқларини-да қадрлайман! Ва мубҳам, рутубатли тутундек қоронғилик ичра, ўз ўлжасини, митти чумчуқчани пойлаб, ер бағирлаб пусиб ётган ёввойи мушукни-да алқайман, унга омонлик ва омадлар тилайман! Она замин салтанатининг шукуҳли, файзиёб осудалигини ҳам, осмонда товланиб жилва қилаётган оймомонинг зарҳал ўроғини ҳам, ойнинг теграсида рақс тушаётган юлдузлар каҳкашонини... бари-барини алқайман, улар учун шукроналар айтаман!

Ўрнимдан туриб, атрофга қулоқ тутаман. Йўқ, менинг бу алқовларимни ҳеч ким эшитгани йўқ. Тағин ўтириб оламан.

Ёлғизликда кечирганим ушбу тунга шукроналар бўлсин, баланд-баланд тоғларга ҳам ҳамду санолар айтаман! Асов денгиз шовқинлари, рутубатли қоронғилик саси учун ҳам ташаккурлар бўлсин, бу шовқинлар, садо-ю саслар менинг қалбимда, юрагимда ахир! Мен шу тобда тирик эканимдан, нафас олиб турганимдан ва мана шу сеҳрли тунни бошимдан кечирганимдан беҳад шодман, бахтиёрман! Жим... Нима у шарқ тарафда жилва қилган, нимадир у ғарб томонда ёлқинланаётган, нима... нима, ахир? Бу балки, Яратганнинг ўзидир... буюк қудрат соҳиби, борлиқнинг сарвари... ўзи яратмиш фазо-ю маконларни айланиб-кезиб юргандир! Қулоқларимга азим бир сукунат товуши қуйилади. Бу эҳтимол коинотнинг томирларидан гувраниб, кўпириб оқаётган қон товушидир, балки бу буюк яратгувчининг, соҳиби каромат, соҳиби қудратнинг кори амали – бунёдкорлик

ишларининг гулдуросидир; илло, айни дамларда мен ҳам, борлиқ олам ҳам унинг муборак илкида, изму ихтиёридамиз.

Гулхан алангаси шу яқин буталар устида ялтираб турган ўргимчак тўрларига тушиб, уларни янада товлантириб юборади; бандаргоҳ тарафдан саноқсиз эшакакларнинг шалоплаши эшитилади; кўкда, нафармон тусли осмон бағрида эса, нақд арши аълога тирмашиб чиқишга интилаётган каби, шимол ёғдуси порлай бошлайди. Ўзимнинг боқий руҳи равоним, абадиятга юзланажак жони-жаҳоним ҳаққи, мана шу фасоҳатли тунниng айни дақиқаларида, қошимдаги ловуллаб турган гулхан пойида ўтириш бахтини насиб этганига шукроналар қиламан!

Атроф жимжит. Қаердандир «дўп-дўп» деган товуш чиқариб ерга қарағай ғуддаси тушгани эшитилади. «Ана, қарағай ғуддаси тўкиляпти!» – дея ўйлайман ичимда. Ой баланд пештоқига чиқиб олган, гулхан ҳам титраб-титраб, пирпираб-пирпираб ёнмоқда, тўғрироғи, ёниб тугаётир, ҳали замон буткул ўчиб қолса ҳам ажабмас. Тун ниҳоялаб бораётган бир пайтда уйим томон йўл оламан.

Иккинчи «темир тун». Яна ўша сукунат ва илмилиқ ҳаво. Мен эса ҳамон ўй-хаёлларим гирдобидаман, нималарнидир ўйлаганим-ўйлаган... ўйлаганим-ўйлаган. Шу тобда мен ўзим нима қилаётганимни ҳам билмайман; бир дарахт ёнига бораман-да, картузимни пешонамдан кўтариб, қўлларимни гарданимга чалиштирганча, дарахт танасига суянаман. Оловга тикилиб олиб, тағин ўй-хаёлга бериламан, аланганинг ёлқини кўзларимни қамашти-

ради, бироқ мен бунга парво ҳам қилмайман. Узоқ вақт ана шундай ноқулай бир алпозда оловнинг липиллашига тикиламан; мана, оёқларим ҳам толиқиб, увишиб, чарчаб кетади ва мен ўтиришга мажбур бўламан. Фақат шундагина ўзимни нақадар аҳмоқона тутаётганимни англаб қоламан. Хўш, нимага, не сабабдан бунча оловга тикилиб қолдим ўзи?

Эзоп бошини кўтариб, атрофга қулоқ тутади ва қаердандир қадам товушлари келаётганини пайқайди, дарахтлар ортидан Ева кўринади.

– Бугун кўнглим шу қадар ғашки, бемаъни ўй-хаёллар мени адо қилиб ташлади, – дейман унга.

Ева менга ачиниш нигоҳи билан жимгина қараб қолади.

– Мен учта нарсани жонимдан ортиқ кўраман, – дея гапларимни давом эттираман. – Биринчидан ўзим истаган нарсани туш кўришни, ҳа, бир гал айнан шундай бўлганди, иккинчидан эса сени, ва ниҳоят учинчидан, мана шу бир парча заминни.

– Уларнинг ичида ҳам энг яхши кўрганинг бордир... хўш, қайси бири энг муҳими?

– Туш.

Яна жимлик. Эзоп Евани таниб, бошини ёнига осилтирганча, унга тикилади. Мен деярли шивирлаб шундай дейман:

– Бугун мен бир қизни учратдим, у кўчада суюклиси билан қўлтиқлашиб бораётган экан. Қиз шеригига кўз қири билан мени кўрсатди-да, то уларнинг ёнидан ўтиб кетгунимча зўрға ўзини кулгидан тутиб турди.

– Хўш, у нимага кулди, деб ўйлайсан?

– Билмадим. Балки менинг устимдан кулгандир. Нега бу ҳақда сўраяпсан?

– Сен уни танидингми?

– Ҳа, мен унга таъзим қилиб, саломлашдим.

– У-чи, уям сени танидими?

– Йўқ, у ўзини гўё мени мутлақо танимайдигандек қилиб кўрсатди... Аммо, сен нега ўсмоқчилаб, мени қийин-қистовга оляпсан? Бу ишинг яхшимас... бекорга овора бўласан. Бари бир мен у қизнинг исмини айтмайман.

Яна орага жимлик чўкади.

Мен тағин шивирлайман:

– Менинг нимамдан кулди экан? Биламан, унинг ўзи енгилтабиат ва бетайин қиз; бироқ нимага, нимага менинг устимдан кулади у? Эй, Худо, мен унга нима ёмонлик қилдим, ахир?

Саволимга Ева шундай жавоб беради:

– Сенинг устингдан кулиш ғаламислик, фосиқлик.

– Йўқ, фосиқлик эмас! – деярли бақириб юбораман мен. – Уни ҳақорат қила кўрма, ҳеч қачон, эшитяпсанми... ҳақорат қилма уни... илло у зинҳор фосиқлик ёки ғаламисликни билмайди; менинг устимдан кулганида ҳам тамоман ҳақ эди у. Оҳ, бу нима азоб... Сен иложи бўлса оғзингни юм-да, мени тинч қўй, эшитяпсанми, тинч қўй, илтимос!

Ева азбаройи қўрқиб кетганидан, тилини тишлаб қолади. Мен уни бу аҳволда кўриб, ҳозиргина айтган қўпол сўзларимдан афсусланиб кетаман, кейин дарҳол унинг пойига тиз чўкиб, бадфеъллигим учун узр сўрайман.

– Энди уйингга бор, Ева. Мен бу дунёда ҳаммадан ҳам сени кўпроқ севаман, ўзинг ўйлаб кўр, наҳотки мен аллақандай ширин тушни

сендан ортиқ қўёлсам? Асло! Мен... мен шунчаки ҳазиллашдим, аслида сени чиндан севаман. Фақат, энди уйингга боришинг керак. Мен эртага олдингга ўзим ўтаман; эсингда бўлсин, мен тамоман сеникиман, шуни ҳеч қачон эсдан чиқарма. Хайрли тун.

Менинг шу сўзларимдан сўнг Ева чурқ этмай, уйига кетади.

Ниҳоят учинчи, энг қийин кечган «темир тун». Кошки озгина бўлса-да совуқ туша қолса! Аммо совуқ ҳаводан асар ҳам йўқ, аксинча атрофда алланечук, танни беҳаловат қиладиган илмилиқ ҳовур устувор, ушбу тун гўё ўрмон бағрида эмас, балки буғланиб турган ботқоқликда кечаётгандек. Мен гулхан ёқдим...

– Ева, баъзан сенда ҳам шундай бўладими, айтайлик, сени сочингдан тортқилаб судрашади-ю, бироқ сен бундан ҳеч бир оғриқни сезмайсан, аксинча, бу азоблар сенга ажабтовур лаззат бағишлаганидан, кўнглингни севинч ва шодлик ҳисси чулғаб олади. Ҳа... одамзот жуда ғалати қилиб яратилган. Сени сочингдан тутиб, тоғлардан ва бепоён водийлардан судраб ўтишади, агар йўлда бирор кимса сендан нима бўлди, – дея сўраса, сен ўзингни шодликдан йўқотиб қўяр даражада ҳаяжон билан: «мени сочимдан тортиб, судрашаяпти!» – дея жавоб берасан. Агар улар: «Сени бу азобдан қутқаришга ёрдам берайликми?» – деб сўрашса, сен «Йўқ!» дея жавоб берасан. Мабодо сендан тағин: «Эҳтиёт бўлгин, сен бу азобларга дош бера оласанми, чидайсанми?» – деб сўрашса сен: «Ҳа, албатта чидайман, чунки мени тортқилаб, судраб бораётган қўл соҳибини севаман!» – деб ай-

тасан. Ева, сен умид деган туйғу нималигини биласанми?

– Ҳар ҳолда, ўзимча, биламан, деб ўйлайман.

– Сенга айтсам, Ева, шу умид деганлари жуда ғалати, ақл бовар қилмас нарсада, ўзиям. Тасаввур қилгин-а, эрталаб кўчага чиқиш олдидан бугун ўзинг севган кишингни албатта учратишга умид қиласан. Хўш, кейин-чи? Уни учратасанми? Йўқ. Нимага бундай бўлди? Бунинг сабаби жуда оддий. Ўша сен севган одам айни шу куни саҳардан бошқа ишлари билан жуда банд бўлади, ва ёки мутлақо бошқа жойларда юрган бўлади... Мен тоғда бир сўқир кекса лопар билан учрашиб қолдим. Ишонасанми, у роппа-роса эллик саккиз йилдан буён ёруғ жаҳонни кўрмас экан. Ҳозир унинг ёши саксонни қоралаб қолган. Ўзининг айтишича, аста-секин унинг кўзларида нур пайдо бўлаётганмиш. У борган сари теграсини яхшироқ, янада яхшироқ кўраётгандек эмиш. «Агар бирор кор-ҳол бўлмаса, – дейди у, – тағин бир неча йил ўтиб, қуёш нурини илғайдиган бўламан».

Унинг сочлари ҳали тим қора, бироқ... кўзлари... кўзлари оппоқ, ишонсанми, худди қордек оқ. Биз унинг ертўласида тамаки чекиб ўтирарканмиз, у менга кўзи кўр бўлиб қолгунга қадар бошидан кечирганларини сўзлаб берди. У жуда кучли ва соғлом, ҳеч қаери оғримас эмиш; тағин у жуда яшовчан, боиси қалбида кучли истак бор, орзу, умид барқ уриб турибди... бу ҳаётдан умидини узмаган. Мен кетаётганимда у ортимдан эргашиб чиқди ва қўлларини ҳар томонга чўзиб, қайси томон, шимол ва қайси

томон жанублигини адашмасдан айтиб берди. «Ҳов анави тараф шимол, – дейди у, – бу ёқда эса жануб». «Сен аввал ҳув анави томонга юрасан, кейин эса бир оз қуйи тушиб, мана бу ёққа қайриласан». «Мутлақо тўғри» – дея жавоб бердим унга, ҳайратимни яширолмасдан. Шунда кекса лопар қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, шундай деди: «Биласанми, мен қирқ-эллик йил илгари буни мутлақо билмасдим, демак, ҳали сенга айтганимдек, кўзларим тузалиб, уларга нур қайтмоқда, мен энди тобора яхшироқ, янада яхшироқ кўра бошлаяпман».

Кейин у энгашганича, эмаклаб ертўласига, бу оламдаги ўзи ягона ва бетакрор деб билган масканига кириб кетди. Ертўлага киргач, у шубҳасиз яна олов олдига ўтириб олади-да, агар бирор кор-ҳол юз бермаса, орадан бир неча йил ўтиб, кўзлари қуёшни бемалол илғайдиган бўлиши ҳақида умид қилиб яшашда давом этаверади... Ева, сен нима дейсан, жуда ғалати нарсада шу умид деганлари, тўғрими? Мана, масалан мен ҳам бугун эрталаб ўзим дуч келган инсонни бир кунмас, бир кун албатта, унутиб юборишимдан умидворман, жудаям умидворман...

– Жуда ғалати гапларни гапирасан-да... айтганларинг бирам сирли, бирам қайғулики...

– Бугун учинчи, яъни якунловчи «темир кун»лигини биласанми? Ева, сенга ваъда бераман, эртага мен мутлақо бошқа одамга айланаман. Ҳозир эса ёлғиз қолмоқчиман, майлими? Эртага мени танимай ҳам қоласан, сабаби бундан буён мен доим кулиб юраман, сени суйиб

эркалайман, беғубор юзларингни бўсаларимга кўмиб ташлайман... Ҳа, ҳа шундай қиламан, албатта, шундай бўлади... менга ишонавер, қизалоқ... Ўйлаб кўргин-а, бор-йўғи битта тун ва мен мутлақо бошқа одам бўламан, атиги бир неча соат ва мен тамом ўзгача бўламан... Хайрли тун тилайман сенга, Ева.

– Сенинг ҳам тунинг хайрли бўлсин...

Мен гулханга яқинроқ жойга ётиб оламан-да, оловга тикиламан. Тағин бир қора қарағайнинг шохидан ғудда тўкилади, кейин қуриб қолган битта шох, унинг кетидан эса яна бири узилиб тушади. Тун бамисоли тубсиз жарликка ўхшайди. Мен кўзларимни оҳиста юмаман. Тез орада мени сукунат ўз оғушига олиб, элита бошлайди ва мен унинг ҳаловатли қучоғидан мутлақо ажралишни истамай қоламан. Сўнг осмонга, оппоқ қобиққа ўралиб олган яримта ойнинг ўроғига тикилиб қоламан. Ҳилолнинг ёғдуси дафъатан қалбимдаги энг нозик ва инжа туйғуларни уйғотиб юборади, шунда мен юзимга қон югуриб, қирмизланиб бораётганини сеза бошлайман.

– Ана, моҳитобон, ана ҳилол! – дейман шивирлаб, бу сўзларни чексиз меҳр, адоқсиз муҳаббат билан айтаман. Ва менинг юрагим беихтиёр ойга томон талпиниб, шодликдан ҳаприқиб кетади, кейин эса ўз вазифасини унутгандек, жимиб қолади. Бир неча дақиқа ана шундай кечади. Шамол, мутлақо бошқача, ғаройиб, бу ерларга хос бўлмаган шамол кўтарилади, наздимда юзларимга бегона нафас уфургандек туйилади. Бу нимаси тағин? Атрофимга олазарак назар ташлайман, теграмда ҳеч зоғ

кўринмайди. Мени шамол ёнига чорлайди ва қалбим, бу даъватга лаббай дея жавоб бериб, ҳаволаниб кетади; гўё аллақандай қудратли куч мени осмону фалак томон учириб бораётгандек, мен гўё ўз жисму вужудимдан ташқарига чиқиб кетаётгандек бўламан, мени кўзга кўринмас, меҳрибон бир оғуш кўксига босади. Кўзларимга жиққа ёш тўлади, ва мен ихтиёрсиз тарзда титрашга тушаман. Назаримда, шу тобда, Яратган эгам, буюк соҳиби қудрат ёнгинамда менга қараб тургандек, мени кузатаётгандек бўлади. Яна бир неча дақиқа худди шу алпозда кечади. Ортимга ўгирилиб қарайман, ҳалигина юзларимга урилган ғайриоддий нафас ғойиб бўлади... шунда мен гўё кетиб бораётган илоҳий руҳни ортидан кўриб қолгандек бўламан. У ўрмон бўйлаб ҳеч бир сассиз, садосиз мендан тобора олислаб... тобора йироқлашиб кетаверади... кетаверади...

Мен яна бир оз ҳозиргина бошдан кечирганим – ушбу девонаваш хаёлларим билан алағда бўлиб, уларни ақл тарозисига сола билмай, ўзим билан ўзим олишаман. Кейин эса ниҳоятда гангиб, чарчаб қолганимдан дармонсизланиб, тезда уйқуга кетаман.

Уйқудан турсам, аллақачон тун чойшабини йиғиб олган, борлиқда қуёш ҳукмини ўрнатган экан. Эҳ, кейинги кунларда нақадар аянчли ва абгор аҳволга тушиб қолдим, худди безгак тутган одамдек довдирайман, хаёлимда яқин орада бирор дардга йўлиқиб, тамом ётиб қоладигандек бўлаверaман. Мен учун ҳамма нарса остин-устин бўлиб кетди, ҳамма нарсани

фақат ёмон тарафидан кўраяпман, қолаверса, сўнгги кунларда алланечук изтироб ва аламзадалик ҳисси бутун борлиғимни қийнаб, адойи тамом қилди.

Хайриятки, энди буларнинг ҳаммаси... ҳаммаси барҳам топди.

27

Куз. Ёз ҳам ўтиб кетди; у қандай тез тушган бўлса, худди шундай, кутилмаган бир тарзда ғойиб бўлди; оҳ, нақадар тез тугади бу ғаройиб фасл. Совуқ кунлар бошланди, мен эса ҳамон ўрмон паррандаларини отаман, балиқ овлайман, бепоён ўрмон бағрида ўзимча қўшиқлар хиргойи қиламан. Баъзида шундай кунлар ҳам бўладики, денгиздан қуюқ туман кўтарилиб, бутун борлиқ гўё қоп-қора тутун ичида қолгандек рутубат чодрасига ўранади. Ана шундай кунларнинг бирида мен билан қизиқ бир воқеа содир бўлди. Мен узоқ вақт ўрмонда сайр қилиб, қўшни қишлоққа яқин бориб қолдим ва кутилмаганда тўппа-тўғри докторнинг уйи қаршисидан чиқиб қолибман. Унинг уйи меҳмонларга тўла бўлиб, бу ердаги хонимларнинг кўпчилигини мен илгари ҳам учратгандим; улар асосан ёш-яланглар, бариси шод-хуррам, тинмай рақс тушишар, шакаргуфторлик қилишар, худди яйловдаги асов тойчоқлар каби ирғишлаб, яйрашарди.

Уйнинг айвончаси олдига бир енгил файтон келиб тўхтади; файтонда Эдварда ўтирарди. У мени кўриб, бир оз ноқулай аҳволга тушди. «Мен борақолай», – дедим секингина докторга.

Бироқ, доктор кетишимга изн бермади. Эдварда аввалига менинг бу ердагилимдан хижолатда қолди, ҳар бир гапини айтишдан олдин қизнинг нигоҳлари ерга қадаларди, кейин бир оз фурсат ўтиб, ўзини анча тутиб олди, ҳатто менга ҳам бир-иккита арзимас саволлар билан гап ташлаб қўйди. Унинг юзи ғалати тарзда оқариб кетганди, лекин мен буни чеҳрасига совуқ туман акси тушиб турганидан, деб ўйладим. У ҳамон шу кўйи, файтондан тушмасдан ўтирарди.

– Мен бу ерга зарур бир топшириқни адо этгани келдим, – деди у кулганича. – Ҳозиргина черковдан чиқдим, дарвоқе у ерда бирортангиз ҳам йўқ экансиз; менга сизларни шу ердан топишимни айтишди. Хуллас, бир неча соатдан бери, файтонга ўтирволиб сизларни қидираман. Эртага бароннинг бу ердан жўнаб кетишлари шарофати билан бизникида кичкинагина давра йиғилади, ҳа, айтганча, барон аслида кейинги ҳафталарда кетади, хуллас... улар ана шу зиёфатга барчангизни таклиф этишни мендан илтимос қилгандилар. Зиёфатда ҳар галгидек ўйин-кулги ва рақслар бўлади. Демак, эртага кечқурун учрашамиз.

Қизнинг бу таклифидан кейин барча унга эҳтиром юзасидан таъзим қилиб, миннатдорлик билдиради.

Кейин у бевосита менга мурожаат қилади:

– Менга қаранг, сиз бу зиёфатга албатта боришингиз шарт. Тағин энг охирги дақиқада иштирок этолмаслигингизни маълум қилиб, узрхоҳлик тилаб, хат-хабар йўллаб юрманг-а?!

Шундан сўнг у ҳеч кимга, ҳеч нарса демади. Бирпасдан сўнг эса жўнаб кетди.

Мен унинг кутилмаганда кўрсатган бундай дўстона илтифотидан ҳаяжонланиб кетдим, шу қадар хурсанд бўлганимдан, одамлар кўзидан йироқроқ кетишни истаб қолдим. Тезда доктор билан ҳам, унинг меҳмонлари билан ҳам апил-тапил хайру хуш қилиб, уйимга жўнадим. У менга бунчалар илтифот кўрсатди, бу қадар меҳр-муҳаббат билан муносабатда бўлди... қанчалар яхши... қанчалар ёқимли! Мен энди бундай бағри кенглик учун ўз миннатдорлигимни унга қай йўсинда билдирсам экан? Қўлларим мажолсизланиб, елкамдан то бармоқларимнинг учигача алланечук ҳузурбахш совуқ тўлқин оқиб тушгандек бўлиб кетди. Эҳ, Худойим-ей, хурсандлигимдан, бамисоли сармаст одамдек чайқалиб кетяпман, – дея ўйлардим мен, – ҳатто қўлларимни мушт қилиб тугишга ҳам қурбим келмаяпти, кўзларимда эса милт-милт ёш, бу не ҳол ахир, ё Тангрим? Фақатгина оқшом тугаб, росмана тун чўка бошлагандагина уйимга етиб бордим. Уйга томон борарканман пристан ёнидан ўтаётганда, бир балиқчидан, «мабодо эртага бандаргоҳга почта кемаси келмайдими?» – деб сўрадим. Йўқ, келмас экан, унинг айтишича, мен кутаётган кема фақат кейинги ҳафталарга келар эмиш. Мен уйга етиб олишга шошилдим, илло ҳужрамга кирибоқ, кийимларим орасидан энг кўркам костюмимни топдим-да, уни кўздан кечира бошладим. Костюмни имкон қадар тозаладим, тартибга келтирдим, унинг бир-икки жойида сезилар-сезилмас тешиклар пайдо бўлиб, титилган экан, мен ушбу камчиликларни амаллаб чандиб тикарканман, беихтиёр йиғлаб юбордим.

Либосимни тайёр қилиб, сўрига чўзилдим. Аммо менинг оромим атиги бир-икки дақиқагина давом этди холос, чунки миямга чақмоқдек ярқ этиб урилган ўйдан, ўрнимдан сапчиб туриб кетдим ва хонанинг қоқ ўртасида жонсиз ҳайкалдек қотиб қолдим.

– Ахир бу унинг янги найранги-ку! – дея шивирлайман ўзимча. – Агар тасодифан бошқаларни таклиф қилаётган чоғида унинг ёнига бориб қолмаганимда, мени бу зиёфатга таклиф қилмасликлари аниқ эди. Боз устига у менга бу зиёфатга бормаслигим ҳақида коса тагига нимкоса қўйиб ишора ҳам қилди, яъни мен бу зиёфатга бормаслигим, балки бирор баҳонани рўкач қилиб, узр сўраган ҳолда унга хат юборишим лозим...

Мен туни билан ухламай чиқдим, тонг отгач эса уйқусизликдан, қолаверса, ниҳоятда асабийлашганимдан титраб, чайқалганча ўрмонга жўнадим. Демак, Сирилуннда бугун «меҳмон кузатар» зиёфат! Хўш, шунга нима бўпти? Мен бу тантанага бормай қўя қоламан, узр-пузур сўраб хат ҳам ёзиб ўтирмайман. Жаноб Мак жуда фикр қиладиган, ақл-фаросатли одам, ахир бароннинг шарафига зиёфатни ҳам унинг ўзи уюштираётганлиги аниқ; мен эса бормайман, бу зиёфатга... ҳой, эшитяпсизларми, бормайман... тамом-вассалом!..

Тоғлар ва водийларни қалин туман қоплаб олди, шивалаб ёғаётган майда ва совуқ ёмғир томчилари кийимларимни ҳўл қилишга улгурди, юзим изғириндан кўкариб, тарашадек қотиб кетди. Кучли шамол бот-бот қалин туман пардасини байроқ каби гоҳ баландга, гоҳ пастга учириб, ҳилпиратиб ўйнарди.

Қош қорайиб, кеч туша бошлади. Ҳамма ёқни туман қоплаб олганидан қуёшга қараб йўл топиш мушкул бўлиб қолди. Мен уйимга борарканман, бамайлихотир, худди бемаслак сандироқлаётгандек бирор соатча йўл босиб қўйдим; тўғри-да, ахир шошиб қаёққа ҳам борардим? Шу сабаб, баъзан йўлдан адашиб, мутлақо нотаниш жойларга бориб қолсам-да, у қадар хавотирга тушмасдим. Ниҳоят, милтиғимни елкамдан олиб, бир қарағайга суяб қўйдим-да, компасга қарадим. Компас йўналишини ҳафсала билан тўғрилиб, яна йўлимда давом этаман. Айни паллада соат саккиз ёки тўққизлар чамаси.

Ана шунда мен билан ғалати бир ҳодиса содир бўлди.

Орадан ярим соатлар ўтиб, қалин туман орасидан қулоғимга мусиқа садолари эшитилди, яна бир неча дақиқадан сўнг эса мен ўзим қаерга келиб қолганимни англаб, ҳайратдан лол эдим. Мен жаноб Макларга қарашли уйнинг шундоққина рўпарасида турардим. Наҳотки компасим мени қаердан зўр бериб қочишга уринган бўлсам, айни шу ерга келтириб қўйган бўлса? Қандайдир таниш овоз менинг номимни айтиб чақиради, бу докторнинг овози эди. Кейин мени уйга киритишди.

Ҳа, назаримда, милтиғимнинг темир стволи компаснинг оҳанрабосига ножўя таъсир кўрсатганидан унинг кўрсаткичлари нотўғри ишлаган. Худди шундай ҳодиса менинг ҳаётимда икки бор юз берган, тўғри иккинчиси бундан анча кейин, яъни бу йил содир бўлганди. Билмадим, бу ҳолатни қандай тушуниш ёки шарҳлаш керак, эҳтимол, бу чиндан ҳам

тақдирнинг инъоми... балки... ёзмиш қисматимнинг шунчаки бир ўйинидир?

28

Бутун зиёфат давомида кўнглимни «бу ерга келмаслигим керак эди» – деган аламли ғашлик тарк этмади. Зеро, бундагилар менинг келганимга парво ҳам қилишмади, уларнинг ҳар бири ўзаро қизғин суҳбатлари билан андармон эдилар. Эдварда ҳам номигагина мен билан сўрашиб қўйди. Мен бекорга келганимни бу ерга кирган заҳотимдаёқ пайқаган эсам-да, аммо ўрнимдан туриб чиқиб кетишнинг иложини қилолмадим, шу боисдан тинимсиз шароб ича бошладим ва оқибатда ғирт маст бўлиб қолдим.

Жаноб Мак тинмай кулимсирар, ҳаммага илтифотли мулозамат кўрсатарди, у эгнига бинойидек фрак кийиб олганидан ниҳоятда башанг, салобатли кўринарди. Уни деярли ҳамма хонада кўриш мумкин эди, у эллик-олтмиш чоғли меҳмонлар орасида зир югуриб, меҳмоннавозлигини намойши қиларди; баъзан ҳатто рақс ҳам тушар, кимларгадир ҳазил қилар, яна ўзи ҳам бундан мароқланиб, қаҳ-қаҳ отиб куларди. Унинг кўзлари ҳам бугун ғайриоддий ва ўта сирли тарзда чақнаётгандек эди.

Мусиқа оҳанги-ю одамларнинг шодон ғала-ғовури бутун уйни тутиб кетганди. Жаноб Макка қарашли бу салобатли уйнинг бешта хонаси ҳам меҳмонларга лиқ тўла бўлиб, катта залда ҳам рақс кечаси авжланиб бораради. Мен бунга келганимда меҳмонлар аллақачоноқ кечки овқатни еб бўлишганди. Хизматкор аёл-

лар, у ёқдан бу ёққа зир югургилаб, шароблар учун стаканларни, ялтиратиб тозаланган қаҳва идишларини, сигаралар, трубкалар, турли пиширикдар ва мева-чевалар кўтариб юришарди. Ҳа, чиндан ҳам жаноб Мак бугунги зиёфатга хасислик қилмай, бор ҳимматини кўрсатибди. Ҳатто қандилларга ҳам айнан шундай дабдабали кечалар учун харид қилинган йўғон шамдонлар ўрнатилган; янги лампалар ҳам чароғон этиб ёқиб қўйилган.

Ева ошхонадаги юмушларга кўмаклашаётган эди, мен уни қия очиқ турган эшик орқали кўриб қолдим. Ана холос, ҳатто Ева ҳам ушбу зиёфатдан четда қолмабди.

Баронга алоҳида иззат-икром, мулозаматлар кўрсатишар, бироқ у бундан зинҳор мағрурланмай, ўзини кўз-кўз қилмасдан, ўта сипо ва камтарин тутаётганди. У ҳам эгнига фрак кийиб олган, фракнинг этаклари, айниқса бурмали чоклари жомадонда узоқ сақланганидан ғижимланган кўйи осилиб турарди. Жаноб бароннинг бутун ўй-хаёли, фикру зикри ҳозир биргина Эдварда билан банд эди; у кўзини Эдвардадан узмас, бот-бот у билан қадаҳ уриштирар, унга мурожаат қилаётганда худди, руҳонийнинг ёки қишлоқ докторининг қизларини атаётгани каби «фрекен» дея илтифот кўрсатарди. Мен эса шу тобда унга нисбатан ўз ғаразимни сира яшира олмасдим, ҳар гал унга кўзим тушганда, юзимни ўта тушкун ва аҳмоқона бир тарзда, ижирғангандек буриштириб, бошқа томонга ўгирилиб олардим. Барон менга гап қотиб қолганда эса, тез-тез, узуқ-юлуқ жавоблар билан қутулар ва ҳар бир

жавобимдан сўнг лабларимни асабий қимтиб қўярдим.

Ҳа, ўша кунги зиёфатдан менинг ёдимда яна бир қизиқ воқеа сақланиб қолган. Мен бир малласоч ойимқиз билан гаплашиб турардим, қизга қизиқроқ нимадир дедимми ё бирор бир кулгили воқеани айтиб бердимми, ҳар ҳолда буни эслай олмайман, бироқ у хандон ташлаб кулиб юборди. Аслида наздимда, мен айтган ҳикоя у даражада қаҳ-қаҳ уриб куладиган нарса ҳам эмасди; балки яхшигина ширакайф бўлиб олганимдан, ўшанда ҳикояни ҳар галгидан кулгилироқ тарзда айтгандирман; лекин, нима бўлганда ҳам ўшанда нимани гапирганимни ҳали-ҳануз эслай олмайман. Бир сўз билан айтганда, шунчаки арзимас ҳангома эди. Аммо, шу пайт ортимга ўгирилсам, шундоққина ортимда елкамга теккудек бўлиб Эдварда турган экан. У менга ўта меҳрли ва хайрихоҳ бир нигоҳ ташлади.

Кейин мен унинг ҳалиги ўзим билан суҳбатлашиб турган малласоч хонимни, даврадан четга олиб чиқиб кетганини кўрдим. Эдварда ундан мен билан нималар ҳақда сўзлашганини аниқлаган бўлса керак. Аммо, нима бўлганда ҳам Эдварданинг ортимдан келиб менга ташлаган меҳрли нигоҳи кайфиятимни кўтариб юборганини сўз билан ифодалай олмайман. Зеро, шундан сўнг кўнглимдаги бари ғашлик тумандек тарқалиб кетди, мен бутун зиёфат давомида мириқиб дам олдим, ҳали у хонада, ҳали бу хонада ҳамма билан бирдек чақ-чақлашиб хуморимни ёздим. Энг муҳими, ҳеч ким билан сан-манга бормадим: янглиш-

масам, бирорта ҳам хижолатли вазиятга тушмадим...

Мен айвончада турардим. Айвонга туташ даҳлизда Ева кўриниб қолди, у меҳмонларга нимадир олиб бораётганди. Ева мени кўриб, айвончага чиқиб келди, тезкор бир ҳаракат билан билакларимни сийпалади-да, кулимсираб, ҳеч нарса демасдан ғойиб бўлди. Бу ногаҳоний дийдор шу қадар қисқа вақт ичида кечдики, бизлар бир-биримизга сўз айтишга ҳам улгурмадик. Мен тағин базм кечаётган ичкари хонага кирганимда, рўпарамда Эдвардани кўрдим, у хона даҳлизида туриб олган кўйи мендан кўзини узмасди. Ҳа, шундоққина, адл қоматини виқор билан тутиб, тўппа-тўғри менга қараб турарди. Эдварда ҳам бир оғиз сўз демади. Мен индамай залга кириб кетдим.

– Азизларим! Биласизларми, лейтенант Глан хизматкорларни айвончага учрашувга таклиф қилиб кўнглини чоғ қилиш билан овора экан! – дея бақириб қолди Эдварда кутилмаганда. У эшик олдида турганидан, меҳмонларнинг аксарияти бу гапларни аниқ эшитди. Кейин у худди бу гапларни ҳазил тарзида айтаяпман дегандек, кулиб юборди, бироқ унинг юзларидан бунинг тамом тескариси англашиларди, зеро, унинг чеҳраси шу тобда қордек оппоқ ва ҳиссиз эди.

Мен унга жавоб беришни лозим топмасам-да:

– Бу шунчаки, тасодиф, ташқарида Ева билан рўпара келиб қолдик холос, – дея минғирлаб қўйдим.

Орадан бирор муддат, чамамда бир соатлар вақт ўтганди. Хонимлардан бири бехосдан

кўйлаги устига стакандаги ичимлигини тўкиб юборди. Эдварда буни кўрибоқ, шу заҳоти яна айюҳаннос солиб қолди:

– Тағин нима гап? Ҳойнаҳой, яна Глан айбдор бўлса керак?! У эски қилиғини бошлаб, тағин бирор нарсани синдирдими?

Ваҳоланки, бу вазиятда мен мутлақо айбсиз эдим, илло стаканни тўкиб юборишганда мен залнинг тамоман бошқа бир қисмида эдим. Шундан сўнг, кайфиятим бир оз бузилиб, яна ичкиликка ружу қўйдим, шунда ҳам имкон қадар рақс тушаётганларга халал бермаслик учун кўпроқ эшик тарафда бўлдим.

Хонимларнинг аксарияти ҳануз бароннинг теграсида парвона эдилар, у эса: «минг таассуфлар бўлсинки, мен бу ердан жўнаб кетаётганлигим боис коллекцияларимни аллақачон йиғиштириб қўйгандим, йўқса сизларга Оқ денгизнинг денгиз ости тошларини, Курхольманинг ўзига хос гилли лойини, ёки денгиз тубидан олиб чиқилган ниҳоятда ғаройиб қотишмаларни кўрсатган бўлардим» – дея астойдил узрхоҳлик қиларди. Хонимлар айни пайтда бароннинг қайирма тугмаларига ва уларда ифодаланган бешта қуббали тож тасвирига маҳлиё бўлиб тикилишарди. Бу пайтга келиб, докторнинг ҳам дами ичига тушиб қолган, ҳатто унинг «агар гапим чин бўлмаса, бетобут кетай» – деган ғалати қасамлари ҳам аёлларнинг эътиборини жалб қилиш борасида иш бермай қўйганди. Аммо шундай бўлса-да, доктор ҳамон Эдвардани ўз эътибори марказида тутар, агар у бирор-бир сўзни нотўғри талаффуз қилса, шу заҳотиёқ унинг гапини тўғрилар ва қизга

берилаётган танбеҳлари асносида унга аламли нишларини ҳам санчиб олишни зинҳор унутмаётганди. Энг муҳими доктор ўзининг бундай тарбиявий ишларини, очиқ-ошкора ва қатъий устуворлик мақомида амалга ошираётганди.

Масалан, у гапира туриб, бехосдан «токи мени абас водийси ғарқ этмас экан», – деб қолди.

Шунда доктор дарҳол унга савол берди:

– Нима, нима?

– Абас водийси. Ахир шундай ибора бор шекилли?!

– Мен «абас баҳри», яъни «унутилиш дарёси» ҳақида эшитганман, балки сиз шуни назарда тутаётгандирсиз!

Кейин Эдварда кимнингдир алланимани худди ниманидир асрагандай сақлаши ҳақида гапирганди...

Доктор унинг гапини шартта бўлиб, «Церберни асрагандай демоқчимиз», – деди.

– Ҳа, айнан шундай «худди Церберни асрагандай», – жавоб қилди қиз.

Аммо доктор бу гапга қаноат қила қолмасдан, қайсарлигида давом этаверди.

– Сизга ўз вақтида ёрдам берганим учун менга раҳмат, дейишингиз жоиз. Мабодо Церберни эслатмаганимда, имоним комилки, сиз «Аргусни асрагандай» дейишга чоғланиб тургандингиз.

Барон қошларини баланд кўтариб, ўзининг олтин гардишли кўзойнаклари ортидан докторга ғалати бир таажжуб ифодасида тикилиб қолди. Наздимда, у ҳали умри бино бўлиб бундай бемаъни баҳсу мунозарани кўрмагандек эди. Аммо доктор жаноблари унинг бундай қарашла-

рига парво ҳам қилмасди. Гўё шу билан «барон бўлсангиз, ўзингизга!» – деяётгандек эди.

Мен эса ҳамон эшик олдида турибман. Рақслар авж палласига кўтарилган. Менинг омадим кулиб, бир хушрўйгина қишлоқ муаллимаси билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдим. Биз у билан уруш ҳақида, Қрим компаниясининг бориши, Францияда содир бўлаётган воқеалар, Наполеоннинг императорлик фаолияти, унинг туркларни қўллаб-қувватлаётгани хусусида суҳбатлашдик. Муаллима хоним ёзда айрим газеталарни мутолаа қилганидан, мени анча янгиликлардан воқиф қилди. Ниҳоят биз, залдаги муҳташам диванлардан бирига чўкиб, суҳбатимизни янада жўшқинроқ давом эттира бошладик.

Шунда ёнимиздан Эдварда ўтиб қолди ва ёнимизга келганда бир нафас тўхтади. Кейин кутилмаганда шундай деди:

– Жаноб лейтенант, сиз зоти олийларини ногаҳон айвончада кўриб қолганим учун мени афу этгайсиз. Энди бундай бўлмаслигига сўз бераман.

У шундай деб яна қаҳ-қаҳ отиб кулди-да, менга тикилиб қолди.

– Йомфру Эдварда, бўлди-да энди, бас қилсангиз-чи! – дедим мен жаҳл ва зарда билан.

У мени «зоти олийлари» деб атади ва бу аниқ биламанки, зинҳор яхшилик нишонаси эмасди, зеро, унинг юзларидан қаҳр-ғазаб чакиллаб турарди. Мен шу тобда негадир, докторнинг қилиқларини эсладим ва айни шундай вазиятга тушганида доктор шунчаки елкасини қисиб қўйишини ёдга олиб, мен ҳам Эдвардага қа-

раб, елкамни қисиб қўя қолдим. Эдварда эса тағин менга юзланди-да:

– Хўш, нега сиз ошхонада эмассиз? Ева ҳали ҳам ўша ерда. Ўйлайманки, сиз зоти олийлари ҳам у ерга борганингиз маъқул, – деди.

Кейин у менга адоқсиз бир нафрат ила тикилди. Аслида-ку, мен жуда кам меҳмондорчиликда бўлардим, аммо ана шу саноқли зиёфатларнинг ҳам ҳали бирортасида менга бу қадар ҳурматсизлик билан муносабатда бўлишмаганди. Шу сабабли мен:

– Йомфру Эдварда, сизни бу ердагилар нотўғри тушунишларидан қўрқмайсизми? – дедим.

– Хўш, нима бўпти? Ҳаётда ҳар нарса бўлиши мумкин. Нега бундай деяпсиз? – сўради у.

– Гап, шундаки, сиз баъзан айтадиган гапларингизни ўйлаб ҳам ўтирмайсиз, мулоҳаза, мушоҳада ҳам қилмайсиз. Мана, ҳозир, масалан, мени назаримда, тўғридан-тўғри ошхонага ҳайдаётгандек туйилиб кетдингиз, албатта бу англашилмовчилик эканини тушунаман... Зеро, мен сизнинг ўзингизга бундай қўполликни эп кўрмаслигингизни яхши биламан.

У бир неча қадам узоқлашди. Мен унинг ҳозиргина айтган гапларимни ўзича мулоҳаза қилаётганини шундоққина кўриб тураман. Кейин у илкис ортига қайтди-да, яна бизнинг ёнимизга келди, кейин, жаҳлдан бўғилиб қолган овоз билан деди:

– Йўқ, жаноб лейтенант, менинг гапларим зинҳор англашилмовчилик эмас, сиз мени жудаям тўғри тушундингиз, мен сиз зоти олийларини чиндан ҳам ошхонага ҳайдаяпман!

Унинг бундай сурбетлигини кўргач, ёнимдаги муаллима ҳам азбаройи жаҳли чиқиб кетганидан «Эдварда!» – дея ҳайқириб юборди.

Мен яна уруш ҳақида, Қрим компанияси тўғрисидаги суҳбатни давом эттиришга тушдим, аммо энди менинг ўй-хаёлларим у жойлардан анча йироқда, жуда-жуда олисларда саросар кезаётганди. Кайфим ҳам тарқаб, фақат кўнглимдаги ғашлик қолди, яна бошим ғувиллар, гўё мувозанатимни йўқотиб, оёқларим остидаги ерни ҳам ҳис этмаётгандек эдим. Мен яна тушкунлик гирдобига ғарқ бўлдим. Оҳ, яна худди аввалгидек азобда, ўзимни идора қила олмай қолдим. Дивандан қўзғалиб, кетишга чоғланганимда, доктор шаштимдан қайтарди.

– Мен ҳозиргина сизнинг шаънингизга айтилган ҳамду санолоарни эшитиб қолдим.

– Ҳамду санолар? Хўш, улар ким томонидан айтилди экан?

– Эдварда томонидан. Ана, ишонмасангиз, ўзингиз ҳам кўринг, у ҳали ҳам ҳув анави хонанинг бурчагидан сизга ишқидан порлаб турган нигоҳларини қадаб турибди. Буни мен ҳеч қачон эсимдан чиқармасам керак. Унинг кўзлари чин маъшуқаларникидек ёлқинланиб турарди ва у ҳамманинг олдида бор овози билан баралла, сизни жонидан ортиқ севишини айтди.

– Нима ҳам дердим, бу жуда ёқимли, – жавоб бердим мен кулимсирашга тиришиб. Эҳ, шу лаҳзада менинг хаёлларим бари айқаш-уйқаш бўлиб кетаётганди.

Мен баронга яқинлашдим, унга гўё бирор нарса демоқчи бўлгандек энгашдим-да, бошига жуда яқин боргач, шундоққина қулоғига туфладим. У менинг бу ишимдан, ҳангу манг бўлиб, телбалардек бақрайиб қолди. Кейин мен унинг бўлиб ўтган бу нохушликни Эдвардага чақиб берганини ва Эдварда бундан ниҳоятда хафа бўлганини кўрдим. Эдварда шу тобда, ўзининг мен томонимдан сувга улоқтирилган бошмоқчасини, синдирганим финжонлару стаканларни ва умуман менинг одоб-ахлоқ меъёрларига тамоман зид келувчи барча бехосият қилмишларимни эслагани шубҳасиз эди; зеро, уларнинг бари бир лаҳзада унинг хотира кўзгусида лип-лип этгани тайин. Мени кутилмаганда чуқур уят ва хижолатпазлик туйғуси чулғаб олди, назаримда ҳаммаси тамом бўлгандек, ҳар тарафимдан кишиларнинг алланечук ҳадик ва ҳайратга йўғрилган нигоҳлари баданимни тешиб юборгудек қадалиб турарди. Оқибатда бир амаллаб, эшиккача сирғалиб чиқдим-да, ҳеч кимга хайру хуш қилмасдан, ҳеч кимга миннатдорлик ҳам изҳор этмасдан Сирилунни тарк этдим.

29

Барон жўнаб кетмоқда. Бундай тантанали вазиятда нима ҳам қилардим! Милтиғимни ўқлаб, тоққа кўтариламан ва баланд овозда, тоғ чўққиларини гумбурлатиб, барон жаноблари ва Эдварданинг шарафига ўқ узаман. Бу ҳам камлик қилса, баланд қояни бурғулаб, ўзига хос бир туйнук ҳосил қиламан-да, у ерга қўлбо-

ла мина жойлаб, муҳтарам меҳмонимиз ҳамда Эдварданинг шарафига бутун бошли тоғни ағдариб ташлайман. Минанинг таъсирида тоғнинг йирик бир бўлаги барон кетиб бораётган кема ўтаётган пайтда денгиз қаърига равона бўлади. Мен бунинг учун жуда қулай бир жойни биламан, у ердан шу пайтгача ҳам бир неча бор қоялар қулатилиб, денгизга тўғридан-тўғри йўл очилган. Ҳув анави чўққининг тубида эса кичик қайиқларнинг бандаргоҳи жойлашган.

– Менга иккита тошни бурғулайдиган парма ясаб беринг, – дейман қишлоқ темирчисига.

Темирчи ҳам илтимосимни бажонидил адо этади... Мана, иккита парма қўлимда...

Евани тегирмондан пристанга жаноб Макнинг отида қатнашга мажбур қилишибди. Бечора қизалоқ, эркакларнинг ишини бажаряпти, тегирмондан ун ташиса, пристандан ғалла ташиб юрибди. Мен уни шу йўлда учратиб қолдим; оҳ, у менга нақадар очиқ чеҳра билан боқади, қанчалар латофотли унинг боқишлари... Эй, Худойим-ей, унинг кулишлари бунчалар нурли, унга жонимни бергудек бўламан. Деярли ҳар оқшом уни кўраман, рухсорига маҳлиё бўламан.

– Ева, азизам, тенгсизим менинг, сен шундай куласанки, бу дунёда ҳеч бир ғам-ташвишинг, йўқдек гўё.

– Сен мени азизам, тенгсизим деб атайсан! Ҳолбуки, мен бор-йўғи бир саводсиз, оми аёлман, аммо билиб қўй, шу билан бирга сенга бу дунёдаги энг садоқатли, вафодор ҳам ўзимман. Мен сенга ҳамиша, то ўлгунча содиқ қоламан, агар бунинг учун жонимдан кечишга тўғри

келса ҳам, сендан тонмайман. Жаноб Мак борган сари қаттиққўл ва золим бўлиб бораётир, аммо мен бу ҳақда сира қайғуриб ўтирмайман, у менга ўшқиради, бақириб-чақиради, менинг эса парвойим фалак, унга жавоб ҳам бермайман. У кеча ҳатто қўлларимни тутиб шундай сиқдики, менинг қўлларимнинг мўматалоғи тугул, унинг ўзи ҳам ғазабдан нақ кўкариб кетди. Бунга ҳам парво қилмадим. Мени фақат бир нарса ташвишга солади.

– Қандай ташвиш, Ева?

– Жаноб Мак сенга хавф туғдириши мумкин. Кеча у менга: «А-ҳа, сен ярамас қиз, ҳалиям, ўша лейтенантни ўйлаб юрибсанми?» – деб ўдағайлаб қолди. Мен унга: «Ҳа, мен уни севаман», – дея жавоб бердим. Шунда у: «Ҳали шошмай тургин, мен ўша рўдапони бу ердан даф қилмасам, юрган эканман!» – деди. Ҳа, айнан шундай деди у.

– Ҳечқиси йўқ. Сен бунга парво қилма, ўдағайласа, пўписа қилса-қилаверсин... қўрқадиган жойим йўқ ундан... Ева, мен... мен ҳозир сенинг оёқларингга бир боқсам майлими? Улар шу қадар нозик ва инжаки, доим шунча ташвишларга дош бериб юрган ана шу оёқларингга саждалар қилгим келади менинг... Агар сен бундан уялсанг, кўзларингни юмиб ол... мен бир бор қарайман холос!

Ва у кўзларини чирт юмиб олганича, менинг бўйнимга осилади. Қизнинг бутун вужуди дағ-дағ титрашга тушади. Мен уни оҳиста кўтариб, ўрмон қўйнига кириб кетаман. Жаноб Макнинг оти эса турган жойида бизларни кутиб қолаверади.

30

Мен тоғ бағрига чиқиб олиб, минани жойлашга киришаман. Куз ҳавоси бамисоли шаффоф шишадек мусаффо. Парма устига тушаётган болғанинг зарблари бир текис ва аниқ жаранглайди, Эзоп ҳам ҳайрат билан менга тикилади. Юрагим севинчдан худди ёрилиб кетгудай ҳаяжонда, зеро, менинг шу тобда тоғ бағрида якка-ю ёлғиз бу тарзда жавлон ураётганимни бирорта ҳам зоғ билмайди-да.

Кўкламда шимолга, кузда эса жануб томонга учиб кетгувчи кўчманчи қушлар аллақачон бу ерларни тарк этишган; майли, уларга оқ йўл, бироқ баҳорда яна улар ташрифини кутиб қоламиз! Бунда фақат читтаклару, бир озгина мойқутларгина қолган, улар ҳам буталар орасида ва жарликлар устида ожизона: «чириқ-чириқ»лашади холос! Оҳ, бу тоғлар қўйни ҳам шунчалар ўзгариб кетибдики, кулранг қоятошлар ҳам гўё оққайинларнинг қирмизи япроқлари таъсирида қонли доғларга буркангандек, онда-сонда учрагувчи қўнғироқгуллар ва пуштиранг қизилқон гиёҳлари арчагулларнинг супургисимон буталари орасидан мўралайди ва чайқалганча шивирлаб ҳаммамизга таниш ўша кўҳна қўшиқларини куйлайдилар, куйлайверадилар! Ва уларнинг барчаси, барчаси узра бўйнини мағрур тутганича, гўё ўз ўлжасини пойлаётгандек бир сувбургут парвоз қилади.

Мана, кеч ҳам тушиб қолди, мен қўлимдаги парма ва болғани оҳиста ерга қўяман, энди дам олсам ҳам бўлади. Борлиқ олам уйқуга чўмган, шимол томондан тобора баландлаб ой кўтарилмоқда, тоғлар атрофга ҳайбатли

ва қўрқинчли соя ташлаб турибди. Тўлин ой худди оловли оролга менгзайди, гўёки дум-думалоқ мис гардишдаги сирли хилқат, дейсиз, мен эса унинг бетакрор ҳусну малоҳатига маҳлиё бўлганча девоналардек кўкка тикиламан, унинг сир-асрорларини астойдил билгим, уққим келади. Эзоп ўрнидан ирғиб туради, у нимадандир безовта.

– Эзоп, сенга нима бўлди, нимани истайсан? Кел, энди сен ҳам мени қийнама… мен шундоқ ҳам ўз ташвишларимдан, изтиробларимдан тўйиб кетдим, ахир… мен уни мутлақо унутмоқчиман… эшитяпсанми, барча хотираларимни унутилиш – абас дарёсига ғарқ этмоқчиман. Сен жойингда тинч тинч ёт. Эзоп, айтганимни қил деяпман… Мени безовта қилма дедим сенга… Биласанми, Ева мендан: «Сен баъзи-баъзида бўлса-да мен ҳақимда ўйлайсанми?» – деб сўради. Мен эса: «Фақат сен ҳақингда ўйлайман, Ева», – дея жавоб бердим. У тағин сўради: «Мен ҳақимда ўйлаётганингда хурсанд бўлиб кетасанми?». Мен жавоб бераман: «Ҳа, ҳа, албатта, ҳар гал сен ҳақингда ўйласам, юрагимга севинч, қалбимга, бутун жисму жонимга ҳузур тўлади, азизам!». Кейин Ева шундай дейди: «Сочларингга оқ туша бошлабди». Мен жавоб бераман: «Ҳа, аста-секин оқара бошлади сочларим». «Улар маъюс ва ғамгин ўй-хаёлларингдан оқаряптими?». Унинг бундай саволига: «Балки шундайдир», – дея жавоб бераман. Шунда Ева тағин бир гап айтади: «Демак, сен фақат мен ҳақимда ўйламас экансан-да… » Эзоп, мен сенга тинч ёт, дедим… бас қил ликиллашни… кел, яхшиси, мен сенга яна бирор нарса ҳақида гапириб бераман…

Бироқ Эзоп менга қулоқ солмайди, тумшуғини кўтариб водийга тикилганча, атрофдан ҳид олишга тиришади, кейин ғингшиганча камзулимни тишлаб мени қуйи томонга тортқилай бошлайди. Ниҳоят, мен ўрнимдан туришим биланоқ, у ўқдек учиб пастга томон отилади. Ўрмон узра тонгги шафақ ёйила бошлаган, мен қадамларимни жадаллайман, ана олисдан кўзимга гулхан кўринди, гулхан бўлганда ҳам жуда катта, ниҳоятда баҳайбат... нақ алангаи оташ. Мен жойимда тўхтаб ўша томонга тикилиб қолдим... яна бир неча қадам ташладим... тикилиб туравердим... туравердим... зеро, олисда гуриллаб ёнаётган – менинг қоровулхонам эди...

31

Ушбу ёнғин жаноб Макнинг иши эди, мен буни шу заҳотиёқ пайқадим. Қадрдон ҳужрамдаги турли ҳайвонлардан олинган мўйналарим ҳам, ноёб қуш патларидан иборат тўпламим, бургутнинг тулуми, бари-бариси куйиб кулга айланди, нобуд бўлди. Нима ҳам қила олардим? Икки тунни очиқ осмон остида ўтказишимга тўғри келди, лекин нима бўлганда ҳам қўналға сўраб, ялиниб Сирилуннга тушмадим. Кейин мен пристандаги бир ташландиқ балиқчилар ҳужрасига жойлашдим, хона деворидаги ёриқлар, тирқиш ва туйнукларни қуриган йўсин ўтининг пўпанаклари билан тўлдирдим. Тоғдаги қизил арчагул новдаларидан бир қучоқ олиб келиб остимга тўшак қилдим-да, шунинг устида ухладим. Ҳар ҳолда, энди яна бошпанага эга эдим.

Эдварда менга, бошимга тушган кулфатдан хабар топганлиги ва ҳамдардлик билдириб, отасининг номидан мени Сирилуннга кўчиб ўтишни таклиф қилишини билдириб, хабарчи юборибди. Ана холос! Бошимга тушган кўргулик Эдвардани бефарқ қолдирмаганмиш. Ҳа, Эдварда шундай меҳрибон, бағри кенг инсон экан-да?! Мен унга ҳеч қандай жавоб қайтармадим. Худога шукр, энди тағин бошпанам бор ва ҳатто Эдварданинг таклифларига ҳам эътибор бермасликка ҳаддим сиғади. Уни кўчада барон билан бирга кўриб қолдим, улар бир-бирлари билан қўл ушлашиб боришарди. Мен ҳар иккисининг ҳам юзига тикилиб қарадим-да, ёнларидан ўтаётганимда, бир оз эгилиб таъзим қилдим. Эдварда жойида тўхтаб, менга савол берди:

– Жаноб лейтенант, сиз бизникида яшашни истамайсизми?

– Ўзимга янги бошпана қуриб олдим, – дедим мен ва унинг рўпарасига келиб тўхтадим. Эдварда менга тикилиб турар, назаримда у шу туришида, ҳозир кўнглидан кечаётган алланечук аламли туйғуларини ҳазм қилишга тиришарди.

– Агар бизникида яшайман, десангиз, сизни зинҳор ортиқча безовта қилмаган бўлардик. – деди у. Менинг кўнглимда ҳам қандайдир миннатдорлик сўзларини изҳор қилиш истаги бирров бўй кўрсатгандек бўлди, бироқ нимагадир бунга тилим айланмади. Барон шошилмасдан йўлида давом этарди.

– Балки сиз энди мени мутлақо кўришни истамаётгандирсиз? – сўради у яна, маъноли тикилиб.

– Йомфру Эдварда, қоровулхонам куйиб кулга айланганда, менга бошпана таклиф этганингиз учун ташаккур сизга, – дедим мен. – Бу отангизнинг фикрига тамоман зид эканлигини инобатга оладиган бўлсак, бу илтифотингиз нафақат олиҳиммaтлик, балки ўзига хос дўстона фидойилик, қаҳрамонлик ҳамдир. Мен шу сўзларни айтиб, унга эгилиб таъзим бажо қилдим.

– Эй, Худойим-ей, Глан, сизга нима бўлди? Наҳотки сиз, энди мени кўришни сираям истамасангиз? – деди у кутилмаганда.

Барон бу пайтда биздан узоқлашганди ва энди у ўз ёнига Эдвардани чақира бошлади.

– Сизни барон чақиряпти, – дедим мен ва яна картузимни бошимдан олиб, унга таъзим қилдим.

Кейин шаҳд билан тоғлар бағрига ўзим жойлаётган миналар томон юриб кетдим. Ҳа, энди мени ўз йўлимдан ҳеч ким ва ҳеч қандай сабаб қайтара олмасди. Бундан кейин асабимни бузишларига ҳам йўл қўймайман. Мен йўлда Евани учратдим.

– Мана, кўряпсанми! – дея ҳайқирдим унга. – Жаноб Мак мени бу ерлардан даф қиламан, деб овора бўлади. У менинг қоровулхонамни ёқиб юборди, аммо мен янги бошпана тиклаб олдим…

Еванинг бир қўлида чўтка, иккинчисида эса қорамой қатронига лиқ тўла челак бор эди.

– Бу нима тағин, Ева? – сўрайман ундан.

Жаноб Мак тоғ қоялари остидаги бандаргоҳда кичик бир қайиқчани қолдириб, Евага уни қорамой билан бўяб чиқишни топширибди. Мак сўнгги пайтларда қизнинг ҳар бир қадамини назорат қилаётган экан, шу сабабли

унинг топшириғини бажармасам бўлмайди, – деди қиз.

– Нега энди бу ишни қоялар остидаги бандаргоҳда қиласан? Ахир буни бошқа жойда ҳам бажаришинг мумкин-ку!

– Ахир Жаноб Мак шундай деб буюрган-да...

– Ева, Ева, севгилим менинг, сени у золимлар қулга, тил-забонсиз чўрига айлантириб қўйишган, аммо сен бунга парво ҳам қилмайсан. Мана, қара, ҳозир ҳам худди ҳеч нарса бўлмагандек кулиб турибсан. Юзингдаги табассуминг билан бутун оламни бахтга буркашга ҳам тайёрдексан... Ҳолбуки, ўзинг... чўрисан... қулсан...

Миналар ёнида мени фавқулодда бир ҳолат кутиб турган экан. Бу ерда кимдир бўлибди, мен лой билан қопланган сўқмоқдаги изларга қараб, жаноб Макнинг узун тумшуқли антиқа бошмоқлари аксини танидим. Хўш, у ғаламис бу ерда нимани қидирган бўлса, нимани билмоққа келдийкин? Мен шундай хаёл билан атрофга аланглади м. Йўқ, атрофда шубҳали бирор бир нарсани пайқамадим. Кошкийди шу пайтда юрагимда озгинагина бўлса-да бирор бир шубҳа, гумон ёки ҳадик учқуни пайдо бўла қолсайди... Йўқ, ундай бўлмади...

Кейин мен, нима қилаётганимни ҳам ўйлаб ўтирмасдан, пармага болға уришни бошлаб юбордим.

32

Почта кемаси келди, унда менга ҳарбий мундиримни келтиришганди ва айни шу кема бу ерлардан баронни, унинг сувўтлари ҳамда

чиғаноқлари солинган қутиларини олиб кетади. Айни пайтда унга пристанда майда сельд балиқлар ҳамда денгиз ҳайвонларининг эритилган мойи солинган бочкалар ортилмоқда. Кечқурун кема бандаргоҳдан жўнаб кетади.

Мен милтиғимни оламан-да, унинг қўш оғзини ҳам порох билан тўлдираман. Бу ишимни қойил қилганимдан сўнг, масрурланиб, ўзимга-ўзим кўз қисиб қўяман. Кейин тоққа чиқиб, портлатиладиган жойга ҳам порох жойлашга тушаман; яна ишимдан масрур бўлиб кетаман. Ана, ҳаммаси тап-тайёр бўлди. Мен шу яқин орада ўзимга қулайроқ жой ҳозирлаб, узала тушиб ётганча, кута бошладим.

Мен бир неча соат кутиб қолдим. Бу вақт орасида менга кеманинг бандаргоҳ чиғири олдида лопиллаб, лорсиллаб чайқалиб тургани баралла эшитилиб турди. Кеч тушиб, қош қорая бошлади. Ниҳоят, кеманинг махсус ҳуштаги чалинди, юкларнинг бариси қабул қилиниб, кеманинг кетишига рухсат берилди. Бу ёғига атиги бир-икки дақиқа кутилади, холос. Ҳали ой чиқмаган, мен эса худди савдойи каби намхуш қоронғиликка томон тикилганим-тикилган.

Тоғнинг бўртиқ қояси ортидан кеманинг тумшуғи кўриниши биланоқ, портлатувчи минамнинг пилигини ёндираман ва ўзим олисроққа биқиниб оламан. Орадан бир дақиқа вақт кечади. Кейин кутилмаганда кучли портлаш овози янграйди, атрофга турли тош парчалари отилади, портлашнинг зўридан тоғ ҳам титраб кетади ва улкан бир тош қояси тоғдан ўпирилиб, гулдурос солганча пастга, тубсиз денгиз қаърига томон учади. Тоғлар яна бўғиқ гумбурлайдилар. Мен милтиғимни қўл-

га олиб, аввал унинг биринчи оғзидан ўқ отаман; тоғлардан жаранглаган ва чўзиқ акс садо қайтади. Орадан бирор сония ўтгач, иккинчи стволни ҳам ўққа тўлдириб, уни-да гумбурлатиб бўшатаман. Менинг салютимдан бепоён осмон ҳам, осмонни тўлдириб турган ҳаволар ҳам титраблар кетади, акс садолар унинг овозини янада кўпайтириб, олис-олисларга йўллайди. Назаримда, шу тобда тоғлар ҳам бирваракай жўровоз бўлиб, баронни олиб кетаётган кемага қараб ҳайқиришаётгандек туйилади. Орадан бир оз вақт ўтиб, ҳаво тинчиб қолади, акс садолар ҳам сўнади, кейин яна борлиқни сукунат ўз домига олади. Кема эса қоронғилик бағрига сингиб, мутлақо кўздан ғойиб бўлади.

Мен гарчи ҳали ҳаяжонли титроғим босилмаган эса-да, милтиғимни ва пармаларимни қўлтиғимга қистириб, тоғдан пастга эна бошлайман; оёқларим чарчоқданми, кучли ҳаяжонданми букилиб-букилиб кетади. Мен пастга тушишнинг энг яқин йўлини танладим, қулаб тушган тоғ қояси қолдирган тутун изи бўйлаб бормоқдаман. Эзоп эса тинмай тумшуғини ликиллатади ва ачимсиқ тутун ҳидидан акса уради.

Мен бандаргоҳга тушиб, шундай бир фожиали ҳолатнинг гувоҳи бўлдимки, уни кўриб, нақ эс-ҳушимдан айрилай дедим; тоғдан қулаб тушган улкан қоятош Еванинг қайиғини мажақлаб ташлаганди. Ва Ева, Еванинг ўзи ҳам қайиқ ёнида бутун танаси тилка-пора бўлиб, эзғиланиб, пажмурда аҳволда ётарди. Қиз танасининг қуйи қисми таниб бўлмас даражада парчаланиб кетган ва у мудҳиш фалокат содир бўлган заҳотиёқ жон таслим қилганлиги шубҳасиз эди.

33

Тағин нимани ҳам ёзай? Анча кундан бери бирор марта ҳам милтиғимдан ўқ узмадим, егуликларим ҳам қолмади, умуман олганда, мен шу кунларда ҳеч нима емай қўйдим, ўзимнинг янги қўналғамга, тўғрироғи, кулбачамга биқиниб олиб, оғир хаёллар гирдобида, миқ этмасдан ўтирганим-ўтирган... Евани черковга жаноб Макнинг оппоқ қайиғида олиб боришди, мен эса унинг мозорига қирғоқ бўйлаб пиёда бордим.

Ева ўлди, бу оламни ташлаб кетди. Сен унинг худди жажжи қизчаларникига ўхшайдиган, бамисоли роҳиба қизларники каби текисланган миттигина бошчасини эслайсанми? У доим оҳиста-оҳиста қадамлар билан юриб келар, елкасидаги ўтинларни саржин қилиб тахларкан, майингина табассум қиларди. Сен унинг юзлари бу табассумдан қандай ёлқинланиб, нурланиб кетишини кўрганмисан? Жим бўл, Эзоп, шу тобда менинг эсимга ғалати бир ривоят тушди, бу воқеалар бизнинг бобокалонларимизнинг бобокалонлари замонида, Изелинанинг даврида, бу ерларда Стаммер руҳонийлик қилган пайтларда бўлган экан.

Бир париваш қиз маҳобатли тош қасрнинг минорасида доим олисларга тикилиб ўтирар экан. Илло, у бир кўркам жанобни, тўғрироғи, ўктам бир йигитни севаркан. Нима учун севишини, нимага айнан ўшал навқиронга кўнгил қўйганини мендан сўрама? Бу саволга фақат тонгги шудринглар-у тун бағрини ёритгувчи юлдузлар, ё бўлмаса, борлиқ оламнинг яратгувчиси Парвардигори оламгина жавоб бера

олади; ҳа улардан ўзга бирор ҳилқат асло бу сирнинг тагига етолмагай. Ўша навқирон йигит ҳам қизга эътиборсиз эмас экан, йигит ҳам қизни жонидан ортиқ кўрар экан. Аммо орадан ойлар, ойлар кетидан эса йиллар ўтибди, бир куни йигит кутилмаганда бошқа бир ҳурилиқони учратиб қолибди ва унинг аввалги туйғулари тамом эсидан чиқибди.

Йигит биринчи қизни бамисоли ўсмир боладек севаркан. У ўз суюклисига қараб доим: «Сен менинг қалдирғочимсан», «Сен менинг шодлигу қувончимсан» – дея изҳори дил қилар, қиз ҳам бундай пайтларда йигитни қайноқ оғушига босиб, қаттиқ-қаттиқ қучоқлаб оларкан. Бир куни у қизга қараб: «Менга ўз юрагингни бера оласанми?» – дебди. Қиз ўйлаб ҳам ўтирмасдан, юрагини унга бахшида этибди. Яна у қизга: «Азизам, сендан яна бир нарсани сўрасам майлими?» – дебди. Қиз эса у ҳали гапини ҳам тугатмасдан «ҳа», – дея жавоб бераверибди. Шундай қилиб, қиз унга бор-будини, бутун борлиғини берибди. Йигит... ошиқ йигит эса бу жоннисор қизга, шу париваш малакка бир калима сўз билан ҳам миннатдорлик билдирмабди.

Иккинчи қизни у бамисоли қулдек, тўғрироғи ақлидан мосуво девонадек, ёки ғарибу нотавон бечорадек севаркан. Нега бундай севишини мендан сўрама? Бу ҳақда ошиқлар саросар кезган йўлларнинг ғуборидан сўра, бу ҳақда япроқлар юзини сийпалаб ўтган ифорли еллардан сўра ёки яхшиси сен бу ҳақда қудрати бешумор яратгувчи буюк зот Парвардигори оламдан сўраб кўр; илло улардан ўзга ҳеч зот

бу саволингнинг жавобини билмагай. Ҳолбуки, кейинги маҳбубаси ошиқ йигитга ғаму ҳасратдан, изтиробдан ўзга ҳеч нарса... тушуняпсанми, ҳеч вақо ато этмабди, йигит эса нуқул унга ҳамду санолар айтиб алқар, юрагининг туб-тубидан тошмеҳр суюклисига миннатдорлик изҳор айлар экан. Бир куни қиз дафъатан: «Эй, ошиқ йигит, сен менга ўз ҳаловатингни ва ақлингни бергин!» – дебди. Шунда йигит бечора, бирданига хомуш бўлиб қолибди... Йўқ... йўқ... у ўз ҳаловати-ю, ақлидан ажралиб қолишидан хафа эмас экан, аксинча, аксинча... маҳбубаси ундан жудаям, жудаям арзимас нарсани талаб қилганидан ўксинибди. «Оҳ, нега у мендан жонимни, ҳаётимни сўрамади?» – дея нола қилибди ошиқ йигит.

Қизни эса тош минорага банди қилишибди...

– Ҳой, қизгина, сен нима билан машғулсан? Нега кулаяпсан?

– Мен ўн йил муқаддам кечган ҳодисаларни хотирлаяпман. Ахир ўшанда уни илк бор учратгандим.

– Сен уни ҳалиям эслайсанми?

– Ҳа, албатта, эслайман.

Вақт эса ўтаверибди...

– Ҳой, қиз нима қиляпсан? Нима сабабдан кулмоқдасан?

– Мен дастурхонга унинг исмини кашта қилиб битяпман.

– Кимнинг исмини? Сени бу ерга банди қилган одамнинг исминими?

– Ҳа, ҳа... мен бундан йигирма йил илгари учратганим – севгилимнинг исмини.

– Сен уни ҳалиям эслайсанми?

– Ҳа-да, эслаганда-чи... У ҳануз илгаригидек эсимда.

Вақт эса тағин ўтаверибди...

– Ҳой, асира қиз, нима қиляпсан?

– Кўзларим кўрмай қолди, аммо бари бир... мен нимадир ўйлаб топаман... Деворга сувалган оҳакларни бармоқларим билан кўчириб, ундан бир кўзача ясайман-да... кейин шу кўзани севганимга ҳадя этаман...

– Қайси севганингга?

– Ўзимнинг севганим... мени мана шу минорага банди этган йигитга-да!

– Нега куласан? Наҳотки ўз севганинг сени банди қилганидан қувонаётган бўлсанг?

– Йўқ, йўқ... зинҳор ундай эмас... мен шунчаки... Унинг совғамни қабул қилаётганда «Буни қаранглар-а, маҳбубам, менга деб кўзача ясабди... орадан ўттиз йил ўтса-да у ҳамон мени эсидан чиқармабди!» – дейишини ўйлаб, хурсанд бўляпман.

Вақт эса ҳамон ўтаверибди, ўтаверибди...

– Ҳой, асира, сен нега ҳеч нима қилмай ўтирибсан, тағин нимага куласан?

– Нима қилсам экан, дея ўйлаяпман... ахир менинг кўзларим тамом сўқир бўлиб қолган... энди мен фақат у ҳақда ўйлай оламан, холос...

– Ким ҳақида? Бундан қирқ йил муқаддам учратганинг – ошиғинг ҳақидами?

– Ҳа, ҳа... ёшлигимда учратганим, илк муҳаббатим ҳақида. Балки мен уни учратганимдан буён қирқ йил ўтгандир... мен буни билмайман...

– Сен ҳали унинг ўлиб кетганидан хабаринг йўқми? Нега рангинг ўчиб кетди... ҳой кампир, нега жавоб бермайсан... лабларинг ҳам қордек

оқариб боряпти... Ё тавба... нафас олишдан ҳам тўхтабсан-ку...

Ана кўрдингми, Эзоп, минорага банди этилган қиз ҳақидаги бу ривоят нақадар қайғули, нақадар аламли... Ҳа, айтганча, Эзоп, мен тағин бир нарсани эсимдан чиқарибман: бир куни ўша ҳурлиқо дафъатан, боғда ўз севгилисининг овозини эшитиб қолибди... ўзига қадрдон овозни эшитиб, бехосдан тиз чўкиб қолибди... ва нимагадир яноқлари дув қизариб кетибди унинг... Ҳолбуки, ўшанда у қирқ ёшда экан...

Мана, сени дафн этяпман, Ева! Ева, тақдирнинг аччиқ ёзуғига тан берган ҳолда, ожизона бир тарзда кўмиб кетяпман сени, азизам... Мана, ғарибона қабринг устидаги қумларни-да ўпиб, юзимга суртаяпман, кўряпсанми, Ева?! Сен ҳақингда ўйлаган заҳотимоқ, бутун вужудимни алвон тусли бир фараҳ чулғаб олди, беғубор табассумингни кўз олдимга келтирсам, дилимга ажиб ҳузур-ҳаловат қуйилди ва бу роҳат-фароғат мени ақлдан оздирадигандек гўё... Сен ҳамма нарсангни менга бахшида қилгандинг, ҳатто жонингни ҳам нисор этгандинг, Ева. Ва бу марҳаматлар сенга зинҳор қийин эмасди, илло сен жудаям содда, беғубор... ниҳоятда саховатли эдинг... ва энг муҳими... энг муҳими сен севардинг... Ева, севардинг... Бошқалар эса мендан ҳатто меҳрли биргина нигоҳини ҳам дариғ тутардилар, табассумларини раво кўрмасдилар менга, Ева... Нега мен ҳозир, сенинг қабринг устида бундай гапларни айтаяпман... нега хаёлимда бу ўйлар чарх урмоқда? Бунинг сабаби не деб мендан сўрама?! Бунинг сабабини сен йил – ўн икки ой

осмонларда чарх урган моҳи тобондан, нуқра гардишли ҳилолдан сўра... буни сен бепоён денгиз бағрида афтода чайқалаётган кемалардан сўра ёки истасанг қалбларимизни шундай соҳир туйғулар ила бунёд этган бокарам Парвардигор, тангри таолодан сўраб кўр...

34

Мендан «ов қилишни ташладингизми?», – деб сўрашди.

– Эзопни ўрмонда ёлғиз кўрдик, у бир қуённи қувлаб юрибди, – дейишди.

Мен бу гапга жавобан:

– Менинг ўрнимга сизлар уни отиб қўя қолинглар дедим.

Кунлар ўтиб борарди. Бир куни мени жаноб Мак йўқлаб келди, унинг кўзлари киртайиб, юзи кўкимтир тусга кирганди. Мен унга қараб ўзимча ўйлардим: мен чиндан ҳам одамларнинг кўнглидаги гапларни ўқий оламанми ёки менга шундай бўлиб туйилармикан? Буни ўзим ҳам билмайман.

Жаноб Мак тоғдаги ўпирилиш ва фалокат тўғрисида гап очди. Бу бахтсиз ҳодиса, вазиятларнинг фавқулодда бир-бирига мувофиқ келиб қолиши, бир сўз билан айтганда, нохуш кўргулик эканлиги ва бунда менинг айбим йўқлиги хусусида гапирди.

Мен унга:

– Агар кимдир нима қилиб бўлса ҳам мени Евадан ажратишни истаган бўлса, ўша палид ўз ниятига етди. Минг лаънат бўлсин унга! – дедим.

Жаноб Мак менга қовоғи остидан хўмрайиб қараб қўйди. У дабдабали дафн маросими ҳақида, унда ҳеч нарсани аяшмагани тўғрисида нималардир деб минғирлади.

Мен уни жимгина кузатиб турарканман, Макнинг ўзини жуда сипо ва вазмин тутаётганлигидан ҳайратда эдим.

У менинг тоғни портлатганим сабабли абжағи чиққан қайиғи учун тўлашим лозим бўлган товон пулидан воз кечибди.

– Шунақа денг! – дедим мен. – Сиз чиндан ҳам қайиқ учун товон пули олишни истамайсизми, бир челак қорамой қатрони, тағин уни қайиққа суртиш учун сотиб олганингиз чўтка учун-чи? Уларга ҳам пул талаб қилмаймизми?

– Муҳтарам лейтенант, – деди у. – Бу нима деганингиз? Бу гапларни қаёқдан олдингиз? Наҳотки мен ҳақда шундай хаёлга борсангиз?

Унинг кўзларида нафрат учқунлари ялтираб кетди.

Уч ҳафтадирки мен Эдвардани кўрмадим. Йўқ... бу гапим бир оз хато бўлди, аслида уни бир марта нон харид қилгани тушганимда, дўконда учратдим; у пештахта олдида туриб ўзига кўйлаклик мато танлаётганди. Дўконда ундан ташқари яна иккита иш бошқарувчи бор эди.

Мен баланд овозда салом бердим, у бошини кўтариб мен томонга бир қараб қўйди-ю, бироқ, жавоб бермади. Мен унинг олдида дўкончидан нон сўрашни ўзимга эп кўрмай, иш бошқарувчилар томонга ўгирилдим-да, улардан порох, тағин сочма ўқлардан тортиб беришларини сўрадим. Иш бошқарувчилар айтганларимни тарозида тортиб бергунларига қадар, Эдвардага тикилиб турдим.

Унинг кўйлаги ранги бутунлай ўчиб, униқиб кетган, боз устига кўйлак жуда калта бўлиб қолганди, тугма ўрнидаги илгаклари ҳам идраб кетибди; Эдварданинг ўзи эса миттигина кўкрагини сезилар-сезилмас титратган кўйи, оғир-оғир нафас оларди.

Бор-йўғи биргина ёз мавсумида у қанчалар улғайибди! Пешонаси ўйчан бир тарзда тиришган, баланд чимирилган бир жуфт эгма қошлари гўё унинг чеҳрасидаги мангу савол, жумбоқ аломатидек таассурот уйғотар, бунинг устига унинг ҳар бир хатти-ҳаракати энди анчагина вазмин, тартибли ройиш топгандек эди. Мен унинг қўлларига қарадим. Унинг бошқаларникидан алоҳида ажралиб тургувчи узун ва нозик бармоқчаларини кўриб юрагим жизиллаб кетди, бехос ҳаяжондан энтикдим. У ҳамон ўзига мато танларди.

Оҳ, шу тобда мен Эзопнинг Эдвардани таниб қолиб, унинг олдига югуриб боришини ва мен уни чақириб олиб, Эдвардадан узр сўрашни шу қадар истардимки; қизиқ агар шундай бўлганда Эдварда ўзини қандай тутган бўларди? Менга қандай жавоб қилардийкин?

– Марҳамат, – деди иш бошқарувчи.

Мен харидларим учун пул тўлаб, улар билан хайрлашдим. Эдварда нигоҳларини ердан узиб мен томонга қараб қўйди, аммо тағин миқ этмади. «Майли!» – дея ўйладим мен, назаримда у энди бароннинг қайлиғи бўлса керак. Кейин нон ҳам олмасдан дўконни тарк этдим.

Дўкондан чиқарканман, дераза орқали ичкарига қарадим. Аммо менинг ортимдан, жилла қурса нигоҳлари билан ҳам, ҳеч ким кузатиб қолмади.

35

Кейинги кунларнинг бирида, қоқ тунда кутилмаганда қор ёғиб, менинг кулбам ниҳоятда совиб кетди. Гарчи ҳужрачамда мен доим овқат пиширадиган кичкинагина ўчоқ бўлса-да, унда ўтин яхши ёнмас, қолаверса, ҳар қанча ямаб-ясқашга тиришганим билан деворнинг тирқишларидан «увиллаб» уфураётган совуқ изғирингга чидаш мушкул эди. Куз ҳам оёқлаб, кунлар бир тутам бўлиб қолганди. Биринчи қор, албатта, қуёшнинг тафтида кўп ҳам турмай, эриб кетди, қордан сўнг она замин яна тап-тақир ва яйдоқ бўлиб қолаверди; аммо энди тунлари жуда қаттиқ совуқ тушар, ҳатто теграмиздаги кичик жилғаларнинг сувлари музлайдиган бўлиб қолганди. Бунинг устига атрофга ўзгача кўрк, чирой бериб турган майсалар, гулу чечакларнинг ҳам бариси нобуд бўлди, совуқнинг забтига дош бермай ҳатто майда пашша-ю, чиркайлар ҳам буткул қирилиб битишди.

Одамлар ҳам ўз-ўзидан жимиб, алланечук тарзда вазмин ва босиқ бўлиб қолишди, назаримда ҳатто уларнинг кўзлари ҳам энди илгаригидек кўм-кўк эмасдек туйиларди, илло бу ерликларнинг бари-бариси ғалати ва ўта ички ҳадик ва хавотир билан қишни кутаётган эдилар. Энди балиқ қоқлайдиган корхона жойлашган оролча томондан ҳам ортиқча шовқин, ғала-ғовурлар эшитилмас, ҳатто катта кемалар келиб тўхтайдиган бандаргоҳда ҳам жимлик ҳукм сурарди, ҳамма-ҳамма қуёши денгиз қаърида уйқуга кетадиган қутбнинг гўё абадийдек

туйилгувчи тунларига тайёргарлик кўрарди. Денгиз бағрида эса худди ташландиқ етимчадек мўлтираб кетаётган ёлғиз бир қайиқнинггина эшкаклари «булуқ-булуқ» деган бўғиқ овоз чиқарарди холос.

Қайиқда эса бир қиз ўтирарди.

– Ҳой, гўзал қиз сен қаерларда юрибсан?

– Ҳеч қаерда.

– Ҳеч қаерда деганинг нимаси? Ахир мен сени таниб турибман-ку, шу ёзда мен айнан сени кўрган эмасмидим?

У оҳиста қирғоққа чиқиб олади-да, қайиғини махсус кўприкча ёнидаги ходага боғлайди.

– Бир куни, ярим тунда сени учратганимда... ўзингча қўшиқ айтиб, пайпоқ тўқиб юргандинг, эслайсанми, шуни?

Қизнинг юзи хижолатдан бир оз қизариб кетади, кейин уялганча кулимсирайди.

– Ҳой, гўзал, юр меникига, сенинг чеҳрангга боқиб, бир баҳра олайин. Ҳа, ҳа... мен эсладим, янглишмасам исминг Генриетта эди-я? Тўғрими?

Қиз индамасдан ёнимга тушиб кета бошлайди. Уни ҳам қиш ўз ҳукмига олгандек, унинг ҳам туйғулари уйқуга кетгандек гўё...

Қуёш эса оҳиста юмалаб, поёнсиз денгиз бағрига ғарқ бўлади.

36

Ниҳоят, мен илк маротаба ҳарбий мундиримни кийган ҳолда Сирилуннга йўл олдим. Юрагим ҳаяжондан гупиллаб урарди. Менинг хотирамда ҳамма нарса – бу ерга келганим илк кун – Эдварда барчанинг кўзи ўнгида бўй-

нимга осилиб, лабларимдан бўса олган ўша илк кундан бошлаб кечган ҳар бир лаҳза қайта жонланди. Мана, у неча ойлардан бери мени овора қилади, истаган кўйига солади – айни шу бетийиқ қизни деб, сочларимга оқ тушмадими ахир?! Хўш бунга ким айбдор? Ўзим эмасми?! Ҳа, нимасини ҳам айтай, демак бахт ва толе юлдузим дея висолига, дийдорига талпинганим мени мутлақо бошқа томонга етаклабди-да! Шу тобда мен: агар ҳозир мен унинг пойида тиз чўкиб, дилимдаги бор гапларимни, сиру асрорларимни баён этсам, шу кўйга тушганимдан, унга ялиниб-ёлвориб, таваллолар қилаётганимдан «бу кунингдан баттар бўл» – дея роса хурсанд бўлармиди!» – деб ўйладим. Балки, у аввал мени ёнига ўтиришимни сўрар ва хизматкорларига вино келтиришларини буюрарди ҳамда винони лабига олиб борган кўйи шундай дерди: «Жаноб лейтенант, сизга мен билан муайян вақт мобайнида бирга бўлганингиз учун миннатдорлик билдираман, сиз билан бирга кечган дамларимни ўзим ҳам ҳеч қачон унутмайман!». Бироқ, бу гаплардан хурсанд бўлиб, яна унга меҳрим товлана бошлаши биланоқ, у стаканни лабига ҳам теккизмасдан столга қўйган бўларди. Ҳа, ҳа, у айнан шундай қиларди, ҳатто ўзини қадаҳни ичаётгандек қилиб кўрсатишга ҳам уринмас, аксинча, атайдан менинг шарафимга аталган ушбу қадаҳни ичмаётганлигини ошкора кўрсатган бўларди. Унинг бош маслаги, ҳаётининг бутун моҳияти ана шу – мени ерга уриш, устимдан кулишдан иборатдек гўё.

Ҳа, майли, ҳечқиси йўқ, яқинда бари тугайди, ҳаммаси барҳам топади!

Мен йўлда борарканман ўзимча турли хаёлларга берилардим: назаримда, ҳарбий мундирим унда албатта таассурот уйғотса керак, зеро, мундиримнинг зар уқалари ҳали яп-янги, чиройли тарзда товланиб, жилоланиб турибди. Қиличим ҳам полга тегиб жаранглайди. Шуларни ўйлаб шодликдан учиб-қўнаман ва ўзимча шивирлашга тушаман: «Ҳали ким билсин, буларнинг бари нима билан тугаркин!» Мен шундан сўнг бошимни баланд кўтараманда, қўлларимни қадам олишимга монанд тарзда силкитиб, ҳарбийчасига юриб кетаман. Бўлди шунча ялиниб-ёлворганим, ахир одамда ор-номус, ғурур ҳам бўлиши керакда! Қани менинг ғурурим, орим?! Умуман, Эдварда ўзини қандай тутиши менга қизиқми, нафсиламбрини айтганда, бунинг нечоғлик аҳамияти бор мен учун? Бўлди, бас, ортиқ у ҳақда ўйлашга тоқатим қолмади! Энди, муҳтарама гўзаллик маликаси, сизга совчи қўймаганимиз учун камина қулингизни маъзур тутгайсиз... бир қошиқ қонимиздан кечинг... илтимос...

Жаноб Мак мени ҳовлида қарши олди, унинг кўзлари ичкарига чўкиб, аввалгидан ҳам киртайиб қолган, юзи эса бўздай оқариб кетибди.

– Кетяпсизми? Ҳа, нима ҳам дердим. Кейинги вақтларда бошингизга кўп ташвишлар тушди; бахтга қарши яшаб турган қоровулхонангизга ҳам ўт тушиб, анча қийналдингиз. Жаноб Мак шундай дер экан, негадир беўхшов тиржайгандек бўлди.

Мен нимагадир шу тобда «ахир рўпарамда дунёдаги энг ақлли одамлардан бири турибди-ку», – дея ўйладим.

– Киринг, ичкарига кираверинг, жаноб лейтенант. Эдварда уйда. Модомики, кетаётган экансиз, нимаям дея оламан. Хайр, омон бўлгайсиз. Дарвоқе, биз ҳали тағин пристанда, кема жўнаб кетиш чоғида ҳам кўришамиз, деган умиддаман. – У шундай дея, бир оз хаёлга чўмган кўйи, букчайиброқ қолган гавдасини тик тутишга тиришган ҳолда, аллақандай куйни ҳуштак қилиб чалганча мендан узоқлашди.

Эдварда меҳмонхонада китоб ўқиб ўтирарди. Хонага кирганимда у мени ҳарбий либосда кўрганидан бўлса керак, бир лаҳзага довдираб қолгандек туйилди, илло у бошини бир оз қуйи эгганча, худди митти читтак қушчадек менга тикилиб қолди, ҳатто нимадандир уялгандек, юзлари қизариб ҳам кетди. Кейин ҳайратданми ёки бирор нарса дейишга чоғланганиданми, лаблари бир оз очилганча, сассиз қотиб қолди.

– Мен хайрлашгани келгандим, – дедим, зўрға гапираётган одамдек.

У шу заҳотиёқ ўрнидан турди ва мен ушбу гапим унга қандай кучли таъсир қилганини кўриб турардим.

– Глан, сиз кетяпсизми? Қачон? Бунча тез?

– Ҳа, кема келиши биланоқ жўнайман. – Ва мен шундай дея, унинг қўлларидан, ҳар иккала қўлидан тутаман, шу тобда юрагимда жунунваш бир ҳаяжон гупириб кетганидан, беихтиёр, ҳайқириб юбораман: – Эдварда! Эдварда! – тағин ундан кўзларимни узолмай, нафис чеҳрасига тикиламан.

У эса шу тобдаёқ яна тундлашади, юзида совуқ бир ифода зоҳир этиб, қайсар ва ўзбошимча қиёфага киради. Менинг бутун борлиғим

гўё унинг ғашига тегаётгандек. Эдварда қаддини ғоз тутади, натижада мен унинг қошида гўё садақа сўраётган гадодек бўлиб қоламан. Кейин унинг қўлларини қўйиб, бир оз ўзимдан узоқлашишига изн бердим. Эсимда шундан кейин ҳам, мен ҳеч бир мақсадсиз, худди тўтиқушдек биргина сўзни... унинг исмини «Эдварда! Эдварда» – дея такрор-такрор айтавердим. Шунда у мендан: «Бу нимаси? Нима демоқчисиз, ахир?» – деб сўради. Мен нотавон эса ўзимнинг бу руҳий ҳолатимни тушунтириб беришга ҳам ожиз эдим.

– Демак, сиз кетяпсиз! – такрорлади у. – Қизиқ, келаси йили бу ерларга ким ташриф буюрар экан?

– Бошқа бир одам, – жавоб бердим мен. – Ахир қоровулхонани қайта қуришади-ку, тўғрими?!

Ўртага ғалати бир жимлик чўкади. У яна китобини қўлига олиб ўқишга тушади.

– Сиз, отамни айни пайтда уйда эмаслиги учун маъзур тутинг, албатта, – деди у. – Бироқ мен уларга сизнинг уйимизга атайдан, хайрлашгани келганингизни айтиб қўяман.

Қизнинг бу гапига жавоб беришни лозим топмадим. Кейин тағин унинг ёнига бориб қўлларидан маҳкам тутдим-да:

– Алвидо, Эдварда! Яхши қолинг! – дедим.

– Яхши боринг, – деди у қуруққина қилиб.

Мен худди хонадан чиқиб кетадигандек эшикни очдим. У эса парво ҳам қилмай китобига энгашиб, ўқишда давом этарди. Ҳа, ҳа у чиндан ҳам китобни ўқиётганди, ҳатто янги бетга ўтгач, китоб саҳифаларини варақларди

ҳам. Бизнинг хайри-хушлашувимиз, яъниким видолашув онларимиз унинг туйғуларига, ҳиссиётларига заррача бўлсин таъсир кўрсатмади.

Мен йўталгандек, томоқ қириб қўйдим.

Эдварда ортига ўгирилди-да, ҳайрон қолган оҳангда:

– Ие, сиз ҳалиям шу ердамисиз? Мен сизни аллақачон кетиб бўлдингиз, деб ўйлабман, – деди.

Албатта, ҳар нарсанинг аслини фақат Худо билади, бироқ менинг наздимда у шу ўтган пайт давомида ҳеч қаёққа кетмасдан, унинг ортида турганимни жуда яхши пайқагандек эди, лекин тағин мени кўриб, ўзини йўқотар даражада ҳайратланганига қараб, янглишдиммикан, дея ўйлаб қолдим.

– Хўп, унда мен борақолай, – дедим яна бир бор.

Шунда Эдварда ўрнидан туриб, ёнимга келди-да:

– Биласизми, мен сиздан эсдалик учун нимадир олиб қолишни жуда истардим, – деди.

– Тўғрироғи, мен сиздан бир нарсани илтимос қилмоқчиман… лекин бу илтимосим бир оз ноўринмикан… ёки сизга малол келармикан, деган иштибоҳдаман… Хуллас, айтсам айтақолай… Айтинг-чи, сиз… Эзопни менга ташлаб кетолмайсизми?

Мен ўйлаб ҳам ўтирмасдан: «Ҳа, албатта!» – дея жавоб бериб юбордим.

– Унда Эзопни эртага олиб келарсиз, майлими? – ялинганнамо тарзда деди у.

Мен хонадан чиқиб кетдим.

Кетар чоғда доимий одатимга кўра дераза ойнасидан ичкарига кўз ташладим. Ҳеч ким, ортимдан қарамади.

Шундай қилиб, ҳаммаси тамом... дедим ўзимча.

Охирги тун. Мен тинмай нималарнидир ўйлар, ўйларим эса сира охирига етмасди. Натижада тобора имиллаётган ҳар бир сония, ҳар бир дақиқани санашга тушдим; ниҳоят, тонг отгач, охирги бор кулбачамда ўзим учун егулик тайёрладим. Кун жуда совуқ эди.

Нимага Эдварда итимни ўзим унга олиб бориб беришимни сўради экан? Мен билан дардлашмоқчимикан, балки кетар чоғда айтадиган бирор муҳим гапи бордир? Йўқ, мен энди ундан ҳеч нарса, ҳеч нарса кутмайман. Дарвоқе, у ҳали Эзоп билан қандай муносабатда бўларкан? Эзоп, Эзоп, шўрликкина Эзоп! У сени қийнаб тамом қилади! Менинг аламимни олмоқ учун сени роса хивчин билан савалайди, биламан, баъзан эркалаши ҳам мумкин, бироқ эркалашидан кўра кўпроқ савалаши аниқ... Айбинг борми, айбинг йўқми, унинг учун аҳамиятсиз... Савалайверади, савалайверади... охир-оқибатда, сени хароб қилади.

Мен Эзопни ёнимга чақирдим, уни ёлларидан сийпалаб эркаладим, қадрдоним бўлиб қолган жонажон итимнинг бошини ўз бошимга тирадим-да, қўлимга милтиғимни олдим. Эзоп хурсанд бўлганча ирғишлаб, ғингший бошлади, менимча у бизлар тағин ўрмонга, ов қилгани кетаяпмиз, деб ўйлади, шекилли. Мен эса унинг бошини ўз бошимга яқин олиб келдим-да, итнинг гарданига милтиқнинг оғзини тўғрилаб, тепкини босдим.

Кейин бир одамни ёллаб, Эзопнинг жасадини Эдвардага олиб боришини тайинладим.

37

Кема кечқурун жўнаб кетиши керак.

Мен пристанга йўл олдим, юкларимни аллақачон палубага олиб бориб қўйишганди. Жаноб Мак қўлларимни маҳкам сиқиб хушлашар экан, бугун ҳаво ҳар кунгидан ҳам ажойиблиги, айни денгизга чиқадиган кун бўлганлиги ҳақида гапириб, менга далда берарди ва «ўзим ҳам бундай об-ҳавода жон деб денгизда сайрга чиққан бўлардим», – деди у. Кейин доктор ва у билан бирга Эдварда ҳам келди; нимагадир оёқларим қалтирагандек бўлиб кетди.

– Мана, биз ҳам сизни кузатиб қўйишга қарор қилдик, – деди доктор.

Мен докторнинг ушбу илтифотидан мамнун эканлигимни изҳор қилдим.

Эдварда менинг юзларимга тик қаради-да, шундай деди:

– Мен сизга, зоти олийлари, итингизни бериб юборганингиз учун ташаккур айтишни истардим. – У асабий бир тарзда лабларини қимтиб олганидан, қирмизи дудоқлари оқиш тусга кирди. У тағин мени «зоти олийлари» деб атай бошлаганди.

– Кема қачон жўнар экан? – дея сўради доктор, шу атрофда юрган бандаргоҳ хизматчиларидан бирини тўхтатиб.

– Ярим соатдан сўнг.

Мен миқ этмай турардим.

Эдварда безовталаниб, атрофга аланг-жаланг боқарди.

– Доктор, энди биз уйга кетаверсак бўлмайдими? – сўради у. – Мен ахир, ўзимнинг бурчимга кирган ҳамма нарсани адо этдим.

– Сиз ўз бурчингизни бажардингиз, – деди доктор.

Докторнинг ҳар доимги одатига кўра, ўзининг нутқидаги хатоларини тузатаётганлигини англаган Эдварда, докторга норози бўлаётгандек қараб қўйди-да:

– Ахир мен ҳам худди шундай дедим-ку! – деди.

– Йўқ, сиз ундай демадингиз, – қатъий оҳангда эътироз қилди доктор.

Мен докторга қарадим. Қанчалар қаттиққўл, қанчалар қатъиятли эди бу кичкина одамча; у менимча бу ҳаётда бирорта режа тузиб олса, уни бажармагунча тиниб-тинчимайдиганлар тоифасидан эди. Ҳолбуки, у ҳам ўзининг ушбу тамойилини амалга ошириш борасида баъзида ютқазар, лекин шунда ҳам мағлубиятини юзида зоҳир этмасди. Умуман олганда, нафақат бугун, балки доим ҳам унинг юзига қараб бирор бир маънони уқишнинг ўзи мушкул эди.

Қош қорайди.

– Хўп, унда, хайр сизга, – дедим докторга юзланиб. – Ҳаммаси, ҳаммаси учун сизга яна бир бор ташаккур.

Эдварда бирор сўз демай, менга тикилиб турарди. Кейин у шартта ортига ўгирилиб олди-да, шу кўйи кўзларини кемадан узмасдан тураверди.

Мен қайиққа чиқдим. Эдварда бандаргоҳда кичик қайиқчалар боғланадиган кўприкча устида турарди. Кема палубасига чиққанимда доктор менга қараб: «Хайр! Яхши боринг!» дея ҳайқирди. Мен қирғоққа тикилдим, Эдварда эса шу заҳотиёқ юзларини буриб олди-да,

докторни ҳам олисда қолдириб, шаҳд билан уйлари томонга юриб кетди. Кўп ўтмай, унинг расида жуссаси тамоман кўздан ғойиб бўлди.

Менинг юрагим эса алланечук андуҳ ва ғуссадан тарс ёриламан дерди…

Кема қўзғалди; менга ҳамон жаноб Макка тегишли дўкон тепасига қўндирилган пешлавҳадаги «Туз ва кичик бочкалар савдоси» деган ёзув кўриниб турарди. Аммо кўп ўтмай соҳилдаги барча нарсалар каби бу ёзув ҳам кўздан ниҳон бўлди. Осмонга ой кўтарилди, сонсиз юлдузлар пайдо бўлиб, ажабтовур тарзда жимирлай бошладилар, теварак-атрофга салобатли тоғларнинг виқорли соялари сирли бир кайфият бахш этади, мен эса чексиз-чегарасиз, ўзимга ниҳоятда қадрдон ўрмонларимдан кўзимни узолмайман… Ҳув ана кўриниб турган – тегирмон, ҳув анави жойда эса, нақ соҳилнинг бўйида – менинг қоровулхонам бўларди; худди дўстимдек ҳар куни менга салом берадиган кулранг тош ҳам ёниб кетган ҳужрачамнинг култепалари олдида ёлғизгина қолиб кетди… Изелина, Ева…

Тоғларга ва бепоён водийлар узра қутбнинг соҳир туни ўз чодрасини ёпа бошлайди.

38

Мен буларнинг ҳаммасини, шунчаки бекорчиликдан, вақтимни қисқартириш учун ёздим. Шу баҳонада аллақачонлар ўтмишга айланган шимол ёзини ва ўзим аксарият кунларида ҳар бир соатини санашга тиришсам-да, бари бир, сирли бир тарзда шитоб билан ўтиб кетган ширин

дамларимни эслаб, яйрадим. Ҳолбуки, энди бари бошқача... энди ҳамма нарса ўз жойида, кунлар ҳам соатлар ҳам рисоладагидек ўтмоқда...

Мен энди шунақанги ёқимли ва фараҳли лаҳзаларни бошдан кечирмоқдаманки, аммо негадир вақт тиқ этмай, жойида қотиб тургандек туйилади. Нимага бундай бўлаётганини, нега вақт аввалгидек шитоб билан ўтмаётганлигини сираям тушуна олмай, гаранг бўламан. Ҳолбуки, энди истеъфодаман, бамисоли эркин қушдек ҳур ва озодман, ўзимга-ўзим хўжайинман, ҳамма ишларим жойида, истасам одамлар билан мулоқотда бўламан, истасам файтон олиб шаҳарма-шаҳар кезаман, баъзида ҳатто бир кўзимни мийиғимда қисиб оламан-да, бармоғимни қалам этиб, осмони фалакларга ҳам нома ёзишга тушаман, гоҳида ҳатто соқолим билан кўкдаги моҳитобонни, яъниким Ойнида қитиқлай оламан ва назаримда у ҳам менинг бу ҳазилимдан роҳатланиб, маза қилиб кулаётгандек туйилади... у бирам меҳрибон, бирам соддаки, мен уни қитиқлаганимда хурсандлигидан юзлари ёлқинланиб... қизариб кетади. Ой кулганда унинг теграсида... йўқ, йўқ, менинг теграмдаги ҳамма нарса у билан бирга кулаётгандек туйилади. Баъзан эса меникига меҳмонлар ташриф буюришади... жуда кўп меҳмонлар... ва кечаси билан биз роҳатижон базмлар уюштирамиз, то саҳаргача базмгоҳимиздан «пақ-пуқ» қилиб очилаётган ноёб вино идишларининг қопқоқлари янграб туради.

Эдварда ким бўлибди, мен у ҳақда мутлақо ўйламай ҳам қўйганман. Нимасини ҳам айтай,

орадан шунча вақт ўтиб кетди-ку, уни унутмай бўлармиди? Қолаверса, энди, менинг ҳам ўзимга яраша иззатим, ору номусим бор… Агар шу тобда кимдир мендан «кўнглингни бирор нарса хижил қилмайдими, бирор бир армонинг борми?», – дея сўраса мен ҳеч бир иккиланишсиз, қатъий қилиб: «йўқ, кўнглимда ҳеч қандай хижиллик, ғубор йўқ, мени энди ҳеч нарса безовта қилмаётир», – дея оламан…

Кора ёнимда узала тушганча менга тикилади. Илгарилари Эзоп шундай қиларди, энди эса мана, Кора ёнимда ётволиб менга тикилади. Камин тепасига қадалган соат бир маромда чиқиллайди, очиқ турган дераза ортидан шаҳарнинг шовқини гувранади. Эшикни кимдир тақиллатади ва хат ташувчи йигитча қўлимга бир мактубни тутқазади. Бу хат тож тасвири туширилган муҳр билан сургучланган. Мен бу хат кимдан эканлигини шу лаҳзадаёқ англайман… лекин буни қаердан билиб олганимни эса ўзим ҳам тушунолмайман, балки бу менинг ўтмишим билан боғлиқдир, эҳтимол буларнинг барини мен қачонлардир тушимда кўргандирман… билмадим? Аммо хатни очсам, унда ҳеч нима ёзилмаган, фақат хатжилд ичига иккита ям-яшил жило билан товлангувчи қуш патлари солиб қўйилган экан.

Мени алланечук қўрқув ҳисси чулғаб, бутун вужудим музлаб қолгандек туйилади. Икки дона ям-яшил қуш патлари! – дейман мен ўзимга-ўзим. Ҳа, бу жуда қизиқ! Лекин бари бир, нега менинг баданим бу қадар музлаб бораяпти? Ҳа, ҳаммасига мана шу лаънати елвизак сабаб бўлса керак.

Мен шундай хаёл билан хона деразаларини бирма-бир ёпиб чиқаман.

Мана, сенга бир жуфт қуш патлари! – дея ўйлашда давом этаман мен; шошма, шошма... мен уларни танидим шекилли ва бу патлар олис шимолий қутбда бўлиб ўтган бир арзимас воқеани, тўғрироғи, аҳмоқона бир ҳазилни эсимга туширади; айтганча, бундай бемаъни ҳазиллар у пайтлар менинг деярли доимий йўлдошим эди; ҳа, майли, нима бўлганда ҳам, бу патларга яна бир бор нигоҳ ташлаш жуда қизиқ. Шунда бирданига кўз олдимда кимнингдир чеҳраси намоён бўлгандек ва у менга нималардир деяётгандек туйилади. Назаримда бу овоз эгаси менга шундай дейди:

– Марҳамат, жаноб лейтенант, мен сиз зоти олийларига бир пайтлар ўзингиз эсдалик учун тақдим этган ушбу қуш патларини қайтариб бермоқдаман.

Ҳа, ҳа, ушбу патларни сиз зоти олийларига қайтаришга қарор қилдим...

Кора, қани тек ёт-чи... эшитяпсанми... жим бўлмасанг, сениям нақд отиб ташлайман-а! Ҳаво бунчалар исиб кетди, жазирамага чидаб ҳам бўлмайди-я; нега деразаларни бу қадар тамбалаб ёпиб олдим, тавба?! Мен тағин хона деразаларини ланг қилиб очаман, эшикни ҳам баралла очиб қўйдим; ҳой, қани, қаердасиз, менинг қувноқ ва шаддод дўстларим, келинглар, марҳамат, хонадоним қадамингизга мунтазир... киринглар, кираверинглар! Ҳой, хат ташувчи, хабарчи йигит, қани менга меҳмонларни... кўп-кўп меҳмонларни чақириб кел-чи... уларнинг сонига эътибор берма, кела-

версинлар, қанча кўп бўлсалар, шунча яхши... ҳаммани... ҳаммани чақир... келсинлар, кела-версинлар менинг уйимга, менинг кўнглимга... меҳмон бўлсинлар... чақир, чақир уларни...

Ниҳоят, кун ниҳоясига етди, вақт эса ҳамон қилт этмай, бир жойда қотиб тургандек.

Ҳали айтганимдек, мен буларнинг ҳаммасини ўз кўнглим учун, шунчаки эрмакка ёздим, шу нарсаларни қоғозга тушириб, ўзимча бир яйраб олдим. Аслида ҳам ҳозир мени ҳеч қандай туйғу безовта қилаётгани йўқ, дилимга ҳам бирорта армон ёки андуҳ кўланка ташлай олмайди. Фақат нимагадир шу тобда олис-олисларга, ўзим ҳам билмайман қаёққалигини... бироқ нима бўлса ҳам бу ерлардан жудаям узоқларга, олис-олис маконларга бошимни олиб кетгим келаётир, балки бу Африкадир, балки Ҳиндистон бўлар... аниғини билмайман... Сабаби мен фақат ёлғизликда... ва фақат ўрмондагина яшашга қодирман, фақат шу тарзда... шундайгина яшай биламан, ахир...

ГЛАННИНГ ЎЛИМИ

(Новелла)

1861 йилга оид қайдлар

1

Гланлар оиласи ўз жигарлари лейтенант Томас Гланнинг бедарак йўқолганлиги ҳақида турли газеталарга истаганча эълон беришлари мумкин; бари бир, у топилиб қолмайди. Чунки у аллақачон ўлган ва мен, ҳатто, унинг қай тариқа ўлим топганлигини ҳам биламан. Нафсиламбрини айтганда, оила аъзолари Гланни бу қадар қатъият ва азми шижоат билан ахтаришда давом этаётганлигидан ҳайрон қолмайман, боиси Томас Глан чиндан ҳам том маънода ғайритабиий одамлар тоифасига мансуб бўлиб, уни деярли ҳамма яхши кўрарди. Ҳа, бу борада унинг омади чопганди, гарчи шахсан ўзимнинг унга муносабатларим айтарлик яхши бўлмаса-да ва ҳатто айтишим мумкинки, кўп жиҳатдан уни жиним суймаса-да, бироқ, ҳақиқатни айтишга бурчлиман.

У ниҳоятда мафтункор ташқи қиёфага, кўрган кишини ром этадиган ёшлик таровати ва жозибасига эга эди. У ўзининг аллақандай ёввойи махлуқнинг қарашларини эслатгувчи қайноқ ва эҳтиросли нигоҳи билан бир қараса бас, сиз унинг ҳукми остига тушиб қолардин-

гиз, буни ҳатто ўзим ҳам ҳис этганман. Эшитишимча, унинг нигоҳлари ҳақида бир хоним: «У менга қараган пайтда ўзимни мутлақо йўқотиб қўяман; назаримда у баданимга қўллари билан тегинаётгандек туйилади», – деган экан.

Аммо Томас Гланнинг ҳам ўзига яраша камчиликлари бор эди, модомики, мен уни хушламас эканман, бу камчиликларни сир тутишимдан ҳеч бир маъно йўқ, деб ўйлайман. Баъзан у шу даражада содда ва овсар, шу билан бирга мўминқобил бўлиб кетардики, уни кўрган киши баайни жажжи болакай, деб ўйлаши мумкин эди. Балки, айни шу жиҳати туфайли ҳам унинг теграсида доим аёллар ғужғон ўйнашгандир, яна ким билади дейсиз? У аёллар билан соатлаб гап сотиши мумкин эди, у қизларнинг турли қилиқлари устидан, мазах тарзида қаҳ-қаҳ отиб кулар, лекин, энг қизиғи, бунинг учун қизлар сира хафа бўлишмасди. Масалан, у бир куни ҳаддан ташқари семириб кетган бақалоқ кишини кўрсатиб: «Вой-бў-ўй, анавини қаранглар, иштони тўла ғарчча мойку!» – дея, ўзининг бемаъни иборасидан биринчи бўлиб ўзи хахолаб кулганди. Мен эса агар тилимдан шундай бетамиз ибора чиққудек бўлса, тағин бу аёллар орасида юз берса, уятдан ер ёрилиб, ерга кирган бўлардим. Унинг эса... парвойи фалак... Кейинчалик, биз иккимиз бир том остида ижарада турганимизда ҳам, у ўзининг қанчалар аҳмоқ ва довдир эканлигини неча-неча бор ошкора намойиш қилган: айтайлик, бир куни эрталаб ижарачи кампир менинг хонамга кириб, нонуштага нима келтирай, деб сўраганди, мен кўп ҳам ўйлаб ўтир-

масдан, унга: «менга бир бурда нон ва тухум келтиринг», – дедим. Шу гапларни айтганимда Томас Глан ҳам менинг хонамда ўтирганди, сабаби у хонам тепасидаги чордоқда яшарди. Хуллас, у э йўқ, бе йўқ, менинг ҳозиргина айтган гапларимни мазах қилиб, хахолай бошлади. Бу ҳам етмагандай, нуқул мени овозимга тақлид қилиб «бир бурда нон ва тухум келтиринг!» – деяверди. Бунинг нимаси кулгили эди, ҳайронман. Хуллас, ўшанда мен унга, «жинни-пинни эмасмисан», – деган маънода, жаҳл аралаш бир ўқрайиб қарагандим, бемаъни мазахлари тинди-қолди. Эҳтимол, мен бундан кейин ҳам унинг бошқа бемаъни қилиқлари ҳақида сизларга айтиб берарман, ҳа албатта-да, модомики, у менинг ашаддий душманим экан, уни аяб ўтирармидим, асло... Бу ерда ортиқча олижаноблик, ҳурмат-иззат қилишнинг сираям ҳожати йўқ, шундай эмасми? Аммо, тағин бир рост гапни ҳам айтиб қўйишим керакки, у бундай бемаъни ва аҳмоқона қилиқларини асосан маст бўлганида қиларди. Ҳа-я, бунинг нима аҳамияти бор, аслида ароқхўрликнинг ўзиям энг жирканч иллатлардан бири эмасми?

Мен у билан танишганимда, яъни 1859 йилнинг куз фаслида у ўттиз икки ёшда эди, дарвоқе, бизлар тенгдошмиз. Ўшанда унинг бутун юзини қоплаган соқоли бўлиб, у доим ёқаси очиқ ҳолда тургувчи жундан тўқилган кўйлакда юрарди, кўйлак ёқасининг кенглиги етмагандек, бўйнидаги тугмаларини ҳам қадамасди, хумпар. Дастлаб унинг йўғон бўйни менга жуда чиройлидек кўринди, аммо тез орада у ўзини менга ғирт душманлардек тута бошла-

гач, мен бу фикримдан қайтиб, ўзимнинг ҳам бўйним уникидан сира қолишмаслигини, шунчаки, мен, у каби қоматимни кўз-кўз қилишни истамаслигимни пайқадим.

Мен у билан дастлаб паромда учрашиб қолгандим, сабаби борадиган манзилимиз бир экан, кейин бизлар, ўзимиз кўзлаётган манзилга темир йўл орқали боришнинг имкони бўлмаса, паромдан тушгандан кейин ҳам битта арава ёллашга келишиб олдик. Мен атайдан, ўшанда қаерга йўл олганимизни аниқ айтмаяпман, сабаби, бу Гланни қидираётганларнинг из олишларига имкон бериши мумкин; бироқ, унинг оиласига яна бир карра шуни эслатишни истардимки, улар энди ҳеч бир кўнгил хижиллигисиз ва виждон азобларисиз ҳам уни қидиришни бас қилишлари мумкин. Чунки у ўша – биз борган ва мен ҳозирда атайдан номини пинҳон тутаётганим манзилда жон берганди.

Умуман олганда, мен Томас Глан ҳақида ҳали уни учратмасдан аввал ҳам билар эдим, унинг исми шарифи менга таниш эди. Мен унинг Шимолий Норвегиядаги бир таниқли ва бой-бадавлат хонадон меросхўри саналмиш қизга ошиқ бўлиб қолганлиги-ю, нимадир сабаб туфайли унинг шаънига иснод келтириб, обрўсини тўкканлиги учун қиз Глан билан алоқаларини узганлиги тўғрисида эшитгандим. У эса жаҳл устида қизга аччиқ қилиб ўзини ўзи хароб қилиши, ҳатто ўлдириши ҳақида қасам ичган эмиш. Қиз эса унга «билганингни қилавер, ўлмасанг ундан нари» қабилида муносабат билдирибди. Чиндан ҳам, арзимайдиган одам бўлгандан сўнг қизга нима ғам? Хуллас,

ана шундан кейин Томас Гланнинг номи янада машҳур бўлиб кетди, зеро, у энди нуқул қаергa борса бирор бир ишкални бошлар, тинимсиз ичкилик ичар, жанжал устига жанжалга аралашиб, охири ҳарбийдан истеъфога чиққанди. Ҳа, нимасини айтасиз, ўз қилмишингга яраша адабингни бериб қўйганлардан шу тариқа ўч олиш ҳар кимнинг ҳам ҳам хаёлига келавермайди!

Одамлар орасида унинг ёш хонимга бўлган муносабатлари хусусида бундан бошқа гап-сўзлар ҳам юрарди; эмишки, Глан зинҳор қизнинг шаънига иснод келтирадиган иш қилмаган, шунчаки, қизнинг ота-онаси Гланни хушламасдан, унга кўча эшигини кўрсатишган, яъни бошқача қилиб айтганда «паттасини қўлига тутқазишган» ва бунга уларнинг арзандаси ҳам эътироз билдирмаган экан; илло, ўша пайти қизга, ҳозир исмини мен аниқ айтишни истамаётганим, яъниким, бир швециялик граф ҳам оғиз солиб турган экан. Бироқ, менинг бу гапларга ишончим камроқ, наздимда, биринчи фикр анча ҳақиқатга яқин, чунки мен Гланни нафақат жуда ёмон кўраман, балки жуда яхши билганимдан ҳам ундан ҳар балони кутиш мумкин, деб ҳисоблайман. Лекин, нима бўлгандаям, у ҳеч қачон ўзининг зодагон маъшуқаси ҳақида бир оғиз ҳам чурқ этмаганди, мен ҳам бу ҳақда ундан сўраб ўтирмаганман. Тўғри-да, менинг нима ишим бор у билан?

Ўшанда паромда кетаётганимизда, бизлар ўзимиз бораётган қишлоқ ҳақида гаплашганимиз эсимда, илло ҳали у ерда иккимиз ҳам бирор маротаба бўлмаган эдик.

– У ерда, айтишларича, бир меҳмонхона ҳам бор эмиш, – деди Глан ва харитага қўлини

бигиз қилиб, аллақайси бир жойни кўрсатди. – Агар омадимиз чопиб қолса, ўша меҳмонхонага жойлашамиз; эшитишимча, меҳмонхона бекаси бир инглиз аёл, тўғрироғи, инглизларга чатишган бир аёл экан. Қабиланинг сардори қўшни қишлоқда яшар экан ва унинг бир талай хотинлари, яъни ҳарами бўлиб, ҳарамдагиларнинг айримлари ҳали ўн ёшга ҳам тўлмаган, дейишди.

Мен эса ҳеч нарсани, маҳаллий қабила сардорининг нечта хотини борлигини ҳам, қишлоқда меҳмонхона бор ёки йўқлигини ҳам билмас эдим ва шунинг учун индамай қўя қолдим; Глан шунда менга қараб маъноли тарзда кулиб қўйди, ўшанда унинг табассуми жуда ажойибдек туйилган эди.

Ҳа, дарвоқе, мен тағин бир нарсани айтишни мутлақо унутибман. Глан қанча хушсурат ва ёқимтой бўлмасин, унинг ҳам баъзи бир жисмоний ноқисликлари бор эди. Ўзининг айтишича, чап оёғининг тўпиғида ов милтиғидан олган эски жароҳати бўлиб, об-ҳаво ўзгариши билан унинг ўша оёғи симиллаб оғришга тушаркан.

2

Орадан бир ҳафталар ўтиб бизлар қишлоқдаги кўринишидан каттагина бўлса-да, аммо жуда хароба аҳволдаги бир уйга, яъни кекса «чала инглиз» кампирнинг қарамоғида бўлган, ўша бу ердагиларнинг таъбири билан айтганда – «меҳмонхона»га жойлашдик. Ана меҳмонхона-ю, мана меҳмонхона! Хонанинг

деворлари лойдан, айрим қисмлари эса ёғоч синч аралаш тикланган бўлиб, ана шу синчлар ичи термитлар, яъни дуч келган нарсани кемириб ташлайдиган юҳо мисоли майда қумурсқалар билан тўлиб-тошиб кетганди. Мен залнинг ёнида жойлашган, яшилсимон тусли деразаси жуда тор ва бефайз кўчага қараган хонада яшардим; Глан эса чордоқдаги аллақайси бир бурчакни танлади, тўғри, унинг ҳам деразаси бордек эди, аммо ушбу деразадан кўзга ташлангувчи манзара меникидан-да афтода ва бефайз эканлиги аниқ эди. Уйнинг қамиш бордондан ясалган томини эрта-ю кеч қуёш қиздириб турганидан, Гланнинг чордоғидаги ҳарорат ва иссиқ ҳавога дош беришнинг имкони йўқ эди, бу ҳам етмагандек, тепага чиқиш учун зинапоя бўлмаганидан, шўрлик Глан ўз чордоғига атиги тўрттагина бўғиндан иборат эскириб кетган қўлбола арқон нарвонга тирмашиб чиқишга мажбур бўларди. Дарвоқе, Гланнинг бу қадар ночор шароитларда кун кечиришига менинг ҳеч бир дахлим йўқ эди. Ҳолбуки, бу ерга келган кунимиздаёқ, мен Гланга: «Бу ерда иккита хона бор экан, бири пастда, иккинчиси эса юқорида, хўш қаерда турасиз, ўзингиз танланг!», – дегандим.

Глан ўшанда ҳар иккала хонани ҳам кўздан кечириб, юқоридагисини танлаганди, билмадим, балки, менга яхшироқ хонани раво кўрганидан шундай қилгандир, ҳар ҳолда, мен ҳам ўшанда ушбу қарори учун ўз миннатдорлигимни билдирганман, ундан қарз бўлиб қолган жойим йўқ.

Ҳаво ҳаддан зиёд қизиб кетганида, биз овга чиқмасдан ўз хоналаримизга биқиниб олар-

дик; бу ердаги жазирама, айтиш керакки, баъзан чидаб бўлмас даражага кўтариларди. Тунлари эса биз турли майда ҳашаротлардан дераза ва туйнукларга майда тўқилган тўрларни тутиб қўйиш орқали ҳимояланардик; тўғри, гоҳида айрим кўршапалаклар билмасдан ана шу тўр тўсиқларимизга келиб зарб билан урилар ва оқибатда бу тўрларимизни пора-пора қилиб ташларди. Айниқса, бундай ҳодисалар бечора Глан билан бот-бот содир бўларди, чунки у шўрлик иссиқнинг зўридан чордоқдаги деразаларни зинҳор ёпиб қўя олмасди, бу борада Яратган эгам марҳамат қилиб, менинг омадимни бир оз баландроқ белгилаганди.

Биз кундузлари уйнинг олдига тўшалган қамиш бордон ва бўйраларга чўзилиб ётганча, қишлоқ аҳли ҳаётини кузатардик. Маҳаллий аҳоли вакилларининг бари қора танли ва дўрдоқлаб бўлиб, деярли барчасининг кўзлари тим қора ва айни пайтда маъносиз бир тарзда қотиб қолган нигоҳга эгадек эди, боз устига ҳаммасининг қулоғига ҳалқа осилган; агар белларидаги латта лунгилари ёки баргдан ясалган чамбарларини ҳисобга олмаганда, улар деярли яланғоч юришарди; аёлларининг юбкаси ундан-да калтароқ эди. Болалар кечаси-ю кундузи шир яланғоч югургилашарди, уларнинг қоринлари қаппайган, боз устига бари ғалати бир тарзда ялтираб турарди.

– Бу ернинг аёллари ҳаддан зиёд бақалоқ эканми, – деди Глан.

Ҳа, бу гапга қўшилмасдан иложим йўқ, бу ернинг аёллари чиндан ҳам анча семиз эди, дарвоқе буни Гландан аввалроқ мен пайқаган

эдим шекилли, ҳа, майли, бунинг энди ҳеч бир аҳамияти йўқ; бу кашфиёт учун айтилажак алқовлар ва шон-шарафни Гланга бера қолай. Қолаверса, тағин бир гапни айтишим жоиз, бу ерлик аёллар гарчи бўлиқ юзли ва дўрдоқ лабли эса-да уларнинг бари ҳам бирдек хунук ва ёқимсиз эмасди; мана, масалан, мен яқинда бир ярим тамил, ярим бошқа миллатга чатишган бир қиз билан танишдим, унинг тим қора сочлари узун, тишлари эса дурдек бўлиб, у чиндан-да жуда ёқимтой, бу яқин атрофдаги барча қизлардан ўтадиган чиройли, офатижон қиз дея оламан.

Мен унга бир куни кечқурун дуч келиб қолдим, у гуруч экилган шолипоянинг четида баланд бўлиб ўсиб ётган аллақандай ўтлар устида қоринчасини ерга қўйганча, тиззасидан букилган оёқчаларини ликиллатиб ётарди. Мен унинг яқинига бориб, гап отдим. Гапимиз-гапимизга ғоятда қовушиб кетганидан, у билан нақ тонг отгандагина ажралишдик; шундан сўнг у уйига йўл олди ва ота-онасига қўшни қишлоқдаги бир дугонасининг уйида тунаб қолдим, деб айтадиган бўлди. Глан ҳам ўша тунни аллақандай қизлар даврасида ўтказганди, айтганча, бу қизларнинг ёши ҳали балоғатга етмаган эди. Умуман, унга бу нарсаларнинг мутлақо аҳамияти йўқдек эди, у она сути оғзидан кетмаган қизалоқларга ҳам бемалол суйкалар, уларга гуручдан тайёрланган ароқни тавсия қилиб, сурбетларча чақ-чақлашиб ўтираверарди. Биргина шу ҳолатдан ҳам унинг маънавий дунёси-ю, дид-фаросатини билиб олаверинг!

Орадан икки кунлар ўтиб, ов қилгани жўнадик. Биз йўл-йўлакай, бепоён чой плантация-

ларидан, шоли пайкалларидан, ўтлоқлардан ўтдик, соҳил бўйидаги айрим қишлоқларни ортда қолдириб, тобора бизлар учун мутлақо нотаниш дарахтлардан иборат ғаройиб ўрмон ичкарисига кириб боравердик. Бу ерларда бамбук, манго, тамаринд, яъни ҳинд хурмоси, асосан кемачиликда қўлланиладиган танаси метиндек мустаҳкам тик аталмиш дарахт, туз дарахти, елимшакли камед дарахти ва яна Худо билсин, аллақандай бизлар умримиз бино бўлиб кўрмаган ва эшитмаган дарахтлар барқ уриб турарди. Бироқ, дарёда сувнинг сатҳи жуда паст бўлиб, то ёмғирлар мавсуми бўлганча, сув миқдори шу тарзда қолишини айтишди. Биз овимиз жараёнида бир неча ёввойи каптар, қирғовулларни отиб олдик, кечга яқин эса иккита қоплонга ҳам дуч келдик; бошимиз устидан пириллаб тўтиқушлар учиб ўтишидан ҳам олам-олам завқ олардик.

Глан ҳайратланарли даражада мерганлик билан ов қилар, унинг бирорта ҳам ўқи беҳуда кетмасди; аммо бир жиҳати борки, унинг милтиғи ҳам меникидан анча яхшироқ эди, лекин шундай бўлса-да, мен ҳам бир-икки бор қойилмақом ўқ узиб, мўлжални аниқ олиш борасида ундан кам эмаслигимни кўрсата олдим. Қолаверса, мен унга ўхшаб, мирқуруқ мақтанчоқлардан ҳам эмасман. Глан эса бот-бот ўзини кўрсатиб қўйиш учун шундай дерди: «Мана бу қушнинг бошини мўлжалга оляпман, бунисининг эса нақ думидан отаман!» У ўқ узишдан олдин шу гапларни айтар, отиб туширилган ўлжани бориб кўрсангиз, отилган ўқлар айнан, у айтгандек, қушнинг ё бошидан ёки бўлмаса

думидан теккан бўларди. Биз ҳали айтганим – иккита қоплонга дуч келганимизда, Гланнинг хаёлига уларнинг ҳар иккисини ҳам ўзининг сочма ўқли ов милтиғидан отиб ўлдириш фикри келиб қолди; мен унга анча қоронғи тушиб қолганини, қолаверса, бизнинг ўқларимиз ҳам деярли тугаб бўлганини айтиб, уни бу йўлдан қайтаришга уриндим. Умуман, менинг наздимда, у бу гапларни ўзини яна бир карра кўрсатиб қўйиш учун: «мана кўриб қўй, мен қандай қўрқмас ва жасурман, оддийгина сочма ўқ билан ҳам қоплон овлашга қодирман», – дейиш учунгина айтгандек эди.

– Афсус... отмаганимдан яна бир бор афсусдаман... – деди у менга юзланиб. – Бунинг ҳаммасига тағин сизнинг оқилона тарзда иш юритишингиз сабаб бўлди. Хўш, бу доноликнинг нима кераги бор эди? Кўпроқ, узоқроқ яшамоқчимисиз, дейман?

– Агар сиз чиндан ҳам мени ўзингиздан кўра оқилроқ ва донороқ деб ҳисобласангиз, бундан ғоят мамнунман, – жавоб бердим мен.

– Ҳа, майли, ҳар хил беҳуда ва арзимас нарсалар учун баҳслашиб ўтирмайлик, – деди у шу заҳотиёқ гапимни бўлиб.

Бу менингмас, айнан унинг гаплари эди; зеро, агар у баҳслашаман деганда ҳам, баҳсда ундан қоладиган аҳмоқ йўқ эди. Ўша пайтдаёқ, унга хос бўлган енгилтабиатлик, айтиш мумкинки, ғалати бир тарздаги калтабинлик, қолаверса, унинг рад қилиб бўлмайдиган қатъият билан сўзлаши менинг ғашимга тега бошлаганди. Масалан, шу кун арафасида, мен ва Магги, яъни ҳали айтганим тамил миллатига

мансуб, қишлоқдаги энг чиройли қиз биргалашиб, тинчгина гаплашиб келаётгандик ва ҳар иккимизнинг ҳам кайфиятимиз жуда зўр эди. Қарасак, Глан меҳмонхонамиз ёнида ўтирган экан, у бизларни кўриб, тиржайди-да, бошини силкитиб салом бериб қўйди; Магги ўшанда уни илк бор кўрганди ва мендан Глан ҳақида сўрай бошлади. Глан қизда шу даражада кучли таассурот қолдирдики, оқибатда мен у қиз билан тез орада ажралишиб, иккимиз икки томонга қараб кетишга мажбур бўлдик.

Мен буларни Гланга маълум қилганимда, у, айтганларимнинг ҳаммасини бемаъни гапга йўйди, «буларнинг барини ўзинг ўйлаб топгансан», – дея менга ишонмади. Лекин мен ҳам анойи эмасман, унга баъзи нарсаларни эслатиб қўйдим. Ахир, биз Магги билан меҳмонхона ёнидан ўтаётганимизда у менга эмас, айнан Маггига қараб тиржайган эди-да.

– Нега у қиз доим сигирга ўхшаб кавш қайтаради, қачон қарасанг, ниманидир чайнаб туради? – деб сўради у.

– Билмадим, – дедим мен. – Чайнаса нима қилибди, Худо тишларни нега бериб қўйибди, тиши бўлгач, чайнайди-да.

Топган янгилигини қаранг, шуям гап бўлди-ю. Менинг ўзим ҳам Магги доим ниманидир кавшаб туришини жуда яхши биламан, бунга биринчи куниёқ эътибор қаратганман. Бироқ, у тишларини оқартириш учун мисвок чайнамайди, унинг тишлари шундоқ ҳам марвариддек тоза; йўқ, унинг шунчаки дуч келган нарсани оғзига солиб чайнайверадиган ғалати одати бор: оғзига тиқади-да худди мазали бир

нарса топгандай чайнайверади. Дуч келган нарсани, тасаввур қилинг-а?! У пул бўлиши ҳам, бошқа бирор қоғоз парчаси, қушларнинг пати ҳам бўлиши мумкин. Бунинг фарқи йўқ. Хўш, шунақа одатнинг нимаси энди кулгили ёки уят экан? Бари бир, Магги ўзининг қишлоғидаги энг чиройли қиз бўлиб қолаверади. Бу гапларни Глан шунчаки менга ҳасад қилганидан айтаётир. Бу – кундай равшан.

Иккинчи куни кечқурун, албатта, биз Магги билан тағин ярашиб олдик ва Глан тўғрисида бошқа гаплашмадик.

3

Орадан бир ҳафтача вақт ўтди, биз ҳар куни овга чиқар ва ҳар гал бир талай қушларни ўлжа қилиб қайтардик. Бир куни эрталаб, биз эндигина ўрмонга қадам қўйган ҳам эдикки, Глан менинг қўлимдан шартта тутиб олди-да: «Тўхтанг!» дея шивирлади. Кейин у зудлик билан милтиғини қўлига олиб, варанглатиб ўқ узиб қолди. Кейин билсам, у шу тобда кичкинагина бир қоплон боласини отиб ўлдирган экан. Агар, Глан мендан олдинроқ ўқ узмаганда ёки мен ундан сал илгарироқ юрганимда ўша қоплончаққина мен ҳам бемалол отишим мумкин эди. Бироқ, нима ҳам дердим, Глан яна шараф тожини мендан олдин ўзига осиб олди. «Ҳа, энди бу ёғига мақтанишнинг жуда кифтини келтиради!» – дея ўйладим мен. Биз ҳайвоннинг жасадига яқинлашдик, ўқ уни турган жойида йиқитган эди, чап биқинидан бир тутам жойини юлиб ўтиб, елкасига қадалиб қолибди.

Аслида мен азалдан қўлимдан бировнинг тутиб гапиришини хушламайман, шунинг учун Гланга қараб:

– Мен ҳам қоплончани шу тарзда отиб қулатишим мумкин эди, – дедим.

Глан менга тикилиб қолди.

Мен фикримни такрорладим:

– Нима, сиз менинг ҳам худди шундай ота олишимга шубҳа қиляпсизми?

Глан яна жавоб бермайди. У бу қилиғи билан ўзининг чиндан ҳам ёш болалар каби содда ва думбуллигини исбот қилади, кейин ўлган ҳайвон танаси ёнига келиб унинг бошини мўлжаллаб яна бир ўқни жойлайди. Мен унга ҳайрат билан қараб қоламан.

– Биласизми, – дея қилган бу ишини изоҳлашга уринади у, – бу ҳайвоннинг биқинидан отганим ўзимга маъқул эмас, бундай мўлжалдан уяламан.

Буни қаранг-а, иззатталаблик, манманлик ҳам эви билан-да, жанобимга шунчаки ов қилиш, ўлжа олишнинг ўзигина камлик қиларкан, у ҳаммани қойил қиладиган даражада мўлжал олиши ҳам лозим эмиш. Ҳа, энди... бу ҳам ўзини кўрсатишнинг бир йўли-да... Балки аҳмоқликдир! Умуман, менга нима, мен уни фош қилиб ўтирармидим... билганини қилаверсин.

Биз кечқурун ўлдирилган қоплонваччани олиб, қишлоққа қайтганимизда, атрофимизни маҳаллий аҳоли ўраб олди. Глан, уларга ўлжани эрталаб отганимизни айтди-ю, бошқа тафсилотлар ҳақида индамай қўя қолди. Дарвоқе, томошаталаблар орасида Магги ҳам бор эди.

– Қоплонни ким отди? – деб сўради у.

– Ўзинг кўриб турибсан, қоплон танасида иккита ўқнинг изи бор, биз уни эрталаб отгандик. – Ва шундай дер экан, Глан қоплон танасини ағдариб, ҳар икки ўқ изини, яъни унинг бошидаги ва биқинидаги жароҳатларини қизга кўрсатади. – Мана бу жойдан менинг ўқим тешиб ўтган, – деди у ва ҳайвон биқинидаги тешикни кўрсатди; унинг биргина ана шу аҳмоқона гапи туфайли мен қоплоннинг бошидан отган бўлиб қолдим. Мен унинг гапини тузатиб ўтиришни лозим топмадим, зарил кептими, нима деса деявермайдими? Кейин Глан маҳаллий аҳолини гуручдан тайёрланган ароқ билан сийлай бошлади, ҳаммани бирваракай сийлади, ичкиликдан бўйин товламайдиган бирор киши ҳам унинг ҳимматидан бебаҳра қолгани йўқ.

– Демак, улар биргаликда ўлдиришибди-да, – деди Магги оҳиста бир оҳангда, лекин унинг кўзлари биргина Гланга тикилганча қотиб қолганди.

Мен уни бир четга тортдим-да, шундай дедим:

– Нимага унга бунчалик тикилиб қолдинг? Мени кўзларинг кўрмаяптими, нима бало?

– Кўряпман, кўряпман, – истар-истамас жавоб берди у. – Қулоқ сол, ҳалиги... мен бугун ёнингга келаман.

Айни ўша воқеа содир бўлгандан кейинги куни Глан почта орқали бир хат олди. Бу хат аслида дастлаб кемада, ундан кейин қуруқликда ҳам нақд саксон миль масофани босиб, айланиб-айланиб ўз эгасини топиб келган эди.

Хат аёл қўли билан битилган бўлиб, менинг пайқашимча, уни Гланнинг собиқ қайлиғи,

яъни ҳали тилга олганимиз зодагон оиланинг меросхўри бўлган қиз ёзганди. Хатни ўқиб Глан дастлаб асабий бир тарзда хахолаб кулиб юборди ва уни келтирган йигитчага яхшигина чойчақа ҳадя қилди. Бироқ, тез орада у нимагадир бирданига жимиб қолди, юзлари тундлашиб, кун бўйи қўлларини ёнига осилтирганча, бир нуқтага тикилган кўйи қотиб ўтираверди. Кечқурун эса у ёнига ўзига анча қадрдон бўлиб қолган маҳаллий бир кампир ва унинг ўғлини чақириб олди-да, улар даврасида ғирт маст бўлгунча ичди; Глан ана шу улфатчилиги асносида мени ҳам ёнига чорлаб, кутилмаганда қучоқлаб олди-да, ўзи билан ичишимни астойдил талаб қилишга тушди.

– Бугун жуда илтифотлисиз, бунинг бирор сабаби борми? – сўрадим мен.

Шунда у қаттиқ қаҳ-қаҳ уриб кулди-да, деди:

– Мана, биз сиз билан Ҳиндистонга келиб, унинг ҳеч ким билмайдиган бир пучмоқларида ёввойи ҳайвонларни ов қилиб юрибмиз, тўғрими? Ана, шу ишимиз сизнингча жуда кулгили ва бемаъни туйилмайдими? Ҳолбуки, айрим аёллар... Ҳа, майли, келинг, шу ёруғ оламнинг барча салтанатлари ва барча гўзал аёллари, эрга теккан ва тегмаган, бизга яқин ва биздан жуда олисларда бўлган барча аёллари учун кўтарайлик шу қадаҳни. Ха-ха-ха-ха! Бир ўйлаб кўринг-а! Эрли аёл, бошида эри бор аёл ўзини бегона бир эркакка рўпара қилиб, тиқиштириб ўтирса-я! Буни нима деб аташ мумкин?

– Графинями! – дедим мен заҳарханда қилиб. Мен гапни жудаям бир аламзадалик ва истеҳзоли қилиб айтдим ва шу билан айни нуқта-

га ургандек эдим. У менинг бу гапимни эшитиб худди ғазабнок итдек бўлиб, тишларини кўрсатганча иржайиб қолди, шундан билдимки, гапим нишонга бехато текканди. Кейин у бирданига хўмрайиб олди, қовоқлари бир-икки пирпираб, ўйланиб қолди, чамамда, у ўзича кўп валақлаб қўйдиммикан, дея хулоса қилаётганди, аслини олганда-ку, унинг аҳмоқона сирларига кимнинг ҳам кўзи учиб турибди, дейсиз... Аммо айни шу тобда бизнинг вайрона меҳмонхонамиз ёнига бир неча болакай айюҳаннос солиб югуриб келишди. Улар бири олиб, бир қўйиб, даҳшатга тушиб бақиришарди:

– Йўлбарслар! Вой дод, ёрдам беринглар! Қишлоққа йўлбарслар оралади!

Маълум бўлишича, қишлоқнинг дарёга чиқарверишидаги жойидаги бутазорда бир йўлбарс кимнингдир ёш боласини олиб қочиб кетибди.

Ҳозиргина ҳаётдан кўнгли қолиб, қолаверса, ўлардек ичиб олган Глан учун бу айни муддао бўлди, илло у шу заҳотиёқ қўлига винтовкасини олганча, ўша чакалакзорга қараб югурди, ҳатто бошига бирор нарса кийишни ҳам унутди. Қизиқ, у нимага энди ов милтиғини эмас, балки винтовкасини олди экан, модомики, у шу қадар жасур экан, оддий ов милтиғини ола қолмайдими? Унинг йўл-йўлакай дарёни ҳам кечиб ўтишига тўғри келади, бу эса, гарчи дарёда сув у қадар кўп бўлмаса-да, бари бир, хавфдан холи эмас. Тез орада мен иккита ўқ овозини, орадан сал ўтмай учинчи ўқ товушини ҳам эшитдим.

«Битта ҳайвонга учта ўқ!» – дея ўйладим мен; иккита ўқ билан ҳатто шерни ҳам қулатиш мумкин, бу ерда эса бор-йўғи йўлбарс бўлса! Аммо,

отилган шу учта ўқ ҳам беҳуда кетибди, боиси Глан у ерга етиб борганида болани йўлбарс аллақачон тилка-пора қилиб ташлаган, деярли еб ҳам бўлган экан; менимча, агар у маст аҳволда бўлмаганида, балки болакайни қутқариш учун ўрнидан ҳам қўзғалмасди.

Туни билан у ўз хонасида бир бева аёл ва унинг иккита қизи билан шакаргуфторлик қилиб чиқди, улардан қай бири Гланнинг эътиборини кўпроқ жалб қилганидан хабарим йўқ.

Шундан кейинги икки кун мобайнида Глан тинимсиз ичиб, деярли бир соат ҳам ҳушёр бўлмади, унинг шишадош улфатлари сафи ҳам борган сари кенгайиб борарди. У мени ҳам ёнига улфатчилик қилгани чақирди, Глан бўкиб ичиб олганидан, нима деяётганини ҳам ўзи англамасди, шекилли. Шу боисдан у менга қараб:

– Сизни ҳасад адо қилаяпти, менга бунча ҳасад қиласиз? – деб қолди.

Ҳасад! Нималар деяпти у, наҳотки мен унга ҳасад қилсам?!

– Маъзур тутасиз, жаноб, – дедим, – ҳали мен сизга ҳасад қиламанми? Сизнинг нимангизга ҳасад қилишим мумкин, деб ўйлайсиз?

– Йўқ, йўқ... кечирасиз, албатта сиз менга ҳасад қилмайсиз, – хижолатпазлик ила жавоб берди у. – Ҳа, айтганча, мен бугун Маггини кўргандим. У ҳар доимгидек яна кавшаниб юрган экан... ҳа, кав-ша-ни-и-иб юрган экан.

Мен Гланнинг бу гапларига жавоб беришни ҳам эп кўрмай, тишимни-тишимга босиб, унинг ёнидан узоқлашдим.

4

Бизлар яна овга чиқа бошладик. Глан олдимда ўзининг айбдорлигини ҳис қилиб, мендан узр сўради.

– Умуман олганда, буларнинг ҳаммаси менинг жонимга ўлардек тегиб кетди, – деди у. – Агар сиз ов қилаётганда, мўлжални хато олиб, билмасдан менинг гарданимга битта ўқни жойлаб қўйганингизда жуда ажойиб иш бўларди-да.

«Бояқишга тағин графинянинг мактуби тинчлик бермаяпти, шекилли» – дея ўйларканман, унга:

– Бу дунёда нимани эксанг, шуни ўрасан, – дея жавоб бердим.

У кундан-кунга тобора хомуш ва тунд бўлиб борар, деярли индамас одамга айланиб қолган, ичишни ҳам мутлақо ташлаб, кун бўйи миқ этмай ўтирадиган бўлиб қолганди; боз устига унинг яноқлари ҳам хунук бир тарзда шалвираб, киртайиб қолгандек эди.

Кунлардан бир кун мен кутилмаганда, ўзим жойлашган хона деразаси остида қувноқ кулги овози ва ғўнғир-ғўнғир суҳбат товушини эшитиб қолдим, секин бошимни чиқармасдан дераза орқали разм солсам, пастда Глан, жуда хотиржам ва хушчақчақ қиёфада, гўё ҳеч нарса бўлмагандек Магги билан суҳбатлашяпти. У аёлларни ром этишда қўллайдиган бор маҳоратини, макру ҳийласини ишга солганча, булбулдек сайраяпти. Менимча, Магги уйидан чиқиб, шу яқин атрофдан ўтиб кетаётган бўлса керак, Глан эса буни билиб, қизнинг йўлини пойлаб

турган кўринади. Улар нақ менинг деразам тагига келиб олишиб, оғиз-бурун ўпишадигандек шакаргуфторлик қилишяпти, ярамаслар, бу ерда мен борлигимни парволарига ҳам келтиришмабди! Вой, бетамизлар-эй!

Ниҳоятда жаҳлим чиққанидан ҳатто қалтираб кетдим, кейин шартта қўлимга милтиғимни олиб, тепкини туширдим, лекин шу тобдаёқ, бу мудҳиш фикримдан қайтиб, милтиқни жойига қўйдим. Хонадан отилиб чиқдим, Маггини қўлидан тутиб, индамасдан қишлоқ бўйлаб кетдим; Глан эса шу лаҳзадаёқ, меҳмонхонага кириб кўздан йўқолди.

– Сен тағин у билан гаплашдингми? Нега, нима учун гаплашяпсан? – деб сўрадим, жиғибийрон бўлиб, Маггидан.

У жавоб бермади.

Менинг таъбим жуда хира бўлиб, юрагим қинидан ёриб чиққудай гурсиллаб урар, жаҳлимга эрк беришдан ўзимни зўрға тутиб турардим. Аммо, шуни ҳам айтишим лозимки, мен ҳали Маггини шу пайтгача бирор маротаба бу қадар чиройли бўлиб кетганини кўрмагандим, ва умуман шу кунгача ҳали бундай гўзал қиёфага эга оқ танли қизларни ҳам кўрмагандим; шу тобда мен унинг тамил миллатига мансублигини ҳам тамоман унутгандим, умуман айни пайтда Маггидан бошқа ҳамма, ҳамма нарсани унутгандим.

– Қани, менга айт-чи, – сўрадим ундан жаҳл аралаш, – тағин нега Глан билан гаплашдинг?

– У менга ёқади, – жавоб берди у.

– У сенга… мендан ҳам кўпроқ ёқадими?

– Ҳа!

Ана холос, бу ойимқизга Глан мендан кўра кўпроқ ёқармиш, хўш менинг ундан нимам кам экан? Ахир мен Маггина ҳар доим меҳр кўрсатган бўлсам, ҳали пул, ҳали совға-салом бериб турган бўлсам... Гланчи, у нима қилибдики...

– Биласанми, у сенинг устингдан мазах қилиб кулиб юради. Айтишича, сен доим сигирга ўхшаб кавшаниб, кавш қайтариб юрармишсан, – дедим мен.

У дастлаб менинг гапларимга унчалик тушунмагандек туйилди, мен шунда бор маҳоратимни ишга солиб, унинг дуч келган нарсани оғзига солиб чайнаб юришини хатти-ҳаракатларим билан кўрсатиб бердим ва ана шу хислати устидан Глан уни масхара қилишини тушунтирдим. Ниҳоят, мен қизда муайян таассурот уйғотишга эришдим.

– Қулоқ сол, Магги, – дедим мен кейин ўз фикримни давом эттириб, – сен бир умр, тоабад меники бўлишни истайсанми? Мен ҳаммасини ўйлаб қўйганман: бу ердан кетаётганимда сени ўзим билан бирга олиб кетаман, эшитяпсанми, биз менинг юртимга, ватанимга борамиз ва у ерда бирга яшаймиз. Хўш, бунга нима дейсан?

Бу гапим ҳам унга кучли таъсир қилди. Магги хурсанд бўлиб кетди ва бутун сайр давомида гапиришдан тўхтамади. Ўз гаплари асносида Гланни атиги бир мартагина эслади. Яъни у мендан:

– Глан ҳам биз билан борадими? – дея сўради.

– Йўқ, – дедим мен, – Глан биз билан бирга кетмайди. Сен бундан хафамисан?

– Йўқ, йўқ, – шоша-пиша жавоб берди у. – Аксинча, бундан хурсандман.

Шундан кейин у Глан тўғрисида бошқа гап очмади ва мен ниҳоят хотиржам тортдим. Энди Магги мен қачон кел десам, хонамга келаверадиган бўлди.

Орадан икки соатларча вақт ўтиб, ёлғиз қолганимда, Гланнинг кулбачасига тирмашиб чиқдим-да, юпқагина бўйра эшигини оҳиста тақиллатдим. У уйида эди. Мен унга шундай дедим:

– Мен сизга эртага овга бормасак маъқул бўларди, деган гапни айтгани келгандим.

– Нимага эртага овга бормаслигимиз керак экан? – сўради Глан.

– Сабаби, мен энди ўзимга жавоб бера олмайман, эҳтимол, эртага мўлжалдан адашиб, сизнинг гарданингизга ўқ жойлаб қўяманми, деб қўрқаяпман.

Глан гапимга жавоб бермади ва мен секингина ўз хонамга тушдим. Унинг агар зиғирча ақли бўлса, менинг бу тарздаги огоҳлантиришимдан сўнг, зинҳор мен билан овга чиқмайди. Ва, умуман, нега у ўзи айнан менинг деразам олдига келиб, Магги билан бор овозида шакаргуфторлик қилди экан? Қолаверса, у нимага энди ўз юртига тезроқ йўқола қолмайди, ҳолбуки, агар рост бўлса, хат орқали ҳам уни чақиришяпти-ку! Йўқ, бунда бир гап бор! Глан сўнгги кунларда буткул ўзини йўқотиб қўйгандек эди, нуқул тишларини ғижирлатар ва оламни бузгудек бўлиб: «Ҳеч қачон бундай бўлмайди! Ҳеч қачон! Бундан кўра танамни нимта-нимта қилиб ташлаганлари маъқул!» – дея ҳайқирарди.

Мана, тонг ҳам отди, бу ўша – менинг огоҳлантиришимдан кейинги тонг эди! Глан менинг тўшагим олдига келиб олиб қичқиради:

– Ҳой, қария, қани, тезроқ бўлсангиз-чи! Тезроқ, тезроқ! Об-ҳаво ҳам ажойиб! Айни ов қиладиган бўлибди! Кечаги гапларингизни эса мен шунчаки ҳазил деб қабул қиламан. Келишдикми?

Ҳали соат тўрт ҳам бўлмаган эса-да, мен ўрнимдан ирғиб тураман-да, овга шайланаман. Менинг гапимга парво қилмасликни унга кўрсатиб қўяман! Мен унинг кўз ўнгида милтиғимни ўқларканман, Глан ёнимда серрайганча, менга тикилиб турарди. Менинг ғашимга теккани, ташқаридаги ҳаво ҳечам у айтганидек, ов қиладиган даражада ажойиб эмас, аксинча жудаям рутубатли бўлиб, осмондан майда ёмғир томчилаб турарди; демак, у тағин менинг устимдан кулишга, тағин мазах қилишга киришганди. Аммо мен шу тобда унга бирор нарса дейишни ўзимга раво кўрмадим.

Биз кун бўйи ўрмонда изғир эканмиз, ҳар биримиз ўз ўй-хаёлимиз билан банд эдик. Қанча сарсон кезмайлик ўша куни бари бир, бирорта ўлжа отолмадик, олдимиздан чиққан тўп-тўп ёввойи қушларни ҳам қўлдан чиқардик, зеро, иккимизнинг ҳам хаёлимиз овда эмас, мутлақо бошқа нарсалар билан андармон эди. Тушдан кейин Глан нимагадир менга кўмаклашмоқчи бўлдими, ё азбаройи кўз остимда бўлишни истаганиданми, билмадим, ҳар ҳолда менинг олдимга ўтиб олди. У шундоққина милтиғимнинг оғзи остида юриб борарди, аммо мен унинг бу «найранги» остидаги маънони ҳам тушундим ва бунга ҳам тишимни-тишимга қўйиб чида-

дим. Биз овдан ҳеч қандай нохушликларсиз қайтдик. Мен ўзимча: «Ҳа, майли, эҳтимол у энди ўзини бир оз йиғиштириб олар ва Маггидан узоқроқ юрар!» – дея ўйладим.

– Бугун менинг ҳаётимдаги энг узун кун бўлди, – деди Глан кечқурун биз меҳмонхонага яқинлашганда.

Шундан сўнг бизлар бир-биримизга бирорта ҳам сўз айтмадик.

Кейинги кунлар у жудаям тушкун ва ўта аянчли кайфиятда юрди, балки бунга тағин ўша хат сабаб бўлгандир. Тунлари эса у нуқул: «Йўқ, мен бунга ортиқ чидолмайман, чидолмайман!» – деб бақириб чиқарди. Шундай қаттиқ қичқирардики, унинг овози бутун уйга эшитиларди. Гланнинг хомушлиги шу даражага бориб етдики, у энди меҳмонхона бекасининг энг мулойим ва жўяли саволларига ҳам эътибор бермас, уларни-да бежавоб қолдирарди. Бора-бора у тунлари уйқусида инграйдиган одат чиқарди.

«Ҳа, виждони пок эмас, бу бечоранинг! Елкасида қандайдир бир оғир гуноҳи бор шекилли», – дея ўйлардим мен. – Хўш, шундай экан, нимага энди у уйига кета қолмайди! Ҳа, бунга дилидаги кибру ҳавоси, ғурури халақит берса керак. Бинобарин, башарти, яқинлари уни ҳайдаб солишган бўлса, уларнинг ёнига қай юз билан ҳам қайтиб борарди, ахир?!»

Мен деярли ҳар куни кечқурун Магги билан дийдорлашардим, Глан эса ўшандан сўнг бу қиз билан бир марта ҳам гаплашмади. Мен Маггининг энди ҳеч нарса чайнамай қўйганини сездим, ҳа, чиндан ҳам, у энди ҳеч нимани

чайнамасди, мен бундан жуда хурсанд бўлиб, ўзимча: у кавш қайтаришни бас қилибди, ҳар ҳолда битта ёмон иллатидан фориғ бўлибди, бунинг учун уни аввалгидан икки карра кўпроқ севмоғим лозим! – дея ўйлардим. Бир куни у Глан тўғрисида сўраб қолди. Жуда ийманиб, оҳистагина қилиб: «У касал бўлиб қолмадими? Ё кетиб қолмадими?», – деди.

– Агар у тўнғиз қўпиб, кулбаи вайронасида ўлиб-нетиб қолмаган бўлса ёки хайр-маъзурни ҳам насия қилиб, бу ерлардан жуфтагини ростлаб қолмаган бўлса, демак, у айни пайтда, уйида думалаб ётган бўлиши керак. Менга бунинг умуман қизиғи йўқ. У менинг жонимга тегиб кетди.

Аммо биз меҳмонхонага яқинлашганимизда, Гланни кўриб қолдик. У меҳмонхона ҳовлисидаги бўйрада қўлларини боши ортига олиб, мовий осмондаги парқу булутларга тикилганча, узала тушиб ётарди.

– Ана, у, жуда кўргинг келаётган бўлса, қара, ётибди, узала тушиб, – дедим мен.

Магги эса шу тобдаёқ унинг ёнига югургилаб кетди, мен ҳатто унинг қўлидан тутиб қолишга ҳам улгуролмадим. Қиз унинг ёнига борди-да, хурсанд бир оҳангда деди:

– Мана, кўриб қўй, мен энди ҳеч нарсани чайнамайдиган бўлдим! Кўряпсанми, қуш патларинимам, пулниям, бошқа қоғозларниям умуман оғзимга солмайман! Энди сираям сигирга ўхшамайман... кўряпсанми?

Глан унга истар-истамас бир қараб қўйдида, тағин осмонга нигоҳларини қадади, биз эса Магги билан ундан узоқлашдик. Мен қизни ўз ваъдасини бузиб, тағин Глан билан гаплашгани учун уришганимда, у менга шунчаки Глан-

нинг жаҳлини чиқариш учун ёнига борганлигини ва ўз гапларини худди шу боисдан унга айтганини билдирди.

– Ҳа, башарти, унинг жаҳлига тегмоқчи бўлсанг, майли, бунга эътирозим йўқ, – дедим мен, кечириш оҳангида. – Бироқ, сен Гланга ёқиш учун ҳар нарсани чайнаб юриш одатингдан воз кечмадингми, ишқилиб? – сўрадим ундан.

Қиз жавоб бермади. Бу нимаси тағин. Ҳали у менинг саволимни жавобсиз ҳам қолдирадиган бўлибдими?

– Қани айт-чи, уни деб ёмон одатингдан воз кечдингми? – такрор сўрадим, овозимни баландлатиб.

– Йўқ, йўқ, – жавоб берди у, – буни сен учун қилдим.

Ҳа, майли, ўзим ҳам шундай деб ўйлагандим. Қолаверса, нимага энди Магги Гланнинг гапларига амал қилиши керак экан, у ким бўлибди-ки...

Магги кечқурун ёнимга келишга ваъда берди ва айтган пайтида ҳузуримга келди.

5

У соат ўнларга келди, мен унинг овозини эшитиб турардим. У бир болакайнинг қўлидан тутиб турар ва алланималар ҳақида баланд овозда гапирарди. Нега у бу ерга ёш болани бошлаб келдийкин, нега энди у бир йўла уйга кира қолмади? Уни кузатиб турарканман, менда унинг бу баланд овозда гапириши, шунчаки, кимгадир етказилиши лозим бўлган шартли белги, яъни ишора эмасмикан, деган шубҳа пайдо бўлди,

қолаверса, у болакайга гапира туриб ҳам, ўз нигоҳини чордоқдан, яъни Гланнинг деразасидан олмаётганини ҳам пайқадим. Глан қизнинг пастдаги ғала-ғовур овозини эшитиб, бош ирғайдими ёки қўл силтайдими, буни билмадим. Бироқ, шу нарса аниққи, башарти болага танбеҳ берар экансан, томга қараб аланг-жаланг қилишнинг зинҳор ҳожати йўқ. Ҳа, бу нарсаларга менинг ҳам ақлим етади.

Шу тобда менда шартта чиқиб унинг қўлларидан ушлаб ичкарига олиб кириш истаги пайдо бўлди, аммо бахтга қарши у ўзи тутиб турган болакайнинг қўлларини қўйиб, уни жойида қолдирди-да, ўзи бизнинг меҳмонхонамиз эшигидан ичкарига кирди. Мана, ниҳоят, мен ҳозир унинг боплаб адабини бераман.

Мана, мен Маггининг эшикдан қандай кириб келаётганини эшитиб турибман, янглишишим мумкин эмас, мана, у деярли менинг хонам ёнига етиб келди. Бироқ у менинг хонамга кириш ўрнига, тепадан, чордоқдан осилтириб қўйилган қўлбола арқонли нарвонга тирмашиб, Гланнинг ҳужрасига чиқа бошлади, ҳа, мен буни жуда аниқ-тиниқ эшитиб турибман. Мен ўз хонам эшигини ланг очиб, даҳлизга чиқаман, аммо Магги аллақачоноқ юқорига кўтарилиб кетибди. Унинг орқасидан «шалоп» этиб юпқагина бўйра эшик ёпилади ва мен шундан сўнг деярли ҳеч нарсани эшита олмай қоламан. Буларнинг ҳаммаси роппа-роса соат ўнларда содир бўлганди.

Мен ўз хонамга кираман, қўлимга милтиғимни оламан, бамайлихотир ўтириб олиб, уни ўқлашга тушаман, ҳолбуки, бу пайтда аллақачон атрофга

тун чўккан эди. Ярим тунда мен юқорига кўтарилиб, Гланнинг кулбачасига бўйра эшикчаси ортидан туриб, ўғринча қулоқ тутаман. Мен Магги шу ердалигини ва улар жуда бир-бири билан тил топишиб олганини билиб, яна пастга тушаман. Тунги соат бирларда тағин юқорига чиқаман, аммо энди уларнинг овози эшитилмайди, атроф сув қуйгандек жимжит. Мен эшик олдида улар қачон уйғонишларини кутиб ўтираман. Соат уч, тўрт ҳам бўлди. Ниҳоят, соат бешда улар уйғонишди. «Ҳа, яхши бўлди!» – дея ўйлайман ўзимча, зеро, шу тобда миямда ана шу бемаъни ва аҳмоқона фикрдан ўзга бирорта сўз йўқ эди. «Ҳа, улар ниҳоят уйқудан уйғонишди, бу яхши, жудаям яхши!» – тамом-вассалом. Аммо шу пайт меҳмонхона бекасининг хонасидан аллақандай шовқин эшитилгандек бўлди ва мен, ўзимни бу ерда Гланнинг эшиги олдида учратиб қолишларидан чўчиб, яна шоша-пиша пастга ўрмалайман. Глан билан Магги уйқудан уйғонишди, аслида уларнинг нималар ҳақда гаплашишларини эшитганимда яхши бўларди-ку, аммо энди бунинг иложи йўқ, пастга тушишга мажбурман.

Пастга тушиб эса қуйидаги ўйлар хаёлимдан кечди: «Мана, Магги худди мана шу ердан, менинг эшигим ёнидан ўтди, эшигимга ҳатто елкаси ҳам тегиб ўтган бўлса ажабмас, бироқ, у менинг эшигимни очмади, йўқ, тепага, ноқулай бўлса-да, арқонли нарвонга, мана шу атиги тўртта поғонали арқон нарвонга тирмашиб бўлса-да, Гланнинг чордоғига чиқиб кетди». Менинг бугун ҳатто тўшагим ҳам ғижимланмаганди, мен унга ётишни ҳам истамасдим, шу боис дераза ёнига ўтирдим-да, милтиғим-

ни созлашга тушдим. Менинг юрагим шу тобда гўё урмаётгандек, балки алланечук бир тарзда титраб-титраб кетаётгандек туйиларди.

Орадан ярим соатлар ўтиб, мен тағин Маггининг нарвондан тушаётганини эшитдим. Деразага қапишган кўйи унинг уйдан қандай қилиб чиқиб кетаётганини кўриб турардим. Унинг эгнида ҳатто тиззасига ҳам етмайдиган калта чит юбкача, бўйнида эса Гланнинг жундан тўқилган шарфи бор эди. Бошқа ҳеч нима киймаган, юбкаси эса обдан ғижимланган. У жуда секин юриб борарди, дарвоқе, у ўзи доим ана шундай, шошилмасдан қадам ташларди, айтганча, у кета туриб менинг деразам томонга бир марта ҳам қараб қўймади. Ҳа, у шундай кетди, кўздан ғойиб бўлди.

Тез орада Глан пастга тушди, у қўлидаги винтовкасини овга шай қилиб, тўлалигича ўқлаб олган, тағин ов жараёнида нимаики лозим бўлса, ҳаммасини тахт қилган, юз қиёфаси эса ниҳоятда хомуш эди. Бугун у менга ҳар кунгидан фарқли ўлароқ, таъзим қилиб салом беришни истамади. У нимагадир алоҳида ҳафсала билан кийингандек эди. «Куёв боладек ясаниб олганини-чи!» – дея ўйладим мен.

Мен ҳам апил-тапил нарсаларимни йиғиштириб, унинг ортидан эргашдим. Ҳар иккимиз ҳам миқ этмасдан борардик. Дастлаб дуч келганимиз иккита қирғовулни шафқатсиз тарзда отиб, тилка-порасини чиқариб ташладик, сабаби бугун иккимизнинг ҳам қўлимизда винтовка эди. Шундай бўлса-да, қирғовулларни бир амаллаб тозаладик-да, бир дарахт остида гулхан ёқиб, пиширибедик. Дарвоқе, булар-

нинг ҳаммасини бизлар ўзаро чурқ этмасдан қилдик. Шундай қилиб, вақт ҳам тушга яқинлаб қолди.

Глан кутилмаганда менга қараб қичқирди:

– Сиз милтиқни аниқ ўқладингизми? Тағин арзигулик бирорта ўлжа чиқиб қолса, шошиб қолманг!

– Ҳа, ўқладим, бундан сира хавотир олманг! – дея унга жавобан қичқирдим мен ҳам.

Шунда у бир дақиқага буталар орасига ўтиб, кўздан ғойиб бўлди. Оҳ, ҳозир уни итдек отиб ташлашни шунчалар истардимки! Аммо шошилиб қаёққа ҳам борардим, майли, у ҳам менинг мақсадимни аниқ билади, бир оз ваҳимага тушсин, қилмишларини ўйлаб кўрсин, ахир бекорга менинг милтиғимни ўқлаганим билан қизиқмаётир ахир. Ҳеч бўлмаса, шу бугун умрининг энг сўнгги кунида у кибру ҳавосини, манманлигини йиғиштирса нима бўларкин-а, ясан-тусан қилиб кийинганини қаранг бу олифтанинг... эгнига яп-янги кўйлак илволибди-я, хумпар; афти ангорини атмайсизми, нақд бурнидан қурт ёғилади, тумшуғи осмонда.

Кундузги соат бирларда у ниҳоятда аламзада, ранги қув оқариб кетган бир тарзда ёнимга келиб юзимга тикилиб қолди-да, шундай деди:

– Йўқ, бунга мен ортиқ чидай олмайман! Илтимос қиламан сиздан, яна бир бор текшириб кўринг, милтиғингиз ўқланганми, йўқми, ўқдонингизда патрон борми?

– Сиз ўзингиздан хавотир олсангиз яхши бўларди, ўзингиз милтиғингизни ўқлашни унутманг, – дедим унга жавобан. Дарвоқе, мен унинг нега ҳадеб бундай савол бераётганлигини жуда яхши тушуниб турардим.

Глан тағин бир четга чиқди. Зеро, мен ўз гапим билан унинг асли жойи қаердалигини англатиб қўйгандим-да. Шундан кейин у индамайгина бошини эгиб, жимиб қолди.

Орадан бир соат ўтгач, мен бир каптарни отиб туширдим-да, тағин милтиғимни ўқладим. Мен то милтиқни ўқлаб бўлгунимча, Глан бир дарахт ортига ўтиб, мен чиндан ҳам милтиғимни ўқладимми-йўқми, синчиклаб кузатиб турганлигини пайқадим. Шундан сўнг у ўз-ўзидан баланд овозда қўшиқ куйлай бошлади, тағин денг, тўйда, келин-куёвларнинг шарафига айтиладиган алқов қўшиқлардан бирини. «Тўй қўшиқларини куйлаётир, бунинг устига куёв тўралардек ясаниб олган, – дея ўйлардим мен, – демак, бугун у ўзини дунёдаги энг башанг ва беқиёс зот деб ҳисоблаяпти, шекилли?» Шундан сўнг у менинг ёнимдан ўтиб, бошини қуйи осилтирганча, яна олдимга тушиб олди, у сассиз қадам ташлаб кетаркан, ҳамон тинмай қўшиқ куйларди. У яна милтиғимнинг оғзи остига туриб олганди, менимча, у ҳаммаси ҳозир содир бўлади, шу билан барисидан бир йўла қутуламан, деб ўйлаб, «мана кўриб қўйларинг, ҳатто ўлим олдида ҳам мен тўй қўшиқларини куйлаётирман», – деяётгандек эди, бироқ мен унинг бундай қутқуларига учмадим. Яъниким, ҳеч нарса содир бўлмади, ҳатто у умри бўйи ёд олган қўшиқларини тугатгандан сўнг ҳам ҳеч нарса юз бермади, натижада у бари бир, ортига ўгирилиб қарашга мажбур бўлди.

– Демак, бугун ўлжамиз кўп бўлмайдиганга ўхшайди, – дея кулиб қўйди у, кейин ов пайти-

да олдимга тушиб, қўшиқ айтгани учун мендан узр сўради. Ҳатто, шу пайтдаги унинг табассуми ҳам менга жуда чиройли кўриниб кетди, ҳолбуки, бу табассум асносида унинг кўзлари жиққа ёшга тўлган, лаблари эса пир-пир учарди. Қолаверса, бу кулги ҳам ўзини намойиш қилишининг яна бир кўриниши – «мана шундай қалтис вазиятда ҳам мен кула оламан», – дегандек сохта бир гап эди.

Мен аёл кишимидимки, бунақанги найрангларга учсам, унинг ўзи ҳам буни пайқаб қолди шекилли, кутилмаганда асабийлаша бошлади; у энди ҳадеб атрофимда айланар, ҳали ўнг томонимда, ҳали чап томонимда пайдо бўлиб қолар, ё бўлмаса, кетиб бораётган жойида таққа тўхтаб, мени кутиб турарди. Соат бешда мен кутилмаганда ўқ товушини эшитдим ва ушбу ўқ нақ менинг чап қулоғим остидан шувиллаб ўтиб кетди. Мен кўзларимни ердан узиб, рўпарамга қарадим, Глан бир неча қадам нарида мендан кўзларини узмай тикилганча, серрайиб турар, унинг милтиғи оғзидан бурқсиб тутун чиқаётганди. Бу нимаси, у мени отиб ташламоқчи бўляптими? Мен шундай деб ўйларканман, Гланнинг асл мақсади бошқа эканлигини, яъни тамоман бунинг акси эканини ҳам англаб турардим. Шу сабабдан унга қараб:

– Сиз мўлжалдан адашдингиз, тобора ёмон отадиган бўлиб боряпсиз! – дедим.

Бироқ, у зинҳор ёмон отмасди, қолаверса, у ҳеч қачон мўлжалдан адашмасди ҳам, шунчаки, унинг мақсади – менинг жаҳлимни чиқариш, ғашимга тегиш эди, холос.

– Жин урсин, сизни, ўчингизни олмайсизми? – қичқирди у менга жавобан.

– Ҳамма нарсанинг ўз мавриди бор, – дедим, тишларим орасидан, ғазаб билан.

Хуллас, биз икковлон бир-биримизга хезланиб, юзма-юз туриб қолдик. Шунда Глан бирданига елкасини қисди-да, менга қараб бақириб қолди: «Қўрқоқ! Сиз ўлгудек қўрқоқ, қуёнюрак одамсиз!»

Эҳ, ҳа... ҳали шундайми... У мени қўрқоққа ҳам чиқардими?! Қуёнюрак дедими? Қўрқоқлигимни бир кўрсатай унга... Мен бир силтаб қўлимга милтиғимни тутдим-да, унинг юзини нишонга олиб, тўппа-тўғри афтига қарата тепкини босдим.

Нима эксанг, шуни ўрасан...

Бас, шундай экан, Гланлар оиласининг уни қидиришларидан ҳеч бир маъни йўқ. Анчадан буён фалон марҳум ҳақида хабар берган кишига фалонча миқдордаги пул ҳадя этилиши тўғрисидаги аҳмоқона эълонлар ғашимга тегиб келади. Томас Глан бахтсиз ҳодиса туфайли, яъни Ҳиндистонда ов пайтида дайди ўқ тегиши сабабли оламдан ўтди. Суд унинг исмини, ҳалок бўлган санасини баённомага киритди ва ушбу баённома унинг шахсий ҳужжатлари жилдига тикиб қўйилган. Мазкур баённомада аниқ-тиниқ қилиб ёзиб қўйилган... Глан ўлган, эшитяпсизми, ўлган ва у айнан дайди ўқ тегиши туфайли ҳалок бўлган. Тамом-вассалом...

БУЮКЛАРНИ-ДА ҲАЙРАТГА СОЛГАН АДИБ

Кнут Гамсун ва унинг «Эдварда» (аслиятда «Пан») романи хусусида таржимондан мухтасар сўнгсўз

Кнут Гамсун... Аксарият ўзбек китобхонлари Нобель мукофотига сазовор бўлган норвегиялик бу ўзига хос сўз санъаткорини у қадар яхши билишмайди, билганлари ҳам унчалик кўп эмас, шундай бўлса-да, айрим адабиёт ихлосмандлари унинг баъзи бир машҳур асарлари хусусида эшитишган. Зеро, шу кунга қадар «Жаҳон адабиёти» журнали саҳифаларида, Гамсун қаламига мансуб «Очлик» ҳамда «Виктория» романлари (Қ. Мирмуҳамедов таржимасида) ва бир қатор ҳикоя ва новеллалари (Н. Абдуллаева, В. Файзуллоҳ ва бошқалар таржимасида) нашр этилган. Аслида, ушбу адиб ижодий йўлига назар ташланадиган бўлса, унинг асарлари кўплаб ғарб мамлакатларида, хусусан Россияда ҳам XIX аср охири, XX аср бошларидаёқ машҳурликнинг энг олий даражасига чиқиб улгурган эди. Гамсуннинг беназир истеъдодини эътироф этган адиблар сафида Томас Манн ва Стефан Цвейг, Герберт Уэллс ва Джон Голсуорсиларнинг борлиги, унинг асарларидан А.П.Чехов, А.И.Куприн ҳамда А.М.Горькийлар ҳайратга тушганлиги, қолаверса, бу асарларни рус тилига А.А.Блок ҳамда К.Д.Бальмонт каби сўз заргарлари таржима қилганлигининг ўзи-

ёқ, Кнут Гамсуннинг жаҳон адабиёт оламидаги мақомини белгилайди.

Адабий танқидчилар уни бадиий маҳорат бобида Л.Н.Толстойга, Ф.М.Достоевскийга тенглаштирганлар. Она табиатнинг ҳамда инсоний муҳаббатдек олий туйғунинг беназир куйчиси, инсон қалбида кечадиган энг мураккаб ва зиддиятли туйғуларни ҳам ўта гўзал ва инжа тасвирлар воситасида ифодалашга қодир нозик дидли психолог сифатида Гамсун чиндан ҳам бутун бошли бир авлоднинг, эҳтимол бу сўзни авлодларнинг ҳам дея айтиш мумкиндир, ақлу шуурини эгаллаб олган ёзувчилардан бири эди.

Мана, адиб вафотидан кейин орадан 60 йилдан кўпроқ вақт ўтди, бироқ у ёзган асарлар то ҳануз ўзининг оҳорини тўкмаган, худди шу кунларда битилгандек таассурот уйғотади, кишида, улар ҳали-ҳамон ўқувчилар қалбини ҳаяжонлантириб, барчани бирдек ўзига маҳлиё этиб келмоқда.

Кнут Гамсун 1859 йилнинг 4 августида оддий ва камтаргина ҳаёт тарзига эга қишлоқ тикувчиси оиласида дунёга келади. Унинг ҳақиқий фамилияси – Педерсен бўлиб, у ўз фамилиясини кейинчалик, 1862 йилда оиласи билан кўчиб ўтган қишлоқ шарафига Гамсун дея ўзгартирган. Адибнинг болалик ва ўсмирлик даврлари, Норвегия шимолидаги ниҳоятда гўзал ва шу билан бирга ўзига хос ўзгарувчан табиати билан машҳур Нурланн деган ҳудудда кечади. Турмуш қийинчиликлари туфайли меҳнат фаолиятини жуда эрта бошлаган адиб, бор-йўғи бошланғич мактабдагина ўқишга муваффақ

бўлади; кичик ёшидан этикдўзга шогирд, почта идорасида хизматчи, турли чакана савдо ташкилотларида сайёр сотувчи бўлиб ишлайди. Ёшлик йилларида ҳаётнинг турли жабҳаларида кечган меҳнат фаолияти давомида олган таассуротлари Гамсуннинг келажакда яратилажак кўплаб асарлари учун ҳаётий манба бўлиб хизмат қилди. Гамсуннинг «Сирли одам. Нурланнда кечган муҳаббат тарихи» деб номланган илк қиссаси 1877 йилдаёқ, яъни у ҳали 18 ёшли ўспиринлик пайтида нашр қилинганди. Бироқ, таассуфки, унинг ушбу мўъжаз китоби ва ундан кейин нашр юзини кўрган «Янги дийдор» деб аталган шеърий қиссаси, шунингдек, «Бёргер» номли ҳикояси ҳам ўқувчиларни ўзига жалб қила олмади.

Бироқ, 1888 йилда Гамсуннинг ижодий ҳаётида мутлақо янги бир босқич бошланди, дейиш мумкин. Зеро, айни шу йилда адиб, Америкага қилган саёҳатларини якунлайди ва Европага қайтиб, Копенгагенга кўчиб келади ҳамда шу ердаги «Нью Йорд» («Янги ер») номли журналда муаллифини кўрсатмаган ҳолда, кейинчалик ҳақиқий ёзувчи сифатидаги эътирофларга сазовор бўлган ўз дебюти «Очлик» романидан айрим қисмларни чоп эттиради. Мазкур роман тўлиқ тарзда 1891 йилда нашрдан чиқади ва ўқувчилар қўлига етиб бориши биланоқ, муаллифга ақл бовар қилмас даражада шуҳрат келтиради. Мазкур асар хусусида биринчилардан бўлиб фикр билдирган машҳур даниялик ёзувчи Эрик Скрам ўз таассуротларини шундай ифодалайди: «Ушбу китобнинг адабий фазилатлари уни замона-

вий европа адабиётининг энг яхши асарларига тенглаштириш имконини беради... Гамсуннинг исми энди ЭНГ БИРИНЧИ ёзувчилар рўйхатига киритилиши муқаррар».

Бундай кутилмаган муваффақият Гамсунга гўё янги парвозлар учун қанот бахш этгандек бўлди. У ўша йилиёқ, замонавий адабиётнинг аҳволи хусусидаги туркум маърузалари билан чиқа бошлайди, мазкур маърузаларда у ўзининг ижодкор сифатидаги эстетик тамойилларини баён қилади.

Гамсун ўз дастурини шундай ифодалайди: «Замонавий психолог сифатида энди менинг ўз қаҳрамонларимни фалон миқдордаги вазиятларда ўзларини фалон бир тарзда тутишларини тасвирлашимнинг ўзигина етарли бўлмайди; замонавий психолог сифатида мен энди уларнинг қалбларини тадқиқ этмоғим лозим. Мен уларнинг юрагида, кўнглида нима борлигини билиш учун қаҳрамонларим қалбини бўйига ҳам энига ҳам кезиб чиқмоғим керак, турли ракурслар, нуқтаи назарлар воситасида уларнинг энг сирли ва ҳеч ким етиб бора олмайдиган пучмоқларига кириб боришим лозим».

Гамсун ҳаққонийликни бадиий асарга қўйиладиган талабларнинг энг биринчиси дея тақдим этар экан, у мазкур тушунча остида нафақат ижтимоий воқелик фактларининг ҳаққоний ифодаланишини кўзда тутади, шу билан бир пайтда, у ҳаққонийлик деганда, инсон онгида юз берадиган жараёнларнинг бутун эврилишлари, зиддиятлари билан, ниҳоятда жиддий ва пухта, мукаммал тарзда тасвирланишини ҳам ҳисобга олади.

«Чин маънодаги санъаткор, ижодкор адибнинг вазифаси, – дейди у, – қаҳрамонлари муайян ғоялар ва тамойилларнинг шахсларга кўчирилган нусхаси бўлиб қолмайдиган, балки, ички олами турли ва ранг-баранг хусусиятларга, туйғуларга эга, тирик инсонлардан иборат асарларни яратишдир. Бу мақсадга эришиш учун эса, – дейди Гамсун, – аввало, бадиий асарларни ҳар қандай тарзда бўлсин сохта ахлоқийлаштиришга уринишдан воз кечиш, шунингдек, бадиий ифоданинг янгидан-янги воситаларини қидириб топиш зарур».

1894 йилда нашр этилган «Пан» романи Гамсуннинг яна бир улкан ижодий ғалабаси сифатида эътироф этилди. (Дарвоқе, ушбу романни биз айрим мулоҳазалардан келиб чиқиб, хусусан ўзбек китобхонлари норвегия халқ оғзаки ижодига хос бўлган ривоятларда борлиқ табиатнинг, жумладан, ўрмонларнинг валинеъмати бўлмиш Пан тимсоли борлигидан бехабарлиги ва ушбу атама бизларда асосан феодал даврда Польша, Чехия, Белоруссия ҳамда Украинада феодал, бой ҳамда бояр маъноларида қўлланилиб, сўзма-сўз таржимаси «жаноб» ёки «хўжайин» деган маъноларда тушунилишини инобатга олиб, асар етакчи образларидан бирининг исми – «Эдварда» номи билан тақдим этмоқдамиз. *Таржимон – М.О.*) Ушбу асар туфайли унинг ўқувчилари чин маънодаги мухлислари сафи янада кенгайди ва мазкур роман то шу кунга қадар муаллиф ижодининг энг юқори чўққиларидан бири ҳисобланади.

Биринчи жаҳон уруши ҳамда иккинчи жаҳон уруши оралиғидаги даврда Гамсуннинг ёзув-

чи сифатидаги шон-шуҳрати ўзининг энг олий нуқтасига кўтарилади. 1920 йилда унга Нобель мукофоти берилади ва унинг асарлари Европанинг барча тилларига таржима қилинади, натижада Гамсун энди дунё миқёсидаги машҳурлар сафидан муносиб ва мустаҳкам ўрин олади.

Гамсун 1952 йилнинг 19 февралида Норвегиянинг ўзига қарашли Нёрхольм қўрғонида вафот этади.

Адибнинг «Пан « (яъни ўзбек тилида «Эдварда») романи юқорида таъкидлангандек, унинг энг машҳур ва оммалашган романлари сирасига киради. У илк бор нашр этилган 1894 йилдан то шу кунга қадар ўқувчиларнинг чексиз муҳаббатига, адабиётшуносларнинг эса қизиқишларига сабаб бўлиб келмоқда. Адабиётшунос олимларнинг таъкидлашларича, XX аср бошларида «Пан» романи Россияда энг кўп ўқиладиган китоблардан бири бўлган экан.

Бу ҳақда таниқли рус адиби А.И.Куприн 1908 йилда чоп этилган «Кнут Гамсун ҳақида» номли мақоласида шундай ёзади: «... ушбу роман... бамисоли, намхуш баҳор кунларидан бирида, боғингизда кутилмаганда барқ уриб очилган ва сиз илгари ҳеч қачон учратмаганингиз, ёввойи бир гулнинг ифорини эслатади...» Айни шу мақолада биз А.П.Чеховнинг ҳам биринчилардан бўлиб мазкур романни «ғаройиб ва ҳайратомуз асар» дея олқишлаганлиги ҳақида билиб олишимиз мумкин.

Хўш, ушбу романнинг узоқ йиллардан буён кенг ўқувчилар оммасини бу қадар ўзига ром этиб келишининг сири нимада? Бизнингча, бунинг биринчи ва энг муҳим сабаби – асар-

да муаллиф барча давр кишилари учун абадий армон бўлиб келаётган идеал муҳаббат тўғрисидаги орзуларини ўзига хос поэтик тарзда ифодалай олганлигидадир. Илло, мазкур асарда инсоннинг интим туйғулари дунёси бутун борлиғи, бетакрорлиги билан, ўзининг мураккаб чигалликлари-ю зиддиятлари, беғубор орзу-интилишлари-ю, янглиш хатолари, шодликлари-ю изтироблари билан беназир ва бетакрор маъно ҳамда ранг жилоларида намоён бўлади.

Романнинг бош қаҳрамонлари Глан ва Эдварданинг муносабатлари тарихи асносида муҳаббат туйғуси уларнинг номатлуб ғурури, беҳуда кибру ҳавоси, ўзи севган кишининг қалби ва юраги устидан ҳукмронлик қилишдек эгоистик, худбинларча истаклари билан тўқнаш келади ва муросасиз курашга киришади. Еванинг тақдирида эса ишқ-муҳаббат бамисоли илк яратилмиш давридаги каби бокира, соф ва самимий, беқиёс садоқат ва жонисорликка лиммо-лим туйғу тарзида очиб берилади. Яна бир қаҳрамон жаноб Макнинг қалбини доимий банд қилган ичиқоралик ва ҳасаддек қора ўй-фикрларнинг мудҳиш моҳияти эса, олдиндан қанчалар пухта ўйланган бўлмасин, бари бир миси чиқиши муқаррар бўлган қабиҳ қотиллик туфайли фош этилади.

«Пан» романида муҳаббат тасвири муаллиф томонидан бевосита табиат тасвири билан омухта, деярли чамбарчас ҳолда олиб борилади. Шимол ёзининг улуғвор поэтик руҳга йўғрилган тасвирий лавҳалари китобхон кўз олдида қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари тавсифига ҳамоҳанг тарзда намоён бўлади

ва бу тавсифларга янада ёрқинроқ романтик бўёқ, руҳий кўтаринкилик бахш этади. Гамсун ўз асарида табиатни ғаройиб тарзда жонлантиради, уни кўплаб хаёлий-фантастик махлуқоту мавжудотлар билан тўлдириб ташлайди ва энг қизиғи асардаги ушбу мавжудотларнинг бариси одамзот ҳаётига мутлақо дахл қилмаган ҳолда, ўзларича умргузаронлик қилаверадилар. Ва ушбу беғубор хилқат, яъниким ҳали инсоний тамаддун томонидан тасарруф этилмаган ўзига хос табиат, муаллиф талқинида ақлнинг совуққон назоратига тобе бўлмаган соф инсоний туйғуларнинг энг сўнгги паноҳи бўлиб қолади.

Гамсуннинг «Мистериялар» романига келиб, муаллифнинг табиат ва шаҳар тамаддунини бир-бирига қарама-қарши қўйишга интилиши янада яққолроқ кўзга ташланади: асар қаҳрамони Нагель фақатгина табиат қўйнидагина ўз зиммасига олган масъулиятли вазифадан, тўғрироғи, мажбурий ролидан халос бўлиб, ўзини эмин-эркин ҳис эта олади. «Пан» романи қаҳрамони Томас Глан эса ўзи онгли равишда одамлардан узлатга чекинади, айни шу мақсадда шаҳарни тарк этиб, кимсасиз ўрмондаги қоровулхонадан қўним топади, бироқ шу тарзда у бир-бирига тамоман қарама-қарши ва зинҳор ўзаро бир-бирини тан олмайдиган иккита дунё оралиғидаги ҳудудга, яъниким – икки ўт орасига тушиб қолади.

Глан то Эдварда билан тасодифан учрашиб қолгунга қадар, ўрмонда ўзини бахтли санарди, аммо Эдвардани кўриб, уни севиб қолгач, муҳаббати уни ўзи биқиниб олган қўрғони-истеҳкомидан чиқишга, тағин инсоний тамаддун

дунёси билан мулоқот қилишга мажбур этади. Маҳаллий жамоатчилик вакиллари орасида Глан ўзининг ички эркинлиги, ҳурлигини, ўзига нисбатан ишончини йўқотади ва натижада турли бемаъни ва ғайриоддий қилмишларни амалга оширади, албатта, бундай хижолатли вазиятлардан унинг ўзи ҳам чексиз изтиробларга тушади.

Еванинг ўлими ва муҳаббат борасидаги Эдварда билан олиб борган жангу жадаллари роман қаҳрамони Томас Гланни аянчли бир хулосага олиб келади, унга кўра: худди одам қадами етмаган ибтидоий табиат бағрига «қайтиш»нинг имкони бўлмагани каби, идеал муҳаббат тўғрисидаги орзуларнинг амалга ошмоғи ҳам пуч хаёлдир. Қанчалар бетакрор ва ғаройиб бўлмасин, вақти келиб ҳайратомуз шимол ёзи ҳам ниҳоя топади ва Глан Эдварда билан бир умрга видолашади.

«Пан» романида ҳам Гамсун худди бир пайтлар «Очлик» романида қўлланилган баён услубининг композицион тамойилига мурожаат қилади, яъни бунда: бўлиб ўтаётган воқеа-ҳодисалар ва қаҳрамоннинг ички кечинмалари тўғрисида биринчи шахс номидан баён этилади, айни пайтда ушбу воқеалар ва улар ҳақда ҳикоя қилинаётган вақт орасидаги масофа аниқ белгилаб қўйилади.

Аммо, «Очлик» романи қаҳрамонидан фарқли ўлароқ, ушбу романда воқеаларни баён қилиб бераётган ровий Глан, мазкур воқеа-ҳодисаларнинг бевосита иштирокчиси бўлган Глан билан бутунлай қўшилиб кетади; унинг ўз ҳикоясига киришиш чоғидаги руҳий ҳолати ҳам

бундан икки йил муқаддам бошидан кечирган ҳиссиётларининг тўғридан-тўғри натижасидир. Ва ушбу ҳолат китобхонларни асар қаҳрамони зинҳор ўз хотираларидан қочиб кета олмаганлигига, қолаверса, бунга ожиз эканлигига, гарчи у ҳикоялари асносида бот-бот, ҳамма нарса эсидан чиқиб кетганлигини такрорласа-да, аслида Эдвардага нисбатан бўлган эҳтиросли муҳаббатидан ҳали-ҳамон халос бўла олмаслигига яна бир карра ишонтиради.

«Гланнинг ўлими» новелласи эса «Пан» романи қаҳрамонлари ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг мантиқий якуни ҳисобланади. Унда ҳикоя қилинадиган воқеалар икки қаҳрамон бир-биридан ажралиб кетганларидан кейин, олти йил ўтгач юз беради. Гланнинг ўз ақлу шуурини тамоман банд этган туйғулар исканжасидан, тўғриғоғи бандилигидан халос бўлишга охирги уриниши ҳам натижасиз бўлиб чиқади. Унинг ўлими – муҳаббатнинг қудрати олдидаги ожизлигини сезиб қолган ҳамда ўзининг шахсий ҳурлигини йўқотиб қўйишдан қўрқаётган киши томонидан амалга оширилган, яхшигина ниқобланган ўз жонига суиқасддан бошқа нарса эмас.

Новелланинг ўзига хослиги шундаки, унда ровийлик, яъни ҳикоя қилувчилик вазифаси Глан томонидан ўзини маҳв этиш қуролига айлантирилажак шахсга берилади. Қаҳрамоннинг фожиаси, унга нисбатан тобора нафрати ошиб бораётган кишининг туйғулари, ўй-фикрлари орқали тасвирланади; айни шу жиҳат туфайли ҳам ҳикоя янада теранроқ, мукаммалроқ мазмун касб этади.

«Гланнинг ўлими» новелласида Гамсун атайлаб воқеа содир бўлган жойни ва умуман ўз қаҳрамонларини қуршаб турган теварак-атрофни аниқ-тиниқ тасвирламайди, балки, аксинча, сир тутади. Ҳиндистон бу ерда – шунчаки шартли экзотик декорация, адиб тасвирлаётган конфликт ва можароларнинг трагик мазмунини янада қуюқроқ, аниқроқ, контраст ҳолатида тасвирлаш имконини берувчи ўзига хос тасвирий фон, холос.

Айрим тадқиқотчиларнинг кузатишларича, Гамсун мазкур новелласидаги маҳаллий аҳоли вакилларини тасвирлашда машҳур рассом Гоген мўйқаламига мансуб картиналардаги таитилик аёллар қиёфасидан фойдаланган. (Зеро, Гамсун Парижда бўлганида мазкур рассомнинг шахсий кўргазмасида иштирок этган ва ижодкорнинг картиналари унга кучли таъсир кўрсатган эди.)

Шу ўринда роман ва новелла ўртасидаги мувофиқлик борасидаги бир ҳолатга алоҳида диққат қаратиш жоиз бўлади. Сюжетга кўра «Гланнинг ўлими» новелласи «Пан» романининг эпилоги, яъни хотимаси ҳисобланади, бироқ ушбу новелла 1893 йилдаёқ, яъни Гамсун мазкур романини ёзишга киришишидан анча илгари битилган бўлиб, ўша йили «Самти ден» («Бугунги кун») журналида чоп этилган эди. (Адиб томонидан 1894 йил 21 январь санаси қўйилган бир мактубда у: «Мен энди ўзимнинг янги китобимни ёза бошладим, унда иштирокчи шахслар кам, бироқ иштирокчи қалблар, яъни қалбларнинг иштироки ниҳоятда кўп», – дея ёзганди.)

Демак, муаллиф аввалбошданоқ, шу тарзда ўқувчилар эътиборига ўз романининг фожиали бир тарзда якун топиши ҳақида ҳамда ушбу якун асарда тилга олинган қайноқ ҳис-туйғулар, эҳтиросларкурашини тасвирлашда янада кучлироқ бўёқдорлик бахш этиши муқаррарлиги ҳақида маълум қилади. Шу боисдан ҳам айрим тадқиқотчиларнинг «Гланнинг ўлими» новелласини «Пан» романининг хотимаси эмас, аксинча муқаддимаси, дея эътироф этиш керак, деган гапларида ҳам мантиқий асос бордек туйилади...

Муҳтарам китобхон, нима бўлганда ҳам мана, мазкур асарнинг ўзбек тилидаги варианти Сизнинг ҳукмингизга ҳавола этилди ва уни Сиз ўзгача ҳис-ҳаяжон ва қизиқиш билан ўқиб чиқдингиз. Романнинг номи нима сабабдан «Эдварда» деб ўгирилганлиги ҳақида юқорида қисман айтиб ўтдим. Бироқ, назаримда асарнинг қандай ном билан аталиши у қадар муҳим эмас, муҳими мазкур асарда қаламга олинган воқеа-ҳодисалар, унинг қаҳрамонлари қалбидан кечаётган ҳис-туйғулар бўрони сизнинг руҳиятингизга, онгу тафаккурингизга нечоғлик таъсир қилишида. Илло, ушбу асар чиндан ҳам буюк ва армонли, ҳар бир дақиқаси рангин кечинмаларга, изтиробларга лиммо-лим муҳаббат қиссасидир. Ушбу асарни ўқиб, бежизга шунча йиллардан буён мазкур роман теграсида баҳсу мунозаралар тугамаётганлиги боисини ўзингиз кашф этишингиздан, Кнут Гамсундек буюк сўз санъаткори мухлислари сони ҳеч қачон ниҳоя топмаслигига амин бўлишингиздан умидворман.

Зеро, бу асар қалбингизга муҳаббатдек олий туйғуга эҳтиромни сингдиради, ишқни, хусусан, унга кўрсатилажак садоқат ва вафони қадрлаш лозимлигини англатади. Бинобарин, асар мутолааси асносида Сиз МУҲАББАТ деган олий туйғу ҳазрати Одамдан бошлаб то шу кунга қадар ва бундан кейин ҳам ҳар бир кишининг қалб гавҳари, маслагию матлаби, уни мудом улуғ ишларга, эзгуликларга чорлагувчи йўлчи юлдузи бўлиб қолаверишига қайта-қайта иқрор бўлганингизга шубҳам йўқ.

Ўзим эса бир ижодкор, таржимон сифатида Сиз азизларга шундай маънавий баҳраварлик онларини бахш этганлигимдан беҳад бахтиёрман. Гўзал асарларга ошнолик, сўз санъати ва сеҳрига ошуфталик қалбингизни асло тарк этмасин, азиз китобхон!

Камоли эҳтиром ила
Муҳиддин Омон.

5.06.2015 йил,
Тошкент шаҳри.

МУНДАРИЖА

Эдварда (Пан). *Роман*..... 3
Гланнинг ўлими. *Новелла*..... 232
Буюкларни-да ҳайратга солган адиб
(таржимондан сўнгсўз) 265

Адабий-бадиий нашр

КНУТ ГАМСУН

ЭДВАРДА (ПАН)
роман

Муҳаррир
Маъмура ҚУТЛИЕВА

Мусаҳҳиҳ
Суннат МУСАМЕДОВ

Бадиий муҳаррир
Уйғун СОЛИҲОВ

Техник муҳаррир
Сурайё АҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Нигора УМАРҚУЛОВА

Лицензия рақами: AI № 252, 2014 йил 2 октябрда берилган.

Босишга 2015 йил 07.09да рухсат этилди.
Бичими 84x108 1\32.
Босма тобоғи 8,625. Шартли босма тобоғи 14,49.
Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.
Адади 5000 нусха. Буюртма № 165.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди ва чоп этилди.
100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:
Нашр бўлими – 278–30–52;
Маркетинг бўлими – 128–78–43. факс – 273–00–14;
e-mail: yangiasravlodi@mail.ru

«Янги аср авлоди» НММ
«Камолот кутубхонаси» рукнида
қуйидаги янги китобларни нашр этди:

АСҚАД МУХТОР
«Чинор»
84x108 1/32, 576 бет, қаттиқ муқова

Асқад Мухторнинг бу романи шарқ адабий анъаналарини эслатувчи янги бир шаклда ёзилган. Чинорнинг азим шохларидай ҳар томонга тарвақайлаб кетган қиссалар жонли воқеликни акс эттирса, унинг теран илдизлари – ҳикоятлар яқин ўтмиш ҳақида, ривоятлар эса пилдираб учган япроқлар сингари енгил, улар бадиий тафаккур қанотида қадим афсоналарга бориб туташадилар...

Буларнинг ҳаммаси ҳам бир ўзбек оиласи ҳақида. Бу оила катта, қадимий, маданий, меҳнаткаш ва шу маънода «тагли-зотли». Унинг ҳар бир аъзоси халқ ҳаётида маълум бир масулиятли юкни ўз зиммасига олган. Жонажон тупроққа чуқур томир ёйган, бақувват ва қадимий Чинор мангулик рамзи, халқимиз тимсолидир.

О' ГЕНРИ
«Ишбилармон кишилар»
84x108 1/32, 256 бет, юмшоқ муқова

Асли исми Уилям Сидней Портер (1862 – 1910) бўлган О' Генри дунё адабиётига Американинг энг машҳур ҳикоянавис адиби сифатида танилган. У ўзининг қисқа умри давомида сермаҳсул ижод қилди, уч юзга яқин ҳикоялар ёзиб қолдирди. Бу ҳикояларида О' Генри Америка ҳаётининг ранг-баранг жиҳатларини, инсон қалби ва характерини турфа образлар тимсолида турлича бўёқларда маҳорат билан тасвирлаб бера олди.

Азиз китобхон! Мазкур китобга кирган О' Генрининг энг сара ҳикоялари рус ва инглиз тилларидан ўзбекчага таржима қилиниб, ҳукмингизга ҳавола этилмоқда. У сизларга манзур бўлади деган умиддамиз.